

Хофиз  
Хоразмий  
Деволи



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
Х. С. СУЛАЙМОНОВ НОМИДАГИ  
ҚУЛЕЗМАЛАР ИНСТИТУТИ



82-2635

Ургенчская  
ЦЕС

УЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
Х. С. СУЛАЙМОНОВ НОМИДАГИ  
ҚУЛЕЗМАЛАР ИНСТИТУТИ  
38291

1-КИТОБ

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти  
Тошкент — 1981

Нашрга тайёрловчилар:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ароби, Беруний мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор **Ҳамид Сулаймон** ва филология фанлари кандидати **Фозила Сулаймонова**.

Масъул муҳаррирлар:

Филология фанлари доктори, профессор **А. Р. Рустамов**, филология фанлари кандидатлари **Ш. Шарипов**, **М. Раҳматуллаева**.

### ҲОФИЗ ХОРАЗМИИ

Ҳофиз номи тилга олинар экан, одатда, ҳар бир китобхон дарҳол жаҳонда ўз даврининг беқиёс лирик шоири сифатида шуҳрат қозонган форс адабиёти классиги, сеҳрли ғазаллар ижодкори Ҳожа Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозийни (1320—1389) ҳаёлига келтиради. Ҳақиқатан ҳам Ҳофиз Шерозийнинг беназир шеърӣй даҳоси уни дунё адабиётининг энг буюк шоирлари қаторига қўйди. Ҳофизнинг гуманистик ғоялар ва ҳақиқӣй инсонӣй туйғуларни тараннум этувчи ғазалиётидан, ҳаминша барҳаёт нафосат чашмасидан ҳам Шарқ, ҳам Ғарбдаги қанчадан-қанча улкан шоирлар баҳраманд бўлганлар, тарбия топганлар. Ўрта Осиёда Октябрь революциясигача мадраса ва мактаб дарсликларидан Саъдий, Жомӣй, Навоӣй, Фузулий, Мирзо Бедил қатори Ҳофиз Шерозӣй ҳам жой олган ва отабобларимиз шоир ғазалиётда тарбия топган эдилар. Эндилликда Ҳофиз таҳаллуси билан ўзбек тилида ижод этган иккинчи бир йирик санъаткорнинг тўлиқ девони Ҳиндистонда топилди<sup>1</sup>.

XV асргача Ўрта Осиё адабиётда форс-тожик тили ва адабиёти ҳануз ҳукмрон мавқега эга бўлиб, ўзбек тили ва адабиёти ўз ҳуқуқини тўлиқ эгаллаш учун курашаётган бир замонда ўзбек адабий тилида улкан бадӣй мерос яратган Ҳофиз Хоразмӣйдек шоир меросининг топилиши ўзбек классик адабиёти тарихида ўзига хос янги саҳифа очди.

Адабий меросимизни тинимсиз излаш ва тўплаш жараёнида қўлга киритилган бебаҳо дурдоналар орасида фавқулодда учрайдиган «дурри ятим»лардан бири, ҳозиргача фан оламига маълум бўлмаган ўзбек дунёвий адабаётининг йирик намояндаси Ҳофиз Хоразмӣйнинг 37264 мисрадан иборат поэтик меросини ўз ичига олган қўлёзма девони Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридан топилди. Европанинг энг бой қўлёзма хазиналари бўлмиш Лондон, Оксфорд, Кембридж, Париж кутубхоналаридаги ўзбек адабиёти, фани ва маданияти тарихига оид барча қўлёзмаларни кўриб, улар орасидан энг мўътабарлари микрофильми ва фото нусхаларини Ватанимизга, республика Фандар академиясининг Алишер Навоӣй номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзма фонди хазинасига олиб келиб қўшган эдим. Аммо, улар фан учун қанчалик аҳамият касб этмасин, ҳеч бири Ҳофиз Хоразмӣй қўлёзма девони даражасида кашфиёт кучига эга бўлмаган эди.

Ўтмишда Мовароуннаҳр ва Хуросонда яратилган маданий

<sup>1</sup> Қаранг: «Правда» газетаси 1979 йил, 25 январь сони.

мероснинг қанча қанчаси феодализм жамиятига хос босқинчилик урушлари, ўзаро низо ва талон-тарожлар, жаҳолат, фанатизм ва турли фалокатлар оқибатида ном-нишонсиз йўқолиб кетган эди. Лекин ҳали фанга маълум бўлмаган илм-фан, адабиёт ва санъат асарларининг айрим намуналарини чет эл китоб хазиналари, айниқса, олим, шоир, фозил кишиларнинг шахсий кутубхоналаридан топилишига ишончимиз комил эди. Шу сабабдан қадимий меросимиз намуналарини тўплаш ишида диққатимни хорижий Шарқ мамлакатлари, айниқса Ҳиндистон кўпроқ ўзига жалб қилиб келди. Чунки бу қизиқиш катта тарихий ҳақиқатга асосланган эди.

Маълумки, узоқ асрлар давомида Ҳиндистон билан Мовароуннаҳр ўртасида давом этиб келган кўп тармоқли иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар, ҳамкорлик, хусусан, бу хил алоқаларнинг бобирийлар даврида (уч аср мобайнида) яна ҳам тараққий этиб, ривож топиши мамлакатнинг янги моддий ва маънавий тараққиёт босқичига кўтарилишига хизмат қилди. Бобирийлар даврида Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга борган алломалар билан бирга кўплаб қўлёзма китоблар ҳам ўтиб кетганлиги турли манбаларда озми-кўпми зикр этилган. Шу сабабдан Ўрта Осиё халқлари адабиёти, жумладан, ўзбек халқи яратиб қолдирган адабий меросимизни тўплашда Ҳиндистондан умид катта эди. Шу билан бирга, Бобир ва бобирийлар ҳинд халқи тарихида қандай роль ўйнаган, халқларимиз ўртасидаги узоқ асрлик тарихга эга бўлган дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари, санъат, адабиёт, маданият обидаларида қандай из қолдирган? Хуллас, ҳар икки халқ ўртасидаги маданий алоқалар прогрессив инсоният учун нималар берди? Шу проблемаларни текшириш ва Ҳиндистон тарихи, маданиятини ўрганиб, Ўрта осийлик ота-боболаримизнинг ҳинд мулкида босиб ўтган ҳар бир қадамидан изма-из бориб, уларнинг фаолияти билан танишиш ва ҳар бир тарихий воқеага марксистик методология асосида чинакам илмий-объектив баҳо бериш ишида ўз ҳиссамни қўшиш орзуси бор эди. Орзу амалга ошди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейининг хорижий мамлакатлардаги адабий меросимизни ўрганиш ва тўплаш мақсадида мунтазам равишда олиб бораётган археографик экспедицияларининг навбатдагиси 1975 йил 26 мартдан 26 майгача Ҳиндистон дорилфунунлари, кутубхоналари, Давлат архивлари ва музейларидаги шарқ қўлёзмалари хазиналарида ўтказилди.

Икки ой давом этган Ҳиндистон сафарида мен билан бирга шогирдларимдан филология фанлари кандидати Саидбек Ҳасан иштирок этди. Биз Ҳиндистоннинг йирик тарихий-маданий марказларидан Деҳли, Бомбай, Мадорас, Алигарх, Лакхнов, Ҳайдаробод, Агра шаҳарлари ва Кашмир пойтахти Сринагарда бўлиб, у ерлардаги давлат ва шахсий кутубхоналарда сақланаётган 80 мингдан ортиқ форс, араб ва туркий тиллардаги қўлёзма китобларнинг номи, муаллифи билан фондларнинг ички картотекалари орқали танишдик. Ўзбек, озарбайжон, фарс-тожик адабиёти ва фани тарихига оид 254 қўлёзмани ажратиб, уларнинг тавсифи берилди. Бу қўлёзмалар орасида шох асар Ҳофиз Хоразмий девонининг Ҳайдарободдан топилган бебаҳо нусхаси эди.

1975 йил 18 май, якшанба куни. Биз Ҳайдарободнинг машҳур ва муҳташам маърифат маконларидан бири Салоржанг музейининг шарқ қўлёзмалари хазинасида ишлар эдик. Музей хазинасидаги 8122 та қўлёзмадан фақат 27 тасигина туркий тилда бўлиб, улардан 6 таси бадий асарлар эди. Туркий қўлёзмалар сонини оз бўлганидан ва бу асарларни ўрганувчи мухтаassisлар йўқлигидан бўлса керак, мазкур ўзбек ва озар тилидаги 27 қўлёзма тавсифи Салоржанг музейи чоп эттирган беш жилдлик каталогга ҳам киритилмаган. Бу қўлёзмалар ҳақидаги жуда қисқа маълумот фақат музей картотекасида мавжуд эди, холос. Шу картотека билан танишиш асносида 4298 рақам остидаги қўлёзма картотекасига «Девон-и Ҳофиз ба забон-и туркий», жумласи ёзилгани диққатни жалб этди. Мен дарҳол мазкур қўлёзмани талаб қилдим. Қўлёзмани хазинадан чиқариб қўлимга тутқазганларида мени ҳаяжонга солган биринчи нарса девоннинг ўзбекчалиги ва катта ҳажми эди. Қўлёзманинг турли шарақларини очиб, қайси бир газал матлаъи ёки «Ҳофиз» тахаллуслик мақтаъни ўқимайин, борган сари ҳаяжоним ғолиб кела бошлади, чунки асар ғоятда равои ўзбек адабий тилида ёзилган эди. Девонни эҳтиёт қилиб шарақлар эканман, у қўлёзмалар оламида жуда кам топиладиган ва менинг Шарқ қўлёзмаларини ўрганганидаги 40 йиллик тажрибамда биринчи учраган ноёб жавоҳирдай бўлиб кўринди.

Китобнинг охиридан баъзи шарақлар йўқолгани сабабли қўлёзманинг китобат тарихини аниқ билиб бўлмади. Аммо, қоғози, снэхти, хат услуби ва бошқа қатор палеографик аломатларига кўра, қўлёзма XIV—XV аср ўрталарида кўчирилгани шубҳасиз эди. Дастлаб, ҳинд олимлари маълумотларига биноан мен ҳам мазкур қўлёзма Ҳофиз Шерозий девонининг ўзбек тилига ағдарилган таржимаси бўлса керак, деган фикрда бўлдим. Аммо, Ҳофиз Шерозий девонининг асл нусхасини топиб муқояса қилишга вақт етишмади. Қўлёзманинг фотонусхасини олдирадиган бўлганимдан, тўла-тўқис тадқиқот ишлари Тошкентга қолдирилди.

Ҳиндистон археографик экспедициясидан қайтгач, беш ойдан сўнг мазкур қўлёзманинг ксерографик нусхасини олишга муяссар бўлдик. Уша ондаёқ қилинган биринчи иш бу девонни Ҳофиз Шерозий девонини нусхасига бирма-бир солиштириш бўлди. Натижа шуни кўрсатдики, қўлёзмадаги биронта ҳам шеър Ҳофиз Шерозийники бўлиб чиқмади. Қўлимиздаги бебаҳо асарнинг қиммати биз ўйлагандан ҳам ортиқ эди. Девонни синчиқлаб ўрганиш натижасида ва шеърлардан топилган аниқ маълумотларга кўра мазкур қўлёзма девон XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг ўрталаригача янаб ижод этган, ҳозиргача тарихда маълум бўлмаган, хоразмлик ўзбек шоири Абдулрраҳим Ҳофизнинг девонини бўлиб чиқди.

Ҳофиз Хоразмий қўлёзма девонининг топилиши муносабати билан, табиийдирки, шоир ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва унинг ҳақида тарихий манбалар, қолаверса, илмий адабиётларда бирор маълумот бор-йўқлигини аниқлашдек кўп машаққатли вазифани ҳал қилиш зарурияти туғилди. Ҳофиз Хоразмий ва унинг меросини аниқроқ билиш учун ўзбек, форс-тожик ва озар адабиётларига оид жуда кўп тақрир, баёзлар, Совет Иттифоқи хорижий Шарқ ва Ғарбда чоп этилган катта-ки-

чик ҳажмдаги барча асосий каталоглар, Шарқ адабиёти тарихига оид турли-туман қўлёзма манбалар ва ҳар хил босма асарларни бирма-бир кўздан ўтказдим. Натижада Ҳофиз номи ёки тахаллусига эга бўлган 156 киши тарихда ўтганлиги маълум бўлди. Аммо бирор манбада Ҳофиз Хоразмий номи, қўлёзмасининг бошқа бирор нусхаси ёки шеърларидан намуналар учрамади. Дарҳақиқат, XIV—XV асрлар ўртасида яшаб, ўз даври савиясига нисбатан ўзбек тилида шу қадар улкан бадийий мерос қолдирган Ҳофиз Хоразмийдек йирик санъаткор ҳақида тарихда, биз топган девон қўлёзмасидан бошқа ҳеч қандай из топилмаслиги, ҳатто Ҳофиз Хоразмийнинг Алишер Навоийдек улуғ шоирга ҳам номаълум бўлиши ақл бовар қилмаслик даражасидаги ҳайратомуз бир ҳолдир!

Нима учун Ҳофиз Хоразмий бу даражада асрлар қаърига кўмилиб кетган, нима учун асарларидан бирор мисраси бошқа манбаларга кирмай қолган, нега уни тарихий манбалар тилга олмайди? Дафъатан қараган одамга унинг номи ва асари тарих саҳифасидан қасддан ўчирилгандай кўринади. Ҳофиз Хоразмий гаңдирининг бунчалар шафқатсизликларга гирифтор бўлишининг боиси нимада? Бу муаммоларни ҳозирча ҳал этиш гоятда мушкулдир.

Ҳофиз Хоразмийнинг яшаган даври, замондошлари ва ўз ҳаёти ҳақидаги қимматли маълумотларни унинг қасида, ғазал, қитъа ва рубойларигина бера олади. Бинобарин, шоир биографиясини яратишга журъат қилар эканмиз, ҳозирча ян-каю-ягона ва ишончли манба сифатида фақат унинг ўз девонига суяна оламиз, холос.

Ҳофиз Хоразмийнинг асли исми Абдурраҳим эканлиги девондаги еттита форсча ғазалларида Раҳим ёки Абдурраҳим номи тахаллус сифатида келтирилганлигидан маълум. Фикримизча, тахаллус ўрнида келган бу оддий ном, ҳали ўзига махсус тахаллус танлашни эп билмаган ёш шоирнинг ўз исми бўлиши керак. Бу исми у бир ўзбекча ғазалида ҳам тахаллус сифатида ишлатади:

Ул ёрдин жафо манга нозу наим эрур,  
Ағёрнинг вафоси азоб-и<sup>1</sup> алим эрур.

Хос ўз қулинга лутф этиб раҳм қилса ёр,  
Мухлис қадимий қул анга Абдурраҳим эрур.

(Девон, 157-бет, 199-ғазал)

Нима учун ёш шоир Абдурраҳим кейинчалик ўзига Ҳофиз тахаллусини қабул қилган? Фикримизча, бу, икки сабабдан келиб чиққан бўлса керак: биринчидан, Ҳофиз Хоразмий ўзининг машҳур замондоши Ҳофиз Шерозий бадийий даҳосида тарбияланиб, уни ўз пири-мураббийси сифатида эътироф этиши ҳақиқатга яқин кўринса, иккинчидан, ёш Абдурраҳимнинг ўзбек тили, адабиёти ва маданиятининг тўла ҳуқуқи учун кура-

1. Бу ва кейинги ўринлардаги изофа кўмакчиси «и»ни дефис билан ёзиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Қаралсин: А. Рустамов, Изофалар имлоси, «Ўқитувчилар газетаси», 1977 йил, 30 январь.



шувчи, жасоратли ва оташин ватанпарвар экани билан изоҳланади. Аниқроғи, шоир Абдурраҳим ўзбек шеърлятида ҳам Ҳофиз Шерозийдек забардаст санъаткор бўлишини орзу қилган. Ўзбек халқи ҳам ўз она тилида яратилган ишқий, фалсафий шеърятдан кенг кўламда баҳраманд бўлмоғи лозим, деган эзгу тилаклари, унинг дунёқарашидаги халқчиллик ғоялари билан боғлиқ кўринади. Кейинчалик Абдурраҳим Ҳофиз таҳаллусини қабул қилган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи бир ғазалида шундай ёзган:

Ҳофизни кўрунг ушбу замон турк тилинда,  
Гар кечди эса форсада ул Ҳофиз-и Шероз.

(Девон, 279-бет).

Бу мисраларни шу қадар баралла ёзишга Ҳофиз Шерозийдек буюк шоир билан ижодий беллашишга қодир, етук санъаткоргина журъат қилиши мумкин эди. Демак, классик адабиёtimиз тарихида Навоийга қадар XIV аср охири ва XV аср бошларида ўз адабиёtimда биринчи ўлароқ мукаммал девон тартиб этган шоир Ҳофиз Хоразмий бўлган дейишимизга тўла асос бор. Ўзбек шеърлятининг Ҳофиз даъвосини қилган хоразмлик Абдурраҳимнинг бизгача етиб келган улкан бадиий мероси унинг ўз даъвосида ҳақли эканининг очиқ исботидир. Ҳофиз таҳаллуси унинг девонидаги ғазаллар мақтаида мингдан ортиқ ўринда учрасада, шоирнинг тўлиқ номи Ҳофиз Хоразмий экани эса фақат икки ўриндагина кўрсатиб ўтилган:

Вилоёту каромоту карам ўзиндин издаю,  
Бўлубдур Ҳофиз-и Хоразмий жони бирла Кирмоний.

(Девон, 18-бет).

Иноят бирла сўз бобинда ёри кўргузур бўлса,  
Ошурғай Ҳофиз Хоразмий шеърин фарқи  
шуародин.

(Девон, 22-бет).

Мазкур икки байтдаги фактларга суянган ҳолда, шоир номи Ҳофиз Хоразмий деб юритиш мақсадга мувофиқдир ва шу ном таркибидаги «Хоразмий» сўзи уни Ҳофиз Шерозийдан ажратиб туради.

Девондаги жуда кўп мисоллардан маълум бўлишича, Ҳофиз Хоразмий Шерозийнинг кичик замондоши бўлган. Ҳофиз Шерозий 1389 йили вафот этганида Ҳофиз Хоразмий етук шоир бўлган бўлса керак. Агар Темурнинг Хоразмга юришлари даврида Ҳофиз Хоразмий Шерозга бориб қолган бўлса, у тақдирда, форсигўй Ҳофиз билан туркигўй Ҳофизнинг бир-бирлари билан учрашган, танишган бўлишлари эҳтимолдан узоқ эмас.

Ҳар иккала Ҳофиз умрининг кўп қисмини Шерозда ўтказганлар. Ҳофиз Шерозий билан Ҳофиз Хоразмийнинг прогрессив дунёқараши, фалсафий концепциялари, гуманизм, ижодий метод ва маҳорат бобидаги қатор муштарак ҳоллари уларнинг

бир давр, бир ижтимоий-сиёсий тузум ва маданий муҳитда яшаганликларидан дарак беради. Дадил айтиш мумкинки, Ҳофиз Хоразмий Ҳофиз Шерозий анъаналарини биринчилардан бўлиб ўзбек шеърятига олиб кирган, айниқса ғазал жанрини мазмунан бойитган улкан санъаткор бўлган. Қуйидаги байт бу фикримизни тасдиқловчи равшан далилдир:

Шерозий туркларга элтунг бу шеърниким,  
Сурдум бу тавр узра Ҳофиз бикни каломе.

(Девон, 549-бет).

Амир Темур 1379—1388 йиллар мобайнида бир неча бор Хоразмга юриш қилиб, ўлкани талон-тарож этгани, айниқса 1388 йилда Урганччи ер билан яксон этиб, у ерда маданият қайта бош кўтаролмайдиган аҳволга келтиргани тарихдан маълум. Шу пайтда вайрон бўлган мамлакат халқи ўз бошидан не не фожиа ва мусибатларни ўтказмади. Хоразм халқининг илғор фарзандларидан қанча-қанча олим, шоир, маданият арбоблари, ҳунарманд, касиб, савдогарлар бошпана излаб турли хорижий мамлакатларга тўзғиб кетганларида етук шоир Ҳофиз ҳам даҳшатли фалокатлар азобини тортгани ҳақиқатдан узоқ эмас. Унинг:

Ҳофиз, санинг қадрингни гар Хоразм аҳли билмаса,  
Азм-и Ироқ айлаб равон, оҳанг-и Шероз этгасен.

(Девон, 395)

Ёки:

Ҳофизга наво тегмаса Хоразмда, андин  
Қилгай эди оҳанги Ҳижоз ила Сипоҳон.

(Девон, 437-бет)

дея ўз аҳволи руҳиясини баён этувчи автобиографик байти худди шу пайтда шоирнинг Хоразмда эканлигидан дарак беради. Чунки хонавайрон бўлган юртнинг абгор халқи Ҳофиз каби санъат өгаларининг қадрига етадиган аҳволда эмас эди.

Ҳофиз Хоразмий 1390 йиллардан сўнг, аҳтимол XV аср бошларида ўз ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлган, деб тахмин қилиш мумкин, ёки 1414 йили Шероз тахтига ўтирган Иброҳим Султон таклифи билан Шерозга борган бўлса ажаб эмас. Дастлаб у қайси мамлакатларда бўлганлиги номаълум. Гарчи шоир ўз асарларида Ироқ, Ажам, Хуросон, Форс, Исфажон, Нирмон, Шероз, Табриз, Самарқанд, Бухоро, Хўжанд каби ўлка ва шаҳарлар номларини тилга олса ҳам, Ҳофизнинг чет элда асосий истиқоматгоҳи форс ўлкасининг пойтахти Шероз бўлган.

1405 йили Темур вафотидан сўнг унинг кенг қулоч отган давлатини идора этиш учун меросхўрлари ўртасида кураш кетди, натижада пойтахти Ҳирот ҳисобланган Хуросон ўлкасини Шохрухнинг ўзи сўради, 1409 йили Мовароуннаҳрга катта ўғли Мирзо Улугбекни ҳоким қилиб тайинлаб, Самарқанд тахтига ўтказди. Эронда форс ўлкасини идора этишни кичик ўғли

Султон Иброҳимга топширди. 1414 йили Шероз тахтига ўтирган Султон Иброҳим 21 йил форс ўлкасини идора этиб, 1435 йилда вафот этган. Ҳофиз Хоразмий Шерозга Султон Иброҳим тахтга чиқмасдан аввал бориб қолганми ёки сўнг борганми, бизга номаълум. Аниги шуки, шоирнинг:

Гулистон юзлу, эй соқий, санинг ишқинг манга  
жондур,  
Ичалим боданиким, давр-и Иброҳим-и Султондур.  
Санову ҳамд этадур яратган биру боринга,  
Ушул Султон замонинда бу Ҳофизким газалхондур.  
(Девон, 149-бет)

байтлари, унинг биринчидан, Шерозда яшаганини тасдиқласа, иккинчидан, хронологик жиҳатдан шоир ҳаётининг сўнгги йиллари Эронда (Форсда) Султон Иброҳим ҳукмронлик қилган даврга тўғри келганини кўрсатади. Юқоридаги шеър мазмунига диққат қилинса, Ҳофиз Хоразмий ўзини Султон Иброҳим даври газалхони дейиши уни саройга яқин, замонасининг несиқадам шоирларидан эканига очиқ ишорадир.

1435 йили Султон Иброҳим вафот этганида Ҳофиз Хоразмий унга атаб махсус марсия ёзади. Шу марсия тўғрисида биз шоирни 1435 йилда ҳали ҳаёт эканини аниқлай оламиз. Ҳофиз яна қанча умр кўрган, қачон вафот этган ва қарерга дафн этилганлиги ҳозирча номаълум. Аммо Темурнинг Хоразмга юришлари даврида, Хоразм аҳли олдида қадрсизлигидан шикоят қилган Ҳофиз, шубҳасиз, XIV аср охиридаёқ етук шоир бўлиб, ёши 30—40 атрофларида бўлмоғи керак. Агар биз унга XV асрдан яна 35 йилни қўшсак, у Султон Иброҳим вафоти чоғида мўйсафид бўлиб, ёши 65—75 атрофида бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Шоир Шерозда турғун бўлиб қолганидан ўша ерда вафот этиб, ўша ерда дафн этилган дейиш мумкин.

Ҳофиз ўз шеърятининг дунёвий мазмуни, гуманистик руҳи ва фалсафий теранлиги, юксак бадиияти билан бошқа замондошлари орасида ўз даврининг илғор идеологи, сўз санъатининг мумтоз ва етук вакили сифатида қад кўтариб туради. XIV ва XV асрлар ўртасида ўтган, Ҳофиз Хоразмийга яқин даврда яшаган ўзбек шоирлари Ҳайдар Хоразмий, Сайид Аҳмад, Лутфий, Атоий, Гадоний, Саккокий, Яқиний, Аҳмадий, Амирий, Хўжандийлардан бизгача етиб келган адабий мерос Ҳофиз Хоразмий девони ҳажмидан камдир. Бинобарин, қадимий ўзбек адабиёти ва адабий тилининг ажойиб, бебаҳо ёдгорлиги бўлмиш Ҳофиз девонини ҳар ёқлама ўрганиш, шоирнинг адабиётимиз ва маданиятимиз тараққиётига қўшган ҳиссасини аниқлаш энди бошланажак илмий тадқиқотларнинг биридир.

Абдулрахим Ҳофиз Хоразмий девони қўлёзма нусхаси Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Салоржанг музейидан топилгани учун, манбашуносликда қабул қилинган аъёнага мувофиқ, биз уни шартли равишда Ҳофиз девонининг Ҳайдаробод нусхаси деб атадик.

Аммо девоннинг ягона қўлёзма нусхаси қандай қилиб Шероздан марказий Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрига бориб қолганлиги, қандай қилиб Салоржанг музейи қўлёзмалари хазинаси мулкига айлангани ҳақида маълумотлар йўқ.

Аниқроғи шуки, Ҳофиз ўз девонини энг кечи билан Султон Иброҳим вафоти арафаларида, яъни XV асрнинг 30-йилларида тасниф этган бўлиши керак. Девон ундан кейин тасниф этилганида 1435 йил Султон Иброҳим вафотига атаб ёзилган марсия, албатта, девон таркибидан жой олиб, кейинчалик бошқа котиб қаламида кўчирилиб қўлёзмага қўшиб қўйилмаган бўлур эди. Шунингдек девоннинг тузилиш тарихи XV асрнинг 30-йилларидан аввалроқ бўлиши ҳам ақлга сиғмайди. Чунки 1435 йилда ҳали ҳаёт, ижод этиш қобилиятига эга бўлган шоирнинг XV асрнинг 30-йилларига қадар бўлган ижодининг девондан ўрин олмай четда қолиб кетиши мантиқдан узоқдир. Девонга жамланган 18632 байт ҳажмидаги шеърларнинг гоёвий мазмуни, бадий камолоти, ранг-баранг жанрлари, девоннинг тугалланган эканлиги, қўлёзма эса ўз ичига Ҳофиз Хоразмий поэтик меросини асосан тўлиқ олганлигини кўрсатиб турибди. Демак шоир ҳаёти охириги йилларининг тасниф-тарихи 1430—1435 йиллар ўрталарига тўғри келади. Сўнгра Ҳофиз Хоразмий қанча умр кўрган, қанча ёзган, қўлимиздаги девонга кирмаган шеърлари бўлса (бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас) уларнинг тақдирини нима билан тугаган? Бу тўғрида бирор нарса дейишга асосимиз йўқ.

Қўлёзма кўп ўқилиб, уринган, китоб охиридан рубойлар ёзилган бир-икки варағи жузвидан ажралиб, муқова билан йўқолган, 386—387 варақлар ўртасида «нун» ҳарфидаги газаллар бошланишидан ҳам қанчадир варақ йўқолган, аммо девоннинг қолган қисми мукамал сақланган. Қўлёзманинг қачон, ким томонидан кўчирилганлиги ҳақидаги маълумот фикримизча ана шу йўқолган варағида бўлиши мумкин эди. Афсуски, йўқолган бет фан учун муҳим маълумотларни ўзи билан олиб кетган. Аммо шунга қарамай, хат услуби, қоғози, сиёҳи ва бошқа белгиларига кўра қўлёзма XV асрнинг 30-йиллари Шерозда китобат қилинган деб тахмин қилса бўлади.

Қўлёзманинг жиддий нуқсони шуки, у қачонлардир зах жойда сақланиб, намда қолган. Шу сабабдан жуда кўп варақларини сув доғлари босган. Қўлёзма ҳошияларини қурт еб, галвирак қилиб юборган, аммо матнга зарар етмаган. Асар Шерознинг ишак қоғозига, бошидан охиригача XIII—XIV аср Эрон китобатига хос бўлган насх хатида бир текисда диққат билан, гоёта саводли кўчирилган. Фақат Султон Иброҳим вафотига атаб ёзилган марсия бошқа, малакали хатот томонидан, сўнгги даврнинг шалди роқ новвогранг қоғозига, типик настаълиқ хатида кўчирилиб, девондаги қасидалар охирига (Девон, 52—58-бет) кейинчалик қўшиб қўйилган. Қора сиёҳ билан ёзилган матн ҳар бетга икки устунда жойлаштирилган. Қўлёзманинг барча бетларида матн оддий жадвал ичига олиниб, варақлар охирига пойғир қўйилгани туфайли, кўчирувчи томонидан варақлар рақамланмаган. Мен хазина раҳбарининг рухсати билан қўлёзманинг бошидан охиригача қалам билан бетма-бет рақамлаб чиқдим.

Қўлёзманинг варақлар сони 586. Умумий формати 15×26 см.

хошиясиз фақат матн формати 12×18 см. Ҳар бетда, сатрлар сони 15 тадан 17 тагача. Қўлёзманинг 1, 58, 59-бетлари ва ҳошиясидаги турли ёзувлар девонга алоқасиз. Кейинчалик девоннинг тоза қолдирилган биринчи бетига «қоф» ҳарфида 30 та ўзбекча сўзлар лугати (қўпормоқ, қўймоқ, қўйдирмоқ, қовурмоқ, қочқоқ, қурсоқ в. б). настаълиқ хатида ёзилган. Шу хат билан биринчи саҳифа юқорисида **ديوان حافظ ترك** («Девон-и Ҳофиз-и турк») жумласи ёзилган. Бундан ташқари яна шунга ўхшаш **ديوان حافظ بزبان ترك** («Девон-и Ҳофиз ба забон-и турк») жумласи алоҳида қоғоз парчасига ёзилиб, 3-бетнинг юқоридаги чап бурчагига ёпиштириб қўйилган. Бу ҳар икки ёзув сўнги асрларда бегона одамлар томонидан битилган.

Китоб оддий насх хати билан кўчирилгани учун бадний қўлёзмалар гуруҳига кирмайди. Шунисига қарамай девоннинг қасидалар ва ғазаллар бошланадиган икки бетига (2 ва 60-бет) Шерозда кўчирилган китобларга хос икки ибтидоий даражадаги унвон ишланган. Биринчи унвон орасига **في التاخييه البازي**

**في الغزليات** жумласи, иккинчи унвон ўртасига **تمالي بشا نه** сўзи сарлавҳа сифатида ёзилган. Ложувард ранг ва олтин суви билан ишланган бу икки унвоннинг XIV—XV асрлар ўртасидаги Эрон китобат санъатига хос услубда экани қўлёзманинг XV аср 30-йилларида кўчирилганини тасдиқловчи омиллардан биридир.

#### ҲОФИЗ ХОРАЗМИЙ ДЕВОНИНИНГ ТАРКИБИ:

##### I. ҚАСИДАЛАР — 9, 439 байт (2—32-бет).

Бошланиши (2-бет)

بادشاهى كيم انينك ذاتيغا يوق شبه و مثال  
آفتاب ذاتى بيرا ملاكى ايرور بى زوال

Охири (4-бет)

.....  
رحمت تيلا يورمن مدام  
جون منيم يازوقدين اوزكا يوق دور ايشيم ماه وسال

Бошланиши (4-бет)

.....  
رسولى بادشاه انبيا  
مصطفى دور مصفيدور مصطفى دور مصتفا

Охири (7-бет)

بى سرو بايى منينك تاك يوق عالم دا ولى  
كوز توتارمن لطفى اياكيندين اوميد موجبا

Бошланиши (7-бет)

اي صورت ايلا آجزو معنى دا مقدم  
هم اول و آخر سنكا جان ملكى مسلم

Охири (9-бет)

كوز ياشيني قان قىلدى فراقينكدا بو حافظ  
يتكور كىل انى وصلينكا اى شاه دمام

Бошланиши (9-бет)

سرداردين احمد ايرور مرتضا على  
خاق جهان كدائى ولى بادشاه على

Охири (11-бет)

اجفالى خوان فضل نى انعام عام اوجون  
حافظ كدا توتوب دور اوميد صلا على

Бошланиши (12-бет)

طالب بولوب ايزدار ايسانك فانى جهان ايجرا بقا  
قالغىل روان جاندين تقى قالما بوعالم غا بقا

Охири (15-бет)

اى رهنماى اتفنا اى بشواى اصفنا  
اى فحر آل مصطفى بيركىل بو حافظغا نوا

Бошланиши (15-бет)

تمام اوزونكنى فرد ايلاب تىلاسانك فيض فردانى  
كوراسن جان كوزى بيرلا بوكون احوال فردانى

Охири (18-бет)

تقى هر نيچا كيم بولسا قضا بيرلا قدر حكيمى  
روان بولسون ايكي سينكا اوزى نينك حكيم و فرمانى

Бошланиши (18-бет)

نشان آيت رحمت كوروندى حق تعالى دين  
يد بيضا هويدا بولدى ايرسا جرخ خضرا دين

Охири (22-бет)

بسى تا بنده و يائنده بولسون غره خورشيدى  
سيهر مملكت اوزرا هميشه حق تعالى دين

Бошланиши (25-бет)

صبا بيكى روان بول ذوق بيرلا باغ و بستانغا  
كيم ايمدى جان بيله عاشق هزار ايرور كلستانغا

Охири (28-бет)

جهان ايجرا امان بولسون هميشه اهل و اولادى  
نيچا كيم بنده ليك قىلسا جهان خلقى ييراتغانغا

Бошланиши (28-бет)

جون صبحدم دم اورغىل سن آه بيرلا هر دم  
كيم اشك و آه دين دور يوز آب روى و اردم

Охири (32-бет)

بولسون وجود باكى دولت ايجيندا باقى  
انوار عام بيرلا تا انقراض عالم

## II. ТАРКИББАНД — I, 40 байт (22—25-бет)

Бошланиши (22-бет)

تا كيم كوروندى بارجاغا شكل هلال عيد  
خط فرح نى جاكدى بو طغرا مثال عيد

Охири (25-бет)

هالم قرى و دولتى آئينك حوان و خوش  
بولسون دوام دولتى ارتوق زمان زمان

## III. ТАРЖЕЪБАНД — 3, 272 байт (32—50-бет)

Бошланиши (32-бет)

بولدى بغيريم كباب عشق اى دوست  
كيتور ايمدى شراب عشق اى دوست

Охири (38-бет)

كيم ايرور عشق طالب و مطلوب  
هالم ايجرا محب و هم محبوب

Бошланиши (38-бет)

شهى كيم حسنى نينك يوق دور قياس  
قيا بقماق بيلا جانغه قياسى

Охири (44-бет)

كيم اول محبوب و مطلوب جهان دور  
قمو هالم تينيدا جان جان دور

Бошланиши (44-бет)

ياد قيلماى بو شه كداسيندين  
بولدى بيكانه آشناسيندين

Охири (50-бет)

كيم ايرور عشق مقصد و مقصود  
قابدى اندين وجود هر موجود

IV. МУХАММАС —1, 45 мисра (50—51-бет)

Бошланиши (50-бет)

ای کیم کورونور لعل لبینک شهد ایلا شکر  
سوز بیرلا لب لعلینک ایرور قند مکرر

Охири (51-бет)

چون دادکر ایлады سنی لطف ایلا داور

V. МАРСИЯ —1, 94 байт (52—58-бет)

Бошланиши (52-бет)

بو وفاسیز فانی عالمدا بقانی ایزدامانک  
درد جانغا ایمدی دین سونکرا دوانی ایزدامانک

Охири (58-бет)

مستجاب ایلاب حافظینک دعاسین ای کریم  
رحمتینک دین بیر اولوش سن سن جور جهان و رحیم

VI. ҒАЗАЛЛАР — 1052, 17559 байт (60—574-бет)

Бошланиши (60-бет)

یراتقان باری قیلغالی جهاننی یوق دین پیدا  
جمال و حسنینا барجاننی قیلدی عاشق و شیدا

Охири (574-бет)

محبت ایجرا قجان بولسا خاکره حافظ  
قالور خلایق ارا اندا یادکار سوزی

VII. МУСТАЗОД —2, 14 байт (568—569-бет)

Бошланиши (568-бет)

ای کوزلاری بادام و سچی دام و یوزی آل  
کیل ترک جفا قیل  
سالما بو هوادارنی کوزدین سوزینی آل  
عشقغا وفا قیل

Охири (568-бет)

حافظ تیلایور عمرنی باتی قدینکدا  
تا بولسا وفادار  
بیر ناز بیلا باقیب ایا غمزه سی قتال  
حافظنی فنا قیل



Бошланиши (569-бет)

جانانه کيم آئينک سوزى جانيمغا يقادور  
شیرين دهنى بار  
دين يوليندا کافر کوزى هم عينى بلادور  
کوب مکرو فنى بار

Охири (569-бет)

يوز تورلو صفا يوزينى کورکان ارا حافظ  
جان بيرلا تىلاکيل  
ارباب حسن بارجامى جون اصل صفادور  
خلق حسنى بار

### VIII. ҚИТЪАЛАР — 31, 139 байт (575—584-бет)

Бошланиши (575-бет)

من انداغ شاهدين سوز اورکانيبمن  
کيم اولدور علم ايجيندا بر کمالى

Охири (584-бет)

عاقبت جون جهاندا قالماسمىز  
يخشى اولدور که يخشى قالما نام

### IX. РУБОИИЛАР — 12, 24 байт (585—586-бет)

Бошланиши (585-бет)

اول کيم کورونور کوزومکا شیرين حرکات  
سوزيندين . . . . . حجل بولور قند و نبات

Охири (586-бет)

اغزى که اينک چشمه حيوان کورونور  
ش . . . . .

Ҳофиз Хоразмий шеърятини билан мукаммал танишиш шунини кўрсатдики, шоир Лутфий, Атоий, Саккокий каби Навоийгача бўлган дунёвий поэзиянинг йирик вакилидир. Тўғри, у ҳам даврининг вакили сифатида тасаввуфга алоқадордир. Бироқ Ҳофиз феодал жамиятининг илғор инсонпарвар, маърифатпарвар вакили сифатида Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий каби тасаввуфнинг прогрессив ифодаси ҳисобланган пантеизмга асосланган. Катта замондоши Имодин Насимий каби феодал зулмига қарши ўта исёнкор бўлмасам ҳам, расмий исломнинг разил вакиллари томонидан ваҳшийларча ҳалок этилган суфизм идеологларидан бўлган Мансур Халложни газалларида ҳурмат билан эслайди. Унинг бутун

шеърини инсон бахт-саодати, унинг эркилиги ва дунёвий ҳаётни куйлашга қаратилган.

Бадий маҳорат ва ўзбек тилида ғоят содда ва раво га- заллар яратишда уни Навоийгача бўлган ўзбек ғазалиётининг беназир устози деса арзийди. Бадий маҳорат, қофия ва ра- дифларни усталик билан танлай билиши, ажойиб лирик об- разлар ярата олиши Ҳофиз Хоразмийнинг етук санъаткорлиги- дан далолат беради. Ҳофиз тили таркибида октябргача бўлган асарларда учрайдиган араб, форс сўзлари нисбатан камдир. Аксинча, халқ тилига яқинлик бор, халқ орзаки ижодидан фой- даланишга эътибор берилган, лекин хоразм шеvasига хос эле- ментлар кўп. Масалан, издамак — изламак, мантак — мендек, бикин — ўхшаш, каби; тикин — дек, сучи — чучук, ширин; гиз- ламак — яширмоқ; казмак — кезмоқ; ичалим — ичайлик; ўш эм- ди — ҳозир, кўрклу — чиройлик; тегай — дегай; теп — деб, тер — дер; тақи — яна; тўлу — тўла; эрон — ёрон; ўрнамак — ўрнашмоқ; карикмас — керак эмас; али, эли — илги, қўли ва шунга ўхшашлар. Фикримизча, Ҳофиз Хоразмийнинг бу нодир асари ўзбек адабиёти ва ўзбек тили тарихи, тарихий грамма- тикаси, лексик бойлигини ўрганишда тенги йўқ ҳужжатдир.

Ҳофиз Хоразмийнинг шеърини мероси илмий жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотар ва бу улкан меросни ҳар ёқла- ма юқори илмий савияда ўрганишга ижтимоий фанлар соҳаси- даги олимлар ўз ҳиссаларини қўшарлар деган умиддамиз.

Ҳофиз Хоразмий девонини нашрга тайёрлашда ўзларининг самимий ёрдамларини аямаган филология фанлари кандидат- лари М. Ш. Ҳамидова, М. Раҳматуллаева, Л. Н. Серикова ва илмий ходимлар М. Иноғомхўжаева, М. Баҳодирова, М. Хай- руллаева ва Б. Абдуғафурова ўртоқларга чуқур миннатдорчи- лик билдираман.

**ҲАМИД СУЛАЙМОН**

Қўлёзмада учраган ўқилиши қийин бўлган сўзлар намунаси.  
17 ва 18-бетларда берилган. Тузувчи Ҳ. Сулаймон.

نورینی

НУРИНИ

چینچوق

ЧИНЧУҚ

مہام

ҲАРДАМ

آمی مکرم

ОЙ БИКИН

کوکوروم

КҮРГУЗУР

اشنی

ЭВИНИ

کرمکمل

КҮРГИЛ

پازموردا

ПАЖМУРДА

دوست

ДҮСТ

اقلاسم

ОВЛОСУН

کچوروم

КЕЧУРУР

بولدا

БҮЛДИ

مہام

МУРДА

مجنم

МАЖНУН

کچورپ

КЕЧУРИП

جایخون

ЖАЙХУН

بۇستون

БҮСТОН


دارد

ДАРД

خردابین	بوند	برمادی
ХУРДАБИН	БУНЁД	БЕРМАДИ
شوخ	ياقین	نتین
ШҶХ	ЯКИН	НЕТИН
بیلدی	بەخون	خولەزم
БИЛДИ	БЕХУН	ХОРАЗМ

حافظ خولەزمی  
 ҲОФИЗ ХОРАЗМИЙ

ساجدا	فرخود	نارخ
САЖДА	ФАРҲОД	НАРХ
ماجره		مجره
		МАЖРУҲ



Яратган бори қилғали жаҳонни йўқди пайдо,  
Жамолу ҳуснига барчани қилди ошиқу шайдо.

Жамоли офтобини жаҳонга жилва қилғали,  
Кўрарсанг бордур (ур) ҳар зарранинг жонинда юз савдо.

Қачон ойна-йи жонинг жамолидин жило топса,  
Жаҳон ичра кўрунгай эрди барча дилбар-и зебо.

Не габру, не мусулмону, не тарсо, не яҳудийлар,  
Не мўмин, не муваҳҳидким, анга қулдур бари ҳаққо.

Беҳишт ичра агар бўлмаса ёди, қаъ-р-и дўзахдур,  
Анинг ёди била дўзах эрур чун жаннат-и аъло.

Шифо қонуи-и ишқиндин синаб жон бирла издарсанг,  
Санга шогирд бўлгай ул замонда Бу Али Сино.

Жаҳон ичра қила кўргил ўшанинг дардини ҳосил,  
Чун ул дурр-и гаронмоя кўрунур ҳосил-и дарё.

Бўлай бу нафсдин кизлай тақи уйла чиқа билсанг,  
Бақо юзини кўргузгай ўшул дам раҳбар-и оло.

Даме кечсанг ўз ўзунгдин, тақи бўлсанг анга восил,  
Ўшул дам ичра кўргайсанки, недур дийда-йи бийно.

Муҳаббат нури бирла дийда-йи жонини қачон равшан  
Қилур бўлсанг, кўрунгай ойинангда маъни-и ашё.

Тилар бўлсанг ҳақиқат мулкида сардор бўлмақлиқ,  
Алиф янглиғ бўла кўргил муҳаббат лавҳида якто.

Агар фард анга боқмайин бу кун ўзингни фард этсанг,  
Нидо келгай санга<sup>1</sup> фардониятдин ул замон фардо.

Вафо-йи жон талаб қилсанг қаба-йи танин хок айла,  
Садафнинг ичра кун топмади қиймат лўлуғи лоло.

Бу ҳарфу савтдин кечти равон жон ўйна Ҳофизким,  
Асир эрур қафас ичра сўзиндин тўтний гўё.

---

<sup>1</sup> Ҳофиз «Девон»и транслитерациясида қўлёзма тили хусусиятидан келиб чиқиб «ман» — «мен», «сан» — «сен», «онинг» — «анинг», «қилайим» — «қилойим» каби айрим қатор сўзлар турли хил ёзилди.

## 2

Дунё-йи дунни тарк этиб, эй дўст, дин тила,  
Ушбу жаҳонга боқма, жаҳон офарин тила.

Ҳақ ёр, ёр бирла тўлудур жаҳон, вале  
Ҳақдин сафову дийда-йи дийдорбин тила

Ганж-и муродни тиласанг бу харобада,  
Кунж-и фароғат издаву нур-и яқин тила.

Хуршид-и ишқдин тиласанг зарратак сафо,  
Меҳру ниёзу дардни муҳр-и жабин тила.

Соҳибқирон-и аҳд бўла билмак издасанг,  
Ҳамдард бирла дойим ўзунгни қарин тила.

Банд-и замонга бандаву вобаста бўлмайин,  
Таҳқиқ бирла шоҳи-и рўй-и замин тила.

Ҳофиз, сўзунгга гар тиласанг тутсалар қулоқ,  
Сўзу ниёзу дард ила оҳ-и ҳазин тила.

## 3

Бўлмаса васл бандага ул юзи моҳ ила,  
Маҳ хирманини кўк уза ёқғайман оҳ ила.

Зулфу қулоқи йинжусини юзида кўруб,  
Тедим қирон қилур бу кеча зуҳра моҳ ила.

Гул ўхшар ул юзина тесам, важҳсиз эрур,  
Чун гулни қилмади киши инсбат гнёҳ ила.

Ушбу бисотда анга танг кўрман ўзгани,  
Чун ҳар пиёда танг бўла билмади шоҳ ила.

Тутди кўнгул вилоятини нозу ғамзадин,  
Оре, тутар жаҳонни шаҳаншаҳ синоҳ ила.

Эй, хурдабин кўзунгда агар бўлмаса қусур,  
Танг кўрма тўтиёни ўшул хок-и роҳ ила.

Даво-йи ишқ маъинси юз сорилиқ эрур,  
Исбот-и даъво қилса бўлур бу гувоҳ ила.

Ол қонима кўз қаро қилмаса ул ҳабиб,  
Ким қасд этар бу жонга бало-йи снёҳ ила.

Ҳофиз гуноҳи ушбуқим, эй жон, сани севар,  
Ўлтурма бегуноҳ они ушбу гуноҳ ила.

4

Жон мулкини тутар кўзи ёрим нигоҳ ила,  
Билман не қилгаман бу бало-йи сиёҳ ила.

Билмади ман гадоёи ниёзиндин ул санам  
Ким, давлат ичра очди кўзин иззу жоҳ ила.

Бўлдум заъиф, оҳ, анинг дарди бирла ман,  
Чун кўҳни киши чека олмади коҳ ила.

Ул оразу жабинни қачонким очар эса,  
Бўлур хижил юзиндин анинг меҳру моҳ ила.

Якто-йи ишқ алиф биқиким қаддим эди, вале  
Чун дол қилди охири зулф-и дутоҳ ила.

Оҳим эшитиб эшикидин чиқса ногаҳон,  
Жон чиқгай эрди бир йўли ул дамда оҳ ила.

Ишқи йўлинда иззати Ҳофизнинг ушбуқим,  
Яксон эрур ҳаммаша ўшул ҳок-и роҳ, ила.

5

Давр-и юзунгда санинг меҳру қамардур пайдо,  
Лаб-и лаълингда тақи шаҳду шакардур пайдо.

Раиғ-и гулни юзуига гарчиким ўхшатурлар,  
Ол юзунгда вале раиғ-и дигардур пайдо.

Ой биқин юзунга ман ошиқ-и ҳайрон бўлали,  
Ўрта орада ҳамин завқ-и назардур пайдо.

Зулфнинг орасидин ой бимин юз кўргуз,  
Кечадур кеча тақи вақти саҳардур пайдо.

Оҳким, ишқинг ўтиндин манга равшанлиқ йўқ,  
Вале жонимда ҳамин сўз-и жигардур пайдо.

Белию оғзиники киши кўргани йўқ ҳеч, вале  
Ғайбнинг оламидин рамзу хабардур пайдо.

Лаб-и лаълинг бида тишинг сифатиндин кўрким,  
Ушбу Ҳофиз сўзида лаълу гуҳардур пайдо.

6

Бўстонда кўрунғали ўшул қомату боло,  
Шамшоду санубар кўрунур бесару бело.

Гулзорға қайда барабилсун кўнглумким,  
Хок-и сар-и кўйи мангадур жаннат-и аъло.

Кўргузса ўшул соид-и сийминни енгиндин,  
Кўрунғай эди равшан ўшул дам яд-и байзо.

Савдозада қилғали савод-и хати мени,  
Бордур кўнгулу жонда ҳамиша сар-и савдо.

Раҳм этмади ул турк-и жафокеш мангаким,  
Кўнгли қошида мум эрур мәрмару хоро.

Онсиз бу кўзум ҳеч жаҳонни кўрабилмас.  
Оламда ўшулдур манга чун дийда-йи бийно.

Ишк йўлида, Ҳофиз, ўзунгни қилакўр фард,  
Эшитмагу кўрмак тиласанг ҳолати фардо.

7

Сарв-и озодим қачон гашт этса гулшан ёнива,  
Шоҳбоз-и кудс келгай ул нишиман ёнива.

Тўлун ой юзи бида бўлғай мунаввар чехрамиз,  
Кеча гар тушса юзининг акси равзан ёнива.

Не ажаб майл айласа кўзум юзини кўргали,  
Чун басорат аҳли борди бори равшан ёнива.

Юз бало юзини келтурур ўшул дамда манга,  
Бир таважжуҳ айласам ул шўх-и пурфан ёнива.

Мажмар-и сийнада жоннинг удини ёқдим мудом,  
Дуд-и оҳим етса теб ул покдоман ёнива.

Кирпуги ёниға заъф ўлғанда борсам не ажаб,  
Ришта чун нозик борур пайваста сўзан ёнива.

Ман бўлубман ушбу маскан ичра бас мискин, вале  
Келмади мискин сўраб шоҳим бу маскан ёнива.



Не ажаб бўлгай бора билмай келурни издасам,  
Жонга тан бормадию, жон келди чун тан ёнина.

Моҳ-и тобонтан юзин кўрмак учун Ҳофиз борур,  
Чун гадолар гашт қилди бари хирман ёнина.

8

Ким ноз айласа шаҳ-и номехрибонина,  
Не шакку шубҳа қилгай ўшул дамда жонина.

Арбоб-и ҳуснига кишиким берса кўнглини,  
Ўтни солур ўз илги била хонумонина.

Булбул бу гул юзини кўруб юз ниёз ила  
Қилди ҳазор ваёф гул-и бўстонина.

Юз тутди ранги зар белининг фикри бирлаким,  
Бағлади зар била камар ўзин миёнина.

Жоним лабинга ошиқи ошифта бўлгали,  
Юз таъна қилди Хусрав Ширин замонина.

Қанд узра руста кўрса набот хатин анинг,  
Таҳсин қилур набот ила шақкар даҳонина.

Ёд айлади сани тею Ҳофиз теди шанга,  
Ман қулни қайда келтирур ул шаҳ замонина.

9

Ким айтқай эса ҳолимни бу дилдоримга,  
Ким кўруб қилмади раҳме бу дилафгоримга.

Мани асрар экан асрамайин не жавр қилур,  
Не айтдилар эса маҳрам-и асроримга.

Хуш эди улким, анинг бирла бор эрди бозор,  
Кўз тикибдур бу дам ул равнақ-и бозоримга.

Гулистон эрди висоли била кўнглум, илло  
Хори ҳасрат тикилиб ул гулу гулзоримга.

Зорий зор мани ҳажр ила ўлтурмас эди,  
Гар қулоқ тутса эди бир нафасе зоримга.

Тушда боре юзин кўргай эдим гаҳ-тоҳе,  
Уйқу келса эди бу дийда-йи бедоримга.

Айтмаслар хабаре хуш тақи ул ёримдин,  
Ҳофиза хаста жигартак кўнгли яримга.

10

Бало-йи ишқдин бўлди кўзумнинг чашмаси дарё,  
Алифтак қаддим ул дарёнинг ичра кўрунур якто.

Қулимман ул жавоннаҳгим, анинг ишқи билла бўлса  
Очилган тоза гул янглиғ шикаста пирлар барно.

Анинг қаддига қул эрур чаманда сарв-и озода,  
Анинг юзинга жон берур гулистонда гул-и раъно.

Ушул дилдор қаддинга бўла билмас эдим ошиқ,  
Вале ошиқ мани қилмиштурур бу ҳаммат-и воло.

Жамолу хусни аксиндин гулистон янгли хуррамдур,  
Анинг хуси-и жаҳонороси токим бўлди жон оро.

Нечаким сирр-и ишқини кўнгулнинг ичра кизларман,  
Ҳадис-и сўзнокимдин бўлур хуршидтак пайдо.

Эрур ул шоҳ волоқадр ҳам маъною сурагда,  
Ким ошинг қаддина келса, либос-и фақр бас зебо.

Хаёл-и зулфидин кўрсанг кеча шўру жунунимни,  
Унут бўлғай ҳикоятни билла Мажнуну ҳам Лайло.

Бошим елга берур бўлса қаро зулфи ҳавсиндин,  
Муҳаббатда манга, Ҳофиз, ўшулдур суду ҳам савдо.

11

Қила билмак тилар бўлсанг қаро зулфи билла савдо,  
Бошингдин кетмасун бир дам ҳаво-йи ишқ ила савдо.

Тушар сарв-и саҳи турлу балога бўстон ичра,  
Қачонким кўргузур бўлса хиром айлаб қаду боло.

Қаю бир ерда сув бўлса, сўғалур ўт ниёзиндин,  
Не ёндин бўлди бас ҳажр ўтидин кўз чашмаси дарё.

— 26 —

Сафо ҳар муддаи топғай эди хусну жамолиндин,  
Кўра билса эди хуршидни хуффош-и нобино.

Нару бол-и маоний бирла ҳар лаҳза уча билғай,  
Қачон парвонатак жон ишқ ўтинга ёнса не парво?

Тариқ-и ишқга барно қачонким тушса бўлур пир,  
Муҳаббат турфа жавҳардур ҳам айлар пирни барно.

Муҳаббатдур ҳамин, Ҳофиз, кўзумга ўзга кўрунмас,  
Ниёзу ноз қилган орада Мажнуну ҳам Лайло.

12

Ой юзунг бикин қани ойна-йи жаҳоннамо,  
Бог-и беҳашттак эрур эшикинг асри дилкушо.

Хусну жамол бирла сен жумла жаҳонда беқий бўл,  
То бўлайим фано-йи маҳз ой юзунга боқа-боқа.

Дардима борму теб даво сўрдум эса лабинг кўруб,  
Айтдинг, эй табиб, жон дардвинга йўқтурур даво.

Ошиқ-и хастадил билла хуш ёришиб ярашақўр,  
Соф қил ойнангни сан издар эсанг баса сафо.

Маъни билла ҳамнаҳким жоним ичинда борсан,  
Суврат ила бироз оз бўлса бўлур ҳам ошно.

Ўзгага не вужуд бор сан бор эканда, эй санам,  
Меҳр қошинда заррача чунки кўринмади Суҳо.

Қилди тамом сўзини тор оғзингни ёд этиб,  
Ҳофиз-и дилшикастага ушбу эрур раҳ-и фано.

13

Жону кўнгуллара худо қилди назар жудо жудо,  
То бўла билса қатралар баҳр-и вужудда ошно.

Толиб-и жудман тесанг тарк-и вужуд айлагил,  
Фонийни бергил элдин, кўргил они боқа-боқа.

Кеч бу жаҳондину равон изда висол аҳликим,  
Баҳри-и вужудини жаҳон издар шабнам-и ато.

— 27 —

Мисс-и вужуд бўлса зар тесанг аё фақир сан,  
Кел аямайин ўзунг изда висоли кимё.

Ташна неча уюғасан баҳр бор эркан, эй фақир,  
Мундоғ уюмоқинг эрур ушбу йўл ичра бас хато.

Фақр йўлинга бос қадам, изда навони дам-бадам,  
Хони жаҳонда чунки йўқ ҳеч наволаға наво.

Ёр қошинда сон санга Ҳофиз қайда бўлғуси,  
Шамси жаҳон қошинда чун кўзга кўрунмади суҳо.

14

Зулфини кўруб чу бўлдум мубтало савдо била,  
Суду сармоя борур, оҳ, эмди бу савдо била.

Ман темасман кўзларингга ғорат-и дин қилма теб,  
Турклар чун ўграубдур доимо яғмо била.

Нисбат этман лаълина тўти-йи шакархониким,  
Нисбати йўқдур анинг тўти-йи шакархо била.

Руҳафзодур лабию қоматим ғамдин чу чанг,  
Рост қилсуи чангни уш эмди руҳафзо била.

Чашма-йи хуршид кўзумдин келиб нур издагай,  
Айласа равшан кўзумни ул рух-и зебо била.

Олий қимматлар қошинда қиммати бас наст эрур,  
Тўбини ҳар ким кўрар танг ул қаду боло била.

Элтсунлар ушбу Ҳофизни равон дўзах сари,  
Остонин танг кўрарса жаннат ул-маъво била.

15

Шаҳдни шарманда қилди шаккарин ул лаб била  
Себнинг жонига солди нор ҳам ғаб-ғаб била.

Сунбулу гул бўстон ичра руху зулфини кўруб,  
Мубталодур ҳасрат ўти ичра тобу таб била.

Давр хатгинда юзи равшан кўзумга кўрунур,  
Моҳ-и тобон хуш кўрунур кўзлара чун шаб била.

Юзи бирла зулфининг акси кўзумга тушгали,  
Зухра доим бурж-и обийда эрур ақраб била.

Дам-бадам лаъли хаёли бирла кўздин қон оқар,  
Андайинким, сувдин оқса тўлу Жайхун лаб била.

Дуд-и оҳимдин ҳазар қилсун ўшул зебо нигор,  
Ким кечадур кечалар зорию ҳам ёраб била.

Ишқининг сўзиндин ўзга сўзламас Ҳофиз даме,  
Чун кечурди умрини бу тавру бу мазҳаб била.

16

Ногаҳон тушсам ўшул турк-и парирўй била,  
Не қилинғай эди билман бу дуогўй била.

Иззат ичра бошима аршдин етишмагай эди,  
Танг бўла билса ўшул хок-и сар-и кўй била.

Жустўжўй этгали ул сарви равонимни равон,  
Борди кўз чашмасидин об баче жўй била.

Юзима юз урур ул дамда гулистон хордин,  
Юзини танг кўрар эрсам гули худрўй била.

Бори олам кўнгли мўймиёвинда дурур,  
Бори оламни чекар нозук ўшул мўй била.

Ман риёзат чека ўш эмди фаришта бўлайим,  
Хуш бўла билсам ўшул шоҳ-и малакхуй била.

Зулфини ёд қилиб, Ҳофиз, агар чаксам мен оҳ,  
Кулли офоқ муаттар бўлса хуш бўй била.

17

Тарк-и жаҳонни қилгилу нақд-и жаҳон тила,  
Кечил равон бу қатрадину баҳр-и жон тила.

Баҳр-и муҳит ичра нишон сазовор эмас,  
Ўзунгни бенишон қилу бас бенишон тила.

Арбоб-и ишқ сузини англамоқ издасанг,  
Бас безабонлар орасина кир, забон тила.

Сав-хи кўнгулда мусхаф-и ишқини тамом ўқиб,  
Сархат ҳазор оламини ашрхон тила.

Бир жон-и бевафони равон рақибга бериб,  
Андин ҳазор жону равон ройгон тила.

Ҳолу рамузи ғайбни издар эсанг мудом,  
Жону кўнгул била назар-и ғайбдон тила.

Фақру фано йўлингга қадамни босиб равон,  
Арш узра ишғоли ўзунгга нардабон тила.

Бу хокдон ичинда неча бўлғасен муқим,  
Хуршиду моҳтоқ сафар-и осмон тила.

Бу хорзор дунёни тарк айла, Ҳофизо,  
Жон булбулисан, эмди равон гулистон тила.

18

Гулистон хурраму хуш бўлди эмди бир нигор изда,  
Тузуб завқу сафо созин шароб-и хушгубор изда.

Сарову саҳн-и гулшанда бўлуб нағмасаро ҳар дам,  
Ўзунга булбулу хушгўйларни дастёр изда.

Бу дамда хонақаҳ кунжи кўринур кўзга чун зиндон,  
Чиқиб зиндондин, эй ошиқ, чаманда лолазор изда.

Бу мунча йўқ бўлгани чу қилди сунъи боре бор  
Бу қудратни кўруб ҳақ ҳазратиндин кору бор изда.

Биҳишту ҳавз-и кавсар сўзи басдурур, дароз эрур,  
Чаманнинг гаштини айлаб канор-и жўйбор изда.

Насим-и жонфишонни олам ичра топмадинг эрса,  
Топар вақтини айталим ани фасл-и баҳор изда.

Агар Мансур бўлмоқлиқ тилар бўлсанг муҳаббатда,  
Ҳамеша Ҳофиз-и шабхез янглиғ зинда дор изда.

19

Бу жондин кечгил, эй ошиқ, тақи жононани изда,  
Гарав қилмоқ учун тан хирқасин майхонани изда.

Шароб-и ишқ бирла тўлудур паймонаву соғар,  
Ушандин холи эрмас соғару паймонани изда.

Бу оқилларнинг илигиндн топулмаса кушод-и дил,  
Бўлуб қаллош ошиқлар аро девонани изда.

Чакиб ошиқлари саф-саф келур майдон-и ишқ ичра,  
Бу мунча саф аро жонбоз ўшул мардонани изда.

Ҳаводис бахрининг ичра агарчи ғарқа бўлубсан,  
Садафларнинг аросинда дурр-и яқдонани изда.

Шароби ноб лаълинг қачон толиб бўлур бўлсанг,  
Қаро кофур кўзиндин ғамза-и фаттонани изда.

Мунунгтак шамъ жон юзи кўрунадур экан равшан,  
Муҳаббат ўтина ўрганмаган парвонани изда.

Маним ҳолимга бовар қилмасанг ул зулф-и дирҳамдин,  
Кўнгулини шох бўлмағосан, бу ғамдин шонани изда.

Фусун бирла фасона ул парийшайкар учун Ҳофиз,  
Ўқир ҳар лаҳза ул афсун била афсонани изда.

20

Оҳки, кечди бу умр бориси савдо била,  
Суд қачон бўлғуси бизга бу савдо била.

Рост тутуб эътиқод, пеша тавозуни қил,  
Чунки эронлар қилур сайдин ўқ ё била.

Ҳиммат этагини тут издаюр эрсанг мурод,  
Жумла чу тонди мурод ҳиммат-и воло била.

Кўзлари йўқлар била кирма бу йўлга равон,  
Бўлмоқ агар издасанг раҳбар-и бийно била.

Баҳри вужуд ичра сан қатрасану ман темай,  
Синағил эмди равон қатрани дарё била.

Ул тақи ман темагим рост дагулдур, вале  
Аҳли басорат кўрар хорни хурмо била.

Ойна-йн жонда гар бўлмаса бу занг-и ғайр,  
Ҳофиз сўзлашгасан тўти-йн гўё била.

Қачонки тушсам ўшул сарв-и сарафроз била,  
Тиларман анда баса нозини ниёз била.

Наманд-и зулфи сўзин шарҳ дам-бадам қилайим,  
Маоний аҳлина бу қисса-йи дароз била.

Рубобу уду наю чанг сўзларини эшит,  
Кўнгулда бор эрса завқинг аҳл-и роз<sup>1</sup> била.

Ҳадис-и ошиқ ила ақл сўзи танг эрмас,  
Танг ўлмади чу ҳақиқат сўзи мажоз била.

Ҳарим-и васлина ман қайда бўлгаман маҳрам,  
Чун эшигингга борабилман ихтироз била.

Чакар эдим бўлса бир йўли равон жонни,  
То бўлса эрди манга васл дилнавоз била.

Боришур эрди ярашиб бу Ҳофиз ила нигор,  
Боришмоқ издаса ушшоқ-и покбоз била.

Бандани издаю гар бўлса бу султон пайдо,  
Кўрунур анда жаҳон ичра манга жон пайдо.

Сирр-и ишқини анинг жон била сақларман, лек  
Дам-бадам они қилур чок-и гирибон пайдо.

Орзу-йи лаб-и лаъли тушар эрса жонга,  
Кўзларимдин бўлур ул дам дурр-и ғалтон пайдо.

Кўргани йўқ киши куфрда имонни, вале  
Зулфи куфринда кўрунур манга имон пайдо.

Гулситон-и юзини гар очар эрса ногаҳ,  
Бўлур ул ҳолда бас булбул-и нолон пайдо.

Бўлмади юзи била зулфи бикан жоннинг  
Бўстонларнинг ичинда гулу райҳон пайдо.

Бўлмағайму манга ул ҳолки Ҳофиз янглиғ,  
Бўлсаман маст эшигинда газалхон пайдо.

<sup>1</sup> Қўлёзмада: зор.

Ул кўнглумни алдаган кўз кўра меҳру кин аро,  
Ўтга ёқар ҳар нафас жонни шаку яқин аро.

Меҳр-и илоҳийман тею ҳусни анинг заволсиз,  
Қудрати ҳақ не кўргузур зарра-йи мову тин аро.

Хийра қилур кўзуминю беҳуд этар латофати,  
Кўргузур эрса дам-бадам сондин остин аро.

Юзини кўргали анинг бўлдум асир зулфина,  
Мундоғ асир тушмади ҳеч киши Руму Чин аро.

Зулфини шона қилгали юзининг узра ҳар замон,  
Фитна тақи бало ёқар барчага куфру дин аро.

Ғамзасининг қиличким тушди шикаста кўнглума,  
Жоним айтди ҳайф этур тез қиличи қин аро.

Бор-и фироқ чаккали Ҳофиз-и хаста жон била,  
Издаса дард-и ёр бор ушбу дил-и ҳазин аро.

Зулфинг била юзунг тенги йўқ Руму Чин аро,  
Ошубу фитна иккисидур куфру дин аро.

Кўрмади ҳеч зот санингдак орий вужуд,  
Бўлгали нафх-и руҳ-и равон мову тин аро.

Ким теса бор Чинда санингдак бут-и латиф,  
Сургай ёлончи тею ани халқ нчин аро.

Ғамзанг тилаю бўлди кўнгул мубтало-йи ҳажр,  
Чоп они тез қилич била, кўп тутма қин аро.

Айн-и бало кўзунг маним уйқумни боғлади,  
Не фарқ эрур кўзунг била сеҳрофарин аро.

Юзунгини кўргали эшигингдаги ошиқинг,  
Бормас чаманнинг ичра гулу ёсумин аро.

Ҳар кимки этса ушбу ғазалга равон жавоб,  
Ҳофиз сўзини қўшғил дурр-и самин аро.



Ул мохрўй сарвқад келса хиромон бу кеча,  
 Ҳусну жамолиндин бўлур мажлис гулистон бу кеча.

Бошим адоқиға солиб жонимни ийсор эткаман,  
 Гар бўлса меҳмон бир нафас бандага султон бу кеча.

Тушумда тўш бўлса эди дийдорина ногоҳ кўзум,  
 Топқай эди хаста кўнгул дардинга дармон бу кеча.

Шабранг зулфини агар шона қилиб жамъ айласа,  
 Бўлмағай эрди банданинг ҳоли паришон бу кеча.

Гар офтоб-и юзини зулфиндин ул кўргузмаса,  
 Кўринмағай эрди манга хуршид-и тобон бу кеча.

Жонтак оғзин кўргали имкон кўринмади, вале  
 Хизр хати кўргузадур чашма-йи жон бу кеча.

Зулмат ичинда донмо пинҳон эди об-и ҳаёт,  
 Эмди недин пайдо эрур ул об-и ҳайвон бу кеча.

Кофир қаро кўзи агар оқмаса кўнглум мулкани,  
 Кўзум йўлиндин дам-бадам оққай қаро қон бу кеча.

Парвонадур Ҳофиз тақи шамъ-и шабистон ул санам,  
 Уртар ўшул парвонани шамъ-и шабистон бу кеча.

Олди ниқоб юзидин ул ёр бу кеча,  
 Бўлди кушода юз гулу гулзор бу кеча.

Кўргузди эрса кўрклу юзин гулистон бикини,  
 Жон булбули кўруб ани сайрор бу кеча.

Мажлис аросида ўшанинг зулфи сўзидин  
 Шарманда бўлди нофа-йи тотор бу кеча.

Махмур ул қора кўзининг даврида мудом,  
 Кўз кўра кўрди давлат-и бедор бу кеча.

Бир сўрсам эрди тор оғзинким, сучи эрур,  
 Жон бўлғай эрди воқиф-и асрор бу кеча.

Ошиқ умид тутса висолин ажаб эмас,  
Чун бандасини шоҳи суюрғор бу кеча.

Зулф-и нигор тушса бу Ҳофизнинг илгина,  
Боғлағай эрди белина зуннор бу кеча.

27

Ул шўх қароқчиким эрур кўз қарақ ичра,  
Бир фитна бало қани анингтак қарақ ичра.

Кўз жомина тушгали хаёл-и лаби акси,  
Гўё тўлу майдин қадаҳ эрур ҳадақ ичра.

Пажмурда бўлур ғарақ-и арақ бўлса гул, аммо  
Гул юзи тару тоза кўрунур арақ ичра.

Бошим ярашур бўлса юзум узра тонг эрмас,  
Чун хуш кўрунур гавҳар заррин табақ ичра.

Чин мулкина чин таъна қилур шона хатосиз,  
Чин-и сар-и зулфи тушар эрса тарақ ичра.

Кўрмай қаддини қолди эди сарв, валекин  
Ул қолмоқидин эмди қолибдур қалақ ичра.

Розимки тошиб тошға чиқибдур бу жаҳондин,  
Не чоқли қалам бирла кўрунғай варақ ичра.

Такрор қилиб эмди сабақни била билман,  
Хуш эрди билигким, бор эди мосабақ ичра.

Ҳофиз, ҳазар айлагил ўшул ғамзасидинким,  
Муфтийга мударрис эрур ул ҳар сабақ ичра.

28

Висолининг ҳаваси тушди эрса жон ичра,  
Фироқи ёқди мани дам-бадам жаҳон ичра.

Танимни қилғали ул зулфининг ҳавоси нун,  
Алиф бикин бўйи ўртади танда жон ичра.

Хароб бўлғай шаксиз шикаста кўнглумтак,  
Тушарса дарди анинг қайси хонумон ичра.

Икки кузумни қилибман ду кон-и лаълу гуҳар,  
Хаёли рахтини кўр тўб-тўлу дўкон ичра.

Гумон биқин кўрунур оғзи сўзлаганда, вале  
Не сиртурур билабилман яқин гумон ичра.

Юзини кўрган ароким амон топар ошиқ,  
Не фитналар солур ул дам кўзи амон ичра.

Фидо қилур анга Ҳофиз кўруб равон жонни,  
Чун ушбу давлат эмас умр-и жовидон ичра.

29

Етар бўлғай сенинг савдо-йи ишқинг оқибат бошға,  
Ким, эй жон, ман сани савдум халойиқ тавридин бошға.

Бу ошиқларға раҳм айлаб кел, эй жон, эзгулик қилким,  
Не турлу тош ташласанг тушар ул оқибат бошға.

Зиён қилмас рақибларнинг юрумаки сенинг бирла,  
Валекин кўнгул оздурур чибин тушар эса ошға.

Санинг сирингни жон ичра ман, эй жон, сақлағай эрдим,  
Вале оҳим ўти бирла чиқадур сиррингиз тошға.

Ушул ғамза ўқи жонга асар қилса ажаб эрмас,  
Чун ул тийр-и бало тегса асар айлар қатиғ тошға.

Манга йўлдош хаёлингдур тақи кўз бирла кўнглумдин  
Муҳайёдур шаробу ҳам кабоб ул эзгу йўлдошға.

Қошинг меҳробини кўруб севунур жони Ҳофизнинг,  
Ҳилол-и ийд агар тесам ярашур ул қаро қошға.

30

Ғамза-йи шўх била бизга шабихун қилма,  
Ашк чун об-и равон, рангини гулгун қилма.

Ғамза ўқини қошинг ёсиға кизлар бўлсанг,  
Ўзгага отма они, бизни жигархун қилма.

Сарв-и озод биқин бандани тарк айлаб, майл  
Таъб-и каж ёнина, эй қомати мавзун, қилма.

Шоду хандон, гул-и хандон биқи ҳар мажлисга,  
Бориб, эй жону жаҳон, бандани маҳзун қилма.

Сан табибимсану ўзгага қилурсан дармон,  
Жавр бобинда ямон мундоғ қонун қилма.

Тўқдинг ол қониму тупроқ ила таркиб этдинг,  
Ушбу таркиб била бандага маъжун қилма.

Ҳол-и Ҳофиз кечадур жавринг элиндин мушқил,  
Доғ-и ҳажр ила жаҳондин они берун қилма.

31

Эй турк, ол қоним учун кўзни қаро қилдинг яна,  
Бегоналарга лутф этиб, сен ошно қилдинг яна.

Ман бор экан ўзгалара отдинг ўшул ғамза ўқин,  
Турк-и хитой бўлмасанг недин хато қилдинг яна.

Ул лолатак рухсор ила лаъл-и лабинг хасратидин,  
Ранг-и юзумни кўз кўра чун қаҳрабо қилдинг яна.

Юзунда, эй рашк-и парий, чун бор эди кўзум ҳақи,  
Кўз учи бирла бир боқиб ҳақни адо қилдинг яна.

Қадр-и висолингни чу ман билмадим эрса қаҳр этиб,  
Ҳижроннинг ўтига бу жонимни сазо қилдинг яна.

Тедингки, қилғайман вафо етсанг ўлумнинг ҳолина,  
Етдим ўлум ҳолингаву жонга жафо қилдинг яна.

Бўстондаким гашт айладинг сарву санубар жонина  
Ул қадду боло бирла юз турлу бало қилдинг яна.

Ўзга била бода ичиб, сархуш бўлуб гашт айладинг,  
Чун етди бизга давр, ўзунгни порсо қилдинг яна.

Элдин азоқдин бир йўли Ҳофиз бориб жон тортадур,  
Лутфунг билаким ўзгаларга марҳабо қилдинг яна.

32

Мен бор экан ўзгакаким жавру жафо қилдинг яна,  
Зулфунг бикин қадимни ғам бирла дуто қилдинг яна.

Тединги, қилгаймен жафо дойим шикаста жонига,  
Қилмай вафо ул ваъдага жонга жафо қилдинг яна.

Эмди кечарман бир йўли бегонаву ҳам хешдин,  
Дарду ғаминг бирла мениким ошно қилдинг яна.

Бедардлик дарди маним жонимда бор эрди, вале  
Дардинг била ул дардни айни даво қилдинг яна.

Юзунгни кўрмай жон балоғаким қолибдурмен теди,  
Очдинг юзингнию ҳамон дам юз бало қилдинг яна.

Ошиқга жавр этмак раво эрмас тедингу дам-бадам,  
Мағрур-и хуснунг бўлдунгу бас нораво қилдинг яна.

Нетиб гадолиқ қилмасун бу Ҳофиз-и бечорангиз,  
Чун лутф ила, эй шоҳимиз, ани гадо қилдинг яна.

33

Чун назр қилдим ўшул жон қомату болосина,  
Кўнглум олдурдум тамою ул ҳусн беҳамтосина.

Не ажаб савдо-йи зулфинга агар боғлансаман,  
Чун жаҳон жон бирла боғлидур анинг савдосина.

Неки сўзласам санам сўзумни билгай бехато,  
Ҳар кишиким жон берибдур дилбар-и раъносина.

Ошиқу ҳайрон кўрунур ушбу дам жони била  
Жумла арбоб-и маоний суврат-и зебосина.

Қоши ёсин кўргали ёсин ўқурмен доймо,  
Чун қурулмишдур ўшул бу хаста ошиқ бошина.

Ултуруб қонлар ичиб, қонмади жоду кўзлари,  
Мунчаму кофирлиқ берилмиш наргис-и шаҳлосина.

Об-и кавсар рўзий бўлгай эрди Ҳофизга равон,  
Жон бера билса эди ул лаъл-и руҳафзосина.

34

Отғанда ғамза ўқини жонинг бутасина,  
Роҳат тегар бу хаста юракнинг ярасина.

Гаҳ-гаҳ кўз учи била бу қулға нигоҳ қил,  
Чун лутф этар бирарда шаҳаншаҳ гадосина.

Зорий қилурда ошиққа кўргуз юзунгиким,  
Гул ёрий қилди ҳусн ила булбул навосина.

Боқғил бирарда ошиқ-и бечора ҳолина,  
Чун эътимод йўқ бу ҳуснинг бақосина.

Хат боғлағай сафоли юзунг узра дуд-и оҳ  
Айлар қусур оҳ чу кўзгу сафосина.

Тўқди қизил қонимни қора ерга лаълингиз,  
Қилма баҳонаву бер они хун баҳосина.

Дашном неча қилса менга шаккарин лабинг,  
Машғул бўлғамен ўшанинг юз дуосина.

Бир дам хаёл-и хол-и лабинг кўзда бўлмаса,  
Оқ тушкай ул замонда кўзимнинг қаросина.

Ҳофиз севар сани нечаким жавр айласанг,  
Ёр ул эрурки қилса вафо ёр жафосина.

35

Оламни тутди андоқ дилбар жамоли бирла  
Ким, ҳар кўнгул муродин берур камоли бирла.

Қилди савол ўшул жон ҳолинг нетак кечар теб,  
Ҳал қилди мушкилимни сўруб саволи бирла.

Кофир кўзи ўшанинг ўлтурса ғамзасидин,  
Бошдин яна берур жон ширни мақоли бирла.

Олиниға тўш бўлурсам кўнглумни алдаб олур,  
Юз оли бирла ул жон ҳам юзи оли бирла.

Ул шамъ-и анжумандин то ман йироқ тушдум,  
Парвонатак ёнарман ҳар тун хаёли бирла.

Ошиқни манъ қилма ишқ йўлидин кўрубсан  
Ким, подшоҳ-и вақтдур дарвеш ҳоли бирла.

Савдоға тўш бўлуб хуш бозор топди Ҳофиз,  
То дилбар кўрубдур ул зулфу холи бирла.

Бандасин чакмаса ўзунга иноят бирла,  
Ер бўлмас манга ул жаҳду кифоят бирла.

Толиб-и ишқ қачон ман бўла билгай эрдим,  
Роҳбар бўлмаса ул нур-и ҳидоят бирла.

Туну кун жону кўнгул бирла севарман они,  
Не ишим бор маним шукру шикоят бирла.

Неки соғинсам ўшул ёр манга кўргузадур,  
Дам-бадам лутф қилиб айни иноят бирла.

Валий-и мулк-и маоний эрур ул султонким,  
Ҳоли кўнглумни билур юз вилоят бирла.

Бўлди хушҳол кўнгул лутфидин онинг, орий,  
Хуш қилур шоҳ райъиятни риоят бирла.

Лутф айладию қилмади бу қулни навмид,  
Неча ким келдим анга журму хиёнат бирла.

Топди жон ишқ йўлини хок-и раҳ-и ишқ бўлиб,  
Топмади ҳар киши бу йўлни ҳимоят бирла.

Тарк-и гуфтор қил они тиласанг, эй Ҳофиз,  
Билмага бўлмас они чун ривоят бирла.

Қароқчи кўзи жон мулкин қилур ғорат қарақ бирла,  
Солур ҳар гўшага юз минг бало ул кўз қарақ бирла.

Ичарман жон-и ҳусниндин шароб-и соф-и руҳоний,  
Қадаҳ йўқ орада, илло мудом ушбу хадақ бирла.

Таб-и муҳриқ тутар гулга юзини кўрган орада,  
Вале сикҳат топа билмас ёниб жони арақ бирла.

Қароқим ҳажр ўтиндин эриб юзум уза оқди,  
Қаро хат чунки хуш кўрнур ҳамиша зарварақ бирла.

Гулистон казгай ул дилбар тейу гулзор гуллари  
Нисор учун саҳардин олди гуҳарлар табақ бирла.

Юзининг норини кўрмак муфаррихдур, вале билмай  
Мани нгда недин тутди ўшул олма сақақ бирла.

Агар дарс-и илоҳийдин бу сўзлар келмаса ҳар дам,  
Қачон билгай эдинг, Ҳофиз, мударрисдин сабақ бирла.

38

Эй шоҳ, бу бечора қулунга назар айла,  
Хок-и қадаминг бўлди, кўриб, бир гузар айла.

Оламни ёқар, ўт чиқар эрса қаю ёндин,  
Оҳим ўти сандин чиқадур, кел, ҳазар айла.

Ишқинг йўлидин ким хабаре айтса ногоҳ,  
Мастона кўз учи била боқ, беҳабар айла.

Сўрдурмай ўшул танг шакартак оғзингдин,  
Қон қил жигаримни тақи қонни жигар айла.

Сўз йўқ бу сўзим нчраким ул тор оғзингни  
Сўрмай биладурман бўла билмас шакар айла.

Ман ой сари боқсам қизариб гул бики ҳар дам,  
Зулфунг била сан фитна-йи давр-и қамар айла.

Гар боқса сани кўрган аро ўзга юзинга,  
Ҳофиз кўзини ғамза ўқнига синар айла.

39

Қадду болоси била қилғали дилдор бало,  
Фитна-йи давр кўзи тақи шеваву рафтор бало.

Қадду болоси балосиға билошукр эди,  
Кўрдию қилди равон қаддина иқрор бало.

Кирса бозорға ул масту хиромон ногоҳ,  
Аҳл-и бозор аро бале топғай бозор бало.

Май-и ноз ила бало кўзлариди маст эрур,  
Бўлмади ҳаргиз ўшул май била ҳушёр бало.

Уйқудин кўзини очмаса ўшул фитна санам,  
Бўлмағай эрди бари уйқуда бедор бало.



Бўлди муфлис майи давринда бәсе аҳл-и назар,  
Ори, майхорагадур хона-йи хаммор бало.

Жон балодин қутулайим тею юзини кўрса,  
Бўлур ул ҳолда ҳам давлат-и дийдор бало.

Қайда занжир-и балодин қутула билгайман,  
Чун юзи узра қилур турра-йи таррор бало.

Жаври гулдин кўнглум ҳеч шикоят қилмас,  
Вале ёнинда эрур, Ҳофиз, ўшул хор бало.

40

Хуш соате бўлғай, ўшул дилдор келса ҳужрага,  
Булбул хазон фикриндаю, гулзор келса ҳужрага.

Талхий-и жон чекмақдаман хуш бўлғай эрдим ногаҳон,  
Тўтнийсифат ул шаккарини гуфтор келса ҳужрага.

Келса манга не қазғу бор агёрнинг таънасинин,  
Чун жон берур агёр агар ул ёр келса ҳужрага.

Рахт-и дилу дин борини торож қилғуси равон,  
Ул фитна-йи рўй-и замин айёр келса ҳужрага.

Ман ошиқ-и бозориға бозор бўлғай ул замон,  
Муфлис кўра ул равнақ-и бозор келса ҳужрага.

Бўлғай мунаввар бому дар хуршид-и оламтобдин,  
Ул моҳ-и меҳрафрўз, пуранвор келса ҳужрага.

Мушк-и тоторидин тўлу хушбўй бўлғай ҳужрамиз,  
Қочмай қачон ул оҳу-йи тотор келса ҳужрага.

Бедор бўлғай, Ҳофизо, бахту саодатнинг кўзи,  
Кечмай кеча ул давлат-и бедор келса ҳужрага.

41

Ул лола юзлу сарвқад гар маҳрам-и асрор эса,  
Тесун манга ошиқларин не турлу хуш асрор эса.

Ҳар нозанинким ноз ила ошиқ кўнгулни овлағай,  
Сақласун они асру хуш кўра сиррин дилдор эса.

Ичсун жигарнинг қонини ҳар соате шарбат қилиб,  
Мастона ул махмур кўз наргис тикин бемор эса.

Ул орази оқ остак ос тарсо манитак сийласун,  
Бечора бўлмай нетин ол қонима сусар эса.

Жондин кечиб севдим они, чун жондин ортуқроқ эрур,  
Севмасун ул жононаниким, жонидин қўрқар эса.

Жумла жаҳоннинг неъматини бўлса керакмас ёрсиз,  
Сан ёрни қилғил талаб ақлинг санга гар ёр эса.

Бедардлар номард эрур, мардона дарде ҳосил эт,  
Дармон юзини кўргасан жонингда дардинг бор эса.

Бедор бўлмоқлик била кўрмакка имкон йўқ, вале  
Кўргайсан онинг юзини гар давлатинг бедор эса.

Сайрар тунлар тинмайин Ҳофиз санойи ишқни,  
Булбул чаманда гул учун ҳар нечаким сайрар эса.

42

Вой, ўшул мискингаким, бир ғамгузоре топмаса,  
Ишқда жон ўйнасаю, эътиборе топмаса.

Кечса кору бордин бир йўлию, ўз шоҳининг  
Эшигинда итларинча кору боре топмаса.

Не тариқа бўлғай ул бечора ошиқ ҳоликим,  
Булбул-и ошуфта янглиғ гулузоре топмаса.

Булбул-и нелон бикинким гул юзидин сайрадим,  
Билғай ул қадримни гар мантак ҳазоре топмаса.

Бенишон бўлганда билғай қадр-и ҳолимни санам,  
Ким мани издасаю мандин ғуборе топмаса.

Ёрлиқнинг дардини ул дамда билғай ёримиз,  
Ким кишини севсаю, ҳамдард ёре топмаса.

Чунким ул дилдорининг зулфинга кўрунмас қарор,  
Не ажаб бўлғай агар Ҳофиз қароре топмаса.

43

Хона пурнур бўлур ул моҳ-и тобон келса,  
Зинда бўлур тан бежонға, бале, жон келса.

Айшхона бўлур эрди манга байту-л-аҳзон,  
Хаста Яъқуб сўра Юсуф-и Канъон келса.

Вақтимиз хушлиқидин жубба-йи жон чок бўлур,  
Гул-и хандонтак ўшул сарв-и хиромон келса.

Юэина қаршу қилур жону кўнгул арз-и ниёз,  
Хуш келур гулга чу булбуллари нолон келса.

Кўрган оро юзини игласа кўз, кўрма ғариб,  
Гул чоқинда чу ғариб эрмас, борон келса.

Бағрима кирпуги чун эмди тикибдур наштар,  
Ажаб эрмас ики кўзнинг йўлидин қон келса.

Сар-и зулфики, чиқиб турар алимдин душвор,  
Асри хуш бўлғай эди илгима осон келса.

Улки, савдо-йи сар-и зулфи биландур машгул,  
Не ажаб бўлғай, агар сўзи паришон келса.

Жонни Ҳофиз бики исор этайим анда равон,  
Банданинг кўнгли учун лутф ила султон келса.

44

Хуш бўлур агар ул гулрухсор кўрунса,  
Чиқиб эшигиндин бут-и айёр кўрунса.

Ҳар хор-и жафоқим, тикилибдур кўнгулма,  
Хуш ҳол эрур ошиқина ёр кўрунса,

Девор-и вужуд ўрта ародин кетар ул дам,  
Хуршид сифат партав-и дийдор кўрунса.

Бўлғай манга пайваста саодат кўзи бедор,  
Гаҳ-тоҳ ўшул давлат-и бедор кўрунса.

Юз ошиқ бозорини савдоси қилур зор,  
Ҳар дамким ўшул фитна-йи бозор кўрунса.

Ўлган ғишилар бориси мастона тирилур,  
Жонбахш лабию кўзи хумкўр кўрунса.

Лаъли лабию кўзларининг даврида Ҳофиз,  
Сангсор қилинг они гар ҳушёр кўрунса.

— 44 —

Ер эшигинда тегса бошим остонаға,  
Бормагай эрди хаста кўнгул Каъбахонаға.

Гар зулфи бирла холи сифатин эшитмаса,  
Одам қачон илингай эди дому донаға.

Зулфин алимга олғани кўнглум тилар, вале  
Доим ўшул мурод берур даст-и шонаға.

Даврон ҳусни ичра кўнглумни овласун,  
Чун йўқдур эътимод бу давр-и замонаға.

Сўрсам тудоқи лаълина онинг баҳо не теб,  
Тўксун қонимни хун тўкар ул бир баҳонаға.

Бўлгай эди шакар бики лаъли сўзи сўзум,  
Майл айласа нигор бу ширин фасонаға.

Ҳофиз тутар қулоқида ул шоҳи бехато,  
Чинким етурса сўзини дурр-и яғонаға.

Ман жонни равон қилдим ўшул сарвиравонға  
Ким, келмакидин тегди сафо жону равонға.

Юз тил тақи бўлса юзи васфин қила билман  
Ким, юзи анинг таъна қилур боғ-и жинонға.

Қўш қоши ёсин қурғали ул ғамза ўқиға,  
Ошиқ ўладур, ҳожат эмас тийру камонға.

Ҳар тийри балоким отар эрса кўнглумга,  
Валлоҳ, хатосиз тегар ул дамда нишонға.

Ол қон эди ҳажринда равон кўз ёши дойим,  
Ол қонни кўрунг эмди тўнубдур қора қонға.

Бермаса манга васли қарорин ажаб эрмас,  
Чун яхшини бермас киши умринда ямонға.

Ҳофизни қилиб зор бу гулзор висоли,  
Солди кўнглум булбулини оҳу фиғонға.

Қаро зулфи не турлу хуш ярошур ол янгоқингга,  
Қилиб жонларни барҳамким кетурур кўз қароқингга.

Анинг чавгон-и зулфин кўруб майдон-и ҳусн ичра,  
Бошимни тўп бикни солсам не хуш бўлғай адоқингга.

Уларман шаксиз ўш эмди қароқчи кўзлариндинким,  
Ёвуқ туруб отар ғамза ўқин ҳар дам йироқингга.

Тирикликдин тўюбманким, қўлим етишмади ҳаргиз,  
Бирор шафтолу олмага, тақи олма сақоқингга.

Оғзин ғунча янглиғ очиб ул жон сўзлаган аро  
Шакар таҳсин қила турғай, тили бўлса, тудоқингга.

Лаб-и лаълини сўргонда ясоқим жон олур теса,  
Неча тархон тақи бўлсам, берурман жон ясоқингга.

Берар бўса лаб-и лаълиндин ўш эмди, тилар Ҳофиз,  
Бу дуртак сўзларин тутса ўшул дилдор қулоқингга.

Висолин издаю куйди кўнгул дард-и фироқинда,  
Муҳаббат ўтина ўртанди жон ҳам иштиёқинда.

Муродим ики кўздин улким, ой юзин бирор кўрсам,  
Иўқ эрса не ишим бордур қароси бирла оқинда.

Юзин бир кунда юз кўрсам тақи кўрмак тиларманким,  
Нишон-и оят-и раҳмат кўрунур ол янгоқинда.

Бирор шафтолу олмага, тақи олма сақоқингга.  
Латофат меваси чун бори бор олма сақоқинда.

Ўлук ошиқни тиргузди шакартак сучи сўз бирла,  
Магар мангу суви бордур анинг ширин тудоқинда.

Шикаста тоқдин тушмаса эрди шишага доим,  
Кўнгул ҳам синмағай эрди қошининг жуфт-тоқинда.

Қароқчи кўзи жон мулкин қаро қилмоқ тилар бўлса,  
Қироқга тўш бўлуб, Ҳофиз, қолур асри қироқинда.

Оё, нигор-и гуландом қандасан, қанда,  
Ким издаю юрагим ғарқ бўлди ол қонда.

Нишона издаю ишқингда бенишон бўлдум,  
Вале нишон-и муҳаббат ҳамон турур жонда.

Муҳаббат ўтина жону кўнгул бўлуб бирён,  
Яна нақдина тилар ҳар бирисен бир ёнда.

Бошини дар-и муҳаббатга осмағунча киши,  
Соғинмасунким они сонга сонсалар сонда.

Не киши эрурким ўшул кишидин бўлур қурбон,  
Жаҳон кўрарса қўлуи бирла ёни қирбонда.

Қилибтурур мани ишқинг шароби маст андоғ,  
Ким эмди ёдима тушмас уруғ қаёш анда.

Бағирни бош қилиб хокрах бўл, эй Ҳофиз,  
Ниёзу дард насибин тилай бу давронда.

Нечаким боқсам юзунга бор ҳуснуида бақо,  
Ул сабабдин қолдим ул боқий жамолинга боқа.

Кўз сани кўруб, кўнгул ўзгани дилбар тегали,  
Кўз била кўнглум аросинда тушубдур можаро.

Сани кўргандин сўнг ўзгага назар қилган учун,  
Кўз кўра эмди кўзумнинг нури бўлди қоп-қаро.

Эмдидин сўнг боре, эй жону жаҳон, қилмоқ керак  
Кўзларимга ул адоқинг тупроқини тўтиё.

Ғамзанг ўқи қилди жонимда яра, эй нозанин,  
Марҳам-и жон бўл тақи жоним ярасига яра.

Ишқинг ўти дам-бадам куйдурди кўнглум ҳужрасин,  
Жон кўзи ойтак юзунга кўргали нуру сафо.

Қилмағил жавру жафо сан ўзга дилбарлар бикин,  
Кўргуз анлар рағмина Ҳофизга бас меҳру вафо.

Оҳким, кўз кўра тушдум ман бу жонондин жудо,  
Андайинким тушди эрса хаста тан жондин жудо.

Ушбу дардимга даво қайда топа билсин табиб,  
Чунки тушдум бир йўли доруя дармондин жудо.

Не ажаб бўлғай паришонҳол бўлсам зулфитак,  
Чун тушбудурман ўшул ҳур-и парисондин жудо.

Зарра-йи саргаштатак бўлсам паришон не ажаб,  
Солдилар мени чу ул хуршид-и тобондин жудо.

Булбул-и нолон бикин фарёд чаксам тонг дагул,  
Чун мени қилди жафочилар гулистондин жудо.

Тушкали дилдор бирла банданинг оро фироқ,  
Бўлмадим ман бир замоне оҳу афгондин жудо.

Май ичиб Ҳофиз бикин паймона тутмағлиғ керак,  
Қилдилар эрса мени ул аҳду паймондин жудо.

52

Не қилайим билмасамким, ёрдин тушдум жудо,  
Ул бут-и айёр-и ширинкордин тушдум жудо.

Хор-и ҳасрат кетмаса хаста жигардин не ажаб,  
Чунки булбултак гулу гулзордин тушдум жудо.

Тўти-йи жон қутини кимдин тилаб топғай эса,  
Эмдиким ул лаъл-и шаккарбордин тушдум жудо.

Хобу айшу ишрат ичра маст-и ноз эрдим, вале  
Ногаҳоний давлат-и бедордин тушдум жудо.

Давлату умр-и нав эрди ёр дийдори, вале  
Умр-и ширин давлат-и дийдордин тушдум жудо.

Жон шароб-и завқни кимнинг лабиндин издасун,  
Кўзлари усрук чун ул хуммордин тушдум жудо.

Мандин издама кўнгулни, Ҳофизо, ўш эмдиким,  
Борди жоним алдину дилдордин тушдум жудо.

53

Назардин кўз кўра бир йўли ул жонон жудо тушди,  
Ким андоғ хаставу мажруҳ тандин жон жудо тушди.

Паришонҳол бўлсам не ажаб бўлғай фироқинда,  
Чу банда эрдиму бандадин ул султон жудо тушди.

Басе мушкил келибдур эрди васли зотини қўлга,  
Бу мушкилроғ бўлдиким ўшул осон жудо тушди.

Уш эмди кулбаи аҳзонда Яъқуб-и ҳазин янглиғ,  
Қилурман зоре чунким Юсуфи Канъон жудо тушди.

Агар ман зор-зор йиғласаман ҳар дам, ғариб эрмас,  
Гулистон-и назардин чун гул-и хандон жудо тушди.

Била билман харобот-и кўнгулга не даво бўлғай,  
Ки мундоғ дард бирла солди, дармон жудо тушди.

Садаф ичрағи гавҳартак кўзумда ер қилиб эркан,  
Не ёндин билмасам ким ул дурр-и ғалтон жудо тушди.

Оннинг гулзор-и юзини кўруб сайрар эди Ҳофиз,  
Кўрунг ким гулситондин булбул-и нолон жудо тушди.

54

Сачинг мушки Хитодур чин ичинда,  
Хато қайдадур ушбу чин ичинда.

Ушул кофир қаро ғаммоз кўзунг  
Туман минг фитна солди дин ичинда.

Тутуб кин, кургузур бўлсанг юзунгини,  
Кўрунғай анда меҳринг кин ичинда.

Фироқингда қиличинг бирла чопмай,  
Мани тутма мунингтак қин ичинда.

Жамолинг ҳасратиндин доғлар бор  
Биҳишт ичрағи ҳур-и айн ичинда.

Юзунг кўргали қон йиғлади ғамдин  
Чаманда лола-йи рангин ичинда.

Кўрунмади юзунга жонни берган  
Бу Ҳофизтак туман ҳақбин ичинда.

55

То юзунг бўлди моҳ-и меҳрафзо,  
Бўлди ҳуснунг била кўзум бийно.



Сунъи бирла илоҳ кўргузадур,  
Ой юзунг узра турлу нуру сафо.

Иўқдур ойна-йи илоҳига  
Аҳл-и диллар қошинда рўю қафо.

Сад ҳазорон гуҳарнисор айлар  
Жўш қилган арода баҳр-и ато.

Билгасан маҳв-и ишқ бўлганда  
Ким, недур сирр-и қатра-йи дарё.

Нор-и ишқ ила ёқғил ўзунгни,  
Тилар эрсанг юзунгда нур-и худо.

Гар бақо-йи абад талаб қилсанг,  
Ҳофиз, бўл муҳаббат ичра фано.

56

Эй юзунг қиблагоҳи асл-и сафо,  
Остонанг чу жаннату-л-маъво.

Нечаким ман бақо кўрубдурман,  
Лаб-и лаълингда бор об-и бақо.

Гар вафо қилмасанг манга, не ажаб,  
Қилмади умр ҳеч кимга вафо.

Ҳадаф-и сийнадин ўтуб, тегди  
Жонима турлу-турлу тийр-и бало.

Дард-и ишқингни жон бериб олган  
Қайда издасун ул жаҳонда даво.

Қилмадинг сан хато-йи афву карам,  
Нечаким қилди ушбу банда хато.

Суврату маъно бирла, эй султон,  
Шоҳсан, Ҳофиз эшигингда гадо.

57

Тийр-и қадинг алиф бикин якто,  
Булғали бўлди қоматим чун «ё».

Кўргали қад-и хушхиромингии,  
Сарв эрур бўстонда побаржо.

Гул-и садбарг бўлди фарқ-и арақ,  
Токи бўлди юзунг гули раъно.

Қаро зулфунг саводини кўрали  
Тушди бошимга юз туман савдо.

Жон, агар бўлмаса сучи оғзинг,  
Бас нединдур ҳаминча нолайдо.

Шакар оғзингдин ўзга кўрунмас,  
Зарра бўлса тўттиятан гўё.

Ушбу сўзга қулоқ тутар эрди,  
Ҳофизо, бўлса лўлу-йи лоло.

58<sup>1</sup>

Кўргузур бўлса зулф-и анбарсо,  
Хок-и раҳ бўлур анда мушк-и Хито.

Бўлди оламда жумла жон кўзи,  
Офтоб жамолидин бийно.

Жумла оламда андин ўзга чу йўқ,  
Недин оти эрур аннинг бежо.

Офтоб-и жамолидиндурким  
Дарднок бўлди жумла бесарупо.

Кўзни юмсанг жамъ-и ашёдин,  
Кўрунур эрди маъно-йи ашё.

Ўз-ўзунгдин тамом маҳв ўлсанг.  
Очилур эрди санда сирр-и худо.

Габру мўмин бу йўлда йўқ, Ҳофиз,  
Аслда бир эрур ҳақиқатҳо.

60

Бўлдум ул болосина ман мубтало,  
Қаю ёндин бўлди пайдо бу бало.

<sup>1</sup> 59-форсий ғазаллар тушириб қолдирилди.

Гар адоқи тупроқин топсам эди,  
Қилгай эрдим кўзларимга тўтнѐ.

Бордур ой юзида кўзум ҳақи,  
Келсун, ул ҳақни равон қилсун адо.

Хаста кўнглум жон била дардин тилар,  
Чун будур ошиқга қонун-и шифо.

Сад ҳазорон дард келса ёрдин,  
Ошиқ айтур жони бирла марҳабо.

Тўлун ойтак юзи аксиндин тамом,  
Ошиқи кўнглинда бор нуру сафо.

Қилса ҳар лаҳза жафо ул нозанин,  
Ҳофиз-и бечора кўргузгай вафо.

61

Мунтазирдир кўзларим дийдорина.  
Ким қулоқим шаккарин гуфторина.

Асрамайин наг жафоу жавр этар,  
Ҳар замон ўз маҳрам-и асрорина.

Жон била нақд-и равон бўлур нисор,  
Сўзлаганда лаъл-и шаккарборина.

Гар хиромон бўлса ул сарв-и равон,  
Жон равон бўлур анинг рафторина.

Тегмасун оҳим ўтидин ҳеч заҳм,  
Тоза гул япроқитак рухсорина.

Бевафо айламагай ул нозанин,  
Раҳм қилса хаста ошиқларина.

Ерлиқдин дам урур Ҳофиз, вале  
Бевафодур ул жафочи ёрина.

62

Бўлубтур банда бирла ёр ўзга,  
Не ёндин бўлди ул дилдор ўзга.

Қароқчиликда кўзи бирла зулфи,  
Эрур таррору ул айёр ўзга.

Шакарни нисбат этмасман лабинга,  
Шакар ўзгаю шакарбор ўзга.

Хуш эрур кўзлари бемори доим.  
Вале хуш ўзгаю, бемор ўзга.

Бу йўлда ошиқ-и бозорийларга,  
Масожид ўзгаю, бозор ўзга.

Адамни ман вужуда нисбат этман,  
Гулистон ўзга эрур, хор ўзга.

Неча билмасанг, эй Ҳофиз, бу дам бил,  
Ким агёр ўзга эрур, ёр ўзга.

63

Санга ким теди, эй жон, ноз қилма,  
Манга ноз айламакни оз қилма.

Ниёз айларман, нозинг тиларман,  
Ниёзимни раво қил, ноз қилма.

Насиб-и дарду ғамни бахш этарда,  
Манга сан ўзгани анбоз қилма.

Гадоларга жафо қилмоқ тиласанг,  
Дуочи бандадин оғоз қилма.

Кўнгул сиррини бўлмасун тесанг фош,  
Ушул ғамзани сан ғаммоз қилма.

Санга ман ошиқ-и жонбоз эркан,  
Назар ўзгага, эй жон, боз қилма.

Бу Ҳофиз ёнина оҳанг қилмай,  
Жафо қонунини сан соз қилма.

64

Қилғали кўнглум васлинг таманно  
Кўз чашмасидур ҳажрингда дарё.

То эшигингда йўл топдим, эй жон,  
Кўнглум тиламас гулзору саҳро.

Юзунгни кўруб сўзга келурман,  
Оре, гул айлар булбулни гўё,

Жон қуши издар зулфунг камандин,  
Чун анга улдур маскану маъво.

Ширин тудоқу сўзунга қулдур  
Лаълу жавоҳир лўлў-йи лоло.

Сўрсам лабингни, турфа эмаским,  
Сўфилар издар пайваста ҳалво.

Ман банда Ҳофиз сўрдум саниким,  
Манман Мажнун, сенсен Лайло.

65

Бўстонда кўрунғали ўшул қомату боло,  
Шамшоду санубар кўринур бесару бепо.

Гулзорға қайда бора билсун кўнглумким,  
Хок-и сар-и кўйи мангадур жаннат-и аъло.

Кўргузса ўшул соид-и суманни енгиндин,  
Кўрунғай эди борчаға ул дамяд-и байзо.

Савдозада қилғали савод-и хатт-и мени  
Бордур кўнгулу жонда ҳамиша сар-и савдо.

Раҳм этмади ул турк-и жафокаш мангаким,  
Кўнгли қошида мум эрур мәрмару хоро.

Онсизин бу кўзум ҳеч жаҳонни кўра билмас,  
Оламда ўшулдур манга чун дийда-йи бийно

Ишқи йўлида Ҳофиз ўзунгни қилакўр фард,  
Эшитмагу кўрмак тиласанг ҳолат-и фардо.

66

Жонимни фидо қилғай эдим ёр эшигинда,  
Бўлса анга бир заррача миқдор эшигинда.

Жон борини ман нақд-и равон бирла чекайим,  
Гар бўлса анга бор бу дилдор эшигинда.

Бас хаста дилафгори анинг бору лекин  
Мантак қани бир хаста дилафгор эшигинда.

Ул булбул-и ошуфтага раҳм айлагасизким,  
Ез фаслида йўл топмаса гулзор эшигинда.

Ҳолим кеча не турлу кечар итлари англар,  
Чун оҳим айлабдур бори бедор эшигинда.

Жон ўйноқин ошиққа чу кўргузур ўшул дам  
Ким, жон бики дилбар чиқиб ўйнар эшигинда.

Ҳофиз эшигин сақлар эса айб эмаским,  
Гаҳ-гоҳ кўринур анга дийдор эшигинда.

67

Лаъл-и лабиндин топар ҳар нафасе жон наво,  
Тўтийга дойим берур чун шаққаристон наво.

Қайда тутар эрди ранг тош ила тоғ бағрида,  
Топмаса хуршиддин лаъл-и Бадахшон наво.

Ерсизин бенаво бўлсам, эмасдур ғариб,  
Чунки жаҳонда киши топмади бежон наво.

Акс-и жамоли анинг тушкали гулшан аро,  
Топти юзиндин баса боғу гулистон наво.

Юзини кўруб фиғон чаксаман, ул айб эмас,  
Чунки қилур гул кўруб булбул-и нолон наво.

Сўзласаман қилма айб васл мақоминдаким,  
Ез чоқинда қилур мург-и хушалхон наво.

Ҳофиз, топғай эдим жон тилагини равон,  
Еткурур эрса манга шоҳ-и сухандон наво.

68

Юзунг қошида хийра эрур моҳу офтоб,  
Зулфунг боринда тийра эрур уду мушк-и ноб.

Шабранг зулфунг ила юзунг офтобинин  
Кўргали сунбулу гул аро тунити печу тоб.

Доим кабоб оташ-и сўзон била бўлур,  
Лекин бўлур бу хастажигар боқмасанг кабоб.

Келганда кетмага тилар эрсанг ғариб эмас,  
Умрим сану чу умр қилур кетгали шитоб.

Қилмас хато кўзунг манга ул ғамза ўқини,  
Турк-и Хитойдин, не ажаб, келмаса савоб.

Ишқинг, ғариб эмас, мани гар маҳв айласа,  
Баҳр ичра чун вужуд топа олмади ҳубоб.

Юзунг очиб эшикдин агар чиқсанг эрди бир,  
Ҳофиз юзингга юз очилур эрди фатҳ-и боб.

69

Оғзинг чу заррадур тақи юз курс-и офтоб,  
Об-и ҳаёт лаълингу хатинг чу мушк-и ноб.

Хатт-и ғубор сафҳа-йи юзингда кўргали  
Гул бирла сунбул орасида бор печу тоб.

Лола бикин юзунгда ўшул наргис кўзунг,  
Оҳу эрурким айласа гулзор ичра хоб.

Дур обу лаъл хун хижил ўлмоқидин бўлур,  
Лаъл-и лабинг равон қилур эрса дурр-и хушоб.

Кўргали ишқинг ўтида бағрим кабобини,  
Шармандаликдин иғлади ўт ичра бас кабоб.

Маст-и мудом жон била кўнглум бўлуб турур,  
Бўлғали ул шакар бики ширин лаълинг шароб.

Ҳофиз висолинг издади юз минг дуо била,  
Ушбу шикаста даъвати бўлғайму мустажоб.

70

Равшан юзунгни кўргали шарманда офтоб,  
Хушбўй зулфунгиз қошида тийра мушк-и ноб.

Кофир қаро кўзингни кўриб бўлғали асир,  
Эй подшоҳ-и ҳусн, кўнгил мулки ҳолийдур хароб.

Бўлганда меҳмон манга ҳар тун хаёлингиз,  
Қилдим жигар кабобу кўзум ёшини шароб.

Қон ёш игласам не ажабдур фироқдин,  
Иғлар зарурий ўтнинг устинда чун кабоб.

Жоннинг қарорисен нафасе кел қарор қил,  
Қилма кетарга умр бикин ҳар замон шитоб.

Сансиз манга ҳаёт ўлумдин ёмон эрур,  
Сансиз манга беҳишт-и барин дўзаху азоб.

Ҳофиз жаҳонни казди санингтакни кўргали,  
Кўрмади сантакни бу жаҳон ичра кўп қароб.

71

Эй савод-и чин-и зулфунг соябон-и офтоб,  
В-эй тудоқнинг бирла холинг ҳасрат-и мушку гулоб.

Зулф-и анбарбор юзунг узра печон тушкали,  
Сунбулу гул ҳасрат ўтинда топар юз печу тоб.

Чин санинг чин-и сар-и зулфунга чин етгай эдим,  
Шона бирла солмасанг чин зулфунга юз инқилоб.

Умрдин оламда бархўрдорлиқ топгай эдим,  
Умр янглиғ кетгали қилмасанг эрди сан шитоб.

Жон санга лойиқ бўла билса чекойим ман равон,  
Не қила билгаймен ушбу жонни ман сандин аяб.

Олам ичра нозаниларни қарадим кўп, вале  
Сан бикин бир нозанини кўрмадим ҳаргиз қароб.

Бас ажабдур кўзларим ёши, юзунг кўрган аро,  
Чун бўлур истора пинҳон, бўлса пайдо офтоб.

Нола қилсам ҳажр айёминда, айб айламангиз,  
Чун қилур нола зарури ўт ичинда ҳам кабоб.

Васлингизни жон била Ҳофиз тилар зорий қилиб,  
Бўлмағайму ушбу мискиннинг дуоси мустажоб.



То бўлди анинг ой юзи чун хуршид-и жаҳонтоб,  
Ҳар лаҳза мани ўтга ёқар ул гул-и сероб.

Зулфин кечасин олса онсиз ой юзиндин  
Шарманда бўлуб кеча кўчар турмай маҳтоб.

Гар парда юзидин кетарур бўлса дилором,  
Шавқ ўтина ўртангай эрди бир йўли ҳубоб.

Мастона баложўй қаро кўзини кўрали,  
Кўзунда қила билмади ором даме хоб.

Тушгали хаёли лаби кўз ойинасинга  
Аксиндин онинг бўлди кўзум жом-и май-и ноб.

Топқали рақиб йўл ўшул ёр эшигинда,  
Бўлдуқ эшигининг итина жон била асҳоб.

Ҳофиз қила билмас эди бир сажда-йи холис,  
Бўлмаса дилором қоши қаршуда меҳроб.

Чун каманд-и зулфи солди гардан-и жонга таноб,  
Эмдидин сўнг айламасун зулфитак жо(нларга тоб).

Зулфини шона қилиб биз сори солса ногаҳон,  
Қадр ахшоминда кўрунгай кўзумга (офтоб).

Доман-и васлинга етмаса қўлум эрмас гариб,  
Чун гариб-и хастаман ул хусрав-и (олий жаноб).

Хуққа-йи ёқути ичра дурр-и дандон кўргузуб,  
Сўзлар эрса мунфайил бўлур баса дурр-и хушоб.

Аҳл-и мажлис жом-и майни ўртадин кетарингиз,  
Чун лаб-и хаммори бор эркан керакмасдур шароб.

Ман анинг нозу итобидин ўлубдурман тақи,  
Неча айлар ман фақир-и хастаға, нозу итоб.

Эшиги тупроқидин Ҳофиз кўтармас юзнин,  
Чунким ушбу бобдин топди ўшул дурр-и хушоб.

Бўлди бу хаста жигар ишқ ўти бирла кабоб,  
Келтур, эй соқи-йи гулрух, тўлу бир жом шароб.

Нолаву оҳу фиғон сози тузулди эса рост  
Бенаво ошиқина нега керак чангу рубоб.

Сунбул-и хати ўшул сафҳа-йи гулгун узра  
Бўлғали пайдою ман ўқимадим хат-и китоб.

Зулфи бирла юзининг сўзини тил сўзлар эса,  
Бўйи хуш келиб қилур сўзларидин мушқу гулоб.

Лаблари бирла оғзи нечадур қанду шакар,  
Тишлари бирла сўзи кўргузадур дурр-и хушоб.

Кеча қошимдин ўшул сарв-и равон кечди равон,  
Умр эрур ул тақи умр айлади кечгали шитоб.

Юзининг орзусидин берур Ҳофизга жон,  
Чун тилар борисидин туну кун ул ҳусн маоб.

Ул рух-и гулрангдин олса ниқоб,  
Заррасифат бўлғай эди офтоб.

Сунбул-и зулфи била гул юзидин,  
Бўлди хижолатзада мушқу гулоб.

Кўзларидин ўзга киши кўрмай,  
Гўша-йи меҳробда масту хароб.

Отмади кўзи манга ғамза ўқин,  
Қилмади ул тарк-и хато, не савоб.

Ёқмағали жону жаҳоним мани,  
Оташ-и ғамдин жигаримдур кабоб.

Оҳим ўти кўнглина қилмас асар,  
Гарчи бўлур санг бу оҳимдин об.

Оҳи, Ҳофиз била дилдор аро  
Бўлмади бир лаҳза саволу жавоб.

Гар муҳаббат ёнинга қилмаса назар ҳар дам ҳабиб,  
Дарду ғамдин бори қилмасун ўшани бенасиб.

Оҳ чаксам юзини кўрган аро айб этмаким,  
Гул қилур жилва тақи фарёд айлар андалиб.

Нетиб ул жону жаҳонга ман кўнгул бермагайим,  
Чун ўшанинг шакли зиёси эрур бас дилфириб.

Чин-и зулфунда кўнглум тийра бўлса, не ажаб.  
Шомда тийра кўрунур донмо ҳол-и ғариб.

Ҳар табибеким, маним ҳолими кўргали келур,  
Дард-и дил ҳосил қилиб, ранжур бўлур ул табиб.

Гар иноят бўлса жонондин бу хаста жонима.  
Муддаъий бўлиб орада не қила билгай рақиб,

Ҳофиз-и бечорадин суратда жонондур баъид,  
Лек маъно бирла жонимга эрур асри қариб.

Нозу карашма бирла жигархун қилур ҳабиб,  
Бу дард учун даво топа олмади ҳар табиб.

Жон пора бўлди ишқ қўлидин, вале ҳануз  
Одоб-и ақлдин манга панд айтадур адиб.

Гар ёрнинг инояти бўлса бу бандасига,  
Айёрлиқ қилиб не қила билгай ул рақиб.

Сурат кўзи бида мани кўрма баъидким,  
Маънода жон бикини манга жононадур қариб.

Гулнинг вислои қадрини ҳижронда хуш билиб,  
Фарёду нолалар чакадур эмди андалиб.

Қассом қисматини жаҳонга тегурғали,  
Тегди кўнгулга дард дилоромдин насиб.

Озодалар жаҳонда гирифтор бўлғали,  
Бўлмади ўз диернида Ҳофиз бикини ғариб.

Гар ошиқ-и содиқ эсанг дийдорни қилғил талаб,  
Бу хорзор дунёда гулзорни қилғил талаб.

Ойна-йи кўнглингни гар соғ айласанг ағёрдин,  
Андин сўнг ойнада ул ёрни қилғил талаб.

Хошок-и сувратдин ўзунгни пок қилсанг баҳртак  
Ул дам маоний меҳридин анвори қилғил талаб.

Дилдорнинг васлиға бу жону кўнгул монигъ эрур,  
Жону кўнгулдин кечгилу дилдорни қилғил талаб.

Шароб мудом издар эсанг жон бирла жом-и ишқдин  
Хумхона-йи оламда сан хамморни қилғил талаб.

Эй, ақл, маст-и ишқман, ҳушёр недур билмасам  
Сан оқилу ҳушёр эсанг ҳушёрни қилғил талаб.

Асрор айнидин тўлу олам кўрунур номае,  
Ҳофиз ўқиб бу номани, асрорни қилғил талаб.

Толиб-и жонман тесанг ёрни қилғил талаб,  
Иўқ бўлубон бир йўли борни қилғил талаб.

Гар тилар эрсанг сафо, ишқнинг ўтиға ён,  
Нур-и илоҳий учун норни қилғил талаб.

Хор-и вужудунг эрур монигъ-и гулзор-и жон,  
Утға ёқайим тею хорни қилғил талаб.

Хор-и вужуд ичра сан сирр-и аналҳақ кўруб  
Майл-и гулистон қилиб, дорни қилғил талаб.

Ҳамдам агар ўзунга ёрни издар эсанг,  
Сийна-йи бекийнада горни қилғил талаб.

Издаюр эрсанг наво ҳар дам ушшоқ аро  
Чанг-и маонийда сан торни қилғил талаб.

Ҳофиз, бу йўлда сан бўлма даме корсиз,  
Корки ҳақда, сан корни қилғил талаб.

Кўнгил муроди буқим бўлса покбоз, эй дўст,  
Вафо йўлида тақи қилса бир ниёз, эй дўст.

Ниёз бирла нурунгни кўрарга жон ўйнар,  
Муҳибга ҳеч ярашмас қилурса ноз, эй дўст.

Эшигингизга бориб юзунгизни кўрганда  
Билинди қибла-йи мақсуду ҳам Ҳижоз, эй дўст.

Ҳазор сажда агар қилсаман кўрунгай саҳв  
Қошинг хаёли ила қилмасам намоз, эй дўст.

Кўз учи бирла боқиб мулк-и жон тамом олдинг,  
Санинг бикин қани оламда чашмбоз, эй дўст.

Қарору амин қаро зулфунг илгини топмай  
Ҳикоятин қилур эрсам, тушар дароз, эй дўст.

Таажжуб этма агар ноладин бўлубман нол  
Фироқ ўтинда кўзумдин борур иФрот, эй дўст,

Шикаста ошиқ бечора ҳеч топа олмас  
Санинг бикин бу жаҳон ичра чорасоз, эй дўст.

Бошин адоқинга солғали Ҳофиз-и мискин,  
Қилур ҳамиша ўшул ёндин ихтироз, эй дўст.

Фироқ ўтинда кўзумдин борур Фирот, эй дўст,  
Кўнгул бу ўт элидин топмади нажот, эй дўст.

Иироқ тушғали ман хаста дард ила ўлдум,  
Чу хуш эрур санга сармоя-йи ҳаёт, эй дўст.

Иироқ бўлубу мандин ёвуқ ёмонларга  
Бўлур эсанг чиқар ўш эмди яхши от, эй дўст.

Ҳаво-йи ишқинг ила жонни ман берур эркан,  
Сан ўзга бирла бўлурсанг бўлур уёт, эй дўст.

Вафову лутф ила қулларни яхши асрағил,  
Ким ушбудур қаму султонга хуш сифот, эй дўст.

Ниқоби ҳусн санга чунки рӯзӣ қилди илоҳ  
Ғадойман, манга бир бўса бер закот, эй дўст.

Бу Ҳофиз ўлса сар-и хокина хиромон бўл,  
Вафо йўлинда бўлур чун ўшул вафо, эй дўст.

82

Янгоқнинг ўти солур жонга нуру нор, эй дўст,  
Ул ўт била бу жаҳон ичра жон ёнар, эй дўст.

Жамол бирла юруган фалакда ою қуёш,  
Юзунгни кўрди эса бўлди шармисор, эй дўст.

Чаманнинг ичра хиромон бўлур эсанг бўлғай,  
Ҳазор жон-и киромий санга нисор, эй дўст.

Не ихтиёр анингтак кишига бўлғайким,  
Қилибтурур сани оламдин ихтиёр, эй дўст.

Ёвуқ ямон била бўлма қарор-и айш қилиб,  
Соғинчи яхши кишилар йироқ қарор, эй дўст.

Висол қадрини жон билгали тилар сандин,  
Мурод-и икки жаҳон бўсаву канор, эй дўст.

Дуочидур санга Ҳофиз агар керак бўлса,  
Фироқ элинда они тутма хору зор, эй дўст.

83

Сенинг бикин қани бир сарв-и гулғузор, эй дўст,  
Юзунга ошиқ эрур жумла лозазор, эй дўст.

Назарга кел тақи бир лаҳза қарор айла,  
Агарчи умр-и азизимга йўқ қарор, эй дўст.

Езиб, тарар истасанг шона бирла зулфунгни,  
Хижолат ичра қолур нофа-йи тотор, эй дўст.

Эшингингиз тупроқиға етиб ошғали,  
Насим-и субҳидамий бўлди мушкбор, эй дўст.

Бошим адоқиға солған учун бўлубдурман,  
Санинг юзунгдин бир йўли шармсор, эй дўст.

Ҳазор шукр, ғамингдин эрур манга вожиб,  
Чун ул эрур манга оламда ғамгузор, эй дўст.

Гадо-йи ҳуснунг эрур ушбу Ҳофиз-и мискин,  
Не бўлғай асрасанган ани шоҳвор, эй дўст.

84

Нечага тегру бу жон чаккай интизор, эй дўст,  
Насия айла манга бўсу ҳам канор, эй дўст.

Муҳаббатингини кўнгул ихтиёр қилғали  
Манга топилмади оламда ихтиёр, эй дўст.

Чаманда каздиму боқдим, вале санга ўхшар  
Кўрунмади манга бир сарв-и гулгузор, эй дўст.

Ҳаво-йи лаъл-и лабнинг бирла етди оғзима жон,  
Равон ол ониким эрур умидвор, эй дўст.

Бу саҳн-и олам ичинда нечаки жон казди,  
Санинг бикин кўра олмади шаҳсувор, эй дўст.

Жаҳон мутиъ бўлур эрди қору боримга,  
Манга эшикда агар бўлса эрди бор, эй дўст.

Қачон муродини Ҳофиз топар висолингдин,  
Чу бандадур тақи сан шоҳ-и комкор, эй дўст.

85

Не бўла ғамгин кўнгулни лутф этиб шод этса дўст,  
Банди ғамдин бандасин бир лаҳза озод этса дўст.

Бўлғай эрдим подшоҳ-и вақт ўз жоним била,  
Гоҳ-гоҳи лутф айлаб бандасини ёд этса дўст.

Ман мунунгтак бўлмас эрдим кўбакўю дарбадар,  
Ишқиниғ йўлингга лутфи бирла иршод этса дўст.

Қолмағай бунёд-и жонда заррача сабру қарор,  
Нозу шева бирла гар рафтор бунёд этса дўст.

Дод издай қилман ўзгаларнинг эшигин паноҳ,  
Нечаким бу хаста жонга жавру бедод этса дўст.

Ғамзадин устод-и динни йўлдин озғурғай тамом,  
Шўхлик бирла қачонким майли иршод этса дўст.

Оҳим ўтидин асар етиб нарм қилғайман чу мум,  
Ҳофизо, кўнглини гар сандону пўлод этса дўст.

86

Манга чу жон бики хуш меҳмон эрурсан, дўст,  
Бу хаста дилни солиб кетма, жон эрурсан, дўст.

Ғариб эрмас агар билмасанг кўнгул ҳолин,  
Зайфу пир ману сан жавон эрурсан, дўст.

Қадинг хаёли алифтак миён-и жонда турур,  
Чун ул қадинг била сарв-и равон эрурсан, дўст.

Нишона қил кўнглумнию ғамза ўқини от,  
Чун ушбу ўқинг ила дилинишон эрурсан, дўст.

Азиз жондин агар сучи бор теса киши,  
Набот-и лаълинг ила сен ҳамон эрурсан, дўст.

Ҳазор турлу наво чаккаман чу булбул-и зор,  
Чу банданинг ҳақина гулистон эрурсан, дўст.

Бу Ҳофиз эмди агар тўтйтак сўз айтур эрса,  
Ғариб эмас анга шакарстон эрурсан, дўст.

87

Чиқса эшикдин жамолин кўргуза ногоҳ дўст,  
Еткаман ул дамда жон бирла равон, оллоҳ, дўст.

Айтабилман минг сўзум боринда мингдин бирин,  
Раҳм этиб ҳолимға қилганда назар ногоҳ дўст.

Ман анинг нақш-и хаёлидин бўлубдурман хаёл,  
Ул сабабдин издаса топмас мани гаҳ-гоҳ дўст.

Ушбу йўл ичра манга ҳамроҳ бўлғай қудсийлар,  
Бўлса бир лаҳза бу бечора била ҳамроҳ дўст.

Сарв бирла моҳға муҳтож қайда бўлғаман,  
Сарв-и сиймин узра кўргузур манга чун моҳ дўст.



Ман пиёдага жафонинг отини сурса равон,  
Рух қулоб ерга айтгайман ўшул дам «шоҳ» дўст.

Билса ул шаҳ бандаси асрорини асрар эди,  
Оҳким, бўлмади Ҳофиз ҳолидин огоҳ дўст.

88

Бошимни хок айласа жавру жафо-йи дўст,  
Бўлғай ҳануз бошда ҳаво-йи вафо-йи дўст.

Ушшоқ аро наво-йи муҳаббатни издаю,  
Бўлдум ниёзсозий била бенаво-йи дўст.

Гар ман фано-йи ишқу муҳаббат бўлур эсам,  
Бўлсун мудом жумла жаҳонда бақо-йи дўст.

Озодлиқ тиламади ҳаргиз балосидин,  
То бўлди ушбу хаста кўнгул мубтало-йи дўст.

Ағёри жумла шаккару гар қанд берсалар,  
Андин сучи келур манга заҳр-и бало-йи дўст.

Бегона бўлсун ўз ўзидин жону дил била,  
Ҳар ким тиласа бўлса даме ошно-йи дўст.

Бергай эдим бу жонни, анга, Ҳофизо, равон,  
Топмаға бўлса жон била бир дам ризо-йи дўст.

89

Қадғунг манга ғамгузор эрур дўст,  
Дардинг тақи ёдгор эрур дўст.

Маҳрам манга йўқ жаҳонда, илло  
Ишқинг манга зордор эрур дўст.

Ман зорнинг эмди кўз ёшиндин  
Ернинг юзи лолазор эрур дўст.

Гар қилмаса нагон қарор тушмас,  
Умрим тақи беқарор эрур дўст.

Қайда манга бўлғай ихтиёре,  
Кўнглумдаким ихтиёр эрур дўст.

— 66 —

Арбоб-и ҳусн қамуғ пиёда,  
Ул орада шаҳсувор эрур дўст.

Ширин тудоқингни васф этарда  
Ҳофиз сўзи обдор эрур, дўст.

90

Кел манга жон бикин равон, эй дўст,  
То равон чиқмасун бу жон, эй дўст.

Ғар сани кўрмасам жаҳон ичра,  
Не керакдур манга жаҳон, эй дўст.

Кўнглум шоҳбози қилмади  
Бу жаҳон ичра ошён, эй дўст.

Сан тикин кўрмади замона кўзи,  
Фитна-йи охиру-з-замон, эй дўст.

Қаро кофир кўзунинг илигиндин  
Асл имонда йўқ омон, эй дўст.

Турфа эрмас бўюгда ул қаро соч,  
Тўлғанур толға ҳам йилон, эй дўст.

Эшитиб хуш сўзунгни Ҳофизтак,  
Қилдим ул сўзни дoston, эй дўст.

92

Эрур ҳусну жамолнинг бениҳоят,  
Ниҳоят сизга қайдадур бидоят.

Саннинг ҳусну жамолнинг мусҳафиндин  
Эрур Юсуф сўзи бир неча оят.

Висолнинг бўлмаса ман қулға рўзий,  
Хаёлинг бирла бори бор ҳикоят.

Манга то дард-и ишқинг рўзий бўлди,  
Қилурман шукру қилмасман шикоят.

---

91-форсий газал тушиб қолдирилди.

Неча журму жиноят бирла келсам,  
Қилурсан сан манга лутфу иноят.

Ҳимоят ўзгалар тоатни тутса,  
Манга лутфунгдин ўзга йўқ ҳимоят.

Бу Ҳофиз кўнглининг мулкани олдинг,  
Санингтак қайдарур соҳибвилоят.

93

Лутф айлаб агар кўз учидин қилса рноят,  
Бўлғай эди ман хастаға ул айн-и иноят.

Ул мусҳаф-и ҳуснки юзида кўрунадур,  
Оламға ўшандин очилур ҳусн-и ривоят.

Эрмас ажабе, тутса кўнгул мулкани жонон,  
Чун равшан эрур юзида юз нур-и вилоят.

Юз сори қилиб топдим адоқи тупроқин,  
Ори бўлур алтун била юз важҳ-и кифоят.

Оҳим ўти сандонға асар қилди, валекин  
Қилмади анинг кўнглина бир зарра сироят.

Сўзлашгай эдим ул қаро кофир кўзи била,  
Қилмаса эди турк-и қароқчини ҳимоят.

Ҳофиз сўзина қайда ниҳоят бўласидур,  
Чун ишқи худода дуо йўқ ҳадду ниҳоят.

Юзунгдин олур жавҳар-и жон ҳусну латофат,  
Ошиқ бошина хок-и раҳинг тож-и хилофат.

Ошуб-и замон, фитна-йи даврон қани сантак,  
Кўз-и соҳиру болоси ила ғамзаси офат.

94

Қадғу йўқ, агар жонни равон қилсаман, илло  
Лойиқ санга бўлғайму тею бор махофат.

Қадғу элидин бўлғаман озод ўшул дам,  
Қулларинга ўзумин қила билсам изофат.

Жон бирла сизинурман эшигинга равонким,  
Соянг қаму оламга эрур раҳмату рофат.

Кўнглум ҳарим-и васлинг маънода улашди,  
Суврат била қилмади зиён буъд-и масофат.

Султон-и хаёлинг кўнглум эвина донм  
Тушса, не ажаб бор, ўшул эвда назофат.

Ман бандасини келтура билгай эдим, эй шоҳ,  
Гар мўр Сулаймонга қила билса зиёфат.

Ҳофиз газалин об-и равонтак кўрар эрсанг,  
Юпсунгай эдинг сўзларини, эй баҳр-и зарофат.

95

Ул париваш зулфидин девона бўлдум оқибат,  
Кўргил эмди халқ аро афсона бўлдум оқибат.

Ишқ асрорин билиб, кўргил, вафо йўлинда ман  
Жон бериб жононага, жонона бўлдум оқибат.

Эшигининг итларинга ошно бўлуб, кўрунг  
Барча ёру дўстдин бегона бўлдум оқибат.

Фурқат ўтига ёниб-ёнимай равон жондин кечиб,  
Шамъ-и рухсори учун парвона бўлдум оқибат.

Бенишон бўлиб жаҳонни сарбасар қаздим, вале  
Ганж-и ҳуснин топмайини вайрона бўлдум оқибат.

Кўз ёшим дарё қилиб ғаввостак, кўргил мани,  
Ишқ баҳринга чўмуб, дурдона бўлдум оқибат.

Қочиб ул дилбар жафосиндин хаёле этадур,  
Ҳофиз-и мискин била ҳамхона бўлдум оқибат.

96

Кўнгол қаробаси топди кўзиндин асри шикаст,  
Қилур мунунг бики ишлар мудом мардум-и маст.

Лаби чу бода-йи жон берди жумла ошиқға,  
Ўшанда айлади ман ташналабин боданараст.

Шаробхона-йи лаъл-и лабиниқим очди,  
Салоҳу зуҳд йўли тарк қилди аҳл-и нишаст.

Ичиб шароб-и лаб соқийдин чаман ичра,  
Қадаҳ сифат бародур гуллар эмди даст-бадаст.

Муҳаббатинга тушуб зулфина асир ўлдум,  
Чу моҳеқим кўринур баҳрда асир-и шаст.

Бу ҳасту нест мақоминда неча бўлғайман,  
Уш эмди нест бўлиб бир йўли бўлайим ҳаст.

Агарчи зоҳир-и Ҳофиз топунди бутларга,  
Вале ҳамиша эрур маънода худойпараст.

97

Гулни маст айлагали жом-и аласт  
Гул қадаҳтак борадур даст-бадаст.

Бодадин тавба қилибдур эрдим,  
Вале топди лабидин тавба шикаст.

Арбада қилса кўзи турфа эмас,  
Чун эрур ноз шароби била маст.

Давр-и лаъл-и лабню кўзинда  
Зоҳид-и шуҳра эрур бодапараст.

Оғзини издадиму йўқ бўлдум,  
Нест бўлмай чу топулмади ҳаст.

Ақд-и зулфини қўлумким тутди,  
Ҳажртак кўзга кўрунди ул шаст.

Ҳофиз анинг қаддин умид тутар,  
Етмас умидига чун ҳиммат паст.

98

Шакар бикин тудоқина раста қилиб набот,  
Ошиқлари қониға битиди хатт-и барот.

Йил ичра бир барот туни кўрса халқлар,  
Бир ойда икки ман кўрадурман шаб-и барот.

Зуннор-и зулфидин манга масжид керакмагай,  
Ким кўп хаёл бирла кўнгул бўлди сўмнот.

Парда жамолидий кўтариб очдиса юзин.  
Ҳасрат ўтига ёнди қамуғ лоту ҳам манот.

Қомат билан қиёмат этар бўлдиса равон,  
Бут қоматиндин айтди ҳайя ала-с-салот.

Шатранж-и ҳусн ўйнаю отланса казгали,  
Бўлғай пиёда рух қўюбон ерга шоҳ мот.

Тесам, парийдур, одамийлик бўлмагай анга  
Ким, менгзар малакка ўшул кўрклу покзот.

Қиймоч қаро кўзиким олур ғамза бирла жон,  
Ширин тудоқи сўз била бошдин берур ҳаёт.

Лаъл-и лабинга жонин равон қилмаға тилар,  
Ҳофиз каманд-и зулфидин эмди тоғуб нажот.

99

Юзининг узра хати саййиот ила ҳасанот,  
Оғизн чашма-йн Хизру лабидур об-и ҳаёт.

Набот-и раста кўруб лаъл-и шакарини уза,  
Хижолатидин ўшул дам эриди қанду набот.

Юзинга қаршу гулистонда гул очилмас эди,  
Юзинда гулнинг агар бўлса эрди зарра уёт.

Нажот қайднинг ичра кўрунмади, илло  
Кўнгул кўрар ўшанинг қайд-и зулфи ичра нажот.

Назири йўқ, назарбоз ишқ шатранжин,  
Қачонким ўйнаса ҳуснидин қилур ани шахмот.

Ушул санамда қароре қарор эрди кўнгул,  
Агар кўрунса эди бевафо умрда сабот.

Дуо-йн шоҳ-и замондур ёрсиз, эй Ҳофиз,  
Неча ёзилса, бу девон-и умрда ҳасанот.

100

То бўлди қоши бандага меҳроб-и муножот,  
Қилди юзини жону кўнгул қибла-йн ҳожот.

Мажмуъ-и жаҳон асли эрур ишқ-и ҳақиқий,  
Хуршид, бале, бир эруру сонсизо заррот.

Даъво-ин муҳаббат қилу нафй айла ўзунгни,  
Бу даъво чу маънода бўлур нафй-и ила исбот.

Ман банда тақи васл-и ўшул дилбар-и зебо,  
Қайда бўла билсун манга бу маъно, ҳайҳот.

Ихлос-и муҳаббат йўлида келтура кўргил,  
Ихлосдин ўзга чун эрур бориси томот.

Гултак танина заррача офат тегар эрса,  
Ул дамда тегар жон-и ҳазинимга бас офот.

Ҳофиз эшиги тупроқини юзина суртар,  
Чун кўрунур андин анга юз важҳ-и каромот.

101

Бўлғали шакартек оғзинг чашма-ин об-и ҳаёт,  
Кўзларим Жайхунидин шармандадур Нилу Фирот.

Эй камонабрў, ўқингга сийнани қилдим ҳадаф,  
От қилмоқ не учун, ул хокийни бу хокийга от.

Қилғали шаҳбоз жонимни муқаййид зулфунгиз  
Топмади ул қайддин бу сайд бир лаҳза нажот.

То лаби шақкарфишонинг сўзга келди, эй санам,  
Кўз кўра бошлади Исо ўрнина бас мўъжизот.

Қолмади қанду наботу рустау шакарга қадр,  
То набот-и лаълинг узра ришта бўлубдур набот.

Офтоб-и юзунгга бўлмағай эрди рўбарў,  
Бўлса эрди ойина юзинда бир зарра уёт.

Гар закот-и ҳусн учун издар эсанг мискин гадо,  
Ҳофиз-и мискин гадойингдур, анга бергил закот.

102

Лаб-и лаълингким эрур ошиқингга об-и ҳаёт,  
Ҳизр-и хаттинг кўрунур теграсида чун зулумот.

Суғага келганда ўшул кон-и шакартек оғзинг,  
Бош қўяр сучи лабинга ўшанинг кўра набот.

Бордур хуси нисоби санга, эй ширинкор,  
Ушбу дарвешга берсанг не бўла бўса закот.

Турлар орасида дилбар эрурсан ширин,  
Ким санга теги тўш эмасдур қўнғурот ила қиёт.

Отвағил темаи ўшул ғамза ўқин жонимға,  
Синар айладим анга сийнани, сан от учун от.

Шаб-и ҳижрон буйла зулфунг сўзини ёзганда,  
Бори кўрди қародин ўз ўзини холий давот.

Ҳофиво, зулфи камандини қачонким ёзсанг,  
Умр девонида ул дамда ёзилғай ҳасанот.

103

Шаккарини сўзунга бош қўйғали қанд ила набот,  
Тар бўлибтур лаъл-и лабингни кўруб об-и ҳаёт.

Ошиқ-и покназарга равиш-и ишқ учун,  
Қандадур сан такин, эй жону жаҳон, пок сифот.

Сари қадинг неча ким ўхшар алифга илло,  
Бўла билмас алиф онинг бики ширин ҳарокот.

Ман биҳил айладим, эй жон, бу қизил қонимни,  
Сафҳа-йи гул уза кўргузғали сан хатт-и барот.

Ман нафодорлиг, эй жон, санга кўргузур экан,  
Сан жафо айласанг ўш эмди кима бўлғай уёт.

Ултура кўргил ўш эмди мани сан жавр била,  
Токи қолсуи инминадни бу жаҳон ичра бир от.

Бош қўюб жонини эшигинда равон берса санга,  
Ҳофиз-и хастага ул дам бўлур аъло даражот.

104

Кўза учи бирла боқиб айласанг бу қулга риоят,  
Ўшул риоятинг ўлғай ҳақимға айи-и иноят.



Жафову жавр қиличин бу хаста хонима чакма,  
Ситам раиятина қилмади чу шоҳ-и вилоят.

Жароҳат-и жигар-и решдин не сўз айтэйим,  
Қилатурур чу кўзум ёши бирла чехра ҳикоят.

Не сўз айтсаман, эй жон, муродим андин сансан,  
Керакса бўлсун ўшул сўз ичинда шукру шикоят.

Иўлингда рост юрумак манга бўлур эди рўзий,  
Бу йўлда йўлдош агар бўлса лутфу нур-и ҳидоят.

Бу хаста дилга карам бирла бор бергил эшикда,  
Иўқ эрса йўқдур, эй даст, манда ақлу кифоят.

Жамолу ҳуснунг васфини айта билмади Ҳофиз,  
Чу зарра меҳр жамолиндин айламади ривоят.

105

Вафо мангаю жафо сизга бўлди мазҳабу одат,  
Магар вафо била шир ичдим эрди вақт-и вилодат.

Жафонг элиндин сахро йўлини тутдум, илло  
Кашон-кашон мани келтурди бу каманд-и иродат.

Қарору сабр бу хаста кўнгулда қолмади, лекин  
Мухаббату ғам-и ишқ анда бўлди асри зиёдат.

Манга юзунгни қачонким кушода кўргузур эрсанг,  
Юзини кўргузур ул ҳол ичинда бахту саодат.

Сипоҳий кўзунг қошинда қошу ғамзаю кирпук,  
Қароқчилар вале ғамзанг қиладур анда жалолат.

Гувоҳлиқ берадур кўзларинг қонимни ичарга,  
Эшитмагил, чун эмас мастдин дуруст шаҳодат.

Бу хаста Ҳофиз бечораға бирорда назар қил,  
Риёсизин тиласанг шаксиз, эй ҳабиб, ибодат.

106

Юзунгда кўрунур манга юз нур-и саодат,  
Андин кўнгулу жонда бўлур меҳр зиёдат.

Ман дард-и фироқинг била бас жон чакадурман,  
Бу хастага қилмасмусен, эй дўст, иёдат.

Чун жон чакадурман, лаб-и лаълингни манга бер,  
Ошиқ чека кўрсун бу замон шаҳд-и шаҳодат.

Жон олғали ул зулф-и камандини узатма,  
Чун мўй-и кашон келтурадур банд-и иродат.

Гаҳ-гоҳ маним ҳолима раҳм айлагил, эй дўст,  
Верую риё гар тиласанг ганж-и ибодат.

Ишқинг сўзини сўзласам айб дагулдур,  
Чун бўлди бу тавр эмди манга мазҳабу одат.

Бу Ҳофиз дармондага юз кўргузур эрсанг,  
Юз кўргузур ул дам анга юз турлу саодат.

107

Хуршид теди юзунга бор аҳл-и басорат,  
Бу сўз тақи ҳуснунгдин эрур зарра ишорат.

Жон бикин ўшул пок лабинг сўзини тегай,  
Чун жигариндин кишиким қилса таҳорат.

Жонимни равон ул лаб-и лаълингга берурман,  
Чун нақд берур суд учун аҳл-и тижорат.

Давр-и лаб-и лаълингда ман муфлис-и бадном,  
Майхонани қилдим саҳару шом зиёрат.

Чун ғамза-йи пинҳон била ҳолимни билурсан,  
Не ишга керак зоҳир орамизда иборат.

Юз оҳ чакарман қаро кўзунг элидинким,  
Ҳар лаҳза қилур кўзгуда жон мулкани ғорат.

Солғали назар нор бикин юзунга Ҳофиз,  
Бордур сўзининг ичра туман турлу ҳарорат.

108

Боғ ичра хиром айласа ул қад ила қомат,  
Пайдо бўлур ул дамда туман турлу қиёмат.

Ул фитна қароқчи қаро кўз даврида эмди,  
Бир гўшанишин қолмадиким, бўлса саломат.

Эй зоҳид-и худбин, кўнглум савмади сени,  
Чун аҳл-и саломат сану ман мард-и маломат.

Фирдавсда сокиндур ўшулким, қила билди  
Дилбар сар-и кўйинда бу дам азм-и иқомат.

Сўфийки, чака билмади ҳар дам май-и софий,  
Ошиқлар орасинда чакар бор-и ғаромат.

Кўп жавру жафо қилмасун ул шоҳ-и замонким,  
Бу жавр ниҳоний кетурур бод-и надомат.

Қилса назаре Ҳофиз-и бечораға жонон,  
Кўрунгай эди барчаға ул айн-и каромат.

109

Бўлдум онинг лаълини кўргали ман бодапараст,  
Ким кўзин сузуб қачон боқса қилур жонимни маст.

Ёндиму юзунга қаршу чакмадим ман хаста оҳ,  
Барг-и гул шох узра чун елдин топар доим шикаст.

Ман заиф оҳи қачон етушур ўшул жононаға,  
Чун баланд эрур анинг болосию бу оҳ паст.

Рифъат ичра арш бошим бирла ҳамсар бўлмағай,  
Бир замон гар пойбус-и дўст ногаҳ берса даст.

Зулф-и кўзумда бўлуб кўнглумни сайд этса не тонг,  
Чунки дарёға солибтурур ўшул дилдор шаст.

Оғзи сўз бирла тақи пайдо бўла билмас анинг,  
Чунки бўлмади сўз ила ҳеч ерда нест ҳаст.

Ул бут-и исонафас юзиндин олғали ниқоб,  
Жумла ошиқ бўлди, Ҳофиз, жони бирла бутпараст.

110

Ер эшиги бўлғали бандаға боғ-и биҳишт,  
Кечмади кўнглумга ҳеч жанинат-и анбарсирришт.

Юз гули садбаргдин хуш кўрунур кўзума,  
Дўст элидин қачон тегса бу бошимга хишт.

Айб манга қилмангиз, ишқда бош ўйнасам,  
Чунним азалдин манга ушбу эрур сарнавишт.

Жон била ёр издагил қайдаки бўлсанг мудом,  
Ишқда чуи бир эрур масжиду кунж-и киништ.

Тема манга хўбу зишт, ҳар неча бўлсам ёмон,  
Чуи бу жаҳон ичра ҳеч қолмайсар хўбу зишт.

Ҳар ним онинг эшигин билди бихишт-и барин  
Жону кўнгули била равза-йи ризвон-и бихишт.

Чуи гуварон обтак умр кечар, Ҳофизо,  
Чашма-йи ишрат уруб сақла лаб-и жўйу кишт.

111

Ком-и жонимга қачон текса лабиндин шарбат,  
Хаста кўнглум топар ул ҳолда турлу сиҳҳат.

Сухбате ҳар киши бирла қила билмас кўнглум,  
Бўлгали дард-и дилором манга ҳамсуҳбат.

Ишқ дардини манга дам-бадам афзун айлар,  
Қилсаман ҳар нафас жон бирла шукр-и неъмат.

Қаду болосниа жонимни равон қилгали,  
Ишқнинг йўлида бўлди манга олий ҳиммат.

Бўлди қадрим қаму халқ орасида бас олий,  
Жон-и роҳи бошима бўлгали тож-и иззат.

Қаро қошиндин онинг ноз ёғар ошиқга,  
Гўё ул қаро қошига эрур абр-и раҳмат.

Ганж-и маънога тамом элтгай эрдим роҳе,  
Даст берса эди Ҳофиз биши кунж-и узлат.

112

Ювини кўрарда гулу гулзор не ҳожат,  
Гул бўлса назарда хас ила хор не ҳожат.

Кўрганда юзин бўлмаса хушдур тан-и хокий,  
Хуршид-и жаҳонтобға девор не ҳожат.

Ул маст-и мудом эрур ани талаб айлаб,  
Келмак қошина гофулу ҳушёр не ҳожат.

Мажнун, қилур эрса кишини зулфи ҳавоси,  
Андоқ кишининг белина зуннор не ҳожат.

Бўлди юрагим пора ғам-и ишқ элиндин,  
Қилмоқ яна бу хастанн озор не ҳожат.

Жон сирри кўнгул лавҳида агар бўлса кушода,  
Андин сўнги бу заҳмат-и гуфтор не ҳожат.

Кечгил бу ўзунгдин тақи бўл ўзунгга восил,  
Ҳофиз, санга сўз андаку бисёр не ҳожат.

113

Қила билман бу жонондин шикоят,  
Ярашмас танга чун жондин шикоят.

Зиҳи куфрон-и неъмат бўлғай улким,  
Қилуса банда султондин шикоят.

Шикоят айламасман ёрдинким,  
Муаҳҳид қилмас имондин шикоят.

Қилур эрдим шикоят, қилса эрди  
Варақнинг ҳарфи қуръондин шикоят.

Анингтак анда эрур бандага ёр  
Ким, анда сизмади андин шикоят.

Рақибиндин шикоят қилса бўлур,  
Чун одам қилди шайтондин шикоят.

Мани ўлтурса товон бергали ёр,  
Манга бор ушбу товондин шикоят.

Эрур донову лекин ҳол сўрмас,  
Кўнгулда бор бу ёндин шикоят.

Кўнгул қолмаса қилмас эрди Ҳофиз,  
Ғазалнинг ичра жонондин шикоят.

114

Бўса бергил ушбу мискинга закот,  
То жаҳоннинг ичра қолсин яхши от.

Хиёр-и хатинг бирла ул лаъл-и лабинг,  
Зулмат ичра кўрунур об-и ҳаёт.

Шаккарин лаъл-и лабингдин мунфайл,  
Вўлди Миср ичра, баса, қанду набот.

Не ажаб қошимда тинмасанг даме,  
Умрга чунким кўринмади сабот.

Нечаким кўрклулар аро кўзладим,  
Кўрмадим сантак латифу пок зот.

Толбиким жон била нздар сани,  
Бир ангадур масжиду ҳам сўмнот.

Ишқ шатранжин тиласа ўйнамоқ,  
Ҳофизо, руҳ кўргузуб қил шоҳ мот.

117

Ошиқдур анинг тол бўйина сарв тақи тож,  
Шамшоду санавбардин олур шакли анинг бож.

Кўнглумда қарор айламас ором тақи сабр,  
Ким ғамзаси ҳар лаҳза қилур кўз кўра торож.

Тийреким анинг ғамзасидин жонима текса,  
Жонимни чиқарурману қилман они ихрож.

Анбар бики зулфиндин анинг жон кеча билмас,  
Чун васл замонинда ўшулдур шаб-и меърож.

Сардор муҳаббатда бўлуб дорға осмай,  
Мансур бўла билмади ушшоқ аро Халлож.

Хок-и қадамин тож-и сар этсам ажаб эрмас,  
Чун бўлди анга шоҳ-и замон бандаю муҳтож.

Султон-и жаҳон тожини Ҳофиз кўза илмас,  
То хок-и раҳ-и фақрни қилди бошина тож.

118

Шаҳ-и замонасану банда банда-йи муҳтож  
Ким, айладим адоқинг туфроқин бошимға тож.

Юзунга қаршу тура билмасам тонг эрмаским,  
Қилур қароқчи кўзунг мулки жону дил торож.

Санга бу жонни равон қилсам ғариб эрмас,  
Чу подшаҳға раия берур ҳамиша хирож.

Бисот-и ҳуснда сан шоҳ-и суврату маъно,  
Бу шоҳ дунё-йи дундур қошингда чун шаҳ-и ож.

Сани кўрарда кўзум ёши наг бўлур пайдо,  
Чу меҳр чоғинда пинҳон бўлур ҳамиша сирож.

Хаёли юзунг ила топди юз сафо кўнглум,  
Чу шамъдин кўрунур дойимо сафо-йи зужоғ.

Фано-йи ишқ бўлур нусрат изда, эй Ҳофиз,  
Фано-йи ишқ ила Мансур бўлди чун Халлож.

119

Жону кўнгулда бор бу жононга эҳтиёж,  
Андоғки бор ўлу кишида жонга эҳтиёж.

Асри фақир агарчи гадо-йи ҳақирман,  
Иўқдур кўнгулда шоҳ ила султонга эҳтиёж.

Мухтож эсам юзини кўрарга, ғариб эмас,  
Булбулда бўлмадиму гулистонга эҳтиёж.

Ёлғон қилур ҳамиша ўшул ваъдалар, вале,  
Бордур ҳануз ваъдаси ёлганга эҳтиёж.

Ул сафҳа-йи узоғида хати кўрунгалли  
Ошиқда бўлмади гулу райҳонга эҳтиёж.

Зулф-и саводи бўлғали юзи баёзида,  
Қолмади ҳеч дафтари девонга эҳтиёж.

Ҳофиз каманд-и зулфида юзин тилар тамом,  
Шабравда бор чун маҳ-и тобонга эҳтиёж.

120

Хаста кўнглумга лабидур илож,  
Ким эрур ул нозуку нозукмизож.

Лаъли хаёли кўзума тушкали,  
Чун жигардин тўлудур бу зужож.

Заҳр элиндин манга об-и Фирот,  
Об-и ҳаёт онсиз эрур талх ужош.

Хол эрур зулфида бас тийраҳол,  
Мушкга йўқ чиннинг ичинда ривож.

Бўлди адам қошида арбоб-и ҳусн,  
Йўқ бўлур меҳр қошинда сирож.

Салтанат-и фақри толдинг эса,  
Не кераги бор санга тахту тош.

Каъба-йи мақсудга еткур равон,  
Ҳофиз-и бечорани, эй мир-и хож.

121

Ҳаёт тоза равон қилгали насим-и сабоҳ,  
Симоъ бошлади завқу тараб била ақдоҳ.

Ҳазор турлу жароҳатга роҳату марҳам,  
Топар лабиндин анинг руҳ ичса ҳар дам роҳ.

Ҳаром эрди май-и лоларанг ошиқга,  
Баҳор булбул-и хушгўй тоза қилди ниқоҳ.

Эшитди эрса сало-йи май-и муғонни кўнгул,  
Тақи эшитмади ҳаргиз салоҳ аҳлан фалоҳ.

Нишот-и жон тилар эрсанг шароб ичгилким,  
Ҳамиша маст юруйдур бу даврда арвоҳ.

Ниҳон кўнгулдаги сир бўлди равшану пайдо,  
Чун ул зужошу муҳаббатнинг ўтидур мисбоҳ.

Дуо-йи пир-и муғонни бу Ҳофиз этадур,  
Ниёзу сидқ била жониндин сабоҳу равоҳ.

122

Мудом хуш кечасидур манга сабоҳу равоҳ,  
Чу зулфу юзи сўзи бўлди вирд шому сабоҳ.



Бу мунча нақшни бенақшдин топар доим,  
Мукавванотнинг ичраги сони йўқ алвоҳ.

Хаёл-и юзи кўнгулда анинг бикин кўрунур  
Ким, ул зужож-и мусаффода кўрунур мисбоҳ.

Ҳаво-йи ишқ ила парвоз арш узра қилур,  
Ҳумой-и ҳимматим очғанда завқ бирла жаноҳ.

Тудоқи руҳни маст этгали сўзи бирла  
Хижил кўрундию кизланди шиша ичра роҳ.

Шароб ичкали издар магар гулистонда  
Ки, сара гулдин олиб турур илгина ақдоҳ.

Кўнгул эшигина гар қулф ғам солур эса банд,  
Шароб-и лаълини издаким, ул эрур мифтоҳ.

Фасод аро кижорубдур маним ишимни зуҳд,  
Май-и муғон била қилмоқ керак ани ислоҳ.

Мудом ичкуси Ҳофиз лабини ёд қилиб,  
Шароб-и ноб чу ишқ аҳлига кўрунди мубоҳ.

123

Кўзи давринда бода бўлди мубоҳ,  
Ким эрур маст эмди аҳл-и салоҳ.

Лаб-и лаълини ёд қилмоқ ила  
Руҳ-и ошиқ мудом ичди роҳ.

Не ажаб, жоним учса лаъли учун,  
Бол учун чун магаслар очди жаноҳ.

Кўзларим мардуми бикин бу замон,  
Баҳрларда кўрунмади сибоҳ.

Қирпуки реш-и дилни тоза қилур,  
Ушанингдакки ништар-и жарроҳ.

Бас муборак сабоҳ бўлғайким,  
Кўргузур бўлса юзин эрта сабоҳ.

Юзу зулфи сўзи бирла кечар,  
Ҳофизо, бандага сабоҳу равоҳ.

Хуш эрди ёр била бизга ул сабоҳ сабуҳ,  
Ки маст-и муст эди ёд-и роҳ бирла руҳ.

Шароб-и лаъли лабин кўрса бехато бузгай,  
Вўлуб муқим-и харобат тавбасини насух.

Масиҳтак лаб-и лаъли гуҳарлари қошида,  
Не турлу гуҳару дур бўлса кўрунур мамсух.

Жароҳат-и жигар-и реш учун даво тиласам,  
Қилур шикаста кўнгулумни дам-бадам мажруҳ.

Танимни элтса кўз ёши қоҳтак, не ажаб,  
Чу бўлди баҳрининг ичра равон сафина-йи Нуҳ.

Талабда об-и равонтак ўзунга боғланма,  
Сафову завқ эшигин тилар эсанг мафтух.

Қасида бирла ғазал айтмоқ бўлур осон,  
Латиф табъу сахий бўлса, Ҳофизо, мамдуҳ.

Назар юзунга қила билмади киши гўстоҳ,  
Ким ул кўзунг қиладур ғамзадин жигар сўроҳ.

Юзунг қошинда маҳу меҳр ишидур бас хом,  
Агарчи кулли жаҳон узра бўлдилар таббоҳ.

Сафо-йи жонни кўрар ой юзунгда ошиқким,  
Кўнгули ойинаси узра йўқ турур авсоҳ.

Хаёл-и оғзинг ила тор эрур шикаста кўнгул,  
Не фойда манга бўлганидди бу дунё фароҳ.

Сарир-и салтанат-и шохдин тушар гуллар,  
Агар ба боғ намоён руҳ аз даричай-и коҳ.

Чаманнинг ичра юзунгдин ниқоб агар олсанг,  
Гул аз хижолат-и рўй-и ту уфтад аз сар-и шох.

Мидодтак қаро зулфунгни кўргали Ҳофиз,  
Анинг саводи била бўлди олиме нассоҳ.

Халқ ора агарчи бу дам ой бор эрур ийд,  
Ошиқға вале давлат-и дийдор эрур ийд.

Ҳар кишига бордур бу замон ийд била завқ,  
Илло ман — дилсўхтага бор эрур ийд.

Бозорга бозор қила кирса жамолин,  
Ул ҳолда ошиқға бу бозор эрур ийд.

Зоҳидлара меҳробу мусаллову масожид,  
Майхоралара хона-йи хаммор эрур ийд.

Ким ишқда жондин кеча билмаса равони,  
Андоғ кишидин жони била безор эрур ийд.

Қурбон-и муҳаббат бўла билганга бу йўлда,  
Бир дамда сафо юз мингу сад бор эрур ийд.

Дам урса апал-ҳақдин ўшул ошиқ-и бедор,  
Ул дамда анга рост сар-и дор эрур ийд.

Гул бирла қачон сарв-и сиҳни талаб этсун,  
Ошиқғаким ул қомату рухсор эрур ийд.

Завқ айласа Ҳофиз, не ажаб, ёр юзиндин,  
Булбулга чаман ичра чу гулзор эрур ийд.

Қаро кўзунг бики жоду жаҳонда йўқ устод,  
Чу дам-бадам қиладур ушбу фанда бир бунёд.

Бўюнғга бўлғали сарв-и сиҳий кўнгул била қул,  
Кўрунур ул чаману боғ ичинда бас озод.

Ниҳол-и тол бикин қадинг айлағали хиром,  
Ғам ичра қолдию бўлмади шод ҳам шамшод.

Ҳамиша жон била машғул ёрнинг эрурман,  
Баҳона бирла тақи қилмадинг мани бир ёд.

Кўнгулни олғали зулфунг камандини ёзғил,  
Чу ёзди домни пайваста сайд учун сайёд.

Мудом жавр ила бедод қилмасанг жонга,  
Тиламагай эди кўнглум жафонг элиндин дод.

Чакар ҳамиша эшикингда ушбу Ҳофиз оҳ,  
Чу булбул айлади бўстонда оҳ ила фарёд.

128

Сабо насимдин ул зулф топди эрса кушод,  
Бу умрум эмди кечар, оҳ, оҳ ила барбод.

Ҳабиб умр бикни келдию равон кечди,  
Не фойда берур ўш эмди оҳ ила фарёд.

Кўнгул ҳамиша анинг ёди бирладур машғул,  
Валек қилмади жонон бу хастадин бир ёд.

Юзи гулинга анинг лола бўлғали лоло,  
Ғулом-и қадди эрур гарчи сарв эрур озо.

Чаманнинг ичра хиромон қаддини кўргали,  
Ғам ичра қолдию бўлмади шод ҳам шамшод.

Дуо-йи давлатини шому ҳам саҳар қилайм,  
Чу бўлди зулфу юзининг сўзи манга аврод.

Камол таврида Ҳофиз газаллар айтур эрди,  
Вале бу бир неча шеър ичра бор таври Имо.

129

Топмади жоним каманд-и зулфунг илгиндин кушод,  
Бўлмади ғамгину ишкаста кўнгул ҳам ҳеч шод.

Жумла оламнинг иши мантак паришон бўлғуси,  
Сунбулу зулфунгдин ошса ногаҳоне тундбод.

Сафҳа-йи рухсоринг узра сунбул-и зулфунг кўруб,  
Қолди ҳайрон қороз устинда бас хатту савод.

Хусн айёмида қилғил ушбу мискинга назар,  
Давр-и гулга чунки йўқдур ҳеч вақт эътимод.

Мухлис-и диринадин ёшурмағил юзунгниким,  
Бу фақире хаста дилда бор ҳусн-и эътиқод.

Бир кўрар бўлса қаду юзунгни боғу бўстон,  
Сарв-и зебову гул-и раъно қилур юз инқиёд.

Ушбу қулнинг ҳасрати ул эрур, эй султон-и ҳусн,  
Ким висолингдур муроду доим эрур номурод.

Ман санинг ёдинг била жонни берадурман, вале  
Сансан ул султонки, қилмассан қулунгни ҳеч ёд.

Туну кун тинмай висолингни тилаб жони била  
Ўлди Ҳофиз ҳажр элиндин сизга эмди умрбод.

130

Бағланди эрса зулфина топди кўнгул кушод,  
Жон ҳам юзини кўргалидур пок эътиқод.

Ул шоҳдин насиба тегар бу гадойға  
Ким, топди эмди хаста кўнгул бирла жон мурод.

Тос-и фалакда нард-и ҳусн ҳар ким ўйнаса,  
Мансуба-йи карашмаси келгай анинг знёд.

Таррор турраси била кофир қаро кўзи  
Аҳли салоҳ ишинда қилур дам-бадам фасод.

Жавру жафосидин адоқиға бошим солиб,  
Фарёду нолалар била айтганда дод-дод.

Кўп зулм қилди ғамза-йи ғаммосаси, вале  
Шакар бикин тудоқи сўруб яхши дод-дод.

Ҳинду-йи бозгуна эрур турклар аро  
Ким, қадғусинда Ҳофиз-и бечора бўлди шод.

131

Чакти бош ноз била мандин ўшул сарв-и баланд,  
Ким йироқдин юзини кўргали бўлдум хурсанд.

Жоду кўзи қошидин қайда бора билгайман,  
Чун қилибдур мани афсуи била ул турраси банд.

Дом-и ишқинға тушубдур кўнглум андинким,  
Солди жон бўйнииа занжир сар-и зулф-и каманд.

Мани девона чун айлабдур ўшул рашк-и парий  
Суд йўқдур, ман савдозадага берманг панд.

Сўзи бирла кўзию лаъл-и лабин ёд этсам,  
Тўти-йи жон тиламас шакару бодом ила қанд.

Тегмасун ногоҳ ўшул ой юзинга кўз теб,  
Юзининг оташи узра кўрунур холи сипанд.

Чунки бегонаву беҳуш бўлубтур Ҳофиз,  
Ошнолар била қайда қила билгай пайванд.

132

Кўргузур бўлса қадин боғда ул сарв-и баланд,  
Зулфи жонимнинг одоқинга солур кўз кўра банд.

Кечди савдо-йи муҳаббат била ошиқ бошидин,  
Бўлгали зулф-и хам андар хам-и жонон чу каманд.

Ман Мажнунга карак зулфидин анинг занжир,  
Оқил эрсангиз ўш эмди манга сиз берманг панд.

Юзи устиндаги ул дона-йи холин савадур,  
Оташ-и ишқи била куйгали жоним чу сипанд.

Офтоб-и юзина нозиру ҳайрон бўлган  
Кунда бир кўрмаги ила бўлмади ҳаргиз хурсанд.

Тўтилар борки сўзлари эрур бас ширин,  
Лекин андоқ қани сўзи сучию шакарханд?

Ани кимга бу жаҳон ичра киши ўхшатгай,  
Жумла оламда чу бемисл эруру бемонанд.

Бўлмади меҳри жудо бир нафасе жонимдин,  
То анинг меҳри бу жоним била қилди пайванд.

Оташ-и ишқи Ҳофиз кўнглиндин изданг,  
Чун анинг кўнглида бордур бу замон нор-и Хўжанд.

133

Шакарга ханда қилса ўшул лаъл-и нўшханд,  
Бўлур хижолат ўтида сувтак ўшанда қанд.

Шамшоду сарв сажда-йи шукр айлагай мудом,  
Кўргузса бўстонда ўшул жон қад-и баланд.

Занжир-и зулфи чун мани девона айлади,  
Сиз ақли борлар берманг ўш эмди панд.

Зулфин кетармасин ман савдо-йи илгидин,  
Мажнун-и хастага чун керакдур ҳамиша банд.

Майдон-и ҳусн ичинда ўшул шаҳсуворимиз,  
Жавлон қилурда бошима тегса сум-и саманд.

Қадрим баланд анинг бики бўлғай ўшул замон,  
Ким тегмагай бу жавр-и замондин манга газанд.

Сўрсам калом таврини Ҳофиз бикин равон.  
Шеърим писанд қилғай ўшул шоҳ-и дилписанд.

134

То бўлубдур қадинг чу сарв-и баланд,  
Солди зулфунг каманди жонима банд.

Офтоб-и жамолинга ошиқ  
Бўлғали бўлди омий донишманд.

Зақанингдаин юзунгни хуш кўрдум,  
Себдин хуш эрур чу нор-и Хўжанд.

Оташин юзунг узра дона-йи хол,  
Тегмасни кўз тею эрур чу сипанд.

Тўлуи ой юзунга тамом ўхшар,  
Гарчи эрур йироқ хешованд.

Лаб-и лаълингни сўрғали ичарам,  
Ҳаққ-и нону намак учун савганд.

Лаб-и лаълингни бер бу Ҳофизга  
Ким, эрур бас фақиру ҳожатманд.

135

Мани банда қилиб, қилмассан озод,  
Қилурман жавр элиндин доду фарёд.

Кўнгулни ёқмағил жавру жафодви,  
Қилур чун шоҳлар ўз мулкин обод.

Тиламан дод кофир кўзларингдин,  
Нечаким қилса бу жонимға бедод.

Санинг ёдинг била жонни берурман,  
Не бўлғай айласанг бир бандадин ёд.

Лабинг ёди била жон бердим, орий,  
Берур Ширин учун жонини Фарҳод.

Санга шогирд эрур жоду-йи Кашмир,  
Бу фан ичра кўзунгдур кофир-и устод.

Эшигинг ити йўлга чакти мени,  
Қилур бир тариқат, орий, иршод.

Бу Ҳофиз жонини олғали, эй дўст,  
Кўзунгтак йўқтурур устод-и жаллод.

136

Ҳаманд-и зулфи солди жонима банд,  
Бор эрса ақлингиз берманг манга панд.

Жудо бўлмағай анинг меҳри жондин,  
Жудо гар қилсалар бандимни аз банд.

Ўшанинг бори дардини чакарман,  
Ким андоғ чакса қоҳе кўҳ-и Алванд.

Висол-и дўстни топқан кишилар,  
Қачон бўлсун хаёли бярла хурсанд.

Жамол-и Каъбани кўрмак тилаган  
Ватан қилмади Хоразму Самарқанд.

Тудоқи сўзин, эй жон, тарк қилман,  
Ичибман чун намак ҳақиға савганд.

Тааллуқдин тамомат кечди Ҳофиз,  
Агарчи бор анга юз хешу пайванд.



Қаро кўзунг эрур жоду-йи устод,  
Ушул турра тақи тарор-и Бағдод.

Юзунга жон биландур лола лоло,  
Қадингга банда эрур сарв-и озод.

Кўнгулунгни кўруб дарвиза қилди,  
Қатиғлиқни ҳамиша сангу пўлод.

Тиламан ўзгалардин дод ҳаргиз,  
Нечаким айласанг жонимга бедод.

Лабингни ёд этиб жонни берурман,  
Чу Ширин ёдина жон берди Фарҳод.

Висолингдин насибе рўзий қилғил,  
Не бўлғай бўлса бу ғамгин кўнгул шод.

Бу Ҳофиз кўнглини сайд этди кўзунг,  
Анингтак қайдадур устод сайёд.

## 138

Кўзларитак жаҳонда йўқ жаллод,  
Гарчи бор ушбу фанда бас устод.

Кўнглина қилмас оҳим ўти асар,  
Кўнгул эмасдур, чун ул эрур пўлод.

Қадғусиз бўлса жумла шод бўлур,  
Ман бўлурман анинг ғами била шод.

Ер борди севару ман тедим,  
Оҳким, кечди умримиз барбод.

Қадина сарв бўлғали банда  
Боғу бўстон ичиндадур озод.

Ушбу сарв-и равонни кўргали  
Шод бўлмади боғда шамшод.

Лаб-и ширинни сўрғали Ҳофиз  
Жон чакадур ҳамиша чун Фарҳод.

Чун камад-и зулфидур занжир-и дод,  
Топғаман ҳукм-и лабиндин бас кушод.

Ул қаро кўз жавр қилган орада,  
Сўрдию берди лаб-и ширини дод.

Ман паришон ҳол бўлурман баса,  
Сунбул-и зулфиндин ошса тунд бод.

Тушкали хатининг ичра нуқта хол,  
Мушк-и Чин чин ичра топди бас кушод.

Нур юзини қачон кўргали эдим,  
Холидин бўлмаса кўзумда савод.

Меҳридин кам бўлсаман чун моҳ-и нав,  
Ҳусни бўлур тўлун ой янглиғ зиёд.

Чакмагай меҳрда юз фарёду оҳ,  
Айласа Ҳофизни ул жонона ёд.

## 140

Қани оламнинг ичинда бу дам ул соҳиб-и дард  
Ким, анинг сийнаси сўзону дами бўлса сард.

Ишқ бўстонида ул баргу наво топғайким,  
Еши гулгуну юзи обий сифат бўлса зард.

Бошғара билмади номард муҳаббат йўлини,  
Ишқ йўлин чу бошармаға керак мард-и мард.

Муддаий қайда дам-и ишқ ура билгайким,  
Саф ҳайжода қила билмади номард набард.

Ушбу майдон-и муҳаббатда эрур гардангиз,  
Тутмаган ойна-йи жонида бир заррача гард.

Шодмонлиқ юзини қайда кўрар ишқ ичра  
Ул жигардорки, жон бирла эмас ғампарвард.

Сувар то гарчи бу оламға кўрунур машғул,  
Олам-и маънода Ҳофиз эрур озодау фард.

Мажлисдаким кўрунгай шамъу шаробу шоҳид,  
Гар Жабраил бўлса сиғмагай анда зоҳид.

Эъжоз-и Мусони кўргузгай эрди равшан,  
Кўргузса ул нигорим ошиқларига сонд.

Бу шаклу шева бирла ул нозанин кўрунса,  
Бутга топунгай эрди бешакку шубҳа обид.

Ман бошим ўйнадим уйнар рақиб дастор,  
Мўъмин темакка бўлмас улким эрур муқолид.

Топганда ёр эшигин фикр этмадим рақибдин,  
Жаннатда бўлган, орий, қилмади фикр-и фосид.

Гар сўзга келса жонон шакар тудоқлариндин,  
Бўлгай ўшул замонда қанду набот косид.

Дилдор зулфини чун чакдим эса ўзумга,  
Ҳасрат ўтига куюб жон чакди жумла ҳосид.

Даъво-йи ишқ қилсам ул даъво ҳақ кўрунгай,  
Ҳолимга ушбу сўзлар чунким эрур шавоҳид.

Ганж-и маъоний тоддинг нир-и муғон қошинда,  
Ҳофиз, санга ярашмас ўш эмди кунж-и масжид.

Бўйнумга гар ҳамойил қилса нигор сонд,  
Бўлгай ҳамон замонда давлат манга мусонд.

Бу шева ким кўзю давр-и лабинда бордур,  
Майхора бўлгусидур ҳар гўша ичра зоҳид.

Нор-и Халил эрур ошиқга ишқ ўти,  
Топмас асар бу ўтдин оламда хом ҳосид.

Инокор қилмадуқ биз оламда ҳеч кимга,  
Недин бизим биландур донм рақиблар зид.

Равшан юзини кўруб имон анга кетурдум,  
Чун нур-и ҳақни кўрган мўъмин бўлур муваҳҳид.

<sup>1</sup> 143 ва 144-форсий ғазаллар тушириб қолдирилди.

Ҳар ойнаға боқсам кўрунур жамол-и жонон,  
Эрур жамолна чун ойналар шавоҳид.

Бўлмоқ керак фано теб чун ишқ йўлида раҳбар,  
Ҳофиз, санга не ҳожат оламда ўзга муршид.

145

Бу нақшлар аро сенда нигор пайдодур,  
Чаманининг ичра ўшул гулўзор пайдодур.

Чаманда жуббасни ғунча чок қилсунким,  
Саҳар насимида бўй-и баҳор пайдодур.

Чинор қадни кўрганда лоф қилмасун  
Ким, ани кўрдиса ҳадди-и чинор пайдодур.

Оғзи чашма-йи об-и ҳаёт бўлғали  
Латиф чашма каноринда нор пайдодур.

Ҳаво-йи зулфу юзи бирла тўшкали кўнглум  
Насим-и жон манга лайлу наҳор пайдодур.

Ғубор бўлса таним боқмағил, анга боқғил  
Ким, ул ғуборда бир шаҳсувор пайдодур.

Бу ҳибс-и танда не қолдинг, ҳаво қилиб, Ҳофиз  
Қафасни снндур, ўшул марғзор пайдодур.

146

Зулфи бор экан мушк ила анбарга не сондур,  
Лаъли бор экан шаҳд ила шаккарга не сондур.

Хок-и қадамни кўзума чаккали сурма,  
Кўзум қошида дур ила гуҳарга не сондур.

Ул бор экан ўзга қачон кўзга кўрунсун,  
Хуршид боринда маҳу ахтарга не сондур.

Маҳбубдаким бор турур ҳусн-и худодод,  
Барбаста ўшул зийнату зеварга не сондур.

Ул ғамзаю кирдук бўлғали тийр ила ханжар,  
Ошиқ қошида тийр ила ханжарга не сондур.

Юзини кўрарда не кўрунсун кўзума зулф,  
Мўъмин қошида кофир-и хайбарга не сондур.

Ишқи йўлида борса бошим сон анга бўлғай,  
Ҳофиз, йўқ эса шеър ила сўзларга не сондур.

147

Жаҳон-и жонмудур ул сарвким равон борадур,  
Ани равон кўруб ўш тандаги равон борадур.

Таним ғубор бўлурда гузор қилса ҳабиб,  
Айтгаман кўрунг ўш умр-и жовидон борадур.

Бало қилур эса болосини, ажаб бўлғай,  
Балосифатким ўшул офат-и замон борадур.

Ниҳол-и қаддини кўзда хаёл боғласам,  
Кўрарман ани бу айнимдаким, аён борадур.

Аён эрур вале ул нозанин латофатдин,  
Жаҳон кўзиндин ўшул дам-бадам ниҳон борадур.

Нишон эрур қаму олам анинг вужудиндин,  
Валек мунча нишон аро бенишон борадур.

Не турфа, Ҳофиз ўшул ёрни талаб қилса  
Ким, ани издагали пиру ҳам жавон борадур.

148

Шиканж-и зулфини ошифтаким сабо қиладур,  
Шикаст-и мамлакат-и Чину ҳам Хито қиладур.

Юзи уза ўшанинг зулфи жавр-и беҳадни,  
Бир ой эмаски бу жонимга солҳо қиладур.

Хаёл-и лаъл-и лаби жон эрур манга, илло  
Бу жонни мандин ўшул ғамзалар жудо қиладур.

Ҳаво-йн қомату рафтори тушкали жонга,  
Бошимга бошқа балоларни бу ҳаво қиладур.

Танаъюме ўшанинг дарди бирла ишқиндин  
Шаҳ-и жаҳон қила билмасни бу гадо қиладур.

Муҳаббатинда анинг чун ваҳм-и жазо сиғмас,  
Муҳиб теманг аниким, чун ваҳм-и жазо қиладур.

Жаҳоннинг ичра қаму асл фитналар ҳақ эрур,  
Не иш қилур эса, Ҳофиз, борин худо қиладур.

149

Ишқиндин анинг ошиқекеим оҳ қилибдур,  
Ул оҳ била жонини ҳамроҳ қилибдур.

Зулфу юзининг ҳасратида ошиқ-и жонбоз,  
Кеча уёниб оҳ-и саҳаргоҳ қилибдур.

Бўстонда ўшул қомату рафторни кўрган  
Сарв-и сиҳийнинг сўзини кўтоҳ қилибдур.

Кўнглумга зиёда кўрунур меҳру вафодин  
Не жавру жафоким, манга ул моҳ қилибдур.

Ҳукминга анинг жон била бўйнушни сунубман,  
Чун ҳукмини дарвешга ул шоҳ қилибдур.

Огоҳ эмас ҳеч киши шамъдин, илло  
Парвонани ёндурғали огоҳ қилибдур.

Ҳофиз бу замон жон била бош ўйнамоқ учун  
Иўлинда таваккалту ало-л-лоҳ қилибдур.

150

Ҳар нозким ул дилбар-и танноз қилибдур,  
Мискинлик анга ошиқ-и жонбоз қилибдур.

Кўрғали ниёзимни ўшул дилбар-и танноз,  
Бир ноз била боқғали юз ноз қилибдур.

Бўстонда ер ўнуб қадду болосини кўргач,  
Хидмат ўшанга сарв-и сарафроз қилибдур.

Ман айтмадим сирр-и ғам-и ишқни, илло  
Бошимга бало ғамза-йи ғаммоз қилибдур.

Қаддимни қилур чангсифат чанг-и балодин  
Оҳанг-и бало қилғали чун соз қилибдур.

Розин кўнглум дард-и дилоромға айтур,  
Чун дард азалдин анга ҳамроз қилибдур.

Дилдор эшигига бош уруб манзил қилгай,  
Ҳофиз бу ҳаво бирлаки парвоз қилибдур.

151

То ҳақ назар ул суврат-и зебоға солибдур,  
Юзини кўруб моҳ тақи меҳр уёлибдур.

Кўз учи била боқган орасида парийтак,  
Ғамза била девона кўнглумни чолибдур.

Дарё бики кўзум ёшидин ўт унар эрди,  
Оҳим ўтидин эмди ўшул ҳам сўғолибдур.

Сойил ики кўзум ёши тол бики бўйининг  
Соясида тинмаға тилар, асри толибдур.

Кўрмай қадини қолди эди сарву лекин  
Ул қолмоқидин эмди хижолатда қолибдур.

Оғзи била бир зарра сўзум бор бу чақли  
Ким савган ани боритак андин йўқолибдур.

Ҳофиз, кўнглинг олдию тонмоқ тилар оғзи,  
Кел рост айтингким ул олмай ким олибдур?!

152

Ошиқ кўзида ишқ ўтидин ёш каракдур,  
Меҳр ўти ҳам ул ёш била бош каракдур.

Ушишоқ ароким бош бўла билмак тилар эрсанг,  
Дард ичра кўзунг ёш, бағринг бош каракдур.

Пинҳон неча куйгай кўнглум ишқ ўтига,  
Бу сирр-и ниҳон эмди манга фош каракдур.

Эй халқ-и жаҳон, сиз тилангиз, не керак эрса  
Ким, бори манга ул қаро кўз, қош каракдур.

Гулгун ики кўз ёши тушар йўлга равона,  
Дилдор қачон ким теса йўлдош каракдур

Тегмасун этагинга тею зарра губоре  
Кўз мардумаги йўлида фаррош каракдур.

Ҳофиз, не ажаб, бўл деса қаллош бу йўлда  
Ҳар ким тиласа ниқни қаллош каракдур.

153

Зулфи занжири билан ошиқ-и шайдо хушдур,  
Суду сармоя борур бўлса, бу савдо хушдур.

Келди жонимга балолар ул қаду болосидин,  
Нечаким қилса бало ул қаду боло хушдур.

Бўстон ичра хиромон келуринда кўрдум,  
Сарв-и озоддин ул қомати раъно хушдур.

Бори оламда баса дилбар-и зебо, илло,  
Борчасидин манга ул дилбар-и зебо хушдур.

Жилва қилган орада ҳусну жамолин ҳар дам,  
Жон кўзи бирла анга қилса тамошо хушдур.

Оташин обни келтир манга, эй сўфий, соф,  
Эмдиким гул юзидин доман-и саҳро хушдур.

Жумла ёрон била бегона бўлуб, эй Ҳофиз,  
Ҳар туша билсанг ўшул ёр била танҳо хушдур.

154

Шакар бикин тудоқиндин манга фасона каракдур,  
Баҳона қилма, аё шаҳ, санга баҳона каракдур.

Нисор жонин қилурман бўсағангиз тупроқи  
Учунким эмди манга умр-и жовидона каракдур.

Отарсан ўзгага ғамза ўқин, равон отмайин  
Бу хаста жонгаким, андин баса нишона каракдур.

Бўлубтурур кўксум шох шох оҳим элиндин,  
Магарким ул қаро зулфунга эмди шона каракдур.

Жаҳонни кўз қароқиндин хароб қилма замон бер  
Ким, ул ҳусн кўрунурга баса замона каракдур.

Фироқ дард-и била кўз ёшин равона қилурман,  
Қачон айтса хаёлинг келибки дона каракдур.

Жаҳонда ошиқ-и содиқ баса кўрунадур, илло  
Санга ўшанлар аросинда бир бегона каракдур.

Ғарибу ошиқу дармондаю фақир эрурман,  
Тиланчиликка ўз эвунгда бизга хона каракдур.

Топуғда бўлғай эди хок-и остона бу Ҳофиз,  
Айтсанг эрдиким, ул хок-и остона каракдур.

155

Ошиқ ўлмаган киши оқил эмас, девонадур,  
Шамъ қошинда бу сўзни билган ул парвонадур.

Ёрдин сўзла, маним қошимда гар сўзлар эсанг,  
Лайло сўзиндин ўнгин Мажнунга чун афсонадур.

Ҳоли эрмас ул лаб-и лаъли хаёлиндин кўнгул,  
Ғажининг орий мақоми гўша-йи вайронадур.

Ошиқи топғай гулистон-и хаёлиндин баре,  
Донмо тушса кўзидин ер юзинга дона дур.

Лаъли фикринда ажаб эрмас кўнгул бўлса хароб,  
Чун хароб анинг лаби давринда бас майхонадур.

Чиқмади ҳаргиз паришонликдин ул шона даме,  
Зулфитаг ҳолин паришон қилғучи чун шонадур.

Қайда бўлсун ишқ аро Ҳофиз кишига ошио,  
Чун ўзиндин ҳам муҳаббат йўлида бегонадур.

156

Шамъ-и юзунга кўргали жоним маним парвонадур,  
Занжир-и зулфунгдин тақи оқил кўнгул девонадур.

Мушкин қаро зулфунг била кўзунг хаёли тушқали,  
Гўё кўнгул Чину Хито мулкиндаги бутхонадур.

Езмай каракким шонани ман пора-пора қилсам  
Чун ёзиб узатган оро зулфунгни ҳар дам шонадур.



Сайд ўлса жонимнинг қуши, эй жон, санга, эрмас ажаб,  
Занжир-и зулфунг дому ул холинг анга чун донадур.

Девона эрди донмо кўнглум балову дарддин  
Ганж-и хаёлинг тушкали маъмур ўшул вайронадур.

Ишқингда ёру дўстдин бегона бўлмаган киши  
Гар ошно-йи жон тақи бўлса ўшул бегонадур.

Сонсиз қулумсан тегали Ҳофизни, эй шоҳ-и замон,  
Бир кишига ўхшаб ўзин ўш эмди сонга сонадур.

157

Айём-и нйд бўлди ўшул моҳ қандадур,  
Ким, ҳажри захмидин юрагим фарқ қондадур.

Курбон эшигида ўшанинг бўлсам эрди ман,  
Айгайлар эрди бори бу ошиқ омондадур.

Эндим фироқ ўтиндаю васли маҳол эрур,  
Чун билмасам нигорниким қаю ёндадур.

Издаб висолининг асарин топмадим, вале  
Меҳру муҳаббати ўшанинг бори жондадур.

Андаю мунда издама девоналар бикни,  
Шикаста жонди издаким ул ёр андадур.

Кўрди юзини орифу ошиқ яқин, вале  
Инкор қилгучи кўзи йўқлар гумондадур.

Гулзор-и васлини топа олмай фироқдин,  
Булбулсифат бу Ҳофиз ўш эмди фиғондадур.

158

Висолинг кечаси юз тонг бўлубдур  
Бу сўз халқ-и жаҳонга тонг бўлубдур.

Бу ошиқ эрди, бас оқилу лекин  
Юзунгни кўргали анг-манг бўлубдур.

Тегибдур жон қулоқиға ҳамиша,  
Садо-йи ишқдинким манг бўлубдур.

Қиличи бирла чолса роҳат эрди,  
Мангаким ҳажридин пайваста қиндур.

Агар динсиз эмас ул турк-и бадкеш,  
Жафо қилмоқи жонга бас нединдур?

Кўнгул оғзи била белини савди,  
Чун ул нозук табиат хўрдабиндур.

Сўз айтур ораз-и лутфинда Ҳофиз,  
Лагофат ҳадди сўз ичра ҳаминдур.

161

Анингким чии-и зулфи пуршиқандур,  
Лаб-и ширини бас шакаршиқандур.

Юзи устнидаги ул дона-йи хол,  
Гул-и лола уза мушк-и Хўтандур.

Кўзи нарғис, сочи сунбул, юзи гул,  
Тани барг-и суман қадди норвандур.

Ушул соқий ким, эрур сиймсоқе,  
Лаби лаълу тиши дурр-и Адандур.

Ақиқ ўхшатмоқи лаълинга ўзин,  
Кўрунмайини яхши, чун асли Яман (ёмон)дур.

Юзининг ҳасратида лола янглиғ,  
Ҳамиша ошиқи хунинкафандур.

Камолу ҳусни авсофинда Ҳофиз,  
Сўзи покиза чун шеър-и ҳасандур.

162

Манга ул ой юзлу жонондур,  
Меҳри жоним ичиндаги жондур.

Халқа-халқа каманд-и зулфу қадди,  
Сар устинда мор-и бежондур.

Зулфидин не шикоят айлағайим,  
Зулфи ҳам ман бикни паришондур.

Фироқи илгинда ўлган ошиқ-и зор,  
Тирилмакликка эмди манг бўлубдур.

Юзунгда бўлгали ул дона-йи хол,  
Маним жонимни ёқган манг бўлубдур.

Қошингга бормаға имкон йўқ, эй жон,  
Қошинг гамзанг била ўқ-ёнг бўлубдур.

Қачон ўлсун бу Ҳофиз ишқ бирлан,  
Чу ошиқлик анга хуш бонг бўлубдур.

159

Манга дилдор то ул нозаниндур,  
Саодат ёру давлат ҳамнишиндур.

Замона шоҳи ул жононадурким,  
Анга банда қаму рўй-и заминдур.

Қули бўлиб юзинга мехру ҳам мох,  
Юзинга айтури юз офариндур.

Ўлукка жон бағишлар ҳусни бирла,  
Камол-и ҳусн оламда ҳаминдур.

Шакар ўхшатса лаълингга ўзини,  
Сўзинг бирла шакар нархини синдур.

Қиличин ораулар ошиқеким,  
Фироқинда тирилмак асри қийндур.

Ушал турк-и Хитони савди Ҳофиз,  
Бу сўз ялган эмасдур, аслий чиндур.

160

Ашингким ҳусни рашк-и моҳ-и Чиндур,  
Чу сунбул зулфи лола узра чиндур.

Мани ёлғончи сўзи бирла сурди,  
Уларим ҳажр элинда эмди чиндур.

Иироқға солса васлини ўларман,  
Бу сўзда йўқ гумон асри яқиндур.

Кўз кўруб савгали кўнгул ани,  
Кўз била кўнгул орасида қондур.

Кўз йўлидин жигар бўлубдур хун,  
Анга шаръ ичра эмди товондур.

Ман ўларман тедим эса, айтур:  
Сантак ўлганга мунда не сондур.

Лоф-и ошиқлиқ этма, эй Ҳофиз,  
Ким санингтак анга фаровондур.

163.

Лолау гулдин анинг ол юзи зебодур.  
Сарвдин қадди баса ҳусида ҳам раънодур.

Тонг бўла билмас анинг қадди яна туби ағочи,  
Нурнинг зоти била соя қачон ҳамтодур.

Юзини кўрган аро зулфинаким боғланса,  
Мўмин эрмасдур ўшул киши, вале тарсодур.

Гар бўлур бўлсам анинг юзини кўруб гўйё,  
Не ажаб булбул чун гул юзидин гўёдур.

Турк-и хунрез кўзи, кирпукидур ханжари тез,  
Ғамзаси бирла қаро қоши тақи ўқ ёдур.

Нечаким бош борадур зулфи элидин елга,  
Суду сармоя хамин ёнида ўшул-савдодур.

Манъ қилгон кишилар бандани ул султондин,  
Ушбу дам барчаси ишқиндин анинг шайдодур.

Қон бўлубдур юрагим издаю ул жононни,  
Айтунгиз жондамудур ё тақи ул қондадур.

Фард келмак керак, эй Ҳофиз, ўшул жононга,  
Чун қаму жонга нидо ҳазратидин фардодур.

164

Офат-и сабру қарор ул санам-и зебодур  
Ким, анинг ҳуснига жон ошиқу дил шайдодур.

Ер боринда манга боғу гулистон не керак,  
Қади чун сарв-и сихий, юзи гул-и раънодур.

Бош чакиб боғда пайдо нечаким бўлса чинор,  
Сарвиносим қошида ҳадди анинг пайдодур.

Оҳ ўшул кофир-и хунрез кўзи ғамзасидин  
Ким, анинг даврида ҳар гўшада юз ғавғодур.

Тийр-и борон-и бало ёғи кўзиндин ёғадур,  
Мулк-и жон ичра ўшанинг иши чун яғмодур.

Етса кўнглаги этагинга кўнгулниг илги,  
Не ажаб, бўлғай анинг ҳиммати чун володур.

Зулф-и занжирина Ҳофиз кўнглиг бағламаким,  
Суду сармоя борур бир йўли, ул савдодур.

165

Ҳажринг ўтидин кўз ёши сув бикни оқадур,  
Ғамзанг тақи жон мулкани кўз кўра оқадур.

Кўзум эви кўчкилу кечкил кўнглума  
Борон-и бало дам-бадам андин чу оқадур.

Жонимни нечаким яқар эрса ғам-и ишқинг,  
Ул яғони, эй жону жаҳон, жонга ёқадур.

Оқ оразинга ол ёқа бўлғали маориз,  
Утга мани кўз кўра ёқан ол ёқадур.

Фармонига жон сунса бўюн турфа эмаским,  
Жон бўйинина зулфунг чу камандини тақадур.

Гар топса ўзун ёш хатинг, кўрма ажабким,  
Ул хизру лаб-и лаълинг анга об-и бақодур.

Фоний бўлурин билғали Ҳофиз бу жаҳонда,  
Ҳар лаҳза санинг ёнинга, эй умр, боқадур.

166

Ҳар лаҳза ёнар ўтга ёқган мани дилбардур,  
Лола бики қон қилган кўнглумни суманбардур.

— 103 —

То ораз-и зебосин кўргузди, гулистонга,  
Андин боре кўрсаман авроқ-и гул абтардур.

Ул зогсифат зулфи товус юзи узра,  
Утга тушубон куймас гўёки самандардур.

Улганни тирик қилди бир ханда била лаъли,  
Гўё тудоқи анинг Исо-йи паямбардур.

Лаъл-и лаби қошига бармоған не имконким,  
Ул ғамзаю кирпуклар шамшод ила ханжардур.

Жон тўтғйси қут издаб тор оғзи била кўзин  
Савмишдур ўшандинким, бодом ила шаккардур.

Ҳофиз кўнглин кўрсам акс-и лабидин доим  
Ё жом эрур пурхун ё ғунча-йи ахмардур.

167

Шакар-и ширинтак оғзи чашма-йи жондур,  
Об-и ҳаёт андин ўш ҳамиша равондур.

Нетиб адоқиға бош сола билайимким,  
Лутф ичинда гул анга чун бор-и гарондур.

Шамъ юзи узра бордур он-и жамоли  
Ким, мани парвона янглиғ ўртаган ондур.

Бўлсун ўшандин йироқ рақиб-и ҳаёсиз,  
Сухбат-и ножинс жонга чунки зиёнду.

Оҳ эшигинда чаксам ажаб эрмас,  
Булбул иши гулистонда оҳу фиғондур.

Шукр анинг дардидин ҳамиша қилурман,  
Ким манга миннатсиз ул вазифарасондур.

Жон олурин гар тиласа ғамза била ёр,  
Ҳофиз бечоранинг тилаги ҳамондур.

168

Зулфу юзи ўшанингим, гулу райҳонимдур,  
Ҳусн боғинда бўйи сарв-и хиромонимдур.

Зулмат-и зулфидин анинг кўнглум тийра эмас,  
Чун юзи меҳри манга куфрда имонимдур.

Баски қоним ичар ул шўх санам ол била,  
Ол ранги лаб-и лаълинда маним қонимдур.

Кеча билмасам ўшанинг лабидин, кўрма айб,  
Чун ўшул сучи лаб-и лаъли маним жонимдур.

Юзини кўрган ора топди наво жонимким,  
Жон эрур булбулу ол юзи гулистонимдур.

Эшигининг ити юзининг уёлурманким,  
Дардисар берган анга зорию афғонимдур.

Салтанат ушбу етар олам ичинда мангаким,  
Қул эрур Ҳофиз ул ҳокиму султонимдур.

169

Қаро кофир кўзунг айн-и балодур,  
Явгақларингнинг оли кўнгул оладур.

Юзунг узра кўрунур боқий,  
Ушандин юзунгга кўзум боқодур.

Нечаким ёқса ишқинг ўти жонни  
Ушал ёқмоқи жонга хуш ёқодур.

Керак бўлса назар ошиқга яхши  
Ямонларнинг сўзи бод-и ҳаводур.

Гадо-йи муфлисеким бўлса ошиқ,  
Гадо кўрма аниким подшодур.

Агар бўлмаса ошиқ шоҳ-и олам,  
Ани сан шоҳ билмаким, гадодур.

Боринг ҳар ёнға, эй ёронким, эмди,  
Бу Ҳофиз ишқ элинда мубталодур.

170

Жон равзасинда тол бўйи сарв-и равонмудур,  
Ё тўбий янгли равнақ-и боғ-и жинонмудур.

Ул сарв бўйи рост тақи ваъдаси ёлон,  
Айтунг бу сўзни рост мангаким ёлонмудур.

Кўрмак гумон оғзи анинг бордур яқин,  
Билман гумон яқину яқиним гумонмудур.

Лаъл-и лабин кўруб ўшанинг орзусидин,  
Кўнглум қарор айламас, ором-и жонмудур.

Кўнглум балоға тушгали кўз юзини кўруб,  
Билман кўнгул била кўз орасинда қонмудур.

Қуллиқининг нишонаси бўлмаса чехрада,  
Оламнинг ичра ул кишига бори сонмудур.

Жонким йўлинда бўлмаса, Ҳофиз, равон фидо,  
Соҳибназар қошинда ўшул бори жонмудур.

171

Ерининг зикри бу ҳалқа орасинда жондур,  
Ошиқ-и сўхтадил дардина ҳам дармондур.

Ёд-и дилдор ҳаловатлиғ эрур андоғким,  
Ул ҳаловат қошида нарх-и шакар арзондур.

Дўзах ул ёр била жаннат-и фирдавс эрур,  
Онсини жаннат-и фирдавс манга зиндондур.

Ғайр ўзунгсан орадин кетар кўрсанг ўзунг,  
Дару девор маонийда манга ёрондур.

Толиб-и ёр эсанг маънода, эй толиб-и ёр,  
Ёр эрур жону санга бир неча кун меҳмондур.

Шоҳлиқ издар эсанг маъно била бўл дарвеш  
Ким бу дарвеш ҳақиқатда улуг султондур.

Ҳусн-и хулқинг била Ҳофизга кел, эҳсон қилким,  
Шоҳни банда қилан лутф била эҳсондур.

172

Тўлуи ойтак юзунг узра нур-и имон кўрнадур,  
Ҳам шакартак тудоқингда об-и қайвон кўрнадур.



Сучи лаълинг сўзидин шакарга қиймат қолмади,  
Ул сабабдин эмди шакар нархи арзон кўрнадур.

Кўз йўлидин кўнглума лаълинг хаёли киргали,  
Кўз била кўнглум орасинда баса қон кўрнадур.

Бермагил машшотанинг илгинга зулфунг чивии  
Ким, бу девона кўнгул ҳоли паришон кўрнадур.

Бўстон ичра хиромон бўлмоқингдин дам-бадам,  
Аҳл-и маънонинг кўзига суврат-и жон кўрнадур.

Ер тона олмади эшигингда ошиқнинг боши  
Ким, эшигингда санинг бошлар фаровон кўрнадур.

Бўлса қурбон ишқнинг кешинда Ҳофиз, не ажаб,  
Чун анга ўлмак бу йўлда нийд-и қурбон кўрнадур.

173

Каманд-и зулфидаким, печу тоб кўрунадур,  
Қаронгу кеча манга офтоб кўрунадур.

Ҳамиша монитъ-и ҳусн эди ниқоб, вале  
Ниқоб бору ўшул бениқоб кўрунадур.

Зиҳи жамолу зиҳи сунъу қудрат-и бегун  
Ким, офтоб-и юзи беҳижоб кўрунадур.

Ғариб эрмас агар маст бўлсам ичмайким,  
Мудом жом лабинда шароб кўрунадур.

Шаробтак лаб-и лаълиннинг орзусинда  
Муҳаббат ўтина бағрим кабоб кўрунадур.

Чакар юзумнинг уза сурхий бирла кўзум боб,  
Бу бобдин манга юз фатҳ-и боб кўрунадур.

Кабоб бобидин эмди сўз айтман ҳар дам,  
Чу боб-и ишқда юз минг кабоб кўрунадур.

Румуз-и ҳолни нетиб ёшурмаға бўлғай,  
Чу кўзга равшан рамз-и хитоб кўрунадур.

Хароб-и ишқу муҳаббат бўл эмди, эй Ҳофиз,  
Мақом-и ганж чу кунж-и хароб кўрунадур.

Жамолу ҳусн мулкинда ўшул султон-и оламдур  
Ким, ани ёд қилмоқдин кўнгуллар шоду хуррамдур.

Ушул сарву равон бўлса хиромон бўстон ичра,  
Айтгай жумла оламким, бу не руҳ-и мужассамдур.

Қаро зулфин кўруб сунбул паришонҳолу саргардон,  
Гулистон ичра гуллар ҳам юзиндин асри дарҳамдур.

Басе кўб суврат-и зебо кўрубдур жаҳон ичра,  
Вале маҳбуб улдурким, орада жон-и оламдур.

Агар суврат бўлур бўлса хароб ўш эмди қайғурман,  
Кўнгул мулкинда чун кўрдум бино-йи ишқ муҳкамдур.

Маним ҳолимни билмасанг хаёл ёрдин сўрғил,  
Чу хаста жонима доим хаёл-и ёр маҳрамдур.

Камолинг бор ул жонон жамоли васфин айтурда,  
Бу дашт ичра суханварлик санга, Ҳофиз, мусалламдур.

Ангаким мулк-и жон ичра шаҳаншоҳий мусалламдур,  
Юзиндин гулистон-и айшимиз пайваста хуррамдур.

Кишиким кунжи узлат ичра ганж-и маънавий топди,  
Кўрунур суврати дарвеш, лекин шоҳ-и оламдур.

Агар шоҳ-и замон бўлмоқ тиласанг одам ўғли бўл,  
Чу мажмуъ-и жаҳоннинг ичра барҳақ шоҳ Одамдур.

Ҳамиша дўстлар бирла мусоҳиб бўлсун ул шоҳим,  
Биҳишт-и Адан чунким суҳбат-и ёрон-и ҳамдамдур.

Кўнгул жамъияте издар, вале андин йироқ эрур,  
Паришон зулфи аёминда чун осуда дил камдур.

Агар тан бўлмаса қайғу эмас бўлсун бақо-йи жон,  
Хароб ўлса жаҳон, не ғам, бино-йи ишқ муҳкамдур.

Тилагил маънову сувратга онча боқма, Ҳофизким,  
Эрур маъно муҳиту ушбу олам қатра шабнамдур.

Зулфи занжирида жон ошиқу саргардондур,  
Ақл гул ҳуснина дилшифтаву ҳайрондур.

Нодире ушбу замон даврида гар издар эсанг,  
Шоҳбозим маним ул нодира-йи даврондур.

Борчага лавҳ-и жаҳон сирри кўрунса мушкил,  
Ўзина ой бикин равшану бас осондур.

Етиша билмаса ҳар киши ўзи сирринга,  
Не ажаб, бўлғай ўзи олам ичинда жондур.

Гарчи зоҳир кўрунур суврати оламда, вале  
Маъноси ғайб жаҳони бики бас пинҳондур.

Не ажаб, кешида ман жон била қурбон бўлсам,  
Чун анинг матбах-и ишқинда жаҳон қурбондур.

Ҳофизо, не қилур эрса, манга ул хуш кўрунур,  
Ҳукм-и яздоний била чунким ўшул тархондур.

Тир-и ғамидин то жигарим хаста бўлубдур,  
Кўзум йўлидин қон юзима баста бўлубдур.

Раҳм айлангиз ул ошиқ-и бечорасинаким,  
Бори ғамидин ноласи оҳиста бўлубдур.

Эрмас ажаб, дом-и ғамига тушуб эрсам,  
Дом-и ғамидинким, бу замон раста бўлубдур.

Кўнглумга жафо тошини отмасун ўшул шўх,  
Чун шиша-йи нозук эди, ишкаста бўлубдур.

Ҳижлатзада бўлди Хизру чашма-йи ҳайвон,  
То қанду набот узра хати раста бўлубдур.

Меҳроб қошига қиладур сажда малойик,  
Кўк узра тақи фитнаси пайваста бўлубдур.

Ман бор экан ўқ ўзга ёнига отар недин,  
Жон бирла кўнгул ҳасратидин хаста бўлубдур.

Гулдаста-йи ҳусн узра анинг лола юзини,  
Кўрган аро бўстон аро гулдаста бўлубдур.

Ҳофизни рикобинда рақибни кўруб айтур  
Ким, ушбу гадо шоҳға шойиста бўлубдур.

178

Ошиқки, ёрсиздур, валлоҳки, жони йўқдур,  
Тўтий эрур, валекин шакаристони йўқдур.

Тўтийни нисбат этман шакар даҳонинаким,  
Ширин сўзи бор анинг, шакар даҳони йўқдур.

Жонтак агарчи оғзи бир заррача кўрунмас,  
Ҳар ким ўшани савмас, айш-и ниҳони йўқдур.

Қил бикин белни анинг қилган оро тафаҳҳус,  
Банд-и камарни топдим, илло миёни йўқдур.

Ул сарв нозаниним келсун кўзум қошиға,  
Чун боғнинг мунунгтак об-и равони йўқдур.

Гулни анинг юзинга нисбат қачон қилайим,  
Чун гул юзинда кўрдум анингтак они йўқдур.

Жонон эшигини то тушди йироқ бу Ҳофиз,  
Ул булбулега ўхшарким, гулистони йўқдур.

179

Кўнгул мақсуди бу оламда йўқдур,  
Фараҳ асбоби ҳам одамда йўқдур.

Фараҳ издама таркиб-и жаҳондин,  
Хавос-и об-и ҳайвон самда йўқдур.

Тиламағил жаҳондин нўш дору,  
Асалнинг таъми чун арқамда йўқдур.

Вафо издама ҳар мужримдин, эй дўст,  
Вафо ҳоли чун ҳар мужримда йўқдур.

Бу йўлда ғамдин ўзга ёр билма,  
Чу ғамдин ўзга бир ҳамдамда йўқдур.

Сафо издар эсанг, соф эт кўнгулни,  
Сафо-йи ишқ жом-и Жамда йўқдур.

Садо-йи ишқ, Ҳофиз, санда эрур,  
Садо бу гунабад-и аъзамда йўқдур.

180

Бу мажлис аросинда манга ёр каракдур,  
Ул ғамзаси фитна, кўзи айёр каракдур.

Ман меҳру вафо, жавру жафосини билурман,  
Жонимга жафо қилғучи дилдор каракдур.

Ошиқ кўзи бедор карак уйқу юзиндин,  
Дийдор кўрарга киши бедор каракдур.

Ҳар ким тиласа лаззат-и дийдорини, эй дўст,  
Лаззат-и жаҳондин ўзи безор каракдур.

Сўзум унутурман юзини кўрган арода,  
Сўз сўзламага тоқат-и дийдор каракдур.

Не турфа рақибни тиласам ёр қошинда,  
Гул қадрини чун билмак учун хор каракдур.

Ҳофиз тилар ағёрни кўрмаклик ўшандин,  
Ким ёрни билмак учун ағёр каракдур.

181

Жамъ кўнглумниким, ул зулфи паришон тортадур,  
Жон анинг ҳол-и паришониндин афғон тортадур.

Неча ким йўқ ман ёмонга бор эшигинда, вале  
Яхшидурким, бори дардин доимо жон тортадур.

Зухра-йи захроға нисбат қилмаға не захра бор,  
Юз хижолат юзидин чун моҳ-и тобон тортадур.

Ул малоҳат қасрининг султони ширин сўз била  
Дам-бадам қанду шакар ошиқга арзон тортадур.

Лаъл-и шакарборининг қадрин билиб ҳам ошиқи,  
Кирпуқининг риштасинга дурр-и ғалтон тортадур.

Ғамза ўқи бирла ошиқ ўлмасун ёлғуз тею,  
Ханжар-и мужгонидин тиг-и фаровон тортадур.

Нўлга тортар бўлса Ҳофизни таажжуб қилмангиз,  
Чун карам бирла қулин ўзига султон тортадур.

182

Қаро зулфи ўшул жононанингким мор-и печондур,  
Кўрарман кўн кишиларни анинг макрида бежондур.

Адоқи тупроқин топқанда жон бермай равон, ҳар ким  
Борурса об-и ҳайвонга, билингким, асри ҳайвондур.

Қаю зоҳид кўрар бўлса менингтак юзини бир дам,  
Бошиндин кечмаги анинг муҳаббатда бас осондур.

Қаро зулфи қилур кофир тею таън этмагил, зоҳид  
Ким, ойтак юзининг ишқи манга чун нур-и имондур.

Тиларман жону таи бирла ўшул жонона дардини  
Ким, анинг дарди жонимга кўрарман ай-и дармондур.

Кўнгул алдар ўшул жонон юз оли бирла кўрганда,  
Иносанг кўзларим ёши анинг олиндин ол қондур.

Улар бўлсанг ўшал жонон йўлинда жон чакиб эмди,  
Не қадғу бор анга, Ҳофиз, санингтаклар фаровондур.

183

Гулистон юзлу, эй соқий, санинг ишқинг манга жондур,  
Ичалим боданиким, давр-и Иброҳим-и Султондур.

Мураввақ бода-йи софий тўлуи ойға қилур таъна,  
Ким ул Жам жомиди рахшанда чун хуршид-и тобондур.

Қўлинда бодани кўргали рахшон лаъл-и аҳмартак,  
Жигархун доғ бирла тоғда лаъл-и Бадахшондур.

Санохон бўлса булбултак қаму жонлар ажаб эрмас,  
Гул-и айшу тараб чунким анинг аҳдинда хандондур.

Суроҳийнинг каноринда мусаффо бодани кўруб,  
Хижолатнинг ниқоби ичра пинҳон об-и ҳайвондур.

Тилар доим кўнгулу жон ўшанди файз-и раҳматни,  
Чун онинг пок зотини кўрарман файз-и раҳмондур.

Саноу ҳамд этадур яратқан биру боринга,  
Ушул султон замонинда бу Ҳофизким газалхондур.

184

Умре эрур, эй жон, санга кўнглум нигорондур,  
Дарду ғам-и ишқинг тақи чун мунис-и жондур.

Гар қасд қилурсан мани ўлтургали, эй дўст,  
Ман хаста жигарининг тилаги эмди ҳамондур.

Ишқинг йўлида жонини фидо қилмоқим, эй жон,  
Гарчики яқиндур манга, ўзгага гумондур.

Оғзининг тона олмади бу жон-и ҳазиним,  
Оламининг ичинда магар ул сирр-и ниҳондур.

Гар издар эсанг доғу нишон ишқинг ўтиндин,  
Оҳим ўтидин ой юзинда доғу нишондур.

Онларки гирифтор эмас ишқинг элинда,  
Арбоб-и назар қошида расво-йи жаҳондур.

Айб айламангиз оҳу фиғон чакса бу Ҳофиз,  
Ошиқ кишиларнинг иши чун оҳу фиғондур.

185

Эй тошбағирким, сани кўнглим синағондур,  
Ташлама жафо тошини, шинча синағондур.

Жон кўзина хоке тиласам сурма қилурга,  
Сурма эшигиндин мани, чун сурма аёндур.

Кўзим қораси эрмас ўшул оқи ичинда,  
Холинг ситами бирла йиғилгон қаро қондур.

Қон бўлди юрагим лаби лаълиниги тилаю,  
Лутф айлаб ўшул шарбат ила ташнани қондур.

Юзунгни муродимча кўра билмадим, эй дўст,  
Одам кўзидин жинс-и парий, орий, ниҳондур.

Бошким адоқинг остида туфроқ кўрунмас,  
Бош эрмас ўшул ошиқингга бор-и гарондур.

Ҳофизки сўз айтур лаб-и лаълинг сифатинда,  
Сўз эрмас, ул арбоб-и назар қошида жондур.

186

Ё бикинким қошларинг қон қилғали пайвастадур,  
Ғамзанг ўқи бирла дил решу жигар ҳам хастадур.

Ким айтқай сирр-и оғзингдин нищоне бандага,  
Хурдадонлар қошида чун ушбу сир сарбастадур.

Писта-йи хандон дам урғали оғзингдин тақи,  
Бас маломат тошидин дилхаставу шикастадур.

Оқибат манзилга етқай хаста ошиқ оҳиким,  
Кўк сари чиқмоқлиқи оҳиставу пайвастадур.

Гулни юзунгга қачон инсбат қилурман, эй санам,  
Чун кўрурманким, юзунг қошинда бас гулдастадур.

Хол ўшул юзунгнинг узра бас ажабдур, барқарор,  
Чунки филфил иши ўт устинда жаста-жастадур.

Неча ким елтак елиб югурур бу Ҳофиз, туну кун,  
Сан суманбар сарв учун боқсам ҳануз оҳистадур.

187

Зулфунгдаким ул хол-и сияҳ нофа-йи Чиндур,  
Елгон тема, гар мушк тесам оники, чиндур.

Гар динсиз эмас ул қаро кофир кўзунг, эй дўст,  
Жавр этмаги жонимга сен айтгилки, нединдур?

Юзунгни кўзум оқибату-л-амр кўрисар,  
Ҳамроҳ ман хастага чун нур яқиндур.

Жонимни яқин тийру камонсиз берисарман,  
Эрмас бу сўзум асри йироқ эмди яқиндур.

Чаккил қиличингни тақи ман хастани чопғил,  
Сансиз чу тирилмак манга асри қаро қиндур.



Ўлтургаликим қасд қилурсан манга ҳар дам,  
Ман хаста тилаги бу жаҳон ичра ҳаминдур.

Лаъл-и лабинг авсофида Ҳофизки, сўз айтур,  
Сўз эрмас ўшул сўзлари чун дурр-и саминдур.

188

Билмасам эмди бу юзи қамарим қандадур  
Ким, анинг ҳажри элиндин жигарим қондадур.

Тийра бўлди кўзуму йўлни кўрабилман ҳеч,  
Шамъ-и жоним тақи нур-и басарим қандадур.

Чўлда йўлдошсизин солдию борди йўлча,  
Йўлдаги йўлдошу ёру сафарим қандадур.

Бўлдум ўш эмди гадо дарбадару кўйбақўй,  
Шоҳиму салтанатим тож-и сарим қандадур.

Заҳр-и ҳижрон била жон коми бўлубдурсан талх,  
Айтгунгиз сиз манга шаҳду шакарим қандадур.

Беҳабар бўлдуму ишқи ўтина ўртандим,  
Энди ўртанса жаҳон ҳам хабарим қандадур.

Чун кечибдурман ўзумдин бу замон бир йўли,  
Ким топа билгай ўш эмди гузарим қандадур.

Чун назар айламадим икки жаҳон ҳосилина,  
Қайда билгай кишиларким, назарим қандадур.

Зулфу юзи сўзи бирла кечадур умр-и азиз,  
Ҳофизо, эмди бу шому саҳарим қандадур.

189

Эй суманбар, гул юзунгтак вард-и аҳмар қандадур,  
Қадди-и зебонг ила танг сарву сановбар қандадур.

Тўтғий-и жон қутини ёқут-и лаълингдин тилар,  
Сучи сўзлу лаълингга танг шаҳду шаккар қандадур.

Жоним осойиш топар ширин лабинг сўзи била,  
Дилбаро, ширин лабингтак руҳпарвар қандадур.

Олам ичра суврат-и жонни тилаганлар учун,  
Сан бикин бир нозанин руҳ-и мусаввар қандадур.

Жаннат эрур юзуиғу лаълингдур об-и кавсарий,  
Жаннат-и мавъуд ила ул об-и кавсар қандадур.

Лутф қилғил гоҳ-гоҳи ман фақир-и хастаға,  
Лутф ошиқларға қилмас ёру дилбар қандадур.

Сан қошимда бўлмасанг оламини кўрмас кўзларим,  
Сансизин оламда бўлган кўз мунаввар қандадур.

Мушқу анбарни қаро зулфунга нисбат айласам,  
Айтгай атторким, андоғ муаттар қандадур.

Бўлғали Ҳофиз гадо-йи кўйунг, эй султон-и ҳусн,  
Андайин оламда дарвеш-и тавонгар қандадур.

190

Лаълинг шароби шаҳд ила шакар дагулмудур,  
Оғзинг наботи қанд-и мукаррар дагулмудур?

Ширин тудоқу жавҳар дандонинг, эй санам,  
Ошиқ қошинда лаъл ила гавҳар дагулмудур?

Жоним ичинда сучи лабинг сўзлари мудом,  
Жом ила тўлу бода-йи аҳмар дагулмудур?

Айн-и бало қароқчи кўзу кирпукинг санинг,  
Ғаммоз нофир илгида ханжар дагулмудур?

Равшан юзунгнинг узра ўшул зулф-и дилфиреб,  
Қадр ахшомию бадр-и мунаввар дагулмудур?

Заррот-и киноткидур жумла ошиқинг,  
Сан шоҳу бориси санга лашкар дагулмудур?

Ҳофизки ишқинг ўти била ўртаниб ёниб,  
Ёниади ўт ичинда, самандар дагулмудур?

191

Жондин сучи лабингдаги шакар сўзингмудур,  
Ё шаҳд софу қанд-и мукаррар сўзунгмудур?

Алфос-и Исавиймудур ул лаб башорати,  
Ё ҳуққа-йи ақиқда гавҳар сўзунгмудур?

Жон сурати лаъл-и лабинг сўзи кўргузур,  
Тегил мангаки, жон-и мусаввар сўзунгмудур?

Анвор-и жон сўзунгда чу хуршид кўрунур,  
Олам танинда руҳ-и музаҳҳар сўзунгмудур?

Ошиққа гул юзунгдуру сўзунг шароб-и ноб,  
Юзунг бихишту бода-йи кавсар сўзунгмудур?

Чанди ҳазор дафтару девон бу сўз била,  
Тўлди бу мунча қиссаву дафтар сўзунгмудур?

Бейхтиёр Ҳофиз бечорани сўзунг,  
Айлади ушбу толиба раҳбар сўзунгмудур?

192

Маниким, ул пари юзлу санам девона айлабдур,  
Олибдур ғамзадин жону ўзин жонона айлабдур.

Маним жонимни ўртабдур ғаму ҳасрат ўти бирла,  
Ўзинга кимиким ул шамъ-и жон парвона айлабдур.

Кўзум кўргали ул зебо санамнинг шаклу ашқоли,  
Хаёли бирла кўнглумни кўзум майхона айлабдур.

Хаёл-и ёрдин ўзга била ман ёр эмасманким,  
Ўзинга ошнову барчадин бегона айлабдур.

Ушул жоду кўзининг ғамзасинга тенг кўринмайду,  
Нечаким жодулар афсун била афсона айлабдур.

Машом-и жонга хуш бўе келтирибдур сабо дойим,  
Каманд-и зулф-и мушкини қачонким шона айлабдур.

Хаёл-и зулфу холидин қачон Ҳофиз қутулгайким,  
Бу сўзни жон била ўзинга дому дона айлабдур.

193

Жонни ўтга курга солган ул санам кўз қошиду,  
Ким анинг нақшида ҳайрон Руму Чин наққошиду.

— 117 —

Гоҳ жуфту гоҳ тушса тоқ ишим не ажаб,  
Ҳусни бирла чунки жуфту тоқ дилбар қошидур.

Доман-и покнинг ногоҳ тегмасун гарде тею,  
Мардум-и кўзум сақову кипругум фаррошидур.

Обрӯе эркан манга бас обрӯсиз халқ аро,  
Айлаган сирримни фош айлаб кўзумнинг ёшидур.

Тош эшигиндин ўшанинг тош не теб бўлойим,  
Чун кўрарман лаълу маржон эшигининг тошидур.

Яхши масжидни кўрар зоҳид баче майхонадин,  
Найласун бечора чун бу кўйида ул ношидур.

Илтифоте қилмади Ҳофиз жаҳон жоҳинга ҳам,  
Ул шаҳаншоҳ-и замоннинг ринду ҳам қаллошидур.

194

Кўнглум ул султон хаёли бирла чун гулшан эрур,  
Офтоб-и юзидин жон кўзи ҳам равшан эрур.

Нетиб ўзга нозанинни жон била савсун киши,  
Чун қаму ҳусн аҳлидин оламда ул аҳсан эрур.

Доман-и васли қачон тушсун кўзумнинг илгина,  
Ким кўзум доим анинг ҳажринда тардоман эрур.

Жону дил овламоқ учун ҳеч шаку шубҳасиз,  
Жоду-йи устоддин кофир кўзи пурфан эрур.

Раҳм қилмас ошиқ-и бечоранинг ҳолини кўруб,  
Кўнгли ул дилдорнинг пўлод ё оҳан эрур.

Жонда ҳоле бор ул ором-и жон ишқи била,  
Сезгали бу ҳолини кўп дўстлар душман эрур.

Сирр-и пинҳон ошкоро бўлса, эрмасдур ажаб  
Ким, бу Ҳофиз оқ ўтиндин сўхта-йи хирмон эрур.

195

Шом-и зулфунг субҳ-и содиқ янглиғ меҳрингиз эрур,  
Субҳ юзуниг узра зулфунг шомни бас хунрез эрур.

Обрўе топгамаи маҳшар қунида беҳато,  
Чун манга ул зулф-и анбарбез дастовез эрур.

Ошганиддин бери зулфунгдин насим-и субҳидам,  
Вўстонлар аро мушкафшону анбарбез эрур.

Лолатак юзунг кўруб гунча бу кўнглум бўлғали,  
Хор-и мужгонинг маним қоним учун сартез эрур.

Ёр увар қаддингни кўрган орада сарв-и сихий,  
Ҳар нечаким бош чекар бўстонда ул навхез эрур.

Донмо бемор бўлса кўларинг эрмас ажаб,  
Ким, маним қоним ичар ул масту бепарҳез эрур.

Талх бу қулға рақибинг қошида сўзламагинг,  
Кўрунур ширину лекин шаҳд-и захромез эрур.

Қисса-йи Ширину Хусрав аери шириндур вале,  
Қисса-йи нурғусса-йи Фарҳод шўрангиз эрур.

Қолмағил дарбанд Хоразм ичра, эй Ҳофиз, мудом  
Сўзларинг овозасиндин тўлу чун Табриз эрур.

196

Вўстон-и ҳуси ичида қадди сарвиоз эрур,  
Кўрклу юзингга менгиз гул ҳам чаманда оз эрур.

Ошиқнига хуш келур сўз-и юзини кўрган ора,  
Вулбул-и ошуфтанинг сайрамоқи чун ёз эрур.

Тонгга тегру ҳар кеча парвонатак ёнмоқ тилар,  
Шамъ-и рухсори учун ким ошиқ-и жонбоз эрур.

Созу васли издаю жон удтак дойим ёнар  
Ким, била олғайса бу не сўзу ул не соз эрур.

Ҳажр доғиндин булоқтак кўз ёшин дарё қилиб,  
Ё раб, ул сарвиравоним ким била ҳамроз эрур.

Ишва-йи пинҳон била олған кўнгулни оқибат,  
Ошкоро қилғучи ул ғамза-йи ғаммоз эрур.

Вилмасангиз айтайим Ҳофиз балоға тушганин,  
Ким балоға солған они ул бут-и танноз эрур.

Улким, сипехр-и хуснда мехр-и мунир эрур,  
Арбоб-и ишқ лашқарию ул амир эрур.

Аҳл-и назар назарини топмаса, не ажаб,  
Чун ул жамолу хуснда бас беназир эрур.

Жонимни пешкаш чакар эрдим равон, вале  
Жонон азиму тухфа-йи жон бас ҳақир эрур.

Ким теса ёр қадина ўхшаши сарвинг,  
Эрмас баландҳиммату фикри қасир эрур.

Зулф-и элинда тийра юрур халқ-и рўзгор,  
Ошиқ юзини кўргали равшанзамир эрур.

Не захра бор бормаға жонон қошинғаким,  
Мужғони бирла ғамзаси чун тийгу тир эрур.

Лаъли ҳикоятинда ҳаловат топар эсам,  
Эрмас ажабким, ул манга чун шаҳду шир эрур.

Жон Каъба-йи висол-и ҳавосиндаким учар,  
Бўлса йўлинда хор-и муғайлон, ҳарир эрур.

Хусну жамол кишварининг шоҳидур ҳабиб,  
Ҳофиз дуосин айтқучи бир фақир эрур.

Усрук кўзунгни кўргали жон беҳабар эрур,  
Бағрим кабоб қилган ўшул назар эрур.

Тийр-и балони жонға агар чакса кирпукинг,  
Жон қилмаса ўзини сипар бежигар эрур.

Ширин сўзунг боринда шакарға не эҳтиёж  
Ким, лаълингиз ҳикояси шаҳду шакар эрур.

Айб этма жон тилаги сўзунг бўлса ё лабинг,  
Муфлис ҳамиша толиб-и лаълум гуҳар эрур.

Зулфунг шикоятинда тушар қисса бас дароз,  
Оғзинг ҳикоятинда сўзум мухтасар эрур.

Ҳар ким юзунгни ою қуёшга қилурса тағ,  
Соҳибназар қошинда ўшул бибасар эрур.

Қилди йўлингда жонни фидо Ҳофиз-и фақир,  
Даррешлар қошинда ҳамин моҳазар эрур.

199

Ул ёрдин жафо манга нозу наим эрур,  
Агёрининг вафоси азоб-и алим эрур.

Не турфа, кўзга илса кўзум ёшини ҳабиб,  
Чун ёрдур ятиму бу дурр-и ятим эрур.

Юанида юз сафо тақи зулфинда тира ҳол,  
Кўргали хаста жон иши умиду бийм эрур.

Ҳар лаҳза ҳолдин кечадур ҳолга кўзи,  
Бир ҳол уза қачон бўлур улким сақим эрур.

Кўнглум тилар ҳаминша ўшул сарв қаддини,  
Доим кўнгул табииати чун мустақим эрур.

Сўргали оғзини чакадурман маломатин,  
Чун мусҳаф-и жамолда тор оғзи мим эрур.

Хос ўз қулинга лутф этиб раҳм қилса ёр,  
Мухлис қадимий қул анга Абдуorraҳим эрур.

200

Дилдорнинг жамоли бисе баркамол эрур,  
Жонимни ишқ ўтига солан ул жамол эрур.

Қилсам тамаъ висолин ўшул шоҳ-и ҳуснининг,  
Айтур гадоға васл хаёли маҳол эрур.

Хуш ёр ёрний қилғучи билман хаёлитак,  
Чун ҳамнафас бу хастаға дойим хаёл эрур.

Сувратда гар фироқи тушар, бақмангиз анга  
Ким, маъно бирла ёр фироқи висол эрур.

Гар ишқсиз дам урсам ўшул дам манга ҳаром,  
Ишқ ила қон ичар бўлур эрсам ҳалол эрур.

Ул моҳ-и чордаҳ юзина ойни кўруб  
Билдимким, ушбу ой манга кўрклу фол эрур.

Шаккарҳадис бўлса бу Ҳофиз, ажаб эмас  
Ким, ёр шакарин айтса ширинмақол эрур.

201

Ул санамнинг лаъл-и шаккарбори жон-и жон эрур,  
Ҳуққай-и ёқути узра хатти чун райҳон эрур.

Тудоқи ёқут эрур, ёқути жон ошиқ учун,  
Ким хаёли бирла доим зиндаю ҳайрон эрур.

Кўптурур зулфи камандинда асиру мубтало,  
Лекин ишкаста менингтак ози саргардон эрур.

Тўлун ой тобонини ўпган учун бўлуб азиз,  
Оти юлдузлар аросинда маҳ-и тобон эрур.

Иглаюр бўлсам булуттак бурқа ол юздин кула,  
Чун очилур гул қачонким мавсум-и борон эрур.

Рашк ўтидин кўрклулар жонинга солди печу тоб,  
Ул қаро соч тол бўюнгининг узраким печон эрур.

Инграюр бўлса бу Ҳофиз ёр учун, эрмас ажаб,  
Булбул-и ошуфта доим гул учун нолон эрур.

202

То зулфу оразинг манга чун субҳу шом эрур,  
Жоним лабинг сўзи била ширин калом эрур.

Кўнглум қушини сайд этар эрсанг ғариб эмас,  
Хон-и васлингдин насиба барчага тегди, вале

Бағланди зулфунга кўнглум бори ном учун,  
Барчага банд-и роҳ чу номусу ном эрур.

Жон чиқсун эмди бу тан-и бечорадин равон,  
Чун ишқинг анинг ўрнина қойиммақом эрур.

Қўш қошинга ҳилолни ким мангзаюр теса,  
Таҳқиқ бўлғай ул сўзниким нотамом эрур.



Шаҳзодалар гадейинг агар бўлса, не ажаб,  
Хуснингга чулки Юсуф-и Мисрий гулом эрур.

Лаълнинг хаёли бирла чу маст мудом эрур.  
Ҳофизнинг илтифоти йўқ эмди шаробга,

203

Лаъл-и лабинг ҳикояси ошиқга жон эрур,  
Об-и ҳаёт лаъл-и лабингдин ниҳон эрур.

Оғзини сўзини тақи эшитиб ҳар ким айтса,  
Тор оғзини бор теб билниурким гумон эрур.

Қаддингни рост ким кўруб айтурса сарвдин,  
Ҳақдо қаму сўзи кўрунурким ёлон эрур.

Нисбат жамолингизга қуёшни қила олмадим,  
Анинг заволи бор санингдак қачон эрур.

Бормас эшигингизни кўруб ўзга ерга жон,  
Чун андалиб-и зорға ул бўстон эрур.

Ғамза ўқинга жонни нишон қилғали, кўрунг,  
Юз минг бало нишонаси юзда аён эрур.

Ҳофиз балову дард била мубтало бўлуб,  
Ўқтак бўюунгни кўргали қадди камон эрур.

204

Маст этар ошиқни бодаким лабингдек пок эрур,  
Лабларинг ёди била захр ичсам тарёк эрур.

Гулишан-и ҳусн ичра бўлдунг бир гул-и раъно тақи  
Ҳага дилбарлар қошингда чун ҳасу хошок эрур.

Хон-и васлингдин насиба барчага тегди, вале  
Визга бир лутф этмадинг, эй жон, бу не нисок эрур.

Ғамзага қурбон қил ўлтурмак тилар бўлсанг мани,  
Ким мани ўлтурғали ул шўҳи бас чолок эрур.

Доманингни ушбу ошиқдин йиға тушсанг не тонг,  
Чуниким ул ишқинг йўлинда иззати йўқ хок эрур.

Хон-и васлингдин насиба барчага тегди, вале  
Бизга бир лутф этмадинг, эй жон, бу не имсок эрур.

Ким инонгай сайд этиб ошиқни ўлтурман тесанг,  
Чунким онлар қондин рангин ўшул фитрок эрур.

Оҳ этиб чок-и гирибон кўргузур кўплар, вале  
Ушбу Ҳофиз сийнаси ишқинг элидин чок эрур.

205

Ул санамнинг юзиким гулзор эрур,  
Юзининг гулзорина гул зор эрур.

Кўнглум олган ул қаро кўзлу санам,  
Турраситак доимо тарроқ эрур.

Кўзлари мастона уйқуда, вале  
Доим анинг фитнаси бедор эрур.

Ғамза бирла қилди озор ўзгани,  
Хаста кўнглумда ҳамин озор эрур.

Шукр этарман қадғусидин доимо  
Ким, манга қар қолда хуш ёр эрур.

Жон била савдим ўшул жониниким,  
Зорию афгондин ул безор эрур.

Ҳофизо, чеккил фироқиндин жафо,  
Васли тушмас илгинга ночор эрур.

206

Дилдор дарди хаста кўнгулга даво эрур,  
Жонимга ранжи марҳаму айи-и шифо эрур.

Ялгуз ман ўлмадим ўшанинг зулфи ошиқи,  
Қар ҳалқада маннинг бики минг мубтало эрур.

Зулфи насимидин асаре топғайман тею,  
Жоним ҳамиша ҳамраҳ-и бод-и сабо эрур.

Чин узра чин сочини ўшанинг кўруб киши,  
Мушк-и Хитога нисбат этарса хато эрур.

Болоси бирла халқ-и жаҳон мубтало, вале  
Пурфитна жоду кўзлари айн-и бало эрур.

Таъи айлама, рақиб, агар ёр жавр этар  
Ким, ёр жаври жавр эмасдур, вафо эрур.

Ҳофиз, ўшул нигор кўзум қошидин равон  
Бегона явгли кечди, вале ошно эрур.

207

Мани асир қилан турфа шаҳсувор эрур,  
Шикаста ошиқитак зулфи беқарор эрур.

Нигор қилди кўзум ёши кўз кўра юзни,  
Мани бу ҳолга тушургон ул нигор эрур.

Қароқи кечасида ўртанур кўнгул, илло  
Висол куни туғар теб умидвор эрур.

Бўйнига жон берадур сарву ҳам чинор тақи,  
Юзинга ошиқ-и ошифта лолазор эрур.

Қиличи қинда туруб бежиҳат тутар қинда,  
Агарчи ошиқина яхши ҳақгузор эрур.

Висол-и дўст муяссар қачон бўлабилсун,  
Гадо-йи ман тақи ул шоҳга маккор эрур.

Гуноҳкор агар ўлтурур эса дилдор,  
Муҳаббативда бу Ҳофиз гуноҳкор эрур.

208

Кўнглумни олган ул бўй-и сарв-и баланд эрур  
Ким, аҳд-и ишқ бўйнига зулфи каманд эрур.

Хуршидтак юзинда кўруб дона-йи холни,  
Бир лаҳза оҳ ўтина кўнглум сипанд эрур.

Чакма табиб заҳмату дору кетурмаким,  
Ишқ ўти бирла доғ манга судманд эрур.

Мажнун-и хаста ҳолина қилманг маломате  
Чун куйди ишқ ўтина чаҳ жой-и банд эрур.

Ошиқи ниёз бирла ўлар зор ҳажрида  
Раҳм айланг ул фақиргаким мустаманд эрур.

Кўзга қачон айларман бечорани ҳабиб  
Ким, ҳусни баркамолу баче худдасанд эрур.

Жоним ҳамиша лаъл-и лабин орзу қилур,  
Жон тўтисинга лаблари чун кон-и қанд эрур.

Ултурса ниш-и ғамза била ҳеч бок эмас,  
Лаъл-и ҳаётбахш ила чун нўшханд эрур.

Ул туркининг камолу жамоли сифотида  
Ҳофиз эмасдур ушбу Камол-и Хўжанд эрур.

209

Бандаким, ул лойиқ-и шоҳий эрур,  
Воқиф-и асрор-и илоҳий эрур.

Не ажаб, эшигини ёстансам,  
Жумла-йи жаҳоннинг чу паноҳи эрур.

Моҳсифат юзини кўргали жон  
Баҳр-и ғам-и ишқда моҳий эрур.

Даъво-йи ҳусн эткан аро ол юзи  
Икки қаро кўзи гувоҳи эрур.

Кўз юзини кўргали қон оқтурур,  
Бу шимос анинг ўз гуноҳи эрур.

Хатмудур ул лаъл-и лаби устида,  
Ё гул уза меҳр гиёҳи эрур.

Бағрини бирён қилатурған бу дам  
Ҳофизининг ўт бикин оҳи эрур.

210

Кўнгул ҳаво-йи муҳаббат била бир оташ эрур,  
Вале бу оташ ила гулистон бикин хуш эрур.

Агарчи сарв-и сийҳий бўстонда саркашдур  
Ва лек жон бики жонона қадди дилкаш эрур.

Қачон кўнгули билан саҳн-и гулистонни казар  
Эшиги тупроқи чун ошиқинга мафраш эрур.

Узори сафҳасида кўргали савод-и хатин  
Кўнгул хаёл-и паришон била мушавваш эрур.

Жунун-и ишқ била бўлсаман бу дам мажнун  
Ажаб эмас, чу кўнглум олам парийваш эрур.

Балову ғам била дарду алам жафову ситам,  
Муҳаббатинда анинг ҳосилим ҳамин шаш эрур.

Ғаш этса Ҳофиз ўшул лаълини кўруб, не ажаб,  
Мудом беҳуд этар, чун шароб беғаш эрур.

211

Ишқ элиндинким, бу дамда жома-йи жон чок эрур,  
Юзи ойинидин кўнгул ойинаси ҳам пок эрур.

Сайд-и ишқи бўлғали зулфинга боғлади мани,  
Сайдининг чун тунду қайди гўша-йи фитрок эрур.

Ёр мандин ўзгани ғамнок-и ишқи қилғали  
Ҳасрату дарду бало бирла кўнгул ғамнок эрур.

Сўзлади эрса рақиб андин кўнгулда йўқ губор,  
Саг тилиндин бок эрмас, чунки дарё пок эрур

Ғар қароқчи кўзидин ман бок тутсам, не ажаб,  
Ғамза тийғи бирла чун ул кофир-и бебок эрур.

Ул қаро кўздин қизил қонимни изданг, дўстлар,  
Мани ўлтурган бу дам ул соҳир-и чолок эрур.

Талх сўз ширин лабндин келса Ҳофизга, ғариб  
Бўлмағай, чун захр элиндин ичсам ул тарёк эрур.

212

Ушбу жоним тилаги хидмат-и жонон эрур,  
Қул эрурман тақи ул ҳокиму султон эрур.

Хос бандаси эрурман тею лоф айларман,  
Вале мантақлар эшигида не сон эрур.

Не ажаб, майл-и гулистон тақи боғ айламасам,  
Чун манга ёр эшиги равза-йи ризвон эрур.

Гоҳ гоҳи кўрабилмасам ўшани, не ажаб,  
Чун ўшул ҳур-и парийчеҳра манга жон эрур.

Бир кўрабилсам ўшул ой юзини тею фалак  
Ойнадор бикин ойнагардон эрур.

Ўшанинг лаъли лабиниинг сифатидин дойим  
Аҳл-и дил қошида нарх-и шакар арзон эрур.

Тушгали юзи хаёли кўнглумга, Ҳофиз,  
Кўнгул эрмасдур ўшул, боғу гулистон эрур.

213

Ушбу бисот ичиндаким, ул фитна шоҳ эрур,  
Ҳусн аҳли бори юлдузу ўртада моҳ эрур.

Ул дод-и ҳусн бергали бедод қилгали  
Ушшоқдин эшикда ҳамин додхоҳ эрур.

Ул лаб зилол эмасдур, эрур бода-йи биҳишт,  
Ул нуқта хол эмас, вале сирр-и илоҳ эрур.

Ишқи йўлинда бошни тилар бўлса хокроҳ  
Ҳар ким муҳаббатинда анинг рў бароҳ эрур.

То бошни гул ҳабиб азоқинга солиб турур,  
Бўстонининг ичра сарвару соҳиб-и булоҳ эрур.

Ол қонинизга кўзини баским қаро қилур,  
Андин мудом кўзлари кофир-и сиёҳ эрур.

Олдурғали кўнгулини ўшул ол юзлуга  
Ҳофизнинг иши нолаву фарёду оҳ эрур.

214

То сар-и кўй-и дилором манга манзил эрур,  
Ҳосил-и ники жаҳон анда манга ҳосил эрур.

Суврат-и жонни анинг обу гилинда кўрдум  
Айтунгиз аҳл-и назарким, бу не обу гил эрур.

Баски дарди дил ўшанинг эшигинда чакдим,  
Айтди дўст мангаким, бу не дард-и дил эрур.

Не ажаб, келган аро кетмай майл айласа дўст,  
Умр эрур дўст тақи умр чу мустаъжил эрур.

Кетса бу нанг-и вужудум юзини кўргай эдим,  
Моҳнинг юзина чун абр-и сияҳ ҳойил эрур.

Рост ишқи йўлида юрумак осон эрмас,  
Кимга осон эса, бори манга бас мушкил эрур.

Ҳажр-и ишқиндин анинг чиқмаға бўлмас Ҳофиз,  
Исумла-йи оламға чун ул варта-йи бесоҳил эрур.

215

Навбахор-и ҳусида кўрсам юзин наврўз эрур,  
Партав-и ҳусиндин анинг кечамиз чун рўз эрур.

Кечамиз чун рўз-и наврузу саодат ёрдур,  
То ҳарифи мажлис ул моҳ-и жаҳонафруз эрур.

Ул парийпайкар бу оҳим ўтидин қилсун ҳижоб,  
Дойимо бу оҳ-и жонсўзум чу оламсўз эрур.

Лаъл-и жонбахши била жон бўлса бир дам ҳамнафас  
Тегай эрдимким, нишон-и толиъ-и перуз эрур.

Соҳир-и Бобулки, жодуликда бас устоддур,  
Кўзларинга кўрсаман шогирд-и сеҳромуз эрур.

Ғамзасининг ўқидин пора недин бўлди жигар,  
Чун кўрунуб дойимо новак ўқи дилдўз эрур.

Не ажаб, бўлса зиёда меҳр Ҳофиз дам-бадам,  
Чун ўшанинг савгани ул моҳ-и меҳрафруз эрур.

216

Лаби лаъли чу руҳпарвар эрур,  
Сўз ўшанин манга чу шаққар эрур.

Кўнгул элтур кўзию зулфи, вале  
Зулфидин ул қароқчи дилбар эрур.

**Зулфидин юзини севар жонким  
Юзи диндору зулфи кофир эрур.**

**Юзию лаъли гул била мулдин  
Ошиқининг кўзига хуштар эрур.**

**Бўлмоқим ишқ кешида қурбон,  
Кўнгулу жонга йид-и акбар эрур.**

**Раҳбар не керак бу йўл ичра,  
Чун манга ишқ дўст-и раҳбар эрур.**

**Топғаман теб нишон адоқиндин,  
Ҳофиз-и хаста хок-и ин дар эрур.**

217

**Мудом завқ манга, эй нигор, сандин эрур,  
Хазон замони чу фасл-и баҳор сандин эрур.**

**Юзунгни оч тақи бир сўзуми ҳазор айла,  
Чу гул жамолина сайрар ҳазор сандин эрур.**

**Жаҳонни ҳусну жамолингта фатҳ айлаб сен,  
Бу мунча фитналар, эй гулғузор, сандин эрур.**

**Тиларман эмдики зоҳир кўрунса кор айлабон,  
Чу мунча айш-и ниҳон кору бор сандин эрур.**

**Қарор-и васл бериб ол бу жон-и сўхтани  
Ки, жон-и сўхтаминз беқарор сандин эрур.**

**Недур жаҳонда, оё нозанинки, сандин эмас,  
Вужуд-и боғу гулистону хор сандин эрур.**

**Ғариб эмас агар ишқинг ила зор ўлсам,  
Мукавванот чу пайваста зор сандин эрур.**

**Жаҳон адамда йўқ эрдию қудратинг бирла,  
Замон замонда бу дам ошкор сандин эрур.**

**Тилар бу Ҳофиз-и бечора сиррини равшан,  
Алий қўлинда чун ул зулфиқор сандин эрур.**



Эйким, бўйунгга рост келибдур шиор-и шеър  
Сандин зиёда бўлди баче кору бор-и шеър.

Чаккил бу мол тевасини манзилга тегру рост,  
Чунким элингда бор ҳаминша маҳор-и шеър.

Гаввос янгли баҳр-и жаҳон ичра бўлмайин,  
Топмади ҳар садаф гуҳар-и обдор-и шеър.

Зулматнинг ичра қолдию бўлди жаҳаннамий,  
Ҳар жонгаким етишмади бу нуру нор-и шеър.

Гар шеърнинг шаробин ичиб хок бўлсаман,  
Бўлғай жунун бошда балое хуммор-и шеър.

Ман шеърнинг сифотини ул дамда тегаман  
Ким, бўлмаса бу чехра-йн жонда губор-и шеър.

Шер-и худой қанбари бўлғали жон била,  
Ҳофиз қўлинда бор турур зулфиқор-и шеър.

219

Дардлик ошиқ-и бечора сахар оқ қилур,  
Яъни ҳолидин ўшул шоҳни огоҳ қилур.

Аршнинг узра қилур роҳ бу ошиқ оҳи,  
Манъ-и ошиқ так ўшул зоҳид-и бироҳ қилур.

Қилса ул ёр-и вафодор жафо ҳам хушдур,  
Лутф ўринга кечар жаврким, ул шоҳ қилур.

Ақлу дин ғорат этар аҳл-и яқиндин ҳар дам,  
Ишваю шақлу шамойилким, ўшул моҳ қилур.

Можароким, тушар ул зулф била дуру дароз,  
Ой бикин юзин очиб қиссани кўтоҳ қилур.

Ҳалқа-ҳалқа ўшанинг зулфу юзининг ёдни,  
Ошиқ-и сўхталар шому сахаргоҳ қилур.

Бошини ўйнамоқ учун нишқ йўлинда Ҳофиз  
Сидқ-и жон бирла таваккалту ала-л-лоҳ қилур.

Турк-и жафокешким, от била жавлон қилур,  
Ғамза ўқидин мани кўз кўра қурбон қилур.

Ишқи йўлида анинг орзум ўлмак эрур,  
Қилса тилагим қабул, ғамзаға фармон қилур.

Қани висолинг тесам ваъда қилиб, дам-бадам  
Ишваю оли билан бағри ол қон қилур.

Савгали дилдорни дардина қилман даво,  
Дардсиз улким анинг дардина дармон қилур.

Ҳасрат ўтинда эрур тудоқидин бош набот,  
Ким шакарин сўз била нархини арзон қилур.

Ошиқ-и ошуфтаҳол гул юзини кўрмаса,  
Булбул-и шуридатак нолаву афғон қилур.

Оҳким, ул нор лаби Ҳофиз-и бечоранинг,  
Ҳолина воқиф бўлуб ўзини водон қилур.

Оҳ, ул жафочи туркдинким ғорат-и имон қилур,  
Пайдо ёқиб ўтга мани, жонтак ўзин ниҳон қилур.

Дано эрур ҳолимга ул жон ичраги жонон, вале  
Ҳолингни билмасман тею, ўзин недин водон қилур?

Ман оҳу фарёду фиғон қилман ўзумдин ҳар нафас,  
Гултак жамолиндин мани булбулсифат нолон қилур.

Гар офтоб-и ҳуснидин олса ниқоб ул нозанин  
Ушшоқ-и саргандонини заррасифат рақсон қилур.

Жон доғ-и ишқидин анинг дармонда бўлган ора ҳам  
Бўлсун зиёда дағи теб дарди била дармон қилур.

Қурбон қилурга кўнгли бор тийг-и фироқиндин мани  
Ул турк-и кофиркешким, бир дамда юз минг қон қилур.

Ийд-и жамолин кўргуза жилва қилур бўлса даме,  
Ҳофиз эшигинда анинг шаксиз ўзин қурбон қилур.

Маниким, ул санам-и гулгузор зор қилур,  
Ўзини ўзгага дилдору ғамгузор қилур.

Ниҳон эди кўнгулу жонда сирр-и ишқ, вале  
Карашма бирла ниҳон сирни ошкор қилур.

Оғзини тесамаи бор — йўқ эрур, илло  
Шакарсифат сучи сўз бирла йўқни бор қилур.

Жафову жавр била ёр ёр бўлғали  
Бу кенг жаҳонни манга оғзитақ не тор қилур.

Юзиндин олса ниқоб ул гул-и латофату ноз,  
Чаманининг ичраги гулларни шармисор қилур.

Қарор васлини гар қилмаса, ажаб эрмас,  
Қачон бу умр-и азизим манга қарор қилур.

Адоқи тупроқини кўзга чакмаса Ҳофиз,  
Еши равон бўлуриндин кўзи ғубор қилур.

Нечаким ул санам-и гулгузор ноз қилур,  
Шикаста ошиқи нозин тилаб инёз қилур.

Назири йўқ санам-и дилнавознинг юзина,  
Назар ҳамиша ҳаводор-и покбоз қилур.

Жафову жаврини кам қилмас ул санам манди,  
Тасаввур этма, карам бирла лутфин оз қилур.

Кўнгул матоъи агар қалб эмас, недин дилдор  
Жафонинг ўти била дам-бадам гудоз қилур.

Қабул жону равони била этар Маҳмуд  
Не турлу ишваким, ул нозанин Аёз қилур.

Дуо била ўшанинг зулфини тиларманким,  
Камаид-и зулфи дуоси умр дароз қилур.

Адоқи тупроқини тўтиё қилур Ҳофиз,  
Гузар қачонким, ўшул шоҳ-и дилнавоз қилур.

Ҳар ноз ошиқингаким ул нозанин қилур,  
Сабру қарор ғарот этиб, қасд-и дин қилур.

Қўш қоши жон бутасина ҳар дам камон чакар,  
Кўзлари ғамза ўқи била ҳам камин қилур.

Чакканда тийғ-и ғамзани жонон қирон қилиб,  
Ошиқга турлу-турлу балони қарин қилур.

Ким давлат-и висол талаб қилса ёрдин,  
Нақши ниёзу меҳрини муҳр-и жабин қилур.

Ул офтоб солса юзиндин ниқобни,  
Моҳ-и тамом юзина юз офарин қилур.

Кулган ора тудоқи дўкон-и шакар очиб,  
Тўтйини зор бирла қачон ҳамнишини қилур.

Зулфини беқарор қилур бўлса тонг ели,  
Ҳофиз қарор топмайин оҳ-и ҳазин қилур.

Оламни ул махмур кўз сармасту шайдо хуш қилур,  
Ошиқларин хуш кўргали ҳар дам тамошо хуш қилур.

Асрук кўзи бемор экан, беморина тиймор этар,  
Хаста кўнгуллар дардина лаъли мудаво хуш қилур.

Пинҳон этиб ғамза ўқин пайдо қилур жон розини,  
Ул моҳрўй-и сарвқад пинҳону пайдо хуш қилур.

Занжир-и зулфин умсунуб девона бўлғали кўнгул  
Бозор-и ишқинда анинг юз турлу савдо хуш қилур.

Қўш қошининг ёсин<sup>1</sup> қуруб ул оҳу кўз жон сайд этиб  
Торож-и имон қилғали туркона яғмо хуш қилур.

Зоҳид агар ой юзини кўргали айб этса манга  
Шукр эткаманким, ул ёмон ўзини расво хуш қилур.

Ҳофиз кўзи бўлди садаф ул дур хаёлиндин, вале  
Қилса равон дурдонатак ёшини дарё хуш қилур.

<sup>1</sup> Қўлёзмада «син» ўрнида «шин».

Ул замонким, ғамза-йи дилдор ғаммозий қилур,  
Ишқ бирла ошиқ-и жонбоз жонбозий қилур.

Лаъл-и жон яхши берур ишқ ичра ўлганларга жон  
Исо Марьям била ул дамки, дамсозий қилур.

Ҳол издай эшигинга жон тиласа борғали  
Жон била кўнглум ўшул ҳол ичра анбозий қилур.

Ман анинг розини сақламоқда жонни ўйнадим  
Лек билман кимни ул жонона ҳамзори қилур.

Кўрса қаддин бўстон ичра равон сарв-и сиҳий  
Хок-и раҳтак паст ўлур тарк-и сарафрозий қилур.

Юзини кўрган аро гулшаннинг ичра ман тикки,  
Гул адоқинга тушайим теб сарандозий қилур.

Ҳофизо, бўстоннинг ичра булбули хуш куйлар,  
Ушбу сўзни эшитиб тарк-и хушовозий қилур.

Қачонким ул санам-и бениёз ноз айлар,  
Кўнгул кўруб ўшанинг нозини, ниёз айлар.

Ниёзманду ғарибу шикастаю мажруҳ  
Гадодин ул шаҳ-и хубон наг ихтироз айлар?

Кўнгулни бешаку шубҳа олур бу ошиқдин  
Не турлу шеваким, ул нозанин аёз айлар.

Тилаб муҳаббат ўтин уд янгли жон ҳар дам,  
Ҳазор турлу бало бирла сўзу соз айлар.

Агар тиласа ўшул дўст санг-и хорони  
Жамол-и аксидин ул дамда чашм боз айлар.

Шикоят айтман анинг жаври илгидин, илло  
Жафо қилур манга кўп лутфин асри оз айлар.

Қоши хаёли била ушбу Ҳофиз-и мискин  
Ҳамиша тоқ ила меҳробда намоз айлар.

Сабо зулфиниким парйшон қилур,  
Парйшонлиқидин пашимон қилур.

Гул-и нозанин хор ёнин тутуб,  
Гулистонда булбулни нолон қилур.

Ҳикоёт-и оғзини теган аро  
Кўнгул жонга бас рамз-и пинҳон қилур.

Лаби зинда қилса мани, не ажаб,  
Улуни тири об-и ҳайвон қилур.

Қачон ошиқ ўлтурса ғамза била  
Берур жон сучи лаъли товон қилур.

Шакарбор лаъл-и лаби сўзласа,  
Шакар нархини ул дам арзон қилур.

Кимаким қилур луфт меҳмон қилиб,  
Бу Ҳофизтак ани ғазалхон қилур.

Ушул товус янглиғким чаманда хуш хиром айлар,  
Ҳамиша тўтгий-и гўё бикин ширин калом айлар.

Ажаб эрмас анинг ҳуснинга қул бўлса бу ошиқлар,  
Ким ул шоҳ-и замон ҳусн ила Юсуфни ғулом айлар.

Анинг зулфу юзин кўргали ошиқ аз бар-и ихлос,  
Дуо-йи давлатин пайваста вирд субҳу шом айлар.

Ҳалол этмаса қонини анинг лаъл-и лабин кўруб,  
Шароб-и ишқни ўзинга ул киши ҳаром айлар.

Чиқарур ному оламни тутар хуш сўз била шаксиз,  
Кишиким ишқнинг йўлинда тарк-и нангу ном айлар.

Тилар жоним қуши парвоз этиб жонона эшигин,  
Ҳамиша ошёнин чунким ул олиймақом айлар.

Эрур моҳ тамом ул сарвқад дилдорнинг юзи,  
Бу Ҳофиз ҳам ани кўруб сўзин эмди тамом айлар.

Нози бирла мани хароб айлар,  
Жигари хун қилиб кабоб айлар.

Ер тарк-и вафо қилиб, кўргил,  
Хаста жонимга не азоб айлар.

Кўз қошиндин равон бўлуб дилдор,  
Умртак кетгали шитоб айлар.

Бўстон ичра гул юзин кўрса,  
Уёлиб ўзини гул об айлар.

Дом-и зулфини ҳалқа-ҳалқа ёзиб,  
Дилу жон бўйнина танооб айлар.

Заррага тушса юзидин акси,  
Заррани акси офтоб айлар.

Гар дуосин эшитса Ҳофизнинг.  
Шаксиз ул дўст мустажоб айлар.

Чиқиб ул моҳ-и меҳрафруз ўзинким ниҳон айлар,  
Ўшул дам айн-и ошиқдин баса чашма аён айлар.

Нечаким оҳу фиғон қилса булбуллар гулистонда,  
Анинг эшигинда ошиқлар андин кўб фиғон айлар.

Еқар хуршидининг жонини шаксиз ҳасрат ўтига,  
Қачон зулфи абрин юзи узра соябон айлар.

Маним жоним фидо бўлсун тақи қоним ҳалол ул дам,  
Қаро хуррез кўзлари гар қасд-и ошиқон айлар.

Анинг тор оғзи кўнглумни олиб афсуну дам бирла,  
Бу жоним ичра сиримтак недин ҳар дам ниҳон айлар.

Белиндин сўзламагил жону ошиқ бўлмагил ҳаргиз  
Ким, ул ошиқларин қилтак заъифу нотавон айлар.

Нишон-и жонни издасам анинг тор оғзидин сўзлаб,  
Нишон-и оғзитарак Ҳофизни ул дам бенишон айлар.

Нигор тийғ-и бало бирла қасд-и жон айлар,  
Инон-и азмии ҳар ёнғаким равон айлар.

Не қадғу, ишқ била бир бўлсам, эй дўст,  
Чу ишқ завқ била бизни жавон айлар.

Қачонким, олса юзи гулистонидин бурқаъ,  
Юзи сафоси била жонни гулистон айлар.

Чакар ўзинга манним жон-и беқароримни,  
Каманд-и зулфини ер узраким кашон айлар.

Мани бу зоҳиру ботнида дўст билсун теб,  
Ўзини зоҳир этар гоҳу гаҳ ниҳон айлар.

Қарин қачонки бўлур ушбу банда бирла нигор,  
Рақиблар ҳақина юз туман қирон айлар.

Гул жамолини бир кўрсаман тею Ҳофиз,  
Эшиқда булбул-и девонатак фиғон айлар.

Қаро жоду кўзунг ул дамдаки, шабихун айлар,  
Ашқ-и хун об-и равон рангини гулгун айлар.

Лайл ичра агар ул лайли-йи зулфунг ёзсанг,  
Жамъ-и ушшоқни ошифаву мажнун айлар.

Рост ўқ янгли қаддинг келса канолимга даме  
Агар табъимни манним нозуку мавзун айлар.

Хужра-йи кўнiglума келганда хаёлнинг, эй дўст,  
Рақиблиқ кўргузуб ағёрни берун айлар.

Доман-и васлинг элимдинки борур гаҳ-гоҳе,  
Яна кегунча элимга жигарим хун айлар.

Қурғил жону жаҳоним манним оҳимдинким,  
Чок бу оҳим ўти доман-и гардун айлар.

Ул паришон қаро зулфунг бики бўлуб Ҳофиз,  
Сан паришонина билманки не афсун айлар.



Бу хаста жонима ул нозанинки, ноз айлар,  
Шикаста кўнглум ўшани тилаб ниёз айлар.

Ниёз-и жоним анинг ишқи йўлида ортар,  
Не турлу нозким, ул сарв-и сарафроз айлар.

Хиром қилган аро қаддина бўлур банда,  
Агарчи бош чакибон сарвиноз ноз айлар.

Тариқ-и ишқда айлар қабул жон бирла,  
Жафову жаврки, Маҳмудга Аёз айлар.

Қоши хаёли агар қибла бўлмаса жонга,  
Қачон бу ошиқни меҳробда намоз айлар.

Муҳаббат ўтина парвонатак ёнар шаксиз,  
Назар юзингаки ушшоқ-и покбоз айлар.

Ҳаво-йи ишқ ила парвоз қилғил, эй Ҳофиз,  
Чун ул ҳаво кўрунур пашшаники боз айлар.

Қачонким юзини дилдор рашки лолазор айлар.  
Менинг биқин ҳазор ул юзга муштоқини зор айлар.

Висол-и гулистонинга қачонким кўргузур роҳе,  
Хазон фаслини ул дамда манга фасл-и баҳор айлар.

Жамолу ҳуснинга ошиқни жон бирла қилур банда,  
Не турли шеваву ашколким, бу шаҳсувор айлар.

Тиларманким, келиб бир дам қароре қилса қошимда,  
Вале умр-и азизимдур, қачон бир дам қарор айлар.

Каноримни қилур куз баҳридин кўргуза пургавҳар,  
Мани кўрганда мандинким, ўшул дилбар канор айлар.

Тилар бўлса гаҳ қору бор пайдо бўлса ошиқга,  
Манингтак йўқни айн-и иноят бирла бор айлар.

Ўшулким, шоҳларни айламади ёр ўзинга,  
Қачон бу Ҳофиз-и дарवेशни ўзинга ёр айлар.

Қаю дамким сўз ўшул ширин лаби ангиз этар,  
Оби қайвонга равон ул дамда шахдомиз этар.

Айта билмас йиичка бел васфини борикбез,  
Нечаким нозук маоний қил ёра ангиз этар.

Турфа бепарҳез кофирдур ўшанинг кўзлари  
Ким, олур ғамзаси жону боқғали парҳез этар.

Завқ бирла хуш айлар қон таним ичра равон,  
Қасд жонимга қачонким ул кўзи хунрез этар.

Ишқи ўти тез бўлуб жонни ўртар беҳато,  
Ғамзасининг қилични жоню қачонким тез этар.

Лолаву сунбулга кўз ёзиб не имкон боқмоға,  
Ул замонким юзюна зулфини анбарбез этар.

Ҳофиз анинг зулфи анбарборини дойим тилар,  
Гўйинё маҳшар кунюда ани дастовиз этар.

Ул лола юзю сарвки, ҳар дам юз ол этар,  
Ол бирла олғали кўнглумин юз ол этар.

Ғар улча моли бўлса бу жоним ғариб эмас,  
Чун жон асир ҳар нафасе ул жамол этар.

Мажнунлиқимга, оқил эсанг, айб айлама,  
Ошуфтадол чун мани ул зулфу хол этар.

Бош хок-и роҳ бўлганидин сўзласам анга,  
Билмас бўлур бу сўзни тақд поймол этар.

Ғаҳ-гоҳ издаганда мани топмас ул санам,  
Нозук бели хаёли мани чун хаёл этар.

Қилтак бели сифотида қиллар ёрарман  
Борик ҳар қачонки басе қилу қол этар.

Бермас шаккар бикин лаби ширин жавоблар,  
Ҳар иеча ошиқиким ўшандин савол этар.

Маъшуқ бирла ошиқ агар пок борсалар,  
Нозу ниёз иккисини соҳиб-и камол этар.

Жон тоза қилди, Ҳофиз, ўшанинг шаккар лаби,  
Чун руҳ-и тоза ҳар нафас об-и зулол этар.

238

Қилсам ниёз дам-бадам ул дўст ноз этар,  
Сонсиз жафову жавру вафо асри оз этар.

Юз жонни бир нафас била ҳар дам равон қилиб,  
Ширин ҳикоят ул санам-и дилнавоз этар.

Кўргали ол энгида қаро мангни ошиқи,  
Анг-манг бўлуб кечар аро минг ихтироз этар.

Ким ишқнинг йўлига қадам урса сидқдин,  
Ҳаққа анинг қаму ишини корсоз этар.

Шаҳбоз жон кўзин тикар аввалда шоҳ-и ишқ,  
То кўз юзинга охир ўшул боз-боз этар.

Бўлғай ўшул нигорға олам асирким,  
Ошиқларини поклиги покбоз этар.

Меҳроб қилса ул қаро қошнинг хаёлини,  
Ҳофиз ҳузур бирла саҳвсиз намоз этар.

239

Махмур кўзлари мани масту хароб этар,  
Кўзум ёшин шаробу жигарни кабоб этар.

Боғлавса хун-и ноб жигартак ажаб эмас,  
Бу турфақим жигарни равон хун-и ноб этар.

Ҳар лаҳза юзи узра қилур зулфи печу тоб,  
Сунбул тушарса ўтга, бале, печу тоб этар.

Еқут уза савод-и хатин кўргали табиб  
Таркиб хаста ошиққа мушқу гулоб этар.

Равшан юзини кўргали имкон кўрунмади  
Ким, офтоб шуъласи кўзни пуроб этар.

Лаълини сўргали кўнглум ҳолидур хароб,  
Орий, хароб жумла жаҳонни шароб этар.

Ошиқни ваъда бирла ҳалок этса, не ажаб,  
Чун ташнани ҳалок ҳамиша сароб этар.

Ким кўрса жаври бирла жафосни вафо бикин,  
Андоғ кишига лутфу карамни беҳисоб этар.

Дарвешлар дуосини гар қилса мустажоб,  
Ҳофиз дуосини тақи ул мустажоб этар.

240

Ман қул ниёзини кўруб ул сарвнзим ноз этар,  
Турлу жафову жавр этиб, меҳру вафони оз этар.

Султон сифат бош чакди ул жонона аҳл-и ҳусн аро,  
Бўстонда саркашлик, бале, пайваста сарвнз этар.

Ииллар ўшанинг сиррини жонимда сақладим, вале  
Кўргил ўшул бераҳмниким, ўзгани ҳамроз этар.

Сирримни сақласам, тақи ҳолимни пинҳон тутсаман,  
Мажлис орасинда ўшул ғамзасини ғаммоз этар.

Чанг-и балода ул санам гаҳ-гаҳ навозиш қилмайин,  
Қонун жаврини недин ман хаста учун соз этар.

Иўқ бўлдум оғзи фикридин, сўрманг маним ҳолимни сиз,  
Маъдум бўлғандин сўнге қайда киши овоз этар.

Лутфу вафонинг йўлида ўзга била хушлар борур,  
Нозу жафо, Ҳофиз, манга ул дилбар-и танноз этар.

241

Нечаким жавру жафо жонимга ул жонон этар,  
Жавр эмасдур, ошиқинга лутф этиб эҳсон этар.

Ийд-и акбарни топарман мени қурбон қилса ёр,  
Зор ўларман ўзганиким ул замон қурбон этар.

Зор агар ўлтурса ошиқларини хуш ўлтурур  
Ким, жамолин кўргузуб бир жонга минг товон этар.

Юзи гулзорин тилаб ёзи юзин казган аро  
Оғзи фикри тушса ошиқға жаҳонни танг этар.

Ғамза-йи ғаммози бирла ул қаро кофир кўзи,  
Гоҳ сулҳ этар бу ошиқ бирла, гоҳе жанг этар.

Борча кўрклулар кўнгулни олиб сақлади дўст,  
Кирмасун агёр теб гўё ҳисор-и санг этар.

Уд янглиғ ишқнинг ўтиға ёнғил, эй кўнгул,  
Ушбу сўзу создур ишингниким чуи чанг этар.

Дор-и дунё ичра ҳар ким нусрат издар ишқдин,  
Ўзини Мансур янглиғ дордин ованг этар.

Ҳофиз ҳаргиз муҳаббатнинг йўлиға кирмасун,  
Ҳар кишиким, ушбу йўлда фикр-и ному нанг этар.

244

Ушул замондаки лаъл-и лаби такаллум этар,  
Масиҳ мўъжизина хандаву табассум этар.

Гадо-йи кўйи анинг хок-и роҳ-и ишқ бўлуб,  
Юзини ким кўрар ул дамда юз танаъум этар.

Бу сайл янгли кўзум ёшини фироқинда  
Агарчи чашмасифатдур равон чу Қулзум этар.

Ҳарим-и Каъбада ўлтурсам эшигини солиб,  
Кабутар-и ҳарам ул дам наво-йи қум-қум этар.

Ҳазор фитна тақи ғамзадин тааллум этар.

Нечаки ришта-йи сўз-и жон элиндадур нозук,  
Агарчи кўзлари жоду кўрунадур пурфан,

Хаёл белина етканда риштаси гум этар.  
Тариқ-и ишқда ман хок бўлдум, эй Ҳофиз,  
Қачон назар била хокини дўст мардум этар.

245

Не жафоким манга ўшул бўйи сарв-и баланд этар,  
Бор жаврини жон била кўнглум бас нисанд этар.

Кишиким дардманд эрур манга хуш кўрунур тею,  
Ғамининг ўтига ёқиб мани бас дардманд этар.

Илгина шонани олиб юз мор зулфини тарар,  
Магар ул зулф-и саркашини узатиб каманд этар.

Сар-и зулфини кушода чун қилибон дарҳам айлади,  
Ушанинг бирла нечаларни бу дам пойбанд этар.

Кулган аро шакар сочар лаб-и ширини дам-бадам,  
Лаб-и лаъли бикин сучи ҳаракат қанд-қанд этар.

Ниш-и кирпуки бирлаким жигарим реш айлади,  
Жигарим решина ярар лаби ҳам нўшханд этар.

Тегмасун бир ёмон кўзи юзига тею Ҳофизо,  
Ҳасрат ўтинга жон била кўнгул ўзини сипанд этар.

246

Узгаларни лутф бирла ёр ўзинга ёр этар,  
Ушбу хаста ошиқини асри хору зор этар.

Не ажаб, қилмаса кўзи хаста ҳолимга назар,  
Чун назар беморларнинг ҳолига ҳушёр этар.

Кимдаким озор-и жон бўлса меҳнат хоридин,  
Ғунчатак кўнглини очмай ёр ҳам озор этар.

Очса юзининг гулистонини ул гулзор-и ҳуси,  
Кўзум ойинасини акси била гулзор этар.

Лутф айлаб ўзгага жавр ила жонимга қияр,  
Гул бор эркан ушбу мискиннинг насиби хор этар.

Даъво-йи ҳуси этган ора кўргузур бўлса юзини,  
Кофир-и бедин тақи бўлса анга иқрор этар.

Бир даме холий агар бўлса ўшул жононадин,  
Ҳофиз ул дамда пушаймон бўлуб истиғфөр этар.

247

Ул ҳолдаки жонима жонон назар қилур,  
Гўйиб фақир-и хастага султон назар қилур.

Юзи гулзорин тилаб ёзи юзин казган аро  
Оғзи фикри тушса ошиқга жаҳонни танг этар.

Ғамза-йи ғаммози бирла ул қаро кофир кўзи,  
Гоҳ сулҳ этар бу ошиқ бирла, гоҳе жанг этар.

Борча кўркдулар кўнгулни олиб сақлади дўст,  
Кирмасун агёр теб гўё ҳисор-и санг этар.

Уд янглиғ ишқнинг ўтига ёнғил, эй кўнгул,  
Ушбу сўзу сөздур ишингниким чун чанг этар.

Дор-и дунё ичра ҳар ким нусрат издар ишқдин,  
Ўзини Мансур янглиғ дордин ованг этар.

Ҳофиз ҳаргиз муҳаббатнинг йўлига кирмасун,  
Ҳар кишиким, ушбу йўлда фикр-и ному нанг этар.

244

Ушул замондаки лаъл-и лаби такаллум этар,  
Масиҳ мўъжизина хандаву табассум этар.

Ғадо-йи кўйи анинг хок-и роҳ-и ишқ бўлуб,  
Юзини ким кўрар ул дамда юз танаъум этар.

Бу сайл янгли кўзум ёшини фироқинда  
Агарчи чашмасифатдур равон чу Қулзум этар.

Ҳарим-и Каъбада ўлтурсам эшигини солиб,  
Қабулар-и ҳарам ул дам наво-йи қум-қум этар.

Ҳазор фитна тақи ғамзадин тааллум этар.

Нечаки ришта-йи сўз-и жон элиндадур нозук,  
Агарчи кўзлари жоду кўрунадур пурфай,

Хаёл белина етканда риштасини гум этар.  
Тариқ-и ишқда ман хок бўлдум, эй Ҳофиз,  
Қачон назар била хокини дўст мардум этар.

245

Не жафоким манга ушул бўйи сарв-и балаид этар,  
Бор жаврини жон била кўнгулум бас нисанд этар.

Кишиқим дардманд эрур манга хуш кўрунур тею,  
Ғамининг ўтнна ёқиб мани бас дардманд этар.

Илгина шонани олиб юз мор зулфини тарар,  
Магар ул зулф-и саркашини узатиб каманд этар.

Сар-и зулфин кушода чун қилибон дарҳам айлади,  
Ушанинг бирла нечаларни бу дам койбанд этар.

Кулган аро шакар сочар лаб-и ширини дам-бадам,  
Лаб-и лаъли бикни сучи ҳаракат қанд-қанд этар.

Ниш-и кирпуки бирлаким жигарим реш айлади,  
Жигарим решина ярар лаби ҳам нўшханд этар.

Тегмасун бир ёмон кўзи юзина тею Ҳофизо,  
Ҳасрат ўтннга жон била кўнгул ўзин сипанд этар.

246

Ўзгаларни лутф бирла ёр ўзинга ёр этар,  
Ушбу хаста ошиқини асри хору зор этар.

Не ажаб, қилмаса кўзи хаста ҳолимга назар,  
Чун назар беморларнинг ҳолина ҳушёр этар.

Кимдаким озор-и жон бўлса меҳнат хоридин,  
Ғунчатак кўнглини очмай ёр ҳам озор этар.

Очса юзининг гулистонини ул гулзор-и ҳуси,  
Кўзум ойинаснни акси била гулзор этар.

Лутф айлаб ўзгага жавр ила жонимга қияр,  
Гул бор эркан ушбу мискиннинг насиби хор этар.

Даъво-йи ҳуси этган ора кўргузур бўлса юзин,  
Кофир-и бедни тақи бўлса анга иқрор этар.

Бир даме холий агар бўлса ўшул жононадни,  
Ҳофиз ул дамда пушаймон бўлуб истиғфөр этар.

247

Ул ҳолдаки жонима жонни назар қилур,  
Гўйиб фақир-и хастага султон назар қилур:



Қилса хиром чимгон аро, жон кўзи била  
Қадду юзинга сарву гулистон назар қилур.

Гултак юзини тоза тару хуш кўрар баса,  
Юзингаким бу дийда-йи гирён назар қилур.

Ман йиғлағонни кўрсуну очсун юзиниким,  
Абр-и баҳорға гул-и хандон назар қилур.

Шавқ ўти бирла ўз жигарини кабоб этар,  
Чун гул юзинга булбул-и нолон назар қилур.

Қайда савод-и хатти кўзум илгина тушар,  
Ҳолим бикин чу турлу паришон назар қилур.

Отгай бу хаста Ҳофизо ғамза ўқин тею,  
Сийнасини сипар тутару жон назар қилур.

248

Ошиқ лабини кўргали жондин кечибтурур,  
Жонин равон қилиб бу жаҳондин кечибтурур.

Эй сарзаниш манга қилма бу ишқдин,  
Чун ишқ ҳоли барча жавондин кечибтурур.

Гулнинг юзин кушода кўруб билмага бўлур  
Ким, ёрнинг насими бу ёндин кечибтурур.

Занжир-и зулфи бирла бу мажнунсифат кўнгул,  
Савдоси бор, суду зиёндин кечибтурур.

Ному нишонни издама ушшоқ йўлида  
Ким, аҳли ишқ ному нишондин кечибтурур.

Қон баҳри бўлди кўз тақи дилдор, билмасам,  
Қон баҳрина кўнглума қондин кечибтурур.

Сўзу гудоз-и ишқни кўрган фақирлар  
Чўл йўлга кўн об-и равондин кечибтурур.

Топған ниёз завқини қуллик замонида,  
Бейлтифот шоҳ-и замондин кечибтурур.

Ҳофизға арз қилма жаҳоннинг матоъини  
Ким, ёр эрур тилаги, ўшандин кечибтурур.

Висоли кунжини топмай кўнгул хароб турур,  
Фироқи ўти билан ҳам жигар кабоб турур.

Аё кўнгул, аё ўзунгни ўтга солмаким,  
Саннинг бикини ёнар ул ўтга беҳисоб турур.

Очилди кўз йўлидин чашмалар равон, эмди  
Ким ани кўзласа доим кўзи пуроб турур.

Бу хаста жонни тиларман анга равон қилсам,  
Чун ушбу жон ўшанинг йўлинда ҳижоб турур.

Юзинга боқмага кўз тоқат этмас ондинким,  
Жаҳоннинг ичра юзи равшан офтоб турур.

Бирорда<sup>1</sup> бўса таманно қилиб савол этсам,  
Баҳона бирла шакартак сўзи жавоб турур.

Шакар бикини тудоқин сўрса Ҳофиз-и махмур,  
Айтқай эрдик, жонтак сучи шароб турур.

Жон кўзиким, жамолна эмди назар қилатурур,  
Ой юзин кўруб тамом оҳ-и саҳар қилатурур.

Об-и ҳаёт-и лаълидин қут-и равон тилаб кўнгул,  
Тўтиймисол дам-бадам майл-и шакар қилатурур.

Тор оғзи хаёлидин хаста кўнгул бўлуб хаёл,  
Оҳ, адам жаҳонина азм-и сафар қилатурур.

Етгай умидина кўзум ишқ йўлинда оқибат,  
Тўша-йи роҳ эмдиким чун жигар қилатурур.

Ман юзум олтун айладим бели хаёлидин, вале  
Ишқни ўртада ора банд-и камар қилатурур.

Сафҳа-йи лоласи уза хатт-и ғуборни кўрунг,  
Оҳим ўтнинг учқуни анда асар қилатурур.

Ҳофизнинг тааллуқи ёр ила бўлса не ажаб,  
Жумла жаҳондин эмди чун қатъ-и назар қилатурур.

<sup>1</sup> Қулёзмада «р» ўрнида «з»

Эй пари, ҳуси ичра сантак ҳеч инсон йўқ турур,  
Зарраларга сон бору ушшоқинга сон йўқ турур.

Ўлтурур бўлсанг жамолнинг кўргузуб ўлтур мани,  
Ким муҳаббат қониға андин ўзга товон йўқ турур.

Эй камонабру, хаданг ғамзани отғил сан манга,  
Кеш-и ишқ ичра чу мандин ўзга қурбон йўқ турур.

Гулистонда гул юзинга бор ошиқ кўп, вале  
Булбул-и ошуфта янглиғ зору нолон йўқ турур.

Тоқат этмаса кўзум юзунга бақмағони тонг,  
Чун қуёшнинг юзина бақмаға имкон йўқ турур.

Кўзларинг ҳолимни кўрдню манга раҳм этмади,  
Гўйиё ул кофиристонда мусулмон йўқ турур.

Заҳр-и ҳижронингни кўб ичдим, висолнинг шарбати  
Бирла қовдурсанг не бўлғай, орада қон йўқ турур.

Олинга, эй ол юзлу, кўнглум олдурдум тамом,  
Олам ичра бир манингдак гўлу нодон йўқ турур.

Ҳофиз-и бечоранинг қадрини билгил, эй санам,  
Ким анингтақ ошиқ-и мухлис фаровон йўқ турур.

Бог-и ҳуси ичра санингдак гул-и хандон йўқдур,  
Рест қадинг бики ҳам сарв-и хиромон йўқдур.

Юзунг узраким ўшул зулф-и муанбар кўрундур,  
Андайин саҳн-и чаманда гулу райҳон йўқдур.

Тўти-йи руҳ учун кўп шакаристон каздим,  
Вале ул сучи лабингдак шакаристон йўқдур.

Лаб-и лаълинг равон ўйнаю жон бердим эса,  
Олди жону теди жон ўйнамоқ осон йўқдур.

Дард ила ўлдиму оҳ айламага йўқ мажол,  
Гўйиё хаста кўнгул дардина дармон йўқдур.

Лутф бисёр қилгилу жавру ситам оз айла,  
Яхшиликдин кишиким бўлса пушаймон, йўқдур.

Гулистонларда баса булбул тинмай сайрар,  
Вале Ҳофиз бики бир мург-и хушалхон йўқдур.

253

Фитналар қилган ўшул турк-и жафокеш турур  
Ким, анинг жаври элиндин жигарим реш турур.

Нўш-и лаълини ўшанинг тамаъ айламасман,  
Чун насиба манга кирпукларидин неш турур.

Қайда борсам ўшанинг ёди билан ман машғул,  
Ғами йўлдошу хаёли манга чун иш турур.

Кўзлари ҳолима қилмаса назар, айб этман,  
Май-и ноз ила ўшул маст чу беҳуш турур.

Сабру куймак не тариқаким эрур ошиқда,  
Лутф ила жавру жафо анда каму беш турур.

Ишиқ йўлинда неким қилса ўшул барчадин,  
Оҳ-и сўзон била кўз ёши иши беш турур.

Сўхта-йн ошиқ-и дарвешга қилса назаре,  
Ҳофиз сўхтадил ошиқ-и дарвеш турур.

254

Ераб, ул сарв-и равон қанда турур  
Ким, юрагим ҳажридин қонда турур.

Дардима дармони бергил, ё илоҳ  
Ким, кўнгул дард ичра дармонда турур.

Анда қилгил андайин жононғаким,  
Қаю ёнга боқсам ул анда турур.

Издаю топдим ўшул жононани  
Ким, мақому манзили жонда турур.

Кўзда ул дилдору кўз дурбор эрур,  
Турфа ҳоле чашм-и гирёида турур.

Қул эрур сонсиз анга шаҳзодалар,  
Ман бикин гаддойи не сонда турур.

Ҳофиз ул султон эшигин топғали  
Дойимо гулзору бўстонда турур.

255

Жавр ўти бирла жонни ёқари ёқа турур  
Ким, дўст жаври жонима айн-и вафо турур.

Доғиндин ўзга ҳеч тилакни тиламадим,  
Чун доғи ишқ хаста кўнгулга даво турур.

Шамъ-и жамолин издаюр парвонатак кўнгул,  
Беихтиёр ёнмоқ учун хуш бора турур.

Бўлдум эса гадое манга айб қилмаким,  
Шоҳ-и замона ишқ йўлинда гадо турур.

Езуқлусан тею агар ўлтурса ошиқин,  
Ўлтурмаги баҳона била хунбаҳо турур.

Бўлди йироқ душману бегона бир йўли,  
Энди хаёл-и дўст ёвуқ ошно турур.

Болтак тудоқи сўз била оламни ўртади,  
Ҳофиз ўшани сўрса, билингким, бало турур.

256

Малоҳат ичраким ул нозанин ягона турур,  
Карашма қилган аро офатъ-и замона турур.

Қаро қароқчи кўзи ғамза бирла боқғанда  
Қазо ўқнига кўнгул жон била нишона турур.

Фидо қилурман анга жонни ман равон, кўргач  
Ким, ўлмак ани кўруб умр-и жовидона турур.

Баҳо керакмас анга лутфи ом эрур, илло  
Мурод бермаганин билсангиз баҳона турур.

Бошим азоқина текса мурод топғай теб,  
Ҳамиша ошиқи чун хок-и остона турур.

Юзининг узра қаро холидин куяр олам,  
Вале не турфа ўшул оташ узра дона турур.

Каманд-и зулфида жонларни ҳалқа-ҳалқа тутуб,  
Узатур ул кўксуси (?) шох-шоҳ шона турур.

Кўнгулда Ҳофиз агар бўлса гавҳар-и маъно,  
Кўнгул эмасдур ўшул баҳри бекарона турур.

257

Ошиқи жон била анга то нигорон бўлубтурур,  
Нақш-и хаёли донмо мунис-и жон бўлубтурур.

Қатра-йи дур бикин эди кўз ёши ниқда, вале  
Гавҳар-и васлини издаю баҳр-и равон бўлубтурур.

Кўҳ-и ғам ила гарчи тан кўҳсифат кўрунадур,  
Бир нечага бу кўҳ чун кўҳ-и гарон бўлубтурур.

Об-и ҳаёт агар анниг лаъли эмас турур недни,  
Бас зулумот хаттида асир-и ниҳон бўлубтурур.

Бу синаған кўнгулга ул ваъда-йи васл бермасун,  
Чун синағанман ул сўзин ёри билан бўлубтурур.

Ушбу кўнгул саройина ғайр қачон туша билур,  
Меҳру муҳаббат ила чун муҳру нишон бўлубтурур.

Лаъл-и лаби хаёлидин Ҳофиз-и порсони кўр,  
Майкадаларга зеб бу дам пир-и муғон бўлубтурур.

258

Соқий, вақти гул эрур бодайи гулгун келтур,  
Мутрибо, чангинг тузуб нағма-йи мавзун келтур.

Кўнглум ақл иқолидин эрур бас тийра,  
Оқил элтиб мани майхонаға мажнун келтур.

Ўз қонимға бўлубман бу замонда ташна,  
Бода бўлмаса келиб тиг била хун келтур.

Андаким зоҳид эдим бода ҳаром эрди манга,  
Ринду қаллош-и харобатман акнун, келтур.

Бодаи жом-и жаҳондин ичибон бўлман маст,  
Мани маст айлагали бода-йи дигаргун келтур.

Моҳ-и нав янглиғ агарчи манга тушти каму кост  
Моҳ-и тобонтанқ ўшул ратлни афзуи келтур.

Топмасанг Ҳофиз бечора учун жом мудом,  
Ушбу таркибдин эмди анга маъжун келтур.

259

Ҳар нафасе насим-и жон фасл-и баҳор келтурур,  
Булбул-и шифта сўзи нолаю зор келтурур.

Ушбу нигорнинг юзи акси кўнгулума тушуб,  
Корғаҳ-и хаёлда нақшу нигор келтурур.

Ҳар киши пешкаш чекар ушбу ҳабиб эшигида,  
Ошиқ-и хастадиллари жон-и фиғор келтурур.

Шер шикор учун чиқиб оҳуни сайд ётар, вале  
Бас ажаб оҳудур буким шер шикор келтурур.

Вулфи насими бор экан нофа-йи чинни қилма бўй  
Ким, санга дардсиз баче мушк-и тотор келтурур.

Шурб-и мудом қилмасун ошиқ-и хаста қонидин,  
Ҳар ки шароб кўп ичар ранж-и хумор келтурур.

Эшиги тупроқин кўруб сурма кўзумга чаксаман,  
Кўзумга, Ҳофизо, ўшул ранж ғубор келтурур.

260

Сучи сўз бирла мани ул турк-и кофир ўлтурур,  
Баче ажаб сўздур буким тўтийни шаккар ўлтурур.

Тудоқининг сучилигининг ўларман дам-бадам,  
Турфа ҳоликим мани полуда-йи тар ўлтурур.

Лаъл-и серобин сўрарда жонни бердим ман равон,  
Борму бу сўзким, кишини об-и кавсар ўлтурур.

Хаста жоним тоза бўлуб гул бикин хандон чиқар,  
Қаю дамким, мани ул сарв-и сийминбар ўлтурур.

Дам-бадам тупроқим узра карвон-и нур инар,  
Лутф бирла маниким ул моҳманзар ўлтурур,

Ғамзаси бирла анинг кирпуки тегди жонима,  
Орий, ошиқларни аксар тийру ханжар ўлтурур.

Шоҳлар чокарларин асрар дойим, Ҳофизо,  
Лекин ул шоҳим маним пайваста чокар ўлтурур.

261

Жоним тилагин дилбару жононга ким айтур,  
Вечора гадо розини султонга ким айтур.

Овсиз бу кўнгул дарди баче бўлди зиёда,  
Бу хаста кўнгул дардини дармонга ким айтур.

Яъқубсифат ҳоле, кўзум тийра бўлубдур,  
Бу ҳолни ул Юсуф-и Канъонга ким айтур.

Озурда анинг хор-и фироқи била бўлдум,  
Бу хор сўзин равнақ-и бўстонга ким айтур.

Кўргали хиромон қаддини хок бўлубман,  
Бу хокдин ул сарв-и хиромонга ким айтур.

Зарра бики бўлдум ғам-и ишқинда ҳавойий,  
Бу дарддин ул меҳр-и дурахшонга ким айтур.

Сўз бирла кечадур кечаю кундузум, илло  
Ҳофиз, сўзин ул шоҳ-и суҳандонга ким айтур.

262

Улким, оғзи чашмасинда об-и ҳайвон кўрунур,  
Боқсаман лаъл-и лабинга суврат-и жон кўрунур.

Ғар ниқоб олса юзиндин бир замон ул офтоб,  
Жон била банда анга юз моҳ-и тобон кўрунур.

Гулга ўхшаб чиқса тўниндин ўшул сарв-и равон,  
Гулистон ичра баче чок-и гирибон кўрунур.

Топди эрса гул юзиндин ҳар нафас баргу наво,  
Булбули ошуфта недин зору нолон кўрунур.



Наг ҳазар қилмас кўзум ёшиндин ул тол бўйлу ёш,  
Чун кўзум чашмасида дарё-йи уммон кўрунур.

Сийна қалқон қилгали ул турк-и кофиркешга,  
Ғамза-йи хунрезидин минг тийр-и борон кўрунур.

Кўзлари бирла шароб-и лаълин анинг кўргали,  
Ҳофиз-и девонаси сармасту ҳайрон кўрунур,

263

Ул ҳуси-и сувратиким, кўзума аҳсан кўрунур,  
Ою кундин манга ол англари равшан кўрунур.

Жон кўзи бирла анинг сувратина бақсаман,  
Суврат-и жон бики кўзумга ўшул таи кўрунур.

Елга бошимни берур бўлғай ўшанинг зулфи,  
Моҳ узраким, ўшул хўшаси хирмон кўрунур.

Дўст бўлғай теб ани жон била савдум йиллар,  
Билмадим жонима қасд этгучи душман кўрунур.

Сарв-и озод анинг қаддина бўлса банда,  
Не ажабдур, юзина қул гулу савсан кўрунур.

Зорий айларман эшигинда анинг булбултак,  
Чун манга юзи гулу эшиги гулшан кўрунур.

Зулфи мушкини ҳавоси била Ҳофиз-и мискин  
Бўлди эрса, не ажаб, ул анга маскан кўрунур.

264

Зулф-и занжирини ким ошиқ-и мажнун кўрунур,  
Ҳасрату дарду балоси била маҳзун кўрунур.

Он-и ҳусни кўнглум мулкина бўлди молик,  
Рост қадди алифу қоши чун нун кўрунур,

Неким ул қомат-и зебо сифатинда етсам,  
Аҳл-и диллар қошида барчаси мавзун кўрунур.

Ҳуснида ҳеч анинг чуну чиро сиғмади,  
Зоҳиран ҳусни анинг қудрат-и бечун кўрунур.

Кўнглум ҳужрасида ёрдни ўзга йўқдур,  
Ҳарам-и хосдин ағёри чу берун кўрунур.

Кўзларим чашмаси ҳажринда ажаб дарёдур  
Ким, равон анда бас Дажлаю Жайхун кўрунур.

Акс-и лаъл-и лаби тушгали кўзум шишасна,  
Жому май бикин ўшул борчага пурхун кўрунур.

Баски қонин ичра ул лаъли каби ол билан,  
Ул сабабдин кўзума дойим майгун кўрунур.

Бу ниёзим ўшанинг нозина етмас, Ҳофиз,  
Чун басе нози ниёзимдаким афзун кўрунур.

265

Зулфи бирла юзи хуршид билан шаб кўрунур,  
Ё тақи ганж узра мор ила ақраб кўрунур.

Сирр-и оҳимни савод-и хатидин издагасиз,  
Дуд-и оҳим била чун хатт-и мураккаб кўрув

Боғ-и фирдавсинг ичиндаги ул себмудур,  
Ё гулистон жамолинда бу ғабаб кўрунур.

Не ажаб бўлса ниҳон халқ аро об-и ҳаёт,  
Рашк-и сарчашма-йи ҳайвон чун ўшул лаб кўрунур.

Юзини кўргали жон ишқ ўтиға ёнди,  
Офтоб-и юзидин рўзий манга таб кўрунур.

Нечаким борсаман эшигина ушшоқиндин,  
Саҳару шом ҳамин наъра-йи ёраб кўрунур.

Бўлди савдозада зулфи сўзи бирла Ҳофиз,  
Гўйиё ошиқ-и бедилға бу мазҳаб кўрунур.

266

Лола юзи ғаминда юз рангу чун қоҳ кўрунур,  
Мани ўт ичра ўртаган нолаю оҳ кўрунур.

Нур агар тиламаса меҳр жамолидин даме,  
Меҳр ила моҳ иккиси рўйсиеҳ кўрунур.

— 155 —

Нисбат гулни юзина қилмоқимиз хато эрур,  
Гул чу назарда бор экан қайда гиёҳ кўрунур.

Отга сувор бўлиб ул рухдн олур эса ниқоб,  
Барча пиёдаю ўшул орада шоҳ кўрунур.

Ишқининг ўти бирла ман ўртагоним вужудни,  
Чунки вужудим онсин айн-и гуноҳ кўрунур.

Ишқи йўлинда ҳарки жон бергали издаса равон,  
Аҳл-и назар қошинда ул рўй бароҳ кўрунур.

Хок-и рах-и ниёз агар бўлса ғариб бўлмағай,  
Ҳофизо, ушбу тавр чун расм ила роҳ кўрунур.

267

Ширин лабида чашма-йи ҳайвон манга кўриур,  
Юзинда тақи юз гул-и хандон манга кўриур.

Ўз жонини кўргани киши йўқу лекин  
Жонона равон келган аро жон манга кўриур.

Ман хоксифат бўлгали жонон эшигинда  
Юз боғ-и жинон равза-йи ризвон манга кўриур.

То хор-и ғам-и ишқи юрагимга тикилди,  
Ҳар хорда юз турлу гулистон манга кўриур.

Бўстон била боғ орасида ғашт қилурда,  
Ҳар сарвда ул сарв-и хиромон манга кўриур.

Кўнглум кўзи кўргали анинг ҳусну жамоли,  
Ҳар заррада хуршид-и дурахшон манга кўриур.

Ҳофиз ўшанинг зулфу юзини савгали кўнглум  
Хуршидсифат куфрда имон манга кўриур.

268

Ул юзи офтобким, эрта сабоҳ кўрунур,  
Руҳфизой шакарин лаълида роҳ кўрунур.

Кеча қачон қолур ўшул дамки мани сўра келур,  
Ҳар кеча кеча бўлса, чун эрта сабоҳ кўрунур.

Қоматнинг қиёматни кўрдию қилди жон сужуд,  
Қоматида салоҳу чун турлу фалоҳ кўрунур.

Ифаварини сузуб бирор боқғали маст-и нозимиз,  
Гуна-йи хонақаҳда маст аҳл-и салоҳ кўрунур.

Ичмаинимиз шароб бас яхши кўрунгай эмдиким,  
Давр-и лабнида ошиқа бода мубоҳ кўрунур.

Шаҳвар-и сабз лаълининг узра ғариб бўлмагай,  
Чунки малолик ора ҳам сабзжаноҳ кўрунур.

Шому сабоҳ хуш манга кечса, ғариб кўрмаким,  
Юан сабоҳу зулфи шаб Ҳофизга равоҳ кўрунур.

269

Зулфи кифринда мангаким нур-и имон кўргузур,  
Жон кўзига кечада хуршид-и тобон кўргузур.

Тўтй-и жон қути учун қилса шакархандае,  
Ул шакархандаси шакар нархин арзон кўргузур.

Нўлбул-и ошуфтани нолону сўзон кўргали,  
Лутф этиб ҳусну жамолини гулистон кўргузур.

Васл айёмида булбул не сабабдин инграюр,  
Гўйиб ул нола бирла захм-и ҳижрон кўргузур.

Чоҳ ичра Юсуф-и Мисрий бикин кўнглум тушар,  
Моҳ юзидаким ул чоҳ-и занакдон кўргузур.

Ул паришон зулфини тушумда ман тутмиш эдим  
Ким, ўшул туш ҳоли ҳолимни паришон кўргузур.

Ҳофизо, лутфу иноятнинг ўрунига кечар  
Не жафоким, банданинг ҳақинга султон кўргузур.

270

Лутф этибким юзини ул моҳ-и тобон кўргузур,  
Шавқарини лаъли лабнида суврат-и жон кўргузур.

Гул-и жамолинигаки булбул жон била толиб бўлур,  
Ҳусн-и бегоятни булбулга гулистон кўргузур.

Куфру кофирликдин эмди ғам қачон бўлсун манга,  
Куфр-и зулфинда чу равшан нур-и имон кўргузур.

Куймас эрди дам-бадам парвона-йи жонсўз лек,  
Ушбу ёнмоқни анга шамъ-и шабистон кўргузур.

Қайда мавжуд эрди заррот ушбу оламда, вале  
Лутф этиб ошиқ кўзинга меҳр-и рахшон кўргузур.

Ким кўра билур ўз ўзлиги била бир заррани,  
Негаким боқсам ўшани фазл-и яздон кўргузур.

Дард бирла доимо дармонда бўлсанг, Ҳофизо,  
Оқибат лутф айлар ул дилдору дармон кўргузур.

271

Ханда айлаб оғзиким жон кўргузур,  
Лаъл-и лабдин дурр-и хандон кўргузур.

Ташна ошиқларин ўлмасин тею,  
Хизр хатти об-и ҳайвон кўргузур.

Сўзга келган ора ул ширин лаби  
Нарх-и шаккарни бас арзон кўргузур.

Тўтий-и жон қутин издаган аро,  
Тудоқиндин шаккарестон кўргузур.

Зулф-и шабрангининг ичра дам-бадам  
Ошиқина моҳ-и тобон кўргузур.

Ул қаро зулфини шона айласа,  
Куфр ичинда нур-и имон кўргузур.

Булбул-и ошиқталар ошиқ бўлур,  
Нечаким ҳусни гулистон кўргузур.

Шоҳбоз-и қудс янглиғ ҳар магас,  
Бу ҳавода қайда жавлон кўргузур.

Банда-йи фармон-и Ҳофиз бўлғали,  
Баҳр-и маъноларин султон кўргузур.

Бурцаъ олиб жамолким ул юзи ол кўргузур,  
Юзининг оли бор экан жонга юз ол кўргузур.

Ол юз ила жон олиб ол қилурда дам-бадам  
Турлу либос ичинда бас ҳусну жамол кўргузур.

Кўргали белини анинг йўқ турур мажол, лек  
Ванд-и камар карам қилиб кўзга хаёл кўргузур.

Чашма-йи оғзи ёнина жон тиласа нишоне,  
Об-и ҳаётга нишон ул хату хол кўргузур.

Лаъл-и лабини кўргузур ошиқ-и дилшикастага,  
Ташнаю сўхтасина об-и зулол кўргузур.

Қилса бу жонима бало лаъл-и лаби, ажаб эмас,  
Оч магас учун балоларни чу бол кўргузур.

Ҳофиз-и хастадил учун ушбу ҳаромий кўзлари  
Бир сўз ичинда юз туман сеҳр-и ҳалол кўргузур.

Шакар бикни тудоқиндин ҳижил шароб бўлур,  
Юзини кўрса гулистон гули ҳам об бўлур.

Шаробтак лаб-и лаълнинг орзусинда  
Мудом ҳасрат ўтинга жигар кабоб бўлур.

Тушумда тўш бўла ул офтоб юзи тею,  
Кўзумда йўқ экан уйқу асир-и хоб бўлур.

Ҳаво-йи ишқда ҳар зарраким, бўлур рақсон,  
Жамоли аксидин ул зарра офтоб бўлур.

Юзинга ғайратиндин ийманиб боқа билман,  
Губор-и ғайр қачон кўздаким ҳижоб бўлур.

Юзаумда боб чекар сурхий бирла кўз ёши,  
Бу бобдин манга юз турлу фатҳ-и боб бўлур.

Ҳисобсиз қаю жонким жафо чекар андин,  
Инояту карам ул жонга беҳисоб бўлур.

Не иш савоб эса, ман қилсам хато кўрунур,  
Не турлу бўлса хато ёрдин, савоб бўлур.

Дуо била ўшанинг зулфини тилар Ҳофиз,  
Шикаста даъвати шаксиз чу мустажоб бўлур.

274

Юзунг жамолина танг офтоб қанда бўлур,  
Қаро сочинг бики ҳам мушк-и ноб қанда бўлур.

Шакар бикин сўз ила лабларинг қилур юз шўр,  
Нишотбахш анингтак шароб қанда бўлур.

Кўнгулким, ўртанадур андин, ўзга оламда  
Муҳаббат ўтина лойиқ кабоб қанда бўлур.

Каманд-и зулфунгга жонлар муқайяд ўлганда  
Манинг бикинлара анда ҳисоб қанда бўлур.

Хато била мани ўлтурмагинг савоб эрмас,  
Вале хатосизин, эй жоң, савоб қанда бўлур.

Ниёзу сидқ карак, бўлса мустажоб дуо,  
Дуоси ҳар кишининг мустажоб қанда бўлур.

275

Юзина қаршу гулистон гули беранг бўлур,  
Лаб-и лаълидин анинг айш-и шакартанг бўлур.

Дуд-и хат ойн юзида ўтидин пайдодур,  
Оҳдин ойна юзинда, бале, занг бўлур.

Ғамзаси ўқина жонимни сипар қилмастан  
Ким, сипар қилсам ўшул шўх санам шанг бўлур.

Ошиқи ҳар нечаким ел бики югуруб еладур,  
Ёри эшигина етишкан аро ланг бўлур.

Беҳаёлик қилиб эшигини ястанса рақиб,  
Итлари бирла базм орада бас жанг бўлур.

Соз-и васлини анинг сўз ила ҳар ким тиласа,  
Удтак жони ёниб, қомати чун чанг бўлур.

Ишқ ила дор-и фанодин кеча билган Ҳофиз,  
Нақд-и Мансур топуб дордин ованг бўлур.

Ифреа ҳуснингни зиёда сабр-и ошиқ кам бўлур,  
Қадеулге кўнгли бало-йи ишқдин хуррам бўлур.

Чоқмасанг завқу сафо юзини кўрмаклии маҳол,  
Ғар чиқар бўлсанг бирар ҳам фитна-йи олам бўлур.

Даъво-йи ҳусн этса рухсоринг била ою қуёш,  
Ифрунур равшан бу даъво бирлаким мулзам бўлур.

Ғўйтаи майдонда ғалтон кўргали ошиқ бошин,  
Дам бадам чалгонсифат зулфунг юзунгда ҳам бўлур.

Сунбулу гул юзунг узра зулф-и печон кўргали  
Ғайрат ўтига чулашиб иккиси дарҳам бўлур.

Қилса нагон кўнглум уйин жавру жафо бирла хароб,  
Хаста жон мулкинда бунёд-и вафо маҳкам бўлур.

Дил-и жонбахшинг кўруб гар об-и ҳайвон ичсамал,  
Об-и ҳайвон ул замон бешаку шубҳа сам бўлур.

Ишқ сиррин ғамза бирла ошкоро қилмағил  
Ким, бу бир печа мунофиқ розима маҳрам бўлур.

Келтур, эй ёр, мувофиқ жом-и май Ҳофизғаким,  
Жом-и майни муфлис-и бечора топса Жам бўлур.

Зулфи балосидин жигар-и хаста хун бўлур,  
Тушса шикор қайдга, орий, забун бўлур.

Савдо-йи зулфини тиласам суд қилғали,  
Савдойий бошида ҳосил савдо жунун бўлур.

Вордим рикоби ёнида қаддимни ҳам қилиб,  
Жон шакли қайда борса қошинда чу нуи бўлур.

Жонтак хаёли келса кўнглумга кирғали,  
Мани берун солур тақи ўзи дарун бўлур.

Ғар келса бир канорима ул сарв-и нозанин,  
Завқу сафову айш ила умрум узун бўлур.



Ёр эшигинда бор топар бехато бошим,  
Давлат қачон бу бандагаким раҳнамун бўлур.

Ҳофиз висол-и дўстни айлар тамаъ, вале  
Қайда гадоға шоҳ қошинда ўрун бўлур.

278

Бандадин ўзгагаким мойил ўшул ёр бўлур,  
Ғаму ҳасрат элидин жону дил афғор бўлур.

Ман анинг ёрлиқинда берур эркан жонни,  
Қўл тутушуб недин ул ўзга била ёр бўлур.

Ҳар табибеки маним дард-и дилимни эшитур,  
Дард-и дил ҳосил этар, ранж ила бемор бўлур.

Оҳу фарёд эшигинда чека билмасман,  
Чун ўшул фитнадур, оҳим била бедор бўлур.

Боғ ичинда гулу гулзор юзинга боқсам,  
Юзи ёдимға тушар, гул кўзума хор бўлур.

Боғласа юзи хаёли кўзум ичра нақше,  
Кўзум ойинаси ул нақш ила гулзор бўлур.

Очса ул шоҳ-и маоний юзини жилва қила,  
Ҳофиз-и сўхтадил толиб-и дийдор бўлур.

279

Қаю мажлисдаким, ул дилбар-и айёр бўлур,  
Борча ошнқ ўшанга жони била зор бўлур.

Ҳусн-и суврат била оламда тафоҳур қилган,  
Кўрса ҳуснини анинг суврат-и девор бўлур.

Оҳу афғон эшигинда чека билмасманким,  
Фитнадур оҳу фиғоним била бедор бўлур.

Хаста кўнглумни қароқчи кўзи йиқмасунким,  
Ҳар ким озор қилур оқибат озор булур.

Анбарин зулфидин анинг дам урур бўлсаман,  
Бехато мунфанл ул нофа-йи тоғор бўлур.

Не ажаб, баста кўнгул бўлса қаро зулфинаким,  
Қайдга сайд тушар бўлса гирифтор бўлур.

Кўрса ширин лабини сўзга келурда Ҳофиз,  
Жом-и лаълини сўруб, толиб-и хаммор бўлур.

280

Юзунг хижолатидин андаким, гул об бўлур,  
Хатинг насими тегар бехато гулоб бўлур.

Юзунгга тез назар қилмага не имкондур,  
Кўзум чу меҳр юзини кўрар пуроб бўлур.

Мурод қайда топа билгаман жамолингдни,  
Чун ул фуруғ-и жамолинг манга ҳижоб бўлур.

Шнаста мулк-и кўнгул қайда бўлгуси маъмур,  
Чу дард-и ишқинг ила дам-бадам хароб бўлур.

Ҳануз хом эрур бу фақир-и сўхтадил,  
Агарчи ишқинг ўтиндин баса кабоб бўлур.

Шаробтак неча ичтинг маним бу қонимни,  
Магар бу ичкучи лабингдин санга савоб бўлур.

Хатинг саводини Ҳофиз кўруб чу сўз сўзлар,  
Бу сўзлариндин ўшанинг баса китоб бўлур.

281

Юзунг офтобикн тобон бўлур,  
Жамолинг кўруб меҳр пинҳон бўлур.

Агар заррага зарра қилсанг назар,  
Ўшул зарра хуршид-и рахшон бўлур.

Қачон сўзга келсанг ўшул лаб била,  
Назарда равон об-и ҳайвон бўлур.

Табассум агар қилса лаъли лабинг,  
Наботу шакар нархи арзон бўлур.

Бу ғунча кўнгулумга раҳи айласанг,  
Фараҳ бирла гул янгли хандон бўлур.

Гулистонга сансиз агар борсаман,  
Гулистон манга кунж-и зиндон бўлур.

Юзунг аксидин хор топса сафо,  
Ушул хорда юз гулистон бўлур.

Назар айлар эрсанг гадо ҳолина,  
Гадо мулки маънода султон бўлур.

Агар дам урур бўлса сансиз даме,  
Ҳамон дамда Ҳофиз пашимон бўлур.

282

Савдин йироқ бўлмоға жонон қачон бўлур,  
Жонсиз тирилмагим манга, эй жон, қачон бўлур.

Дардинг билаким ўрганишибдурман, эй табиб,  
Кўнглум эмиш амди толиб-и дармон қачон бўлур.

Жор-и балову гам била жон бўлди хор-зор,  
Билман бу хор-зор гулистон қачон бўлур.

Ҳажривгда терлик ишини охир қилур доман,  
Охир енгил бу меҳнат-и ҳижрон қачон бўлур.

Шоҳим, балойи ҳажр ила жон бўлди мубтало,  
Мушқил-и бало бу бандага осон қачон бўлур.

Ҳолимни билдингү мани ўлтурдунг асри зор,  
Ўлтурса шоҳ бандани товон қачон бўлур.

Ҳофиз тиларки, ҳол сўра келса нагон, вале  
Султон гадо-йи хастаға меҳмон қачон бўлур.

283

Соғинма сан тикин, эй дўст, моҳ манзар бор,  
Тудоқи шаҳду сўзи қанду оғзи шаккарбор.

Кўзунг қошинға бир эйилмакка не имкондур  
Ким, ул сипоҳийда бас тийру тийғу ханжар бор.

Хаттинг саводи биландур қаро кўзум эви,  
Юзунг хаёли била жонда меҳр-и анвар бор.

Гариб эрмас агар чиқса лаълинг узра хате,  
Малак жамоатида чулки сабз шаҳпар бор.

Машшота ул сар-и зулфунгни кесса ногаҳий,  
Гариб кўрмаким, ул нақшбинга бас чар бор.

Халос бўлдум эди ман жафонг элидин, леи  
Ҳаво-йи нишқ мани ўтга ёқди дигар бор.

Агар кўрунмаса Ҳофизга моҳтак юзунг,  
Бўлур фироқинг ўти бирла кўзи ахтарбор.

284

Сўзлаган аро бўлса лаб-и лаъли шаккарбор,  
Пайдо бўлур оғзиндаки, бас қанду шаккар бор.

Ман йўқ тедим эрса шаккарбор оғзини,  
Теди манга дилдорки, бу сўзда назар бор.

Тушкали кўзумнинг ҳадафиға лаби акси,  
Кўзум қадаҳи ичра тўлу хун-и жигар бор.

Кўргучи кўруб ғамзаву қошини айтди,  
Бу тийру камондин кўнгулу жонга хатар бор.

Қил бики белин йўқ теди, бор аҳл-и басорат,  
Бор тегучи ўртада ҳамин банд-и камар бор.

Йўқ бўлди кўнглум сар-и кўйиндаву леини  
Ул хастадин ўш эмди жаҳон ичра хабар бор.

Ииллар эшигни сақладим, васли муяссар  
Бўлмай эса жонда бу дам азм-и сафар бор.

Чун пол қачон бўлрай эдим нола элидин,  
Бор-и ғам-и ҳижрони агар бўлмаса сар бор.

Зулфу юзини савгали Ҳофизга насиба  
Тийра шаб-и ҳижронда ҳамин оҳ-и саҳар бор.

285

Ул нариким, юзида гулзор-и ҳусну боғ бор,  
Дом-и вулфиндин бу жон шаҳбози учун тоғ бор.

Юзи узра холмудур, жаннат ичра ё Билол,  
Ё гулистон-и Эрамни сақлаган бир зоғ бор.

Чашма-йи кўзум бикин йўқдур сафолиғ чашмаси,  
Ҳар нечаким, Дашт-и Қипчоқ ичра хуш яйлоғ бор.

Йўқ дили решим учун марҳам висолидин, вале  
Фурқатининг ўтидин бу хаста жонда доғ бор.

Соғиниб васлини ушбу хаста жон чеккали оқ  
Хаста бўлмаган бу олам ичра қайда соғ бор.

Бори дардини чаварман жону кўнглум бирлаким,  
Чакмади ёзи юзунда тоғлар андоғ бор.

Раҳм қилмади маним ҳолим кўруб ул бевафо,  
Гўйиёким сийм янглиғ сийнасинда тоғ бор.

Издаганим дўстдур оламдаву ул йўқ турур,  
Гарчи оламда манга юз турлу боғу роғ бор.

Не ажаб, вобаста бўлсам турра-йи таррорина,  
Ҳофиз, ул занжирдин ҳар ёнда юз минг оғ бор.

286

Ул гуликим юзидин лола юзинда доғ бор,  
Сунбули вулфингта бақсам турлу-турлу ёғ бор.

Кўргали хуршид-и рахшонтак юзини ойна,  
Моҳ-и тобон юзида ҳасрат била юз доғ бор.

Қошмудур моҳ-и тобон устида ёҳуд ҳилол,  
Ё тақи товус-и цурнақш узра парр-и зоғ бор.

Зулф-и Чини хайлини қилганда шона дам-бадам,  
Чин эмас Чин нофасини ким теса андоғ бор.

Зулфи бирла сонди шакли кўзум ичра эрур,  
Андайин балиқ илинган баҳрдаким оғ бор.

Келсун ул жонон кўзум қошингаю, қилсун қарор,  
Ким бу чашма теғрасинда асру хуш яйлоғ бор.

Ул бут-и бе раҳм кўнглинга кўра чун мум эрур,  
Санги хоро бирла мармардинки қайда тоғ бор.

Лог этиб гар жон ширини тиласа бергаман,  
Шаккарин лаъл-и лабинда чун анингтак лог бор.

Бўлмаса Ҳофизга боғу роғ қайда ғам бўлар,  
Чунки зулфу юзидин юз турли боғу роғ бор.

287

Дилдор фикри бирла кўнгулда ҳузур бор,  
Шамъ-и жамолидин тақи кўзумда нур бор.

Агёр жавридин манга ҳеч турлу қадғу йўқ,  
Чун ёр лутфидин кўнглумда сурур бор.

Ҳеч турлу важҳ бирла танг эрмас жамолине  
Хулд-и барин ҳар нечаким кўрклу ҳур бор.

Ким қилса сурмани танг анинг хок-и роҳина,  
Равшан бўлур кўзиндаким, асри қусур бор.

Кон-и малоҳат ул санам-и хушлиқо эрур  
Ким, ширин лабиндин анинг жонда шўр бор.

Зоҳид шаробдин қиладур тавба бош чакиб,  
Ғанда димоғи ичра ўшанинг гурур бор.

Лаъл-и лабини пок кўруб жон била равон,  
Ҳофиз, сўз андаким не шароб-и таҳур бор.

288

Лолатак ол англарингда нор-и хандон лутфи бор,  
Тол бўюнгда ростий сарв-и хиромон лутфи бор.

Ул қаро соч тол бўюнғ узра баче зебо келур,  
Орий, тўлғанса тол узра ниқпечон лутфи бор.

Кўргали юзунгни зулф ичра тиласам тонг эмас,  
Чун қоронғу кеча ичра моҳ-и тобон лутфи бор.

Ман тиларман юзунг узра тунса кўзум ёшиким,  
Қатра-қатра лола узра тушса борон лутфи бор.

Ёш унғали сенинг лаъл-и лабинг узра латиф,  
Қуларимнинг ёшида лаъл-и Бадахшон лутфи бор.

**Сўаким, ул лаъл-и шаққарборинг ҳақинда сўзласам,  
Сўз эрур ул сўзким, анда об-и ҳайвон лутфи бор.**

**Лутф этиб Ҳофиз кўнгулин издагилким гоҳ-гоҳ,  
Бенаволар кўнглини издаса султон, лутфи бор.**

289

**Неча ниёз қилсам анинг анча нози бор,  
Мундоғ жаҳонда кўрилу кимунг дилнавози бор.**

**Кўп ноз қилди ул санам-и бевафо, вале  
Берарам юзини кўргали жоннинг ниёзи бор.**

**Сабру қарор ул санам-и гулъузордин,  
Вақте кўрунур эрди кўб ўш эмди ози бор.**

**Равшан неча ёнар эсанг, эй шамъ, жамъ аро,  
Ошиқларининг ўзгаси сўзу гудози бор.**

**Гаҳ нозу гоҳ ғамза била синдирур кўнгул,  
Лашкаршиканлик ичра анинг барча сози бор.**

**Вечорага муҳаббатиде таъна қилмангиз,  
Чун ишқ дўст янглиг анинг чорасози бор.**

**Вулфи қўлумға тушди эса барча айтадур,  
Ҳофизининг ушбу даврда умр-и дарози бор.**

290

**Бир варра кимунг ёри биланким назари бор,  
Андан гузари йўқу жаҳондин гузари бор.**

**Жон оҳ-и саҳар қилди юзи ҳасрати бирлаи,  
Ким оҳи саҳарнинг кўрадур кўп асари бор.**

**Анбар бики вулфини кўруб ой юзи узра,  
Ошиқларининг ўзгаси шому саҳари бор.**

**Васлини талаб қилғали ҳижрони элинде,  
Кўнглум қуши йўқ бўлдию лекин хабари бор.**

**Ошиққа чекар бўлса анинг кирпуки ханжар,  
Жон бирла равон қаршу турурким, жигари бор.**

Ул гамза ўқиндин курунур жонға хатарлар,  
Ҳаркимни кўрар бўлсам ўшандин хатари бор.

Ширин кўрунур Ҳофиз-и бечора сўзиким,  
Дилдори тудоқинда туганмас шакари бор.

291

Қаю ошиқким анинг дилбар-и зебоси бор,  
Чаман-и умри ичинда гул-и раъноси бор.

Бешаку шубҳа ўшул суврат-и зебони кўрар,  
Аҳл-и давлатким, анинг дийда-йи бийноси бор.

Розин айтур юзини кўрган аро ошиқ-и зор,  
Қайда гул бўлса, бале, булбул-и гўёси бор.

Жавридур беҳаду жаврин чека билмакка манием  
Қувватим йўқ анинг асри тавоноси бор.

Жон ичинда ўшанинг қадди алифтак кўрунур,  
Не латофатлиғ анинг хуш қадду болоси бор.

Ой тесам ярашур кўрклу анинг юзинаким,  
Ўқтак қадди алифу ё бики қоши ёси бор.

Шамтек юзина жон қилди равон парвона,  
Ҳофиз-и сўхтанинг ҳам бу таманноси бор.

292

Қаю жон тўтннннг андоғ шаққарин гуфтори бор,  
Ё тақи нозу карашма бирла ширинкори бор.

Не ажаб, сайрар бўлса булбул-и жон тинмайин,  
Чун анинг гул юзитақ қаршусида гулзори бор.

Кўзга илмас бўлса дилбар ошиқ-и бо зорини,  
Айб қилмаға не имкон, хуснининг бозори бор.

Ёр ёнингга бориб юзумни сори кўргали  
Ишиқ айтур, ошиқ эрсанг эмди ҳам ул сори бор.

Қар нафас ўртансаман оҳим ўтиға, не ажаб,  
Чин ўшул нор англариининг жоним ичра нори бор.



Ўтга кўзга тушуб ул жон қошига борсаман,  
Ўт бикин бўлуб манга қаҳр этиб айтур, нори бор.

Зулфитак шикаста бўл Ҳофиз анинг даргоҳида,  
Чун шикаста жоннинг ул ҳазратда дойим бори бор.

293

Ул малоҳат мисринингким лаъл-и шаққарбори бор,  
Ҳусн бобиндин неким сўрсам, ўшанда бори бор.

Бор чакмай ёр учун дам урса бўлмас ниқдин,  
Бурд бор улким анга бўлмаса жонон бори бор.

Ишқ ўтиндин нечаким йўқ жоним нчра қатра об,  
Кўз кўра кўргил кўзум баҳринда боронбори бор.

Жавру зулминдин агар қайғурмасам, эрмас ажаб,  
Чун шикаста ошиқа раҳм айлагучи ёри бор.

Бор топғали эрур Ҳофиз эшигинда гадо,  
Хуш гадоеким, бу султон эшигинда бори бор.

294

Ул сарвқадки лоламенгиз юзи оли бор,  
Олди кўнгулни кўз кўра, билман, не оли бор.

Холи эрмасдур ол юзинда холий ҳолдин,  
Гар аҳл-и ҳол эсанг ани кўр турфа холи бор.

Зулфи юзина сабзаю гул қаршу турғали,  
Бод-и сабодин иккисининг гўшмоли бор.

Ёқут уза савод-и хатин кўрган айтадур,  
Ул сабзанинг канорида об-и зулоли бор.

Нозук белин камар бики жон қучмаға тилар,  
Кўргил, анинг бошинда хаёл-и маҳоли бор.

Нози била висолни кўнглум тилагали,  
Нозу наъим икки жаҳондин малоли бор.

Дарду балоси жону кўнгулдин йироқ эмас,  
Чун жон била азалдин анинг иттисоли бор.

Ҳусну жамоли даврида жон улча молийдур,  
Чун жон асир қилғучи ҳусну жамоли бор.

Дилбар жамоли васфини нуқсонсиз айтгай,  
Ҳофиз, ғазалда ҳар кишинингким, камоли бор.

295

Қачон юзунг бикни хуршиднинг жамоли бор,  
Жамол ичинда юзунгнинг баса камоли бор.

Юзунга меҳр ила маҳ танг қачон бўла билсун,  
Чу ҳуснида иккисининг тақи заволи бор.

Чаманининг ичраги гул ўхшашур юзунга, вале  
Қачон мунунг бикни анинг юзинда оли бор.

Агарчи сарв-и сиҳий рост қаддинга ўхшар,  
Вале қаддингтак анинг қайда эътидоли бор.

Кўзунгни наргис-и раънога ўхшатур кўнглум,  
Вале кўзунгнинг ўшанди зиёда ҳоли бор.

Белинг хаёли била бўлғали кўнгул машғул,  
Мудом нозук анинг қил бикни хаёли бор.

Жавоб қайда бера билгасен бу Ҳофизга,  
Чу шаққарни тудоқингдин баса саволи бор.

296

Ул сарв-и қаболўшки, жоғтак бадани бор,  
Гулдин тақи нозук ўшанинг пираҳани бор.

Ишкаста баса жону кўнгулларинки қилди,  
Сунбул бики зулфида анинг пуршикани бор.

Булбул не чекар ишқда кўп оҳ ила фарёд,  
Чун ошиқ эрур гул тақи хуни кафани бор.

Бар тонмади жон қадд-и дилоросидин анинг,  
Чун бермади бўстон аро сарв-и чамани бор.

Тўтви бики ширин сўз айтса не ажабдур,  
Чун қанду шақар янглиғ ўшанинг даҳани бор.

Сўзлаган аро ҳар неча кизласа кўрунур  
Ким, ҳуққа-йи ёқутида дурр-и Адаии бор.

Ширин лабиниинг васфида жонбоз бу Ҳофиз,  
Жусравсифат эрур, тақи шеър-и ҳасани бор.

297

Хизр-и хатинда об-и ҳайвон бор,  
Лаб-и лаълинда суврат-и жон бор.

Лаб-и лаълининг орзусинда,  
Садаф-и кўзда дурри ғалтон бор.

Дурр-и васли агарчи йўқ элда,  
Кўзум абрида боре борон бор.

Уладурман тедимса, айтур дўст:  
Сантак ўлганга мунда не сон бор?

Ғамдин ўлсам анга не ғам бўлғай,  
Чун аниинг ошиқ-и фаровон бор.

Куфрдин ғам қачон бўлур мангаким,  
Куфр-и зулфинда нур-и иймон бор.

Ҳофизо, ҳажр ўтиға ўртандим,  
Ман бикни ҳоли қайда бирён бор.

298

Бу мунча ҳусну латофатким, ул нигорда бор,  
Нишон беринг мангаким, қайси шаҳсуворда бор

Ғубору ғардким ул шаҳсувордин гўзгай,  
Хос сурма ўшул гард ила ғуборда бор.

Ғаҳи су ичраву ғаҳ қонда бўлди ҳар дам чашм,  
Не рангларким ўшандин бу ашкборда бор.

Агарчи гул бида хор орасинда йўқ нисбат,  
Валек қувват-и толиғ ҳамиша хорда бор.

Жафову жавр маним жонима недин айлар,  
Вафову лутф чун ул нозанин нигорда бор.

— 172 —

Ҳамиша хаста кўнгул лолазор ичра казар,  
Нишон-и юзи ўшанинг чу лолазорда бор.

Бу хаста Ҳофиз-и бечора кўнглини изданганим,  
Ҳаёл-и оғзи аминг ушбу кўнгли торда бор.

299

Қаддинг таровати қаю сарв-и чаманда бор,  
Хаддинг лагофатиму гулу ёсуманда бор.

Бордим чаманининг ичраву кўрдум чаман аро,  
Ким гул бикин юзунг сўзи ҳар анжуманда бор.

Жон орауси дойим ўшул ой юзунг эрур,  
Иймону дин сафоси чу хуббу-л-ватанда бор.

Жонлар нисор этар сўз айғанда лабларинг,  
Бу сучи тил не тўтғий-и шаккаршиқанда бор.

Тўтғий-и жон савол қилур бўлса қутини,  
Шакар бикин анга тегай оғзингки қанда бор.

Кўз ёши бўлса ол лабингдин ажаб дагул,  
Лаълинг нишонаси чу ақиқ-и Яманда бор.

Кўнглумда бўлса доғу нишонинг, ғариб эмас,  
Чун мустафо нишони Увайс-и Қаранда бор.

Иўқдур губор-и хотир, агар йўқ бўлсаман,  
Чун гард-и дард ишқдин ушбу кафанда бор.

Ҳофиз сўзинда васф-и жамолингни шарҳ этар,  
Ҳуснунг сўзи ҳамиша чу шеър-и ҳасанда бор.

300

Нигоридин қаю ошиқким интизор чакар,  
Раҳм қилинг ангаким, ранж-и бешумор чакар.

Фироқ ўтина ўртанганиндин ўш булбул,  
Баҳор лола юзин кўрса нола-йи зор чакар.

Ҳабиб ноз қилурда нисор учун ошиқ  
Агарчи жонни тақи чакса, шармисор чакар.

Қарор қилдим эдиким, қарор қилса кўнгул,  
Валек зулфи мани, кўр не беқарор чакар.

Берарда сурма бикин кўзларимга жоннинг,  
Азоқи тупроқини чакмасам губор чакар.

Кўрарса қош ёсина кирпук ўқини казлаб,  
Бу хаста кўнглум учун дамда сад ҳазор чакар.

Хаёли оғзи анинг тушди эрса Ҳофизга,  
Ўш эмди қофияни кўр, не турлу тор чакар.

301

Нақш-и лабини чаккали наққош жон чакар,  
Тушса хаёл-и қади алифтак равон чакар.

Кўнглумни чакса лола бикин юзи не ажаб,  
Ким андалиб кўнглини ҳам гулистон чакар.

Не турфа ёр чакса кўнгулларни ўзна,  
Лашкар ҳамиша хусрав-и соҳибқирон чакар.

Кўз йўлидин кўнгулга хаёли келур эса,  
Кўздин кўнгул гавҳарлар анга армуғон чакар.

Қон ёши ошиқ иглаю борди эшигина,  
Ё рўзний тортадур ани, ё анда қон чакар.

Тишлар рақиб мени эшигинда кўргали,  
Саг луқма топмас эрса, бале, устухон чакар.

Об-и ҳаёт чашмаси тор оғзи бўлғали,  
Ҳофиз бикин балосини ҳар хурдадон чакар.

302

Ғамза ўқин мангаким ул абрукамон чакар,  
Ўқинга пешкаш кўнглум нақд-и жон чакар.

Дору-йи жон тиласам ўшул нўш-и лаълидин,  
Кирпуки нишидин манга ул дам синон чакар.

Юзунга солдим эрса назар, тоқат этмади,  
Гул-и нозуки қачон боре бор-и гарон чакар.

Ул қаду юзни чунки гулистонда кўрмади,  
Андин ўзини сарву гул-и бўстон чакар.

Хуршид-и безавол юзи бўлғали мудом,  
Бас инфийёл меҳру маҳ-и осмон чакар.

Ул юзи норидин сўз айтқанда дам-бадам,  
Ҳасрат ўтиға шамъ ёнару забон чакар.

Ҳар киши ёри эшигида чакди матоъини,  
Ҳофиз ниёзу дард ила оҳу фиғон чакар.

303

Ул дамки зулфи моҳ уза шабгун алам чакар,  
Гул сафҳасина сунбул-и тардин рақам чакар.

Коғаз юзи анбар била мушқдин тўлар,  
Ул дамдаким, савод-и хаттини қалам чакар.

Чакди қошини кўзлари қонимни тўкмакка,  
Андоғки ёни қаҳр ила турк-и Ажам чакар.

Ринд-и шаробхонаға инкор қилмаким,  
Мардум ҳазор завқ била жом-и Жам чакар.

Лутф айласун нигору жафо жонға қилмасун  
Ким, ҳажридин бу хаста боси бор-и ғам чакар.

Ҳамроҳ оҳ ила бўласи жон ошиқи,  
Жон бирла оҳ-и шавқни чун дам-бадам чакар.

Жон бирла чакса Ҳофиз ўшул ёр дардини,  
Бедард ранж ер тақи дард-и шикам чакар.

304

Ғамза бирланким қаро кофир кўзи ханжар чакар,  
Пешкаш жонни равон ул дамда бу чокар чакар.

Гар чакар бўлса ниқоби гўшасини юзидин,  
Юз хижолат юзидин ул дамда моҳу хур чакар.

Юзини кўрганда шарманда бўлур арбоб-и ҳусн,  
Моҳ-и тобон турса, орий, инфийёл ахтар чакар.

Хусн-и зебосинга сонсиз айлади ошиқларин,  
Гўё сонсизлар ила шохимиз лашкар чакар.

Рашиқ ўтиндин қонима сусарман, улдам не тейин  
Ким, шароб ичмак учун ширин лаби соғар чакар.

Оҳу афғон эшигинда ҳар саҳарки чакмади,  
Чун фиғону оҳ чаксам ёр дард-и сар чакар.

Ёр учун кўз мардуми гуҳарлар исор айлади,  
Андайинким, баҳрдин ғаввос гуҳарлар чакар.

Бори дардини чакарман донмо жоним била,  
Ҳам ситамга кўра жоним борини камтар чакар.

Жон чакиб Ҳофиз лабу дандоинким, ёд этар,  
Ришта-йи назминга ул дам лаъл ила гуҳар чакар.

305

Ҳар ким ул жонанга ошиқ бўлдиса, жондин кечар,  
Жонидинким кеча олмас эрса, жон ондин кечар.

Ул қаро хунрез кофир кўзларининг ғамзасин,  
Зоҳид-и садсола кўрган ора имондин кечар.

Субҳидам бедор бўлуб тонг насими тонг била,  
Қадду хаддин кўргали сарву гулистондин кечар.

Кўз била кўнглум орасинда тушубдур қон, вале  
Бу муруватни кўрунгим, кўнглум ул қондин кечар.

Лаззат-и дардини билмас киши дармон издаюр,  
Билган ул лаззатни юз минг қўрла дармондин кечар.

Ёр ҳар ким бўлса ул айёрнинг дарди била,  
Ўз ўзинга ёр бўлуб, борча ёрондин кечар.

Ҳофизо, бу олам-и вайронада ичгил шароб,  
Қаю жонким маст эрур хуш, хуш бу вайрондин кечар.

306

Қошимиздинки кеча зулф-и дуто бирла кечар,  
Кўргузур бўлса юзин нуру сафо бирла кечар.

Даъво-йи ишқда юз рангини хунраз қилдим,  
Даъво исботи чу ҳар ерда гуво бирла кечар.

Кечди ғамза била қошини хотиб қошимдин,  
Туркининг одатидурким ўқу ёй бирла кечар.

Ман ҳавосинда ўладурману ул кечди савор,  
Оҳким, умр-и азизим бу ҳаво бирла кечар.

Ҳар киши ёр учун қайда кечар жониндин,  
Вале ошиқлари эрурки, ризо бирла кечар.

Келган орада рақибимга дуолар қилдим,  
Қайдаким келса балое чу дуо бирла кечар.

Ҳофизо, чуну чиросиз кечакўр оламдин,  
Вой анинг ҳолинаким чуну чиро бирла кечар.

307

Қачонким ул бут-и исонафас йироқ тушар,  
Азиз жон била таннинг аро фироқ тушар.

Кўзумда бўлмаса хол-и сиёҳининг акси,  
Кўзум қаросина бешаку шубҳа оқ тушар.

Ҳилолтак қошиким ҳусн ичинда тоқ эрур.  
Қачон мунунг бики оламда жуфт тоқ тушар.

Дур-и ятим тесам ани, айб айламангиз  
Ким, андин дурр-и сероб ялғуз оқ тушар.

Ҳаёли тушса кўнгулум эвинга, кўрма ажаб,  
Гадоё кулбасина шоҳ ҳам кўноқ тушар.

Бир иттифоқ қилиб келгай ул санам тею,  
Бу умр кечди, қачон билман иттифоқ тушар.

Ман оҳ чаккан аро ўқин отса кўксумга,  
Елиндин ўқи ёнар ўтга башоқ тушар.

Оғзи сўзи била мухтасар бўлур сўзум,  
Каманд-и зулфи ҳикоётким узоқ тушар.

Қаро қароқчи кўзи ғамзасиндин, эй Ҳофиз,  
Кўнгул вилоятини кўз кўра қароқ тушар.



Лолатак юзунг узаким сунбул-и печон тушар,  
Ашк-и гулгун бу жиҳатдин юзума ғалтон тушар.

Қайдаким бўлса сенинг лола юз, шамшод қад,  
Ошиқ-и ошуфтаси булбулсифат нолон тушар.

Бўстон ичра кула кириб хиромон юрусанг,  
Инфиъолиндин адоқингга гул-и хандон тушар.

Тоза гул янглиғ гулистон ичра кўрмасам сени,  
Абр-и найсонтак кўзумдин ул замон борон тушар.

Кундузу охшом юзунг кўрмак учун ойу қуёш  
Эшигинга хок-и роҳтак икиси яксон тушар.

Дард-и ишқинг бирла дойим мубтало бўлди кўнгул,  
Кимгаким тушса мунингтак дард-и бедармон тушар.

Ман гадову ёр султону кўнгул вайронадур,  
Бу гадо вайронасиға дойим ул султон тушар.

Жон бериб бир бўса олмоқлиқ тиларман суд учун,  
Гар бу савдо битса жон бирла, баса арзон тушар.

Ҳофиз-и бечора бирла тушмаги мушкил вале,  
Ўзгалар бирла недин билмасман ул осон тушар.

Жонимки сирр-и оғзидин анинг хабар тилар,  
Тўтий-и табъ сучи лабиндин шакар тилар.

Хайл-и хаёли келса кўзум қошина равон,  
Кўз мардуми нисорини ўшанинг гуҳар тилар.

Ҳамроҳ-и бод жон била кўнгулум равон бўлур,  
Борғали эшигинга чун бод-и саҳар тилар.

Юз минг ниёз бирла анинг юзина боқиб,  
Ул наргиси кўзини кўруб жон назар тилар.

Қилдим юзумни сари висолини издаю,  
Чун ошиқ-и гадосидин ул дўст зар тилар.

Қаддини кўрдуму тиладим бўса ёрдин,  
Чун боғбон кўнгули шажардин самар тилар.

Сурма бикин кўзинга чекар ёр изи тўзин,  
Ҳофиз қачон бу йўлдаки нур-и басар тилар.

310

Ёр ўзина чу бандани ёр айламак тилар,  
Лутф этгали келуру қарор айламак тилар.

Кўзум ёши юзумни қилур бехато нигор,  
Ул дамки жавр жонга нигор айламак тилар.

Қоним ичарга кўзни қаро қилди ул санам,  
Махмур, орий, дафъ-и хумор айламак тилар.

Ноз айлару ниёзима айламас илтифот,  
Гулдин насиб-и жонни чу хор айламак тилар.

Зори зор бирла мани ул дам ўлтурур,  
Ўзгани ишқ бирлаки зор айламак тилар.

Ман қулга қуллари аро сон бўлса хуш эди,  
Сонсизинларинким анда шумор айламак тилар.

Кўргузур ол гул бики юзини, Ҳофизо,  
Чун булбулинга ваъда-йи ҳазор айламак тилар.

311

Дилдордин қамуни кўрарман вафо тилар,  
Лекин маним шифта кўнглум жафо тилар.

Мажмуъ халқ дарду балодин қочар, вале  
Жонбоз ошиқидур анингким бало тилар.

Дардиндин ўзга йўқтурур дардина даво,  
Ҳар ким тиларса дардини, билгил даво тилар.

Бўлғали ой юзи анинг маъдан-и сафо,  
Кўнглумнинг ойинаси ўшандин сафо тилар.

Фоний бўлур не жон тилаю юзина боқа,  
Кўргил бу нақш бирла фанодин бақо тилар.

Ул қошу ғамза бор экан жон олур учун,  
Ултурғали мани недин ул ўқу ё тилар.

Ҳофиз тиласа ёр висолин ғариб эмас,  
Чин шоҳ лутфини тақи жондин гадо тилар.

312

Не жафо жонима қилмоққим ўшул ёр тилар,  
Юз инёз ила ўшани дил-и афғор тилар.

Завқ-и озорни чун топди кўнгул жонондин,  
Ҳар вафас хаста кўнгул жон била озор тилар.

Нур бирла тўлудур жумла-йи олам, лекин,  
Шамънинг ошиқи ёнмоқлиқ учун нор тилар.

Гул жамолини кўруб, ошиқ-и бечора бўлуб,  
Жон берур булбулу гул ҳамдамий-и хор тилар.

Дард-и дил хаста кўнгулдин не тариқа кетсун,  
Чун табибим ман-и дилхастани бемор тилар.

Толиб-и дунё тилар давлат-и дунёни, вале  
Ошиқ-и сўхтадил давлат-и дийдор тилар.

Дор-и дунёда баса боғу гулистон бор экан,  
Ҳофиз-и сўхта Мансурсифат дор тилар.

313

Ошиққим жон била жонон тилар,  
Хаста кўнгул дардина дармон тилар.

Ман тиламасман лаб-и лаъли, вале  
Ороулар бирла ани жон тилар.

Оҳ, ўшул ғамза-йи хунрездин,  
Ким оладур жон тақи имон тилар.

Бандалик ичра ёза сўзлар эсам  
Тилни пичоқ ила бу султон тилар.

Не ажаб ашиғини издар эсам,  
Булбул-и жон бирла гулистон тилар.

Ғофил эллар ошиқ ұла билмади,  
Ишқким манинг бикин нодон тилар.  
Ҳофизтек ишқ этагни қўймасин,  
Ҳар кишиким муршид-и даврон тилар.

314

Ғамза-йи кофир биланким мулк-и жон оқмоқ тилар,  
Ер юзига бу жиҳатдин кўз ёши оқмоқ тилар.  
Ҳеч ҳол ичра муҳаббат ҳолидин теман, вале  
Ғамза-йи ғаммоз бирла ул мани чақмоқ тилар.  
Ушбу ошуфта кўнгул мажнуну савдоний бўлур,  
Манди ўзга ёниаким ул парий боқмоқ тилар.  
Ман муҳаббат домина йиллар эрур вобастаман,  
Зулфи занжири иедди жон бўйинина тақмоқ тилар.  
Жондин аввал кечару охир қилур ўзин фаю,  
Ҳар кишиким ушбу жонон эшигини қоқмоқ тилар.  
Ҳажр ўтиндин сийнаси мажруҳу бирён бор экан,  
Марҳам-и васлин била билман, кима ёқмоқ тилар.  
Уртанурман, Ҳофизо, ул дамда ҳасрат ўтина,  
Ман бор эркан ўзга ошиқинким ул топмоқ тилар.

315

Ул кофир-и Чинким, хам-и зулфин ёза бошлар,  
Имон хатидин зоҳиду обид ёза бошлар.  
Кўргузди қаро зулфи анингтак манга роҳе  
Ким, бошласа йўл ақл-и кулли анда оза бошлар.  
Хуш бўй ила офоқ бўлур жумла муаттар,  
Анбар бики зулфи гириҳинким чўза бошлар.  
Шабранг парিশои сачини шона қилурда  
Мушк ила абир ул соч учиндин тўза бошлар.  
Машшота тилар бўлса сар-и зулфини кесмак,  
Жон риштасидин анда тамаъ уза бошлар.

Кунж-и ғам ичинда кўнглум фикр-и юзини  
Қилмоқ тиласа, боғу гулистон кеза бошлар.

Сийна қурусса ҳажрда оҳимнинг ўтиндин,  
Кўзум ёш ила дам-бадам ани аза бошлар.

Азм айласам эшигина кўзум ёши бирла,  
Бу пайк равон мандин ўшанда ўза бошлар.

Ким меҳру вафо йўлида жон ўйнаса Ҳофиз,  
Меҳрини ўшул моҳда зарра сеза бошлар.

316

Шаҳсуворим қаю майдондаки жавлон бошлар,  
Қасд жонимга қилиб ғорат-и имон бошлар.

Нозаниндурки ниёз айламасам душман ўлур,  
Ғар ниёз айласаман ноз фаровон бошлар.

Не ажаб, борса бошим ишқу хавоси бирла,  
Чун бўлур ишқу ҳаво кишида, қурбон бошлар.

Жавридин хаста кўнгул холи эрур асри хароб,  
Мулк вайрон кўрунур, зулмки султон бошлар.

Гиряю зорий қилур ҳар нафасе булбул-и зор,  
Ханда бўстонда қачонким гул-и хандон бошлар.

Турлу розини токим тил била аймоқ тилаюр,  
Булбул-и шифтаким, нолаву афғон бошлар.

Жумла-и ҳайрон кўрунур суврат-и бежон янглиғ,  
Қаю мажлисдаки сўз Ҳофиз-и ҳайрон бошлар.

317

Ишқнинг йўлига жонимники жонон бошлар,  
Мулк-и маънога манн анда равон жон бошлар.

Қирмас эрдим ман савдозада Мажнун йўлига,  
Вале бу йўлга мани зулф-и паришон бошлар.

Зулфи кўнглумни олиб чоҳ-и зақанга солди,  
Турфа таррордур ул ўғрига зиндон бошлар.

Бағрим бош қилиб борди кўнгул эшигина,  
Анда рўзний чекадур ёхуд ани қон бошлар.

Не ажаб, бўлса бошим хок-и раҳ-и ишқ бу дам,  
Чун бу йўлда кўрунур хок ила яксон бошлар.

Ёрнинг кўйида душвор эрур йўл топмоқ,  
Ишқ агар бўлса бу душворни осон бошлар.

Қайда бошғаргай эди ишқ йўлини Ҳофиз,  
Вале Ҳофизни ўшул муршид-и даврон бошлар.

318

Бошдин кечаримни билиб ул нозини бошлар,  
Нозинга фидо бўлсун анинг жон била бошлар.

Бир келса, боқиб кўрса кўнгул ҳолини ул шоҳ,  
Бағримни қилибдур хун анинг қайғуси бошлар.

Қассом-и азал хон-и висолиндин ўшанинг,  
Ғам бирла балодин қиладур бизга хуш ошлар.

Ўзгага вафо қилган учунму била билман,  
Ўлсун тийу ул санг-и жафони биза ташлар.

Мақсуд-и жафоси бу эрур: ўлсун ўшул тер,  
Ман ўлсам ўлайим, бўлсун кўн анга ёшлар.

Ман жонини фидо қилдим ангаким, кўрадурман,  
Жонлар оладур дам-бадам ул кўз била қошлар.

Ҳофиз куюбон нор-и муҳаббатка бўлур ич,  
Ул жон тилаги кўргач ўшани нари ташлар.

319

Ул ҳилол-и нйднинг шаклимудур ё қошлар,  
Ким анинг нақшинда ҳайрон кўрунур наққошлар.

Хатт-и фармониндин онинг тошга чиқмағай бошим,  
Тошу ичиндин неча ёғса бошқа-бошқа тошлар.

Ғайри кўнгулумда қарор айламаса, эрмас ажаб,  
Баҳр чун хошокни ташқару ҳар дам тошлар.

Бошга тушқали ҳаво-йи васли ул жононанинг,  
Бўлди бу дилрешнинг бағринда турлу бошлар.

Зулфи савдосинда бошим елга борғали тилар,  
Бўла билгайман тею Мажнун била одошлар.

Бўлмаса кўзум ёши оҳим ўти ўртар эди,  
Олам ичра нечаким бўлса қуруву ёшлар.

Манъ қилманг ишқидин гар ўтга ёнсам-ёнмасам,  
Не тиларсиз ушбу жонимдин маним, қардошлар.

Ман муҳаббат шаҳрида саргаштаю побастаман,  
Қайда кўнглунгиз тиласа боринг, эй, йўлдошлар.

Барчадин бегона бўлуб, Ҳофизо, қаллош бўл,  
Чун муҳаббат бахринадур ошно қаллошлар.

320

Ол ёнгидинким анинг ранг гулистон боғлар,  
Юрагим ҳасратидин гунчасифат қон боғлар.

Кўзларим ёши юзи меҳри биландур рангин  
Меҳрдин ранг, бале, лаъл-и Бадахшон боғлар.

Кўргаликим ҳавас айлар гуҳар-и дандонин  
Кируким риштасина кўз дурр-и ғалтон боғлар.

Бир авинг сиймбариндин манга тегмас ҳаргиз,  
Тамаъ-и хом вале хотир-и нодон боғлар.

Ҳар хаёликим, анинг зулфина боғлар бўлса,  
Ҳолитак ошиқ-и ошифта паришон боғлар.

Сайд-и жон қайдини қилмоқлик эрур бас мушқил,  
Вале ул зулф-и каманди била осон боғлар.

Иўлга чиқсам теюким, фикр қилурман ногаҳ,  
Иўлни қон ёш ила бу дийда-йи гирён боғлар.

Гарчи суратда берур дўст ижозат воҳир,  
Вале маънода муҳаббат била пинҳон боғлар.

Лутфи бирла азоқин боғлади Ҳофизнинг дўст,  
Қочқучи қулни, бале, лутф ила султон боғлар.

321

Камар белингаким ул сарв-и сиймбар боғлар,  
Зайф жонима қасд эткали камар боғлар.

Чу зар билан топадур белидин мурод магар,  
Сафо-йи ишқ ила юз эмди ранг-и зар боғлар.

Юзунга боқмага имкон кўрунмади ҳаргиз,  
Юзи латофати чун кўз кўра назар боғлар.

Айтғали тудоқи сўзини найистонда  
Ушул сучи сўз ила жумлани шакар боғлар.

Гул жамоли сафоси чамангаким тушди,  
Чаман гулин кўрунг ўш эмди тоза тар боғлар.

Даме хаёл-и лаб-и лаъл-и бўлмаса кўзда  
Кўзум миждасина ул дамда лаъл-и тар боғлар.

Қадар хатосиз ўшул ғамза ўқини жонга  
Қазонинг ўқини шастингаким қадар боғлар.

Чаманда бўлса хиромон азоқи ер босмасни  
Чу ер юзини малак жумла пар-бапар боғлар.

Дарахт қоматидин издама мурод барин,  
Қачон бу сарву бори, Ҳофизо, самар боғлар.

322

Дилбаро, ширин лабингни шаҳду шакар дедилар,  
Зулфу холингни кўруб ҳам мушқу анбар дедилар.

Сунбул-и сероб ичинда лолатак юзунг кўруб,  
Кечанинг зулмати ичра меҳр-и анвар дедилар.

Бог ичинда дарду ғамдин бўлмади шамшод шод,  
То сени сарв-и равону борча сарвар дедилар.

Қилдинг расо, рост қомат, эй сиҳий сарв-и равон,  
Ваҳ, қиёмат қўлди теб оллоҳу акбар дедилар.

Ғамза тигиндин равон қилғали ошиқ қонини  
Жумлай-и олам ул қаро кўзунга кофир дедилар.

Хусн-и хулқинг бирла ошиқлар кўнгулин олғали  
Сени шоҳу бандани хидматда чокар дедилар.

Ким гадейинг бўлди эрса Ҳофиз-и жонбоз-и пок,  
Мулк-и ишқ нчра ўшани бас тавонгар дедилар.

323

Лутф ичинда лаълингаким об-и ҳайвон дедилар,  
Сўзладинг эрса, равон сўзларингга жон дедилар.

Ошкоро гарчи ман жон тедим оғзингга, вале  
Хурдабинлар разм бирла сирр-и пинҳон дедилар.

Тудоқингни кўргали майхоралар чун хамр-и ноб,  
Бўдилар сарофу жондин лаъл-и хандон дедилар.

Раҳм қилмадинг эса ман хастадиннинг ҳолина,  
Сиймтак ул сийнада кўнглинга сандон дедилар.

Келдинг эрса боғ ичинга бир замон гул гашт учун,  
Қумрилар фарёд этиб сарву хиромон дедилар.

Неким ул зулфунг сифотинда дедилар аҳл-и ҳол,  
Жамъ эта билмадилар, охир паришон дедилар.

Гул юзунгни ёд этиб Ҳофиз бикинким йиғладим,  
Юзума қаршу кўзумга абр-и найсон дедилар.

324

Қош ила ғамзасидин тиру камон қилдилар,  
Тир-и балоси учун жонини нишон қилдилар.

Юзи била меҳрнинг орасида фарқ учун  
Чашма-йи хуршидға зарра даҳон қилдилар.

Суврат-и жонини жаҳон кўзи кўра билса теб,  
Нақшнини тасвир этиб суврат-и жон қилдилар.

Мантак савдойға панд матонин бериб,  
Суд топа билмайин, турлу зиён қилдилар.

Бердилар ул кўркулуга ишва бирла нозини  
Дарду муҳаббат сўзин бизга равон қилдилар.



Нонг сўани сўа била билмага бўлмас тею,  
Дан бу сўа нла ани шарҳу баён қилдилар.

Хофиз сир сўани сақлагил агёрдин,  
Билгани сир сўани қайда аён қилдилар.

325

Довлар илалига бу тун, ай кўзлари бедорлар,  
Билдорларга рўанйдур чун давлат-и дийдорлар.

Бу сир и ҳастийин қачон ёқсанг муҳаббат ўтина  
Илалгай эрди нўанига юзни гулу гулзорлар.

Жар и билага сабр қил бу олам-и фонийдаким,  
Нўифи нила бўагусендур гулзорлар бу хорлар.

Нобаста ўлма ўаунга бу йўлда издасанг кушод  
Илалнимасанг ўа ўаунга очилгай эрди корлар.

Нозир и нонг надар эрсанг кечгил зиёну суддин,  
Бўду эшондин кечмайин топмас чу жон бозорлар.

Нўаъмур налаган киши боқий жаҳонда жонини  
Илалга қилди фоний дунёда дов деворлар.

Ўрди ўганб чун меҳру маҳ кўнглингда нур-и ҳақ тила,  
Дилдорга жонинь эрур чун кўзгуда зангорлар.

Нозирла нуршидман темак не фойда бергай санга,  
Ишонинг белинда чунки бор пинҳон баса зуннорлар.

Чун бир эрур аёл-и жаҳон, ул бирни ҳосил айлагил,  
Талаққуң и нла ушбу эрур, нега керак такрорлар.

Соғина ўа ўанигини сан мантак жаҳонда йўқ тею,  
Чун оқибат бошдин чиқар бу манлигу пиндорлар.

Ул нон санга ҳамроҳ эмас, воллоҳки жоннинг боридур,  
Ий жон, жон тедим тақи эшитмадинг сан борлар.

Ниссанг қадимин фақрининг йўлига содиқлар бикин,  
Илалгай эрди ул замон агёр бирла ёрлар.

Нардона жон бирла бош ўйнағил муҳаббат йўлида,  
Чун жон била бош ўйнади сарварлару солорлар.

Нани ёмон теб, Хофизо, ҳеч кимга никор этмасанг,  
Илалгай эрди нўъинну кофир санга иқрорлар.

Ул кишиларки муҳаббат била жон бермаслар,  
Ишқ кўйинда йўл анларга равон бермаслар.

Ишқнинг кўйида беному нишон бўлмайин,  
Бенишонларнинг аро ному нишон бермаслар.

Ишқнинг сиррини ҳар кимгаким англатурлар,  
Бўлмасун фош тею кому забон бермаслар.

Ишқ эрур ганж-и ниҳон ушбу аён оламда,  
Ҳар гадоравга вале ганж-и ниҳон бермаслар.

Нечага тегру замон бандина банда бўласан,  
Охирул-амр санга чунки замон бермаслар.

Сарсабук ишқ била бўлғилу ҳам савдойи,  
Чун сабук бўлмага ратл-и гарон бермаслар.

Ҳофизо, руҳсифат пок агар бўлмасанг,  
Олам-и маънода ҳаргиз таярон бермаслар.

Энди кўрди кўзларим ой юзлу хуш жононалар  
Ким, келурлар бандасини кўргали шоҳоналар.

Ул орада кўрдум андоғ дилбар-и айёрни,  
Ошиқ-и жонбозим ўлсун теюр яқин шоналар.

Ҳар тарафга боқсаман ошиқларини кўзлаю,  
Согинурман шамъ қатинда юрур парвоналар.

Жон анинг ганж-и висолин издаю бўлди хароб  
Ким, эрур лойиқ тею шаҳ ганжина вайроналар.

Ул пари юзлу санамни жон била савдум эса,  
Кўз кўра кўнглум ичинда бўлди кўп бутхоналар.

Ким кўрар бўлса ниёзин бирла нозин айтгай,  
Лайлию Мажнун ҳикоёти эрур афсоналар.

Зулф-и шабрангини шона қилганидин дам-бадам,  
Барча Ҳофизтак бўлибон ошиқу девоналар.

Келмасман эмди теб яна қилма баҳоналар  
Ким, кўз фироқингизда тўқар турлу доналар.

Айн-и ивоят эрди мангаким равон бўлуб,  
Хилват топа келур эдингиз хуш ягоналар.

Ҳар ғамза ўқиниким, отибдурсиз ўзгага,  
Жоним ичинда издангиз андин нишонлар.

Махмур кўзларинг назаре қилғали манга  
Сармаст бўлубон айтурман тароналар.

Таррорлиқини кўрунғизким кўнгул учун  
Юз минг бало узатғали зулфини шоналар.

Панду насихат этма манга, зоҳидо, бу тун,  
Ерим керакдур манга, не керакдур фасоналар.

Шавқ шаробидин ичибон бўлди маст-и ишқ,  
Ҳофиз жаҳондин эмди қилур хуш кароналар.

Чора недурким, бўлдуқ ўш ишқ илғида бечоралар,  
Қайда боролим билмасам элдин бориб оворалар.

Ернинг юзинга тўқдилар ол қонимни ол ила  
Кўзлар қаро айлаб бу дам ул ғамзаси хунхоралар.

Қилмади жононга асар оҳим ўти зарра, вале  
Бўлди оҳим ўтидин юз пора сангхоралар.

Таррорсиз, таррорсиз, кўпларни алдарсиз,  
Айёрсиз, айёрсиз<sup>1</sup>, эй кўзлари айёралар.

Биз ошиқи софийлара, эй сўфийлар, қоришмангиз  
Сиз жомачок эрурсиз, биз ишқда жондоралар.

Юз сори неча қилғасиз ушшоқ-и жонбоз эрсангиз,  
Ҳар дам шароб-и ҳақ ичиб рангин қилинг рухсоралар.

Ҳар нечаким қилсанг назар кўрмагайсан сан бор экан,  
Ҳофиз, ўзунгдин кечгилу қилрил анга наззоралар.

<sup>1</sup> Қўлёзмада ҳамма ўринда — «сиз» ўрнида «миз».

Бедилу бедин бўлубмиз, қайдасиз, дилдорлар,  
Ерлиқ кўргузсангиз вақти эрур, эй ёрлар,

Жон-и жоним ёрдур, савман ўшандин ўзгани,  
Андин ўзга кўзга кўрнур суврат-и деворлар.

Кунж-и кўнглум бўлғали ганж-и хаёлидин беҳишт  
Кўзума ўзга кўрунмади гулу гулзорлар.

Нўш-и жонпарвар лаб-и лаълинда зоҳир бўлғали,  
Барча ошиқлар бўлубдур жон била беморлар.

Захм-и дандон бирла хаста бўлғали лаъл-и лаби  
Турлу-турлу бўлди жонимда маннм озорлар.

Зулфининг торин сабо чаккан бикин чаксам тею  
Лаълининг ёди била ушшоқи жон торторлар.

Турраси бирла қаро кўзларининг шогирдидур,  
Ҳофиз, ушбу шаҳрда таррору ҳам айёрлар.

То руху зулфини анинг оташу дуд қилдилар,  
Тудоқи бирла холини шакару уд қилдилар.

Ол тудоқи узра ул сабза хатини кўргали,  
Кўзларим ичра ранг-и жома-йи кабуд қилдилар.

Очлари учун равон очди юзини ул санам,  
Орий, жамоли борлар ошиққа жуд қилдилар.

Нур-и иллоҳийни анинг ой юзида муояна  
Кўрди эса малойика барча сужуд қилдилар.

Ҳусн-и замонида анинг бир неча ғорат эткучи,  
Дам-бадам ўғрилар бикин қасд-и нуқуд қилдилар.

Ошиқ-и жонфишонлари кўрди эса нишонларин,  
Тилсизу ҳам қулоқсиз гуфту шунуд қилдилар.

Бошлар азоқина солиб, жонларни нисор этиб,  
Қилмадилар зиён, вале бир йўли суд қилдилар.

Сақласун ошиқ-и бечора кўнгулин дилбар,  
Чун ҳавода қулин шоҳ ила султон сақлар.

Юсуф аҳд-и гулистон кезару айш қилур,  
Банда Яъқубсифат кулба-йн аҳзон сақлар.

Булбул-и шифтанинг кўнглини гул сақламас,  
Вале гул жонибини булбул-и полон сақлар.

Дилкушой эшигини сақласа Ҳофиз, не ажаб,  
Булбул-и шифта чун боғу гулистон сақлар.

334

Ҳаёт-и тозаким ўш эмди навбахор бағишлар,  
Сафо-йн жон манга ул сарв-и гулғузор бағишлар.

Нишот-и жон тилар эрсанг шароб ичиб юругилким,  
Нишот-и жон чун ўшул лаъл-и обдор бағишлар.

Кўзунг ёшини ғам-и ниқ бирла оқтура кўргил;  
Ҳазор турлу сафо чунки жўйбор бағишлар.

Ҳамиша жон кўзи бирла қарар зулфи камандин,  
Қарор-и жон чун ўшул зулф-и беқарор бағишлар.

Қул ўлдум ул бут-и ошиқнавозу лутф эёсинга  
Ки, марҳамат қилибон бўсу ҳам канор бағишлар.

Ғариб кўрма агар раҳм қилса ҳолима жонон,  
Ғадоё ҳолина чун шоҳ-и тождор бағишлар.

Санга бағишлади Ҳофиз ҳабиб дарду ғамини,  
Вале, ҳамиша карама аҳли ёдгор бағишлар.

335

Зулф-и шабрагини моҳ узра ниқоб айладилар,  
Отини иккисининг мушқу гулоб айладилар.

То жаҳон ичра кўнгул қасри бўлубдур бунёд,  
Ниқнинг ганжи учун ани хароб айладилар.

Оташ-и ниқу кўзум ёши мани ўлтурадур,  
Ераб, ушбу не бало оташу об айладилар.

Кимсеп шик йўлинда тею лутф этмак учун  
Қиришнинг ўти била мани кабоб айладилар.

Ушқулми тақи гам ема муҳаббат йўлида,  
Қайда ушшоқи ўшанинг хўру хоб айладилар.

Сўи ўшулдурким ўшул ёримдин ўзга йўқдур,  
Ушбу сўзга не саволу не жавоб айладилар.

Подшоҳий-и жаҳон бергали бу Хофизгаким,  
Габбда отини дарвеш хитоб айладилар.

336

Раҳм этиб қилса назар айёр ёр,  
Булғай эрди ошиқинга ёр ёр.

Савганимни сезгали асрамади,  
Лекин эрур маҳрам-и асрор ёр.

Жумла-йн оламга қилмадим назар,  
Бир кеча кўргузса теб дийдор ёр.

Ушбу олам хорзоринда казиб,  
Неча боқсам кўрунур гулзор ёр.

Каъба тарк айлаб келурман дайрга,  
Гар белинга бағласа зуннор ёр.

Нақд-и жон бирла кўнгул олмоқ учун,  
Турраси янглиғ эрур таррор ёр.

Сўз ичинда нарх-и шакар синдирур,  
Хофиз очса лаъл-и шакарбор ёр.

337

Бағримни бало ўтига бирён қиладур ёр,  
Бу халқ-и жаҳондин мани бир ён қиладур ёр.

Солсун ёнгоқи нори била жонима юз нор,  
Чун нор юзин боғу гулистон қиладур ёр.

Гулзор жамолини очиб ўзга юзинга,  
Булбул бики ман хастани нолон қиладур ёр.

Бедилу бедин бўлубмиз, қайдасиз, дилдорлар,  
 Ерлиқ кўргузсангиз вақти эрур, эй ёрлар,

Жон-и жоним ёрдур, савман ўшандин ўзгани,  
 Андин ўзга кўзга кўрнур суврат-и деворлар.

Кунж-и кўнглум бўлғали ганж-и хаёлиндин беҳишт  
 Кўзума ўзга кўрунмади гулу гулзорлар.

Нўш-и жонпарвар лаб-и лаълинда зоҳир бўлғали,  
 Барча ошиқлар бўлубдур жон била беморлар.

Захм-и дандон бирла хаста бўлғали лаъл-и лаби  
 Турлу-турлу бўлди жонимда манним озорлар.

Зулфининг торин сабо чаккан бикин чаксам тею  
 Лаълининг ёди била ушшоқи жон торторлар.

Турраси бирла қаро кўзларининг шогирдидур,  
 Ҳофиз, ушбу шаҳрда таррору ҳам айёрлар.

То руху зулфини анинг оташу дуд қилдилар,  
 Тудоқи бирла холини шакару уд қилдилар.

Ол тудоқи узра ул сабза хатини кўргали,  
 Кўзларим ичра ранг-и жома-йи кабуд қилдилар.

Очлари учун равон очди юзини ул санам,  
 Орий, жамоли борлар ошиққа жуд қилдилар.

Нур-и иллоҳийни анинг ой юзида муояна  
 Кўрди эса малойнка барча сужуд қилдилар.

Ҳусн-и замонида анинг бир неча ғорат эткучи,  
 Дам-бадам ўғрилар бикин қасд-и нуқуд қилдилар.

Ошиқ-и жонфишонлари кўрди эса нишонларин,  
 Тилсизу ҳам қулоқсиз гуфту шунуд қилдилар.

Бошлар азоқина солиб, жонларни нисор этиб,  
 Қилмадилар зиён, вале бир йўли суд қилдилар.

Вог-и жамолини анинг тозаву сабз кўргали  
Чашма-йи чашмдин равон борчаси руд қилдилар.

Кўзлари бирла кўнглидин Ҳофиз-и хастадил бикин  
Ошиқлар фиғон чакиб руду суруд қилдилар.

332

То жамолингни жаҳонда ошкоро қилдилар,  
Жумла оламини санга жон бирла шайдо қилдилар.

Гайб хуршидиндин ўзга йўқ эрди еру бор,  
Ишқ анвори била заррот пайдо қилдилар.

Ишқ сори кўрунур мажмуъ мавжудотда,  
Ишқни қудрат била маъно-йи ашъё қилдилар.

Ишқнинг зоти жаҳон кўзинга кўрунсун тею,  
Одаму Ҳавою оламини ҳувайдо қилдилар.

Ишқ ўшул султон кўрунурким малойик дам-бадам,  
Хок-и даргоҳи бўлайим теб таманно қилдилар.

Лутф била бердилар биз қуллара жонлар равон,  
Не жиҳатдин бер яна жон теб тақозо қилдилар.

Гоҳ жавр айладилар жонларгаю гоҳи вафо,  
Ҳар неким қилдилар эрса, жумла зебо қилдилар.

Дард эрур асл дармон тею ҳар дармондаға,  
Дард-и жонпарвар била турлу мудово қилдилар.

Дом-и дунё ичра Ҳофиз топмади ором-и жон,  
То сар-и зулфинда жонлар жумла маъво қилдилар.

333

Сучи лаъл-и лабининг ёдниким жон сақлар,  
Гўйиё тўтнй эрур ул, шакаристон сақлар.

Қилмасум майл бу асрук кўзи бир ёнға теб,  
Ошиқи сўхтадил бағрини барён сақлар.

Ул қароқчи қаро кофир кўзининг қошинға,  
Бормасун ҳар кишиким, жон била имон сақлар.



Ман ўзгани саваман вале жавр айламак учун,  
Ўзгани саварсан тею бўҳтон қиладур ёр.

Айб айлама гар дин йўлидин чиқсаман, эй дўст,  
Чун ғамза била ғорат-и имон қиладур ёр.

Тор оғзини кўрмак кўрунур мушкуллим, илло,  
Сўз бирла бу мушкулни ҳам осон қиладур ёр.

Миср элина борман шакар издаю ўш эмди,  
Чун нарх-и шакар сўз била арзон қиладур ёр.

Жилва била кўргузмак учун ийд-и жамолни,  
Ушшоқ-и вафодорини қурбон қиладур ёр.

Чн жой-и шикоят ўшанинг дарди элиндин,  
Ҳофизга чун ул дард ила дармон қиладур ёр.

338

Ул шакарлаб қошида жон не бўлур,  
Сўзга келса об-и ҳайвон не бўлур.

Чунки зоҳир юзи эрур офтоб,  
Бўлмаса пардада пинҳон не бўлур.

Ман гадо ҳолинга айласа назар,  
Жон тилаги ушбу султон не бўлур.

Аҳду паймон қил маним бирла тесам,  
Айтур улким, аҳду паймон не бўлур.

Ултуруб сан мани, товон бер тедим,  
Айтди ошиқга товон не бўлур.

Ул балоли турк-и кофиркешининг  
Ишқи бирла жумла қурбон не бўлур.

Ҳофиз ул жононга жон бермак тилар,  
Билман андин ҳукму фармон не бўлур.

339

Сарв-и нозим нечаким нозга мойил бўлисар.  
Тинмайин кўз ёшим эшигида сойил бўлисар.

Субҳ янглиғ дам-и сард урман анинг ой юзина,  
Чун дам ул ойнанинг ҳуснига ҳойил бўлисар.

Ишқ йўлига мани ҳусн ила иршод этди,  
Эмди ушшоқ аро ул муршид-и комил бўлисар.

Дард-и дил ҳосил этибдурман анинг ишқинда,  
Мундин ўзга манга ишқ ичра не ҳосил бўлисар.

Ёр агар раҳм қилиб лутф манга қилмаса,  
Ҳар не сайъ айласаман бориси ботил бўлисар.

Ғамзасининг қиличи қилмаса ҳолим осон,  
Ҳоли қинда кўнгулумнинг иши мушқил бўлисар.

Бўйинна қўлни ҳамойл қилайим темақдин,  
Бўйнума белидаги тиғи ҳамойил бўлисар.

Нечага тегру мани ўлтуруб ул шўх санам,  
Ҳозир нозир экан қасд ила гофил бўлисар.

Ҳофизо нақд-и висолини тилаб жон берсанг,  
Жонинг ул дамда бу жононингга восил бўлисар.

#### 340

Сўз била тўтий-и оғзинки шакархо қилисар,  
Сирр-и пинҳон-и жаҳонни манга пайдо қилисар.

Ишқ оламда гаҳи ноз бўлуб, гоҳ ниёз,  
Гоҳ Мажнуну гаҳи отини Лайло қилисар.

Гиря-йи зор ила булбул қиласи нола-йи зор,  
Ханда ул дамки чаманда гулу раъно қилисар.

Келмаса кўз садафинга бу дам ул дурр-и ятим,  
Ошиқи дийда-йи ғамдийдани дарё қилисар.

Этсам лаъл-и лабининг сифатин гўш тутуб,  
Бандалик хуш сўзума лулу-йи лоло қилисар.

Лутфу гар жавр қилур бўлса тақи розиман,  
Ҳар неким қилса ўшул дилбар-и зебо қилисар.

Ҳофизо, келса кўнгул ҳужрасина жонона,  
Байт-и аҳзонни манга жаннат-и аъло қилисар.

Кўргузур бўлса юзин кўзумга жонон ошкор,  
Кўрунур ул ойида суврат-и жон ошкор.

Савман андин ўзгани ман зоҳиру ботинда ҳам,  
Аҳл-и дилнинг қошинда қилдим имон ошкор.

Не тилим борким ўшанинг оғзидин сўзингаман  
Чунки бўлмади манга ул сирр-и ниҳон ошкор.

Ер тутмасун рақиб-и муддаининг ёнини,  
Бўлмасун теса икимизнинг ора қон ошкор.

Ийд-и васликим тиларман жон била ул туркнинг  
Бўлмағайманму даме кешинда қурбон ошкор.

Жон машоминга гулистон висолиндин насим,  
Тегса гултак қилгаман чок-и гирибон ошкор.

Ҳофизо, неким тиласанг ўз-ўзингдин издагил,  
Чун кўрунди ганж-и махфий учун инсон ошкор.

Кўнглум қачонким жон била ишқ-и ниҳон тилар,  
Об-и ҳаёт оғзидин ул дам нишон тилар.

Лаълинга жон бериб тиласам айб қилмангиз,  
Барча азиз умрни чун ройгон тилар.

Лаъл-и лабини сўрган ора пора бўлди тил,  
Орий, пичоқ янгли сучилик забон тилар.

Кўз мардумики ёш ичида тифл-и роҳ эрур,  
Гуҳар нисор этиб изин ўпмак равон тилар.

Хуршиди безавол анинг юзидур яқин,  
Андин чу нур-и меҳру маҳ осмон тилар.

Ул қошу ғамза жон қушини сайд қилғали,  
Басдур не ёндин ўзгаси тиру камон тилар.

Жоним фидо қилурга равони қадам босар,  
Тир-и хадаг-и ғамзаси ул дамки жон тилар.

Имонни горат эткучи ул турк-и шўхдин,  
Не фойда бу хаста кўнглум омон тилар.  
Ҳофиз тиласа оройишингиз ғариб эмас,  
Булбул ҳаминша жон била чун гулистон тилар.

343

Кўнгулнинг ойинаси юзидин сафо издар,  
Жафо қилур манга дилдору жон вафо издар.  
Чин-ўқ бу турк-и хитойини савгали кўнглум,  
Савоб йўлидин озиб раҳ-и хато издар.  
Чаманининг ичра хиром айлаб ул қаду боло,  
Вало қилурда қаму ошиқи бало издар.  
Қизил қонимни қаро ерга тўкдию лабидин,  
Қонимга қон тею, жон эмди хуибаҳо издар.  
Ҳамиша тиг-и жафо кўзлари чакар жонга,  
Масалдур ушбуки қассоб ошно издар.  
Висолини ғам-и ҳижринда доим издарман,  
Чу дардманд киши доимо даво издар.  
Тилар ҳаво-йи сар-и кўй-и ишқини Ҳофиз,  
Қафаснинг ичраги булбул бале ҳаво издар.

344

Номни хоксифат сарв-и равоним издар,  
Юз ниёз ила ўшул ҳолни жоним издар.  
Жавр бирлаки тўқубдур маним ол қонимни,  
Борди кўз ёши эшигингаву қоним издар.  
Кўз эвиндин ўшанинг нақш-и хаёли кетса,  
Турлу нақш ила ани ашк-и давоним издар.  
Заррасон бўлдум анинг меҳр-и жамолин тилаю,  
Ким эрур меҳру муҳаббатда бу соним издар.  
Чун муҳаббат мани бир йўли нишонсиз қилди,  
Бенишонларнинг ора эмди нишоним издар.

Ман қилибман ўшанинг ниҳида бас суду зиён,  
Душману дўст недин суду зиёним издар.

Ёди эмди манга чун вирд-и забон бўлубдур,  
Ҳофиз ул ҳол учун вирд-и забоним издар.

345

Жоним тилагин дилбар-и айёрдин издар,  
Не издаса чун ёр киши, ёрдин издар.

Жон тўти ўзгага назар айламади ҳеч,  
Чун қутни ўшул лаъл-и шаккарбордин издар.

Кўз чашмасидин селсифат ёшин оқитсун,  
Чун дўст нисорин дурр-и шаҳсувордин издар.

Ел бики елиб кўҳу биёбонда югурсун,  
Ул сакки вафо оҳу-йи тотордин издар.

Завқ издаса кўнглум не ажаб ёр юзиндин,  
Чун завқни булбул гулу гулзордин издар.

Чун кунж-и савомиъда кўнгул топмади завқе,  
Эмди казибон хона-йи хаммордин издар.

Ҳофиз тиласа лаъл-и лаби жоним олурға,  
Айб этма баҳо барча харидордин издар.

346

Доним кўнглум суҳбат-и дилдорни издар,  
Парвоси йўқ ўзиндин ўшул ёрни издар.

Бўстонда назар айламади сарвга ҳаргиз,  
Гўёким ўшул қомату рафторни издар.

Гул ёнина майл этмади бу дийда-и хунбор,  
Андин бериким ул гул-и рухсорни издар.

Жонон эшигин жон-и хазиним талаб айлар,  
Булбулки натак бор ила гулзорни издар.

Ғамзаси агарчи кўнглум айлади мажруҳ,  
Юз турлу ниёз ила ул озорни издар.

Қайда бошарур ишқиню бош бўла билур,  
Ошиқки бу йўлда сару дасторни издар.

Ҳар жондаки йўқ дарду жароҳат, тиламас ишқ,  
Ҳофиз бики бир хаста дилафгорни издар.

347

Сўзласа оғзидин кўнглум наақд-и жон топар,  
Об-и ҳаёт чашмасидин ҳам нишон топар.

Ангуштаринтак оғзини кизлаган орада,  
Жон издаса равон айтурким қачон топар.

Жон ойинаси топса сафо юзидин не тонг,  
Андин чу нур-и меҳру маҳ осмон топар.

Кирса чаманнинг ичра хиромон юзин очиб,  
Бас нифиол сарву гул-и бўстон топар.

Ул фитна қилғучи қаро кўзнинг замонда,  
Ошуб ҳар замон бу замину замон топар.

Иймону динни ғорат этар ул қаро кўзи,  
Ушбу қароқчи турк элидинким омон топар.

Кўз ёши сойил ўлғали жонон эшигида,  
Бе шаку шубҳа ўз тилагини равон топар.

Ошиқ қарар васл қарорини худ, вале  
Қайда қарор-и умрни ул бир замон топар.

Васлини топса Ҳофиз анга жон бериб равон,  
Билгайсиз ул бу умрни баса ройгон топар.

348

Ҳолу сирримни маннм жон бикини ул ёр топар,  
Неки булбул соғинур борини гулзор топар.

Ўзганинг ёнинақим тир-и балосин казлар,  
Кўнглум хаста бўлуб жон била озор топар.

Жону кўнглумни бериб дардини ҳосил қилсам,  
Рахт-и жону кўнгул ул ҳолда бозор топар.

Не ажаб бўлғай, агар кўзлари ҳолим билса,  
Хаста ҳолини чу ҳар ҳолда бемор топар.

Вой ўшул ошиқ-и бечорағаким, пайваста,  
Бахтини уйқудаю кўзини бедор топар.

Хуш эрур ойина-йи кўнгли ўшул жоннингким,  
Дўст юзидин ани қобил-и анвор топар.

Ман ниёз айласам ул дўст қилур ишваю ноз,  
Чун бу Ҳофизни муҳаббатда гирифтор топар.

349

Жумла гадои сиррини хазрат-и подшоҳ билур,  
Неки қуроza соғинур борини кимнё билур.

Билуру билмаса қўшар ўз-ўзини валий, вале  
Билмас ани темагким, ул борчани мунтаҳо билур.

Сўз айтур эдим тақи бод-и сабо эсар эди,  
Ушбу сўзумни ғолибо билса бу дам сабо билур.

Гардинг ичра мардни ул киши топғай бу дам,  
Ким арои изи тўзини кўзина тўтиё билур.

Эски чопонлулар аро маъно эяси иртанур,  
Дойим чун харобада ганжин аждаҳо билур.

Бўлди манга бало-йи жон ушбу замон сафо-йи жон  
Ким, мани ишқи илгида шоҳим мубтало билур.

Шоҳинг қайтарибтурур юзини жафо сари теди,  
Шамс-и жаҳонга ул ёмон рўй тақи қафо билур.

Вой ангаки халқни холиқидин жудо кўруб,  
Маъсият ичра ғарқ ўлуб ўзини порсо билур.

Кимдаки ишқ бордур зор тақи низордур  
Гарчи гадо-йи хордур ишқ ани подшо билур.

Ҳазрат-и сирр-и кибирё чунки валий-и аср эрур,  
Бас ўшанинг румузини ҳазрат-и кибирё билур.

Билурам ани темагинг Ҳофиз бас хато эрур,  
Пок худой зотини дойим чун худо билур.

Қайда санинг ишингни бу жону жаҳон қила билур,  
Қайда санинг камолингни васф забон қила билур.

Шарҳу баёнға сизмас ул васф-и вужуд-и камолинг,  
Наҳри қатра бирла ким шарҳу баён қила билур.

Не ажаб, ушбу сўз агар бўлса равон тилимдаким,  
Лутфунг санг-и хорадин чашма-йн равон қила билур.

Нур-и юзни кимгаким лутф ила йўлдош айладинг  
Ким, ўшанинг яқинина зарра гумон қила билур.

Ўсмла жаҳон чу заррадур меҳр-и вужудинга кўра,  
Меҳрин зарра бирла ким боре ниҳон қила билур.

Ва ўзунг аён агар бўлмаса нагон вужудда,  
Ким бу вужудни даме зарра аён қила билур.

Ҳофиз лутфунгга санинг дам-бадаме сиғиндиким,  
Лутфунг эрур чу дам-бадам жисми жон қила билур.

Бу хаста дардини шаксиз ўшул табиб билур,  
Муҳаббат жароҳату ранжини чун ҳабиб билур.

Ғами бу хаста кўнгулдин даме жудо бўлмас,  
Ғариб ҳолини ҳар ҳолда ғариб билур.

Меҳнат ичра кишиким емаса хун-и жигар,  
Жамиъ аҳл-и назар ани бенасиб билур.

Агарчи суврат ила дўст бас баъид эрур,  
Валекин маънода ошиқ ани қариб билур.

Жамолу ҳусни сўзин сўрсангиз ман айтайм,  
Чу гул латофату ҳуснини андалиб билур.

Басе чекарман эшигинда оҳ ила фарёд,  
Неларки чакдим ўшани сагу рақиб билур.

Бу давр ичинда билур сўз адосини Ҳофиз,  
Чу наъра минбар уза вонзу хатиб билур.



Ҳамиша ваъда-и васлин ўшул нигор берур,  
Хилоф-и ваъда била жонга интизор берур.

Фироқи бирла манга гўшмол айламасун,  
Чу гўшмол манга жавр-и рўзгор берур.

Ушул шароб аёсинга қул эрурманким,  
Қачонки май тиласам лаъл-и обдор берур.

Тудоқидин ўшанинг завқ айласам, не ажаб,  
Мудом завқ чун ул лаъл-и хушгавор берур.

Кўнгул кушода анинг юзини кўруб бўлди,  
Кўнгулга завқу сафо орий долазор берур.

Харим-и хилватина жон чу бўлмади маҳрам,  
Қачон манга йўл эшигинда пардадор берур.

Кўнгулда жон бики дардини сақладим Ҳофиз,  
Чу дард эрурки манга дўст ёдгор берур.

Хизр-и хати чун об-и бақодни нишон берур,  
Бу хаста дил лабини сўра эмди жон берур.

Об-и ҳаёт лаълина ким берса жонини,  
Бир ханда айлару анга юз жон равон берур.

Сирр-и даҳонина етиша билмайин теюр,  
Не турлу оғзидинки нишон хурдадон берур.

Юзи сафо кўзумга берур бўлса, не ажаб,  
Жўй-и равонга чунки сафо гулистон берур.

Хатт-и узори бирла юзин кўрса ногаҳон,  
Хат қуллицинга меҳру маҳ осмон берур.

Кофир кўзиндин эмди амон издарам, вале  
Жонимни олмайин манга қайда амон берур.

Жон бермайин муҳаббати йўлида, Ҳофизо,  
Қайда кўнгул кишига ўшул дилситон берур.

Гашт-и гулшан қилғаликим, сарв-и хиргоҳим борур,  
Ул тарафга ашки гулгуним била оҳим борур.

Ворди ёру, азм қилди бир йўли чиқғали жон,  
Не ажаб, чаксам фиғон, эртаги ҳамроҳим борур.

Ул манга умр-и дароз эрканки кечди ногаҳон,  
Издаю они равон бу умр-и кўтоҳим борур.

Сарвтак қадди била ул ой юзин соғиниб,  
Кўк узра ўқ бикин оҳ-и саҳаргоҳим борур.

Кўз ёши Жайхунсифат бўлдию тан чун барг-и коҳ,  
Не ажаб бўлғай бу Жайхун бирла гар коҳим борур.

Кўзи йўқлар кўзлу бўлуб ҳуснина ошиқ бўлур,  
Қайдаким жонтак ўшул султон-и гоҳим борур.

Заррасон Ҳофиз бикин ошиқлари издар равон,  
Қаю ёнға меҳр-и раҳшонтак ким ул моҳим борур.

Сайд қилғаликим ул турк-и жафокеш борур,  
Жон чакиб пешкаш оҳу ўқина пеш борур.

Не ажаб борса анинг эшигина ошиқ-и зор,  
Чун шаҳаншоҳға дод издаю дарвеш борур.

Юрагим порасини кўргали келса кишилар,  
Бори мажруҳ бўлуб хаставу дилреш борур.

Қон томар бўлса анинг кирпугидин, кўрма ажаб,  
Чун томар издаю фасод элидин неш борур.

Оз борсун тесам эшигина кўзум ёшини,  
Дард ғолиб бўлуру дам-бадам ул беш борур.

Келтурур турлу балоларни рақибе ҳар дам,  
Қаю ёнғаким ўшул шум-и бадандеш борур.

Ким анинг жом-и майи лаъл-и лабин издаса,  
Ҳофиз асрук бўлур ўзиндину, бехуш борур.

Сўзласа оғзи бaсе, сирр-и ниҳони билинур,  
Олам-и ғайбнинг ул дамда нишони билинур.

Балгулу эрмас анинг мўй миёни, илло  
Бағланур бўлса камар мўй миёни билинур.

Кўнглум ҳолини гар шарҳ қилур бўлса даме,  
Сар-и сўзан бикин ул танг даҳони билинур.

Борадур жумла яқин бирла гумон орасида,  
Парда кетарса яқин бирла гумони билинур.

Оят-оят ўшанинг ҳуснида сўз равий берур,  
Мусҳаф-и юзида чун жумла маоний билинур.

Оҳ-и сўзон чакар эрсам манга айб айламангиз,  
Қайдаким ўт тушар, анда духони билинур.

Бир жом илгидин ичгил май-и софий, Ҳофиз  
Чун май-и соф била ҳамдам жони билинур.

Ҳамиша дарди била жону дил-и фиғор ярашур,  
Нигор бўлмаса кўздин юзум, нигор ярашур.

Тиламади кўнглум ёдгор, доғи бор эркан,  
Чу доғ-и нишқ кўнгул ичра ёдгор ярашур.

Висоли ҳолида агар нола чаксаман, не ажаб,  
Баҳор булбул чун чакса нола-йи зор ярашур.

Гул жамолини кўрган киши гар ўзгага боқса  
Анинг бикин кишининг кўзларинга хор ярашур.

Қарор қилмаса муштоқи айб айламангизким,  
Ҳамиша ошиқ-и ошуфта беқарор ярашур.

Карак жафо қилуру гар вафо борини хуш айлар,  
Не шеваким қилур ул сарв-и гулғуздор ярашур.

Кўнгулни Ҳофиз ўшул овласуну лутф ила олсун,  
Чу подшоҳ-и жаҳон айласа шикор, ярашур.

Сўздин маники латъ-и шакарбор куйдурур,  
Вир куймишини сўзлари ҳар бор куйдурур.

Бердим лабинга жону равон бўса олмадим,  
Муфлисини кўргил эмди бу бозор куйдурур.

Нор англари кўрдуму бўлди жигар кабоб,  
Орий, жигарни қоидадур нор куйдурур.

Гулнинг жафосидин юрагим куймади, вале  
Гулнинг ёнинда битган ўшул хор куйдурур.

Таррор туррасидуру айёр кўзлари,  
Таррор бағлару мани айёр куйдурур.

Ҳар нечаким куярман анинг ишқи ўтидин,  
Андин зиёда ҳам дилафгор куйдурур.

Ҳофиз юзини кўрган аро куйса, не ажаб,  
Булбулни шавқ ўтига чу гулзор куйдурур.

Сўз билан ширин лабиким нарх-и шакар синдурур,  
Гўйиё қаннод эрур қанд мукаррар синдурур.

Жавр тоши бирла синдурди кўнгулнинг шишасин,  
Орий, мискилар қумошини тавонгар синдурур.

Кўзлари жаври билан ушшоқ кўнглини ёқар,  
Бас баҳодир кофир эрур қалби лашкар синдурур.

Жон қулоқинда кишиким тутмағай жонон сўзин,  
Қадр-и жавҳар билмасу, ҳар лаҳза жавҳар синдурур.

Гунча-йи хандон бикини кулганда очса оғзини,  
Жавҳари дандони қадр-и дурру гавҳар синдурур.

Хок ястаниб намад кийганлара кўп кулмангиз,  
Ким ўшанлар оҳи тожу тахт-и Қайсар синдурур.

Муддайллар бўйинини синдурди Ҳофиз шеър ила,  
Лашкар-и рубоҳни, орий, газанфар синдурур.

Ул дамдаким муҳаббат ўти бирла жон ёнар,  
Оҳ айлар эсам оҳим ўтидин жаҳон ёнар.

Ул дамки юзини соғиниб оҳ чаксаман,  
Бе шаку шубҳа меҳру моҳ осмон ёнар.

Гар шуълае тушар эса бўстонга юзидин,  
Ул шуъла бирла жумла гул-и бўстон ёнар.

Жаннатда гар бу шакл била қилса хуш хиром,  
Ҳасратнинг ўтина қаму ҳур-и жинон ёнар.

Шамъ-и юзини васф эта билмак маҳол эрур,  
Чун ёдин айласам бу сўзумдин забон ёнар.

Ошиқки билди лаззат-и сўзу гудозни  
Эртага тегру шамъ сифат дармиён ёнар.

Ҳофиз, эшигидаки чакарман фиғону оҳ,  
Бу оҳим илгидин кечалар посбон ёнар.

Мани ҳасрат билаким оҳу фиғон ўтга ёқар,  
Дард-и жонсўз келур жонни равон ўтга ёқар.

Шарҳ-и ҳолимни қилайим тесаман сўз бирла,  
Сўз-и ишқ ила мани анда забон ўтқа ёқар.

Сирр-и пинҳон била куйсам тақи ёнсам, не ажаб,  
Жумла оламни чун ул сирр-и ниҳон ўтга ёқар.

Ман ниҳон қайда яна билгаман ўш эмдиким,  
Кулл-и мавжудни ул ишқ аён ўтга ёқар.

Жумла олам нигарон бўлур анинг ҳолига,  
Ошиқ-и сўхтаниким нигарон ўтга ёқар.

Ёрнинг васлини издаб тапа билгайман теб,  
Чиқғали таннинг ичиндин мани жон ўтга ёқар.

Йиқилайим бу замон ишқ била, эй Ҳофиз,  
Охир кор мани чунки ҳамон ўтга ёқар.

Келганда ёр хужрамиза ким равон чиқар,  
Ошуфта ошиқиндин ўшул дамда жон чиқар.

Чинганда ёр чакдим эшикда фиғону ох,  
Қайдаки жон чиқар бале, анда фиғон чиқар.

Томдурди қонни кирпуги кўзум тамаридин,  
Ништар бале тамарга тегар бўлса қон чиқар.

Гар бенишон тиласа мани оғзи қилгали,  
Тегайман ушбу ҳукмига хатту нишон чиқар.

Вулгали юзи равшан анинг меҳр-и безавол,  
Юз инфиол бирла маҳ-и осмон чиқар.

Хусини жилва қилгали ногоҳ чиқса дўст,  
Бешаку шубҳа Маҳди-йи охир замон чиқар.

Гар хон-и васлдин манга тегса наволае,  
Ҳофиз ўшул наволада ҳам устухон чиқар.

Ғамза-йи шўх била ул қоракўз жон элтур,  
Қофир-и фитна эрур нақд-и мусулмон элтур.

То Хизр айлағай ул дамда юрагини кабоб,  
Ҳар кишиким ғамини эвина меҳмон элтур.

Ҳар неча нард-и муҳаббатники жоним ўйнар,  
Охируламр ўйун бирла бу жонон элтур.

Гулистон қазғали булбул ўзи бормас эрди,  
Вале ул шифтани ҳусн-и гулистон элтур.

Кўҳ янглиғ ўшанинг эшиғина бормасам,  
Қоҳтак анда мани ашк чу тўфон элтур.

Зоҳиран бормасам анинг юзини кўргали,  
Келур ул дамда хаёли тақи пинҳон элтур.

Не ажаб элтса Ҳофизни хаёл-и жонон,  
Чун гадоларни бир оз лутф ила султон элтур.

Кўз учи бирла бөқибким нигор жон элтур,  
Ҳазор жонни тақи анда ройгон элтур.

Хиром қилғали бўлса равона ул дилдор,  
Ушул замонда танимдин равон-равон элтур.

Нишон об-и ҳаёт узра Хизр хатти эрур,  
Ки, жонни мандин олурға хатту нишон элтур.

Ўз-ўзлиги била булбул қачон берур кўнглин,  
Валек кўнглин анинг ҳусн-и гулистон элтур.

Кўзум ёши эшигинга мани равон элтди,  
Насиба элтмас анда мани чу қон элтур.

Эшиги итлари тишлади мани кўрганда,  
Анинг бикини, ки сағ-и оч устухон элтур.

Ниёз бирла хаёлини элтадур Ҳофиз  
Ушандинки гадо шақни меҳмон элтур.

Ҳар лаҳза мани дилбар-и айёр сўзлатур,  
Мани банда-йи заифни ул ёр сўзлатур.

Булбул қачон ўз-ўзлigidни сўзлади, вале  
Булбулни дам-бадам гулу гулзор сўзлатур.

Маст-и мудом бўлдуму сўз бодадин тедим,  
Чун мастларни бода-йи хаммор сўзлатур.

Ҳар ким шароб-и ҳақдин ичар маст-маст ўлуб,  
Сўзламас, ул шароб ани ночор сўзлатур.

Мансур сўзламади ана-л-ҳақни ўзидин,  
Лекин бу сўзни ранж била дор сўзлатур.

Мусо қачон теди «арриний» сўзини равон,  
Илло, ани тажаллий-и дийдор сўзлатур.

Ҳофиз мунунг бикини сўз айтмас эди, вале  
Тўғийсифат ани лаъли шакарбор сўзлатур.

Бўстон-и жонга солди ул юзи гулнор нор,  
Дола янглиг ол янгоқинга эрур гулзор зор.

Нечаним таррорлиқ бирла кўнгулни сақладим,  
Оқибат ол бирла алдаб олди ул айёр ёр.

Тонгай эрдим ман ҳаёт-и жовидон жондин кечиб,  
Ошиқ ўлтурмак учун тикса ўшул дилдор дор.

Давлат-и бедорнинг юзини кўргузмак учун,  
Эй хаёл-и ёр, донм сан мани бедор дор.

Зулфи вайрона кўнглумда иморатлар қилур,  
Эй мусулмонлар, бу кофир зулфидур меъмор мор.

Надаю аввора бўлуб киндаги қон баглади,  
Чин-и зулфиндин ўшанинг оҳу-йи тотор тор.

Бор йўқдур ёр эшигинда кишиларга, вале  
Ҳофиз-и аввораға бори ўшанда бор бор.

Муҳаббат ичра кўнгул кўзиким қарор қарор,  
Ҳамиша туфроқ ила қон ёшини қарор қарор.

Жамол-и ёр кўрунгай эди манга равшан,  
Кўнгул кўзинда агар бўлмаса губор губор.

Юзумда нақши нигорим бу дам эрур пайдо,  
Қилиб турур чу кўзум ёшидин нигор нигор.

Мадор-и олам-и боқийни издаюр бўлсанг,  
Бу сифла олам-и дундин таъма мадор мадор.

Мурод издаюр эрсанг ўзингдин издагил,  
Бу сўзни яхши билиб назд-и ҳар мазор мазор.

Хумор дафъи учун издагил ўшаниким,  
Шароб-и ишқ била синдурур хумор хумор.

Канор-и дўст тилаб кеч ўзингдин, эй Ҳофиз,  
Чу баҳр-и ишқ эрур беҳаду канор канор.



Нечаким ишқинг ўти бу хаста жонимни ёқар,  
Дам-бадам ул ёқмақи жонимга, эй жон, хуш ёқар.

Ғамзанг ўқи ҳар нечаким қилса жонимда яра,  
Ул ярага лаъл-и шакарборингиз марҳам ёқар.

Нур-и раббоний юзунг, шаҳду шакар ширин сўзунг,  
Қийр эрур сочинг тақи ул оқ танинг сиймдур ёқар.

Андин оламда хуш жононсан, эй султон киши,  
Кимгаким қилсанг назар, ул кишига тангри боқар.

Ман бор эркан ўзгаларниким оқар кофир кўзунг,  
Бу жиҳатдин тинмайин кўзум ёши ол қон оқар.

Чоқилур эркан санинг ишқинг ўти оҳим била,  
Кизласам жон ичра сиррингни кўзум ёши чақар.

Айгай эрдим ман санинг сиррингни оламга, вале  
Аймағил Ҳофиз тею кофир кўзунг кўзлар қоқар.

Ҳар нечаким умр янглиғ қилмадинг бир дам қарор,  
Эй қарор-и жон, сани кўнглум кўзи доим қарар.

Гарчи жон ичра ниҳон қилдинг қарор, эй шоҳ-и ҳусн,  
Бўлди ҳуснунг бирла сўзум олам ичра ошкор.

Шаккар-и ширинни сўзга келтурур бўлсанг, равон,  
Об-и ҳайвон бўлур ул дам сўзларингдин шармисор.

Дурру гавҳар сўз била исор этарсан ҳар замон,  
Тудоқингтак олам ичра қани лаъл-и дурнисор.

Бу масал машҳур эрурким орзуга айб йўқ,  
Не ажаб, сандин тамаъ тутсам бирор бўсу канор.

Сан бор эркан не маҳал жон сўзини тинмагаким,  
Жондин ортуқроқ кўрарман сани, эй зебо нигор.

Жон яросинга яра лаълинг сўзи теб дам-бадам,  
Ғамзанг ўқи ушбу Ҳофизнинг юрагини ёрар.

Улким кўнгулга солди янгоқи анори нор,  
Чин-и зулфида хатосиз анинг мушкбори бор.

Дўкон-и атр очди эса чин-и зулфидин,  
Хушбўй бўлди топди чу мушк-и тоторий бор.

Тийр-и балосидин жигарим бўлмас эрди қон,  
Қилмаса жоду ғамзаларининг шикори қон.

Маң банда-йи фақирга раҳме қачон қилур,  
Қусну жамол кишварининг шаҳриёри бор.

Мансур бўлмоқ издаса халлож ишқда,  
Айлар насибасини анинг дўстдори дор.

Бўлсам юзинга зор анинг эрмас ғарибким,  
Кўрклу юзинга бўлди чаман долазори зор.

Юзини ёд этибки чакар оҳ-и сўзнок,  
Бўлур ҳамон нафас тўлу Ҳофиз канори нор.

Фироқининг ғами ичра кўзум равон иғлар,  
Бу кўз ёшини кўриб танда жон равон иғлар.

Нафиру нола ўшул шаҳ фироқидин қилсам,  
Кўруб бу дард-и дилим барча посбон иғлар.

Фироқидин куёримни жаҳонда фош этсам,  
Парию деву малак барча инсу жон иғлар.

Хаёликим манга ҳар неча меҳмон бўлур,  
Раҳм қилиб манга пайваста меҳмон иғлар.

Эшигининг ити кўрганда, ҳай, қариндош теб,  
Жароҳатим кўриб ул ёр-и меҳрибон иғлар.

Бу иғламоқ била жондин тамом қўл ювдим,  
Тасаввур этмагасанким бу ройигон иғлар.

Жафоу жаврини ҳадсиз қиларидин ул шаҳ,  
Кўрунг бу Ҳофиз-и мискинни турлу қон иғлар.

Иглағонимни кўруб ул жон кулар,  
Ман йитарам, ул гул-и хандон кулар.

Оҳ, не бўлғай мани иглатибон,  
Кўз кўраким фитна-йи фаттон кулар.

Иғласа ошиқ кулари бас маҳол,  
Кулса тақи билгил ялғон кулар.

Боғ аро келгали ул завқ ила,  
Сунбулу гул, лолау райҳон кулар.

Ой бикии юзини равшан кўруб,  
Кўргул ўшул шамъ-и шабистон кулар.

Ўзгани савмак керак эмди тесам,  
Бу сўзима асри фаровон кулар.

Жоним олур бўлса табассум қилиб,  
Ҳофиз ўшандин сўнг бежон кулар.

Игда тутуб кўз кўра ул ол янгоқи жон олур,  
Чун қўлумга тушмайин олма сақоқи жон олур.

Мундайин ҳоле жаҳоннинг ичра ҳолий қайда бор,  
Ким яқин туруб кўрарманким, йироқ-и жон олур.

Ишқ бозорида жоним бас касод эрди, вале  
Хуш топарман эмди бозор иштиёқи жон олур.

Эй кўнгул, келгил қувноқ этма хаёлин бошғаким,  
Оқибат бошга етиб ҳар кун қувноқи жон олур.

Лаъл-и жонбахшин кўруб сўрдум, баҳоси кўп, вале  
Бир сўрар эрдим агар билсам тудоқи жон олур.

Қош ёсинга ғамза ўқин казлаю ҳар дам отиб,  
Не қароқчидур ўшул жон кўз қароқи жон олур.

Не ажаб, васл ичра Ҳофиз жон анга берса равон,  
Чун кўрадурман ўшул жонон фироқи жон олур.

Ифтул эвни қилинг холийким, нигор келур,  
Хароб шаҳрини кўргали шаҳриёр келур.

Неҳишт-и Адан бўлур бўлса кулба-йи аҳзон,  
Анаб эмас, чун ўшул пок ёр-и гор келур.

Намарии қуллуқ учун жон белинга боғлангим,  
Ўшул ягона бу майдонга шоҳвор келур.

Саҳарда булбул ошуфта шод сайрайдур,  
Магарким ул бўйи шамшод гулғузур келур.

Гул-и мурод очилди ҳабиб ёниндин,  
Вале рақиб кўзинга не турфа хор келур.

Қарор-и жон манга ул бўлғали қарорим йўқ,  
Қарор топғаман эмди ким, ул қарор келур.

Содат-и азалийнинг нишонаси Ҳофиз  
Юзида борким ул нозанин нигор келур.

Лаб-и шақкар сифатин ҳарки савар, жон ўйнар,  
Мушкил эрмас анга жон ўйнамоқ осон ўйнар.

Ман тиларман ўшанинг бирла ўйун ўйнасаман,  
Чунки ошиқ кишилар завқ бида жон ўйнар.

Жон нетак ўйнари ошиқға кўрунур зоҳир,  
Чиқиб эшикдин ўшул дамдаки жонон ўйнар.

Ҳар ки шатранж-и вафо ўйнамоқ издар бўлса,  
Зулф-и кажбози бида асри паришон ўйнар.

Булбул-и сўхтанинг бағри бўлур рашк ила хун,  
Андаким бод-и сабо бирла гулистон ўйнар.

Чаману боғға гул ҳусниниким арз қилур,  
Навҳа-йи зорий қила булбул-и нолои ўйнар.

Ҳар киши жонни вафо йўлида ўйнай билмас,  
Вале Ҳофиз бики бир бесару сомон ўйнар.

Юзинг латофатини кўрса офтоб уялур,  
Шакар бикин тудоқингдин тақи шароб уялур.

Кўрарса ҳуққа-йи ёқутинг ичра турлу гуҳар,  
Жигарни лаъл қилур чун дурр-и хушоб уялур.

Кўнгулни ишқинг ўти ёқгани ёқар тесам,  
Ўзини ўтга солиб йиғлаю кабоб уялур.

Бўюнгни сарву санубарга ҳар кимки ўхшатса,  
Қаро сочинг била қилганда печу тоб уялур.

Топуб назир назарбоз ришта-йи жонни,  
Каманд-и зулфунга ўхшатса беҳисоб уялур.

Хитову Чинда чин айтур эсам сочинг васфини,  
Сочиб ўзин қаро ер узра мушк-и ноб уялур.

Шакар нисор қилиб шукрунг этадур Ҳофиз,  
Ким айтса бу ғазалини кўруб жавоб уялур.

Қачон дашномким дилбар бағишлар,  
Манга ширин лаби шаккар бағишлар.

Анингтак жавр этар жонимга кўзи,  
Гар ҳолимни кўруб кофир бағишлар.

Маҳаббат бир ажойиб кимёдур  
Ки, гардолуд юзга зар бағишлар.

Кўзумнинг мардуми ғаввос эрур,  
Чу баҳр ичра юруб гавҳар бағишлар.

Анинг ишқинда жон ўйнар бўлсам  
Равон жондин манга хуштар бағишлар.

Гулистонга жамоли акси анинг,  
Ҳамиша ҳусн ила зевар бағишлар.

Кўруб юзини сўзга келди Ҳофиз,  
Бале булбулга гул сўзлар бағишлар.

Лабининг шаҳди чун шакар кўрунур,  
Жони ширин манга нелар кўрунур.

Ҳуққа-йи лаъл-и гул бикни очилиб,  
Ханда қилса хижил гуҳар кўрунур.

Оғзи йўқинда йўқ гумону яқин,  
Бор вале рамз мухтасар кўрунур.

Жигарин хун кишиким айламади,  
Ишқ аҳлингга бежигар кўрунур.

Пок учун хок бўлмоқ, эй толиб,  
Айб эрмасдур ул ҳунар кўрунур.

Офтоб-и юзинга бақсам тез  
Партави офат-и назар кўрунур.

Ул эрур ҳосил-и замину замон,  
Рух-и сармоя-и сувар кўрунур.

Маъно бирла илоҳ сири эрур,  
Вале суврат била башар кўрунур.

Зулф ила юзини тилар Ҳофиз,  
Шомда кўрклу чун қамар кўрунур.

Равшан ул юзунга қамар дедилар,  
Боқса юзунгга кўз қамар дедилар.

Дедилар сўзни сучи оғзингдин,  
Олам-и ғайбдин хабар дедилар.

Тудоқинг бирла тишларингни кўруб,  
Лаъл-и жонпарвар гуҳар дедилар.

Қаро кофир кўзунгни аҳл-и назар,  
Офат-и дину ваҳм-и назар дедилар.

Бўлди оламда фитналар пайдо,  
То сани шўх-и фитнагар дедилар.

Не ажабдур санга башар тесам,  
Соя-йн ҳақни чун башар дедилар.

Ушбу олам танинда чун жонсан,  
Бир маънога кўп сувар дедилар.

Шажар-и олам узра зотингни,  
Билиги ёрлар самар дедилар.

Теди Ҳофиз сани қазо-йн оллоҳ,  
Ушбу сўзни ҳамин қадар дедилар.

380

Кўнгул бағланди зулфинга, не тадбир?  
Керак девонага, орий, бу занжир.

Каманд-и зулфи ишқинда қилурман,  
Узун зулфи бикин ҳар кеча шабгир.

Кеча тушумда зулфин тутмиш эрдим,  
Паришон кўрунур бу тушга таъбир.

Бало дойим қилур ул қадду боло,  
Қазо-йн осмонга йўқ таъбир.

Юзум қайтармағайман ул санамдин,  
Агар келса юзумга қаршу юз тийр.

Юзин хуршид кўрса зарра-зарра,  
Бўлуб қочқай равон ҳар ёнға бир-бир.

Тариқ-и ишқни мандин сўрунгиз,  
Чу бўлдум ул жавон ишқинда ман пир.

Кўнгулдин бир нафас чиқмади дарди,  
Магаркам ичмишам ишқи била шир:

Азал истади қудрат илги бирла,  
Қилибдур дарддин хокимни тахмир.

Анинг сиррини Ҳофиз кизлар эрдим,  
Кўзум ёши равон қилмаса тақрир.

Бўлғали қошинг камону ғамза тийр,  
Келмади кофир кўзунгтак гўшагир.

Оғзинга боқсам юзунг кўрган аро,  
Меҳр қошинда чу заррадур ҳақир.

Қувмағил чақмоқ била ҳар дам мани,  
Ким бу оҳимдин маним ўтлар чақир.

То нишон топди лабинг бодасидин,  
Жўш этар хумхоналар ичра чоқир.

Шаккарин лаълинг била ширин сўзунг,  
Андоғ эрурким қоришса шаҳду шир.

Кокил-и мушкин била суман танинг,  
Кўрунур андоғки бўлса қору қир.

Бор жонимдин гузир, эй жон, вале,  
Йўқ манга бир лаҳзае сандин гузир.

Пир бўлғайсан саодат бирлаким,  
Бўлдум, эй зебо, хон-и ишқингда пир.

Не ажаб, Ҳофизни кўзга илмасанг,  
Шоҳ-и оламсан сан, ул мискин фақир.

Хаёл-и ёр ангар бўлмаса ҳозир,  
Бўлур тандин равон жоним мусофир.

Кўзумнинг уйқусин бағлади кўзи,  
Мунингтак қайда бор жоду-йн соҳир.

Назар айла маним ҳолимға теман,  
Чун эрур ҳолима ул дўст нозир.

Басе майҳонани каздиму лекин  
Тудоқитак шаробе йўқ мускир.

Оғзиндин нишоне тегай эрди,  
Румуз-и ғайбдин билса муфассир.



Не турлу васф қилсам ёр қаддин,  
Қадиға кўрадур ул васф қосир.

Табиат баҳру кониндин кетурди,  
Бу Ҳофиз дам-бадам турлу жавоҳир.

383

Каманд-и зулфунг бўлғали тийраву дилгир,  
Бўлубтурур анга жон бирла хаста кўнглум асир.

Кўнгул тилар сар-и зулфунгни элда тутқали,  
Жунуни бўлмаса издамагай эди занжир.

Тиласанг ўқинг отғали сайд ёнига,  
Равон келур ўқинга пеш ул замон нахжир.

Жамолу ҳусн ила бўлғали дилнишон, эй дўст,  
Хаданг-и ғамзадин издар бу дил нишона-йи тийр.

Муҳаббатингни кўнгулдин чиқара билгай эдим,  
Қазо ўқинга агар топсам эрди ман тадбир.

Сўз айтганда лабингдин топар кўнгул лаззат,  
Анинг бикинки, ҳаловат берур шакар била шир.

Балойи дарду ғамингни айтмади Ҳофиз,  
Валек ёшу юзи ранги айлади тақрир.

384

Токи жон бўйинина бўлди сар-и зулфунг занжир,  
Кечанинг ичра кўрунди манга юз меҳр-и мунир.

Тушда илгимга тушубдур эди зулфунг чани,  
Чин қила бер бу тушумни манга, эй жон, таъбир.

Кўнглум зулфи паришонинга боғланғали,  
Қила билмадим онинг ҳолини ҳаргиз тақрир.

Ҳеч озодлик, эй жону жаҳон, издамади,  
Бўлғали жону кўнгул дарду ғам илгинда асир.

Ҳар замон тийр-и бало ғамзаларинг жонга отар,  
Бошима қилди магар ҳақ бу қазони тақдир.

Ғиззи тигини чакиб кел мани ўлтурмак учун,  
Зер ишонида чу яхши эмас, эй жон, таъхир.

Қаламади варра асар кўнглинга Ҳофиз оҳи,  
Гарчи оҳи ўтидин мум бўлиб санг эрир.

385

Гул узра сунбул-и сероб бўлғали занжир,  
Жунуни ишқ била бўлди жону кўнглум асир.

Гариб эмас кўнглум банд-и зулфунга тушса,  
Мудом дом-и балотак чу бўлди бас дилгир.

Тушумда зулф-и паришонини тутар эрдим,  
Бу тушга айтингиз, эй дўстлар, недур таъбир.

Нишон-и оғзини издай тутарман ул зулфин,  
Қилурман об-и ҳаёт учун эмди ман шабгир.

Юзи латофатининг юзда бирин айтмағай,  
Қаламни элга олиб ёзса эмди юз дабир.

Румуз-и дардни ман айтман, вале ҳар дам,  
Кўзум ёши тақи оҳим ўти қилур тақрир.

Не ёндин ўзга бўлур ёр ушбу Ҳофиз ила,  
Чу тавр-и ишқда топмади бандада тағйир.

386

Санинг бикии қани оламда нозиру манзур,  
Ки мулк-и жонни назар бирла айласа маъмур.

Муҳаббатингни кўнгул ичра кизлаю билман,  
Чун офтобни бир зарра қилмади мастур.

Чун офтоб била кеча жамъ бўлмади,  
Недин кўрунди юзунг узра хат-и шаб-и дайжур.

Юзунг сафоси кўнглумда бор экан, ўлсам  
Мақом-и охират ўлғай чу жаннат пурнур.

Сабур бўл тема, эй жон, жамолу ҳуснунгдин,  
Чу бас маҳол эрур андин кўнгул кўрунса сабур.

Бу ҳусну нозук зотингда ҳақ яратибдур.  
Тасаввур этмага бўлмаски бўлмасанг мағрур.

Тушар кўнглума ишқинг ҳавоси андоғким,  
Шикаста қалбга етишса роят-и Мансур.

Ҳавойи васлинг ила ташна жон берур эркан,  
Тилагайман лаб-и лаълинг кўруб шароб-и таҳур.

Муҳаббатинг сўзини сўзнок бу Ҳофиз  
Уқир анинг бики Довудким ўқиди Забур.

387

Эй ким ул ҳусну жамолинг била бўлдунг мағрур,  
Зарра мандурману хуршидсифат сан машҳур.

Мундайн ҳусну жамолки санга берди илоҳ,  
Тутса бўлур сени, эй жону жаҳоним, маъзур.

Назар-и покдин ўзга юзунга солмадим,  
Бўлғали жон била кўнглум тилаги сан манзур.

Сансизин кўрмади оламини маним кўзларим,  
Кўрмага бўлмас агар бўлмаса кўзларда нур.

Кунж-и аҳзон-и кўнгулумга кириб, чиқмасанг,  
Тегай эрдим анга ман жаннату байтул-маъмур.

Гарче ёқут-и мафарриҳдур ўшул лаъл-и лабинг,  
Топмади жон фараҳ андин тақи бўлди ранжур.

Ком-и жон бермасанг ул нўш-и лабингдин боре,  
Кирпукинг санчса хуш эрди чу ниш-и завбур.

Лаб-и лаълинг чу шакар ханда-йи ширин қилди,  
Холдин кечдию тар бўлди шароб-и ангур.

Ҳофизо, сир тиласанг сақлағали, чакмагил оҳ,  
Оҳ-и сўзон била чун сир бўла билмас мастур.

388

Бўлғали кўзум партав-и юзунг била пурнур,  
Бўлди кўнглум мулки хаёлинг била маъмур.

Юзунг била зулфунгдин ўнгин кўрмади киши,  
Хуршид била бўлса мусоҳиб шаб-и дайжур.

Бас анбару кофурни хижлатзада қилди,  
То бўлди хатинг бирла юзунг анбару кофур.

Хуршид жамолини юзунг қошида теман,  
Чун «хуш эрур эшитмага бонг-и духул аз дур».

Ҳар нечаки сиррингни кўнгул ичра тутарман,  
Кўз ёши била оҳим ўйи халқга айтур.

Жонимға жафо айласа кўзга кечирурман,  
Чун усрук эрур тутдуқ ўшондин они маъзур.

Лаълинг майина толиб эрур жон била Ҳофиз,  
Бўлғали кўзунг наргисина ўхшаш махмур.

389

Сантак қани олам ичра манзур,  
Кўзи кофиру орази чу кофур.

Қонини, кўрунг, шароб янглиғ  
Ичдию кўрунди кўзга махмур.

Кўрунсанг эшикка чиқган аро,  
Кўрунур манга анда жаннату ҳур.

Сансиз бу кўзум жаҳонни кўрмас,  
Сансан чу кўзумнинг ичраги нур.

Юзунг била ишқ-и поким эрур  
Оламда чун офтоб машҳур.

Ул лаъл-и лабинг қошинда кирзук  
Бол қошиндадур чу ниш-и занбур.

Ҳофиз сўзина назар қилибсан,  
Қилғил ғазални чу байт-и маъмур.

390

Кўз ойинасин қилди юзунг партави пурнур,  
Ул ойда чун нур-и илоҳий кўза кўрнур.

Нетиб назар ул ол юзунгдин олайимким,  
Ман нозир эрурман тақи сан жон бики манаур.

Ишқинг элидин оқ куярман не балодур,  
Ким ҳар неча кизласам ўшул халқаро билнур.

Ранжурга иноят муфарриҳ бўлур эрди,  
Недин мани бас лаъл-и лабинг айлади ранжур.

Бермай тудоқинг нўшини ниш-и мижа бирла,  
Қилдинг жигарим гўшасини хона-йи занбур.

Ул шум рақибунг юзина оқ тедим ман,  
Бар акс чу теди кишилар рангига кофур.

Ҳофиз сўзи ишқинг била шуҳрат топасидур,  
Хуршид вужуди биладур зарра чу машҳур.

391

Нори тура тушқил теб ўшул англари гулниор  
Солди янгоқи нори била жонима юз нор.

Хуршид сифатлиғ юзининг акси кўнгулга  
Тушди ким, ул ойина эрур қобил-и анвор.

Исога шифо бергучи ул лаъл-и лабининг  
Қошинда кўзи нағ кўрунур кўзума бемор.

Жон маст мудом эрур анинг лаъл-и лабиндин,  
Чун бўлмади асрук киши бода била ҳушёр.

Мушкин қаро зулфи била махмур кўзиндин,  
Шарманда бўлуб қочди равон оҳу-йи тотор.

Жангий кўрунур ғамза била кўзлари, илло  
Анбарсифат ул кокилидур ўртада сардор.

Озор қилиб бўлмаса безор ўшул дўст,  
Ҳофизга ўшул айн-и бало бўлмағай озор.

Ул жон қаро кўзни кўрали оҳу-йи тотор,  
Мастона шароб издаю ҳар чашмани тотар.

Жонинг била жонона жафосин чекакўргил,  
Ким, жаврни чекмак била ишқинг яна ортар.

Кифир қўлина тушкан асирдин ёмон эрмиш,  
Озоданиким, ишқ қилур бўлса гирифтор.

Гар муддаъий манъ этса сенга ишқ йўлиндин,  
Келтур масале: лойиқ анинг ҳолина афсор.

Асрар ўшанинг тор оғзи сўз била ошиқ,  
Чун сирр-и илоҳий эрур ул воқиф-и асрор.

Бори шакар олмоқ тиласанг тудоқидин ол,  
Ким ҳеч туганмас лаб-и лаълинда шакар бор.

Гулзорга гар келса ўшул сарв-и хиромон,  
Ҳофиз бики бўлғай эди ол юзина гул зор.

Бўйунг чун сарв-и сихий, ол юзунг эрур гулзор,  
Юзунгни кўргали ошиқ бўлуб турур гул зор.

Қани бўйунг бики сарв-и равон-и озода,  
Қани лабинг бики тўтий-и шакаринг гуфтор.

Санинг юзунгни кўруб ўзгага назар қилсам,  
Бўлур кўзум мижаси кўзума тикилган хор.

Қаро кўзунг чун олур ғамза бирла жонимни,  
Кўнгулни кўз кўра ман бердим ўш санга ичор.

Мани шикор этиб, ўзгага отсанг ўқингни,  
Топар бу хаста кўнглум жароҳату озор.

Қачон маним била сан дўст ёр бўлғайсан,  
Жамолу ҳуснунгга оламда чун кўрунмас ёр.

Жафову жавр бу Ҳофизга нечаким қилсанг,  
Санинг муҳаббатинг анинг кўнглида ортор.

Бўлғали ҳусну жамоли била машҳур нигор,  
Андайин чакмади нақше қалам-и сунъ нигор.

Бўлсалар ҳусну жамолидин ўшанинг воқиф,  
Ишқ мункирлари келтургай эдилар иқрор.

Ёр чуқим ўшанинг ҳуснина йўқ оламда,  
Не ажаб, ул бут-и айёр манга бўлмаса ёр.

Бетаваққуф бош азоқинга равон солгай эдим,  
Гар анинг нозук азоқинга бошим бўлмаса бор.

Сайд бўлмади кўнглум қуши оламга, вале  
Қарчигатак кўзи бир ғамза била қилди шикор.

Гул юзидин манга йўқ ҳеч шикоят, илло  
Булбул-и шифта жон бирла чекар заҳмат-и хор.

Бош қадам айлаб анинг йўлида хуш боргай эди,  
Жонидин ким кеча олса бу замон Ҳофизвор.

Боглади қоним учун белнин ул фитнаингор,  
Чун мақоматда хуш келди анга баста нигор.

Гар нигор илкнин қоним била рангин тиламас,  
Не сабабдин элина бағлади ул турфа нигор.

Ўшанинг нақши бикин чакмади нақш-и зебо,  
Нақшини чаккали анинг қалам-и сунъ нигор.

Бўлмамай оғзини миқдор юзи қошида ҳеч,  
Меҳр-и рахшон қошида заррага чун йўқ миқдор.

Зулфи бирла юзининг сўзи бўлубдур аврод,  
Ошиқ-и сўхтадиллар қошида лайлу наҳор.

Гар канор айламаса мандин ўшул умр-и азиз,  
Ман қилур эрдим ўшандин тамаъ-и бўсу канор.

Ушбу сўз-и жигару дард-и дилимни, Ҳофиз,  
Кўрса ул кофир-и бедни, қилур эрди иқрор.

Шамшодни қилди хижил ул қомату рафтор,  
Гулзорда ошиқ анинг ол юзина гул зор.

Почор анинг жавру жафосини чакарман,  
Чун бўлмади оламнинг ичикда гул бехор.

Иқболу саодат эшигимга келур эрди,  
Туш бўлса манга тушда ўшул давлат-и бедор.

Бедор карак бўлса анинг йўлида ошиқ,  
Чун бўлмади Мансур иши ишқда бедор.

Қон ёши агар иғласаман кўрма ажабким,  
Ханжар бики кирпуқи баса бағримга санчар.

Кесор қилур эрдим анинг оғзика жонни,  
Оғзи қошида бўлса анга заррача миқдор.

Ҳофиз юзина қаршу равон қилғай эди жон,  
Гар бўлса мулссар ўшанга давлат-и дийдор.

Иноят айлади ман қулга оқибат дилдор,  
Дарахт-и сабрда кўрдум мурод меваси бор.

Юзунга боқдим эса бир назар била кўрдум  
Ким, ул замонда очилди юзинда юз гулзор.

Жамолу ҳуснига ҳар ким ёмон назар қилса,  
Анинг бикин кишининг кўзига тикилсуи хор.

Неча бу муфлис бечора кам бизоат эса,  
Малоҳату караму лутф ўшандадир бисёр.

Бу сирга олам ичанда киши етишимас ким,  
Анинг била бу гадо орасида бор асрор.

Неча мунофиқ бедин агар бўлур бўлса,  
Ҳодиси ишқни кўрганга келтирур иқрор.

Ёқилғай эрди жаҳон ичра Ҳофиз оқ ўтина,  
Бирор-бирорда агар кўрмаса эди дийдор.



Чиқди эса эшикдин ўшул сарв-и гулгузор,  
Бўлди юзинга ошиқ ошуфта лола зор.

Минг ошиқи эшигида оҳу фиғон чакар,  
Гулзор ичинда чун ярашур нола-йи ҳазор.

Бўлур юрагим ани кўруб тоза бехато,  
Чун тоза гунчаларни қилур фасл-и навбаҳор.

Қайда етишгаман ўшанинг дастбўсина,  
Чунман пиёдаман тақи ул бод била сувор.

Ул подшоҳ-и оламу ман бир гадо-йи хор,  
Ул офтоб-и олию ман зарра-йи хоксор.

Қилсун вафою лутф бу ошиқларинга дўст,  
Бунёд-и умр бизга кўрунмас чун устивор.

Ер эшигинда бор кишиларга йўқ, вале  
Бу Ҳофиз-и ғарибга шукр анда бор-бор.

Сансиз бу хаста кўнглум эрур асри беқарор,  
Нечага тегру чаккаман, эй жоним, интизор.

Бир жондин ўзга нақд элимда, не эрса, йўқ,  
Келгил ўшани ҳам қилайим ман равон нисор.

Етишмасам рикобинг ўпарга ғариб эмас,  
Чун ман пиёдаман тақи сан бодносувор.

Негиб висолинга етиша билгаман даме,  
Чун хастадил гадоману сан шоҳ-и комкор.

Умид-и васл бирла юрагим ёна турур,  
Тутма мани мунунг бикин, эй жон, умидвор.

Гар жавр ила чу хок мани хор айласанг,  
Ултурмагай кўнгулга бу йўлдин даме ғубор.

Юзунг хаёли бирла бу Ҳофизким иглади,  
Ёзи юзини қилди гулситону лөлазор.

Гар ихтиёр ўзгани айлади ул нигор,  
Ман андин ўзгани қила билмадим ихтиёр.

Ман ташна лабни лаъл-и лаби хаста қилғали,  
Доим тилар шикаста кўнглум шароб-и нор.

Ўлганда гар мазорима чиқса ўшул ҳабиб,  
Ердин кўк узра чиқғай фарёд-и ёр-ёр.

Тупроқ тўлса икки кўзум ўрнига тақи,  
Бўлғай ҳануз кўргали юзин умидвор.

Бормагай эрди дўст солиб ман ғарибни,  
Умр-и азизга бўла билса эди қарор.

Қадғу қачон егай эди шикаста ошиқи,  
Кўрунса эрди баҳр-и ғам-и дўстга канор.

Топгай эди муродни бу Ҳофиз-и фақир,  
Лутф ила келса бандасин издаю шохвор.

Баҳри оламда санингтак йўқдур шохвор,  
Ул сабабдин қилдим, эй жоним, сани ман ихтиёр.

То гул-и хандон бикин юзунги кўргуздунг манга,  
Дарду ғам бирла бўлубдур хаста кўнглум ғунчавор.

Гар адоқингинг ғуборин кўзума чаксам эди,  
Бўлмагай эрди бу хаста кўзума ранж-и ғубор.

Кечдим ушбу баҳр-и оламнинг канориндин, вале  
Оҳким, кечмади орамизда бир бўсу канор.

Қалбу ҳар номард-и номақбулни қилма қабул,  
Чун санингтак йўқтурур оламда бир соҳиб иёр.

Жумла жонларнинг қуши сайдинг бўлубтурур бу  
дам,  
Ҳожат эрмасдур шикор учун санга бўлмоқ шикор.

Етса Ҳофиз бошина шоҳим адоқинг тупроқи,  
Наргис-и раъно бикин бўлғай эди ул тождор.

Ғам-и дўст кўнглумдадур ёдгор,  
Ҳаминдур жаҳонда манга ёр-и гор.

Каноре жаҳондин равон қилғаман,  
Агар дўстдин тегса бўсу канор.

Не турлу тиласа ўшул бўлғаман,  
Муҳаббатда чун йўқ манга ихтиёр.

Умидинга ҳаргиз кўнгул етмади,  
Висолинга бўлғали умидвор.

Бу жон чакмагимга не сондур маним,  
Чун ул гулга бор ман тикин сад ҳазор.

Жигар сўзини сан назарга кетур,  
Чу йўқдур бу сўзларга ҳеч эътибор.

Муҳаббатда гар пир издар эсанг,  
Бу дам ичра Ҳофиз эрур пир-и кор.

Бўлғали жон ғами била бедор,  
Кўзитак айлади мани хумор.

Лаб-и лаълим кўруб бўлубман маст,  
Маст бўлмас чу бодадин ҳушёр.

Ишқнинг йўлида фано бўлдум,  
Сизмади мунда чун сару дастор.

Қадина жонни ман равон қилдим,  
Йўқ аянинг так чу сарв-и хушрафтор.

Ҳуснини ёр кўргузур бўлса,  
Келтурур габрлар анга иқрор.

Гулшан-и ҳусида бу дам ошиқ,  
Ман бикин йўқдур ушбу гулга ҳазор.

Донм асрар ушбу Ҳофизтак,  
Кимни ёр этса маҳрам-и асрор.

Каманд-и зулфи эрур мушку анбар,  
Лаб-и ширини эрур шаҳду шақкар.

Шакар бирла гуҳар исор айлар,  
Сўз келганда ул ёқут-и аҳмар.

Тиши бирла лаб-и лаълини кўруб,  
Хижил бўлур ҳамниша лаълу гавҳар.

Юзи бирла ўшанинг зулфи янглиғ,  
Киши кўргани йўқ шамъ-и муанбар.

Хиромон бўлғали ул бўстонда,  
Муаътил қолди сарву ҳам санубар.

Кабутар ёнина отса ўқини,  
Муаллақ завқдин отғай кабутар.

Сўзум равшан келур пайваста Ҳофиз,  
Хаёлимда чу бор ул моҳманзар.

Нечаким казди меҳру моҳу ахтар,  
Юзунгтак кўрмади хуршид-и анвар.

Қадингга бўлғали жон бирла банда,  
Бўлубдур бўстонда сарв сарвар.

Гулистон ичра сарв-и озод кўрунур,  
Адоқинга магар еткурди ул сар.

Камар зор бирла бағланди белинга,  
Ўшандин бўлди юзум ранги чун зар.

Ҳамниша тош ичинда сийм бўлур,  
Недин сийм ичра кўнгли бўлди мармар

Ўшул кирпук бор эркан жавр айлаб,  
Маним жоним учун сан чакма ханжар,

Бу Ҳофизнинг кўнгулун олмоқ учун,  
Саннингтак йўқтурур оламда дилбар.

Бўлди юзунгдин олам мунаввар,  
Қани санинтак руҳ-и мусаввар.

Савди бу жоним кўз бирла оғзинг  
Андоғки, тўтий бодому шаккар.

Зулфунг била юз кечау кундуз,  
Лаълинг била сўз қанд-и мукаррар.

Ман ташналабга лаълинг шаробин  
Бергил, сўрайим, чун об-и кавсар.

Гар шона қилсанг зулфунг хаёлин,  
Мушк ила бўлғай олам муаттар.

Отсанг кабутар танина ўқни,  
Отқай муаллақ ул дам кабутар.

Не турфа Ҳофиз куйса ҳамиша,  
Ўт эрур оҳи, сийна чу мижмар.

Маниким ул парий юзлу санам девона айлабдур,  
Олибдур ғамзадин жону ўзин жонона айлабдур.

Маним жонимни ўртабдур ғаму ҳасрат ўти бирла,  
Ўзинга кимниким ул шамъ жон парвона айлабдур.

Кўзум кўргали ул зебо санамнинг шаклу ашқолин,  
Хаёли бирла кўнглумни кўзум бутхона айлабдур.

Хаёл-и ёрдин ўзга била ман ёр эмасман ким,  
Ўзинга ошнову барчадин бегона айлабдур.

Ўшул жоду кўзининг ғамзасинга тонг кўрунмайдур,  
Неча ким жодулар афсун била афсона айлабдур.

Машом-и жонга хушбўе кетурубдур сабо дойим,  
Каманд-и зулфи мушкин қачонким шона айлабдур.

Хаёл-и зулфу холиндин қачон Ҳофиз қутулғай ким,  
Бу сўзни жон била ўзинга дому дона айлабдур.

Куйдурубдур мани ҳижрон ўтина ул дилбар  
Ким, бўлур эрди зиёда юзидин нур-и басар.

Қоши ё, ғамзаси ўқ, кўзлари турк-и сармаст,  
Сўзи жон, лаъл-и лаби қанд ила шаҳду шакар.

Ўқтак рост қадин кўзума кўргузгали дўст,  
Бўлди мажруҳ кўнгул тийр-и балосинға сипар.

Манъ қилмоқлик учун тийғ чакар бўлса рақиб  
Ман қила билман ўшанинг юзидин қатъ-и назар.

Сабз хаттиким, анинг лаъл-и лаби узра эрур,  
Гўйиёким малаке эруру ул хат шаҳпар.

Зулф-и мушкени сўзи хаста кўнглумга тушуб  
Бағлади нофасифат ҳасрат ила хун жигар.

Ҳофиз-и хастаға раҳм этгай эди ул дилдор,  
Сиймтак сийнасида бўлмаса кўнгли мрамар.

Лаб-и лаълингки сучиликда эрур шаҳду шакар,  
Хижил андин кўрунур об-и ҳаёту кавсар.

Заррача йўқтурур тедим эса оғзингни,  
Хурдабинлар тедилар бор бу сўз ичра назар.

Бермаса эрди хабар бандгир белингдин,  
Топмағай эрди киши мўймиёнингдин асар.

Васлингиздин, не бўла, бўлса гадо бархўрдор,  
Шажар-и олам уза зотинг эрур чунки самар.

Моҳу хуршид эрур ҳуснунга, шоҳим, банда,  
Қайда бўлсун бу гадо бандалиги ҳам дар хавар.

Ман тиларман қадингда бу замон жон берсам,  
Хок-и пойинг бўла билмай киши бўлмас сарвар.

Назар этсам юзунга ҳар нафасе айб этма,  
Чун кўрунмади сенингтак яна бир маҳманзар.

Ёнмайин дарду маҳаббат сўзи бўлмас пайдо,  
Шамъ-и дилсўхта ёнмоқ биладур равшантар.

Пойбанд-и сар-и зулфунг чу бўлубдур Ҳофиз,  
Жоним андин қила билмади равон азм-и сафар.

410

Келди жонон эшигиндин бу дам ул бод-и саҳар  
Ким, висолиндин айтса манга юз турлу хабар.

Вой, ўшул дилбар-и зебо не тариқа бўлғай,  
Чун мунингтак сўзидур ҳоле манга жонпарвар.

Оҳ анинг юзина қаршу чака билмасман ким,  
Гулга ишкаст тушар эскан орада сарсар.

Раҳм қилмади маним ҳолима ул жонона,  
Кўнгул эрмас чун ўшанинг кўнглидур мармар.

Чаккали сарв-и сиҳийтак қадду боло-йн жонон,  
Ҳар замон турлу балоларин бу жоним торгар.

Ҳеч нақше ўшанинг нақши бикин чакмади,  
Бўлғали килк-и қазо бирла қадар сувратгар.

Ҳофизо кетмагай анинг ҳаваси бошимдин,  
Гар бўлур бўлса ўшанинг йўлида хокистар.

411

Кўрдум эрса адоқи тупроқини кўҳл-и басар,  
Тўтиё жонидин қилди кўзум қатъ-и назар.

Танг-и шаккар ўшанинг лаъл-и лабини кўрубон,  
Қилди дарвиза сучилик лабидин қанду шакар.

Юзи нуруний анинг шўмин-и диндор бикин,  
Зулфи зулмоний кўрунур кўзумда чун кофир.

Саҳар оҳимдин анинг зулфи паришон бўлди,  
Сунбул-и тозаға хуш келмади чун бод-и саҳар.

Чакдим эрса бош анинг қуллиқидин бир неча вақт,  
Эмди келтурдум эшигина равон жон била сар.

Нечаким казди жаҳон теграсида ою қуёш,  
Юзининг даври бикин кўрмади бир давр-и камар.

Жон била қулликқидин дам урур эрсам, не ажаб,  
Шоҳ-и муғанний чун ўшул эруру Ҳофиз чокар.

412

Кўнглумни оладур яна ул кўзлари кофир,  
Гул юзлу шакар сўзлу бўйи сарву санавбар.

Ўртар мани кўргач юзин ул шамъу, лекин  
Парвонасифат ишқ ўтина жонни наг ўртар.

Ханжар чакадур кирпукидин жонғаву лекин,  
Жонимни фидо қилдим анга ҳайф зи ханжар.

Ул шоҳ адоқина бошимни била билсам,  
Ушшоқ аро бўлғай эдим барчаға сарвар.

Оқил эсанг ўш панду насиҳат манга қилма,  
Девона чун айлар мани ул кўз била қошлар.

Дард илгидин ўш сўз айта билман ангаким,  
Шеъримни кўрунг кўз ёшидин бўлди равонтар.

Жононанинг ул карруфарин кўргали Ҳофиз  
Ҳар лаҳза келур кўз ёшитак сўзлари фарфар.

413

Сайд айлади кўнглум қушини кўз кўра дилбар,  
Шаҳбозитак сайд қилур бўлса кабутар.

Жон мулкани торож этар ул турк-и паризод  
Ким, кўзларидур айн-и бало ғамзаси кофар.

Кам қилмас ўшул жавру жафосин манга, илло  
Недин бўладур жонда анинг меҳри фузунтар.

Арбоб-и ҳусн маҳв бўлур юзини очса,  
Хуршид гўлуъ этса бали йўқ бўлур ахтар.

Зулфиндин анинг сунбул-и пуртоп топар тоб,  
Юзини кўруб ҳам уёлур лола-и аҳмар.



Юз сори қилибман ўшанинг васлини издаб,  
Чун васли муяссар кишига бўлмади безар.

Ширин лаб-и лаъли сифатин қандаки тедим,  
Сув бўлди хижолат ўтида қанд ила шаккар.

Ед айларам анинг лаб-и лаълини ҳамиша,  
Қаннодға чун хуш кўрунур қанд-и мукаррар.

Жон олғали бор эркан ўшул ғамза-йи қаттол,  
Ҳофизға не ҳожат, ки чакар тийғ ила ханжар.

414

Ширин лаб-и лаълиндин хижлатзададур шаккар,  
Мушкин қаро зулфиндин ҳам тийра эрур анбар.

То сарв-и равонимнинг бўлди қади чун тўбий,  
Юзию лаб-и лаъли чун жаннат эрур кавсар.

Қасди дилу дин недин айлади қаро кўзи,  
Гар дин йўлида эрмас кўзлари анинг кофар.

Ҳар нечаки кам қилмас жонимға жафо жонон,  
Юз анча кўнглумда меҳри бўлур афзунтар.

Ул суврат-и зебода маъно-йи жаҳон кўруб,  
Чун суврат-и девори бўлди анга сувратгар.

Не турфа керак бўлсам ман банда ўшул жонға,  
Султонға керак бўлур чун банда била чокар.

Ул шоҳ-и замон эрур ҳам суврати маънода,  
Ҳофиз анга қул эрур жони била фармонбар.

415

Жон бўлғали шакартак ширин лабидин зокир,  
Шакар бандин ўшанигдур пайваста кўнгул шокир.

Кўргузди манга жонон хуршид-и жамолини,  
Кўрганда ўз-ўзумни ғойиб бўлубон ҳозир.

Заррот-и жаҳон ичра ҳусини кўра кўргил,  
Хуршид-и жамоли чун ҳар заррададур зоҳир.

Ҳар қайда назар қилсанг мақсуду мурод улдур,  
Ҳагага назар қилма манзур эрур нозир.

Сургил кўнгул эвидин ғайрат била ғайрини,  
Чун мулк-и вужуд ичра ул шоҳ эрур қоҳир.

Уртада қачон бўлғай ўзгага вужуд, эй жон,  
Чун зоҳиру ботиндур ҳам аввалу, ҳам охир.

Ҳусн ичра ўшул султон чун нодир-и даврондур,  
Ишқи била, эй Ҳофиз, сан ҳам бўла кўр нодир.

416

Чун айладим ғам-и ишқ ила ихтиёр-и сафар,  
Бўласидур манга ҳижронда дард ёр-и сафар.

Мурод чунки топулмас диёру ёримдин,  
Кўнгулни кесдиму айладим ихтиёр сафар.

Гул-и мурод юзини кушода кўргузмас,  
Тиқилгали бу шикаста кўнгулга хор-и сафар.

Май-и шабона била маст эдим мудом, вале  
Уш эмди қилғуси ҳушёр бу хумор-и сафар.

Хизрда чунки сар анжом-и кор топмадим,  
Не бўлғай эрса манга билмасам бу кор-и сафар.

Рикоб-и дўстда жонни пиёда ўйнар эдим,  
Бу йўлда бўлса эди дўст шаҳсувор-и сафар.

Кўнгулда йўқ ғуборе ҳабиб ёниндин,  
Валек чеҳра-йи жонимда бор ғубор-и сафар.

Ҳабиб эшигида чунки бор топмадим,  
Зарури жонима боғланди эмди бор-и сафар.

Тилима жоним учун ёдгор, эй Ҳофиз,  
Чу доғ-и ҳажр эрур жонда ёдгор-и сафар.

417

Ҳилол янгли камонким қаддин чаманда тутар,  
Ҳижоб қошидин айлаб ўзни кашанда тутар.

Хаданг-и ғамзасин ул шаҳсувор отқанда,  
Сипарнинг ўрнига бу хаста сийна дийда тутар.

Хаёл-и лаъл-и лаби тушгали кўзум ичра,  
Мудом шишаситак ани чун чакида тутар.

Адоқина дурр-и ғалтон нисор қилмоқ учун,  
Икки кўзум ёшини пайктак давида тутар.

Жаридасин ўқир ул нозанин бирарда тею,  
Ҳамиша ошиқ-и жонбез ўзини жариди тутар.

Нечаки савмаанинг ичра бўлди зоҳид пир,  
Муҳиблари ўшани тифл-и норасида тутар.

Агарчи ошиқ-и бедил анга фаровондур,  
Вале бу Ҳофиз ўзини дирамхарида тутар.

418

Жон била савдук сани дилбару жононимиз,  
Сидқ ила қулмиз санга, эй шаҳу султонимиз.

Зот-и шарифунг бу дам ҳозиру нозир экан,  
Банда кима бўлғамиз санжару хоқонимиз.

Бўлган ора хок-и раҳ гар биза қилсанг назар,  
Аршининг узра бўла ул дам жавлонимиз.

Муфлису бечоралар барча гадойинг эрур,  
Чун сан эурсан бу дам ганж-и зару конимиз.

Сани киши савмаса жон била мўмин эмас,  
Бўлмади чунким дуруст сансиз имонимиз.

Мўмину кофир бу дам барча муқурдур санга,  
Сирр-и Муҳаммадсан, эй ояту бурҳонимиз.

Маъно-йи қуръон манга бориси равшан бўлур,  
Бир назар айлаб тесанг Ҳофиз-и қуръонимиз.

419

Гулшан аро гашт қил, сарв-и гуландомимиз,  
Бўлди чу ҳуснунг била тўлу дару бомимиз.

Маст бўлуб сўзласак айб эмасдур мудом,  
Ишқ шароби била чун тўлудур жомимиз.

Дин йўлини сўрмангиз ошиқ-и гумроҳдин,  
Қилди чу кофир кўзи горат исломимиз.

Илм сўзин сўрсангиз борнинг олимлара,  
Ошиқу қаллошмиз, илмдамиз омимиз.

Ошиқ-и бенангу ном гар тилар эрсанг мудом,  
Ном биза нанг эрур, нанг эрур номимиз.

Бошсиз эрур ишимиз жом ила беда келтур,  
Чун ўшанинг бирладур жумла саранжомимиз.

Юзи била зулфининг сўзини Ҳофиз билур,  
Кечди бу аврод ила чун саҳару шомимиз.

420

Зулф-и каманди тун кеча тушда эди занжиримиз,  
Бу тушга, эй девоналар, айтунг недур таъбиримиз.

Хуршид юзин кўргали чун моҳ-и нав бўлсак не ғам,  
Чун юз ёнда кўринур юз суд ила тавфиримиз.

Бирин туман ойинада кўрди кўнгулнинг кўзиким  
Юз ҳусн ила юз кўргузур ҳар ойинада биримиз.

Жонсўз меҳр-и юзининг сўзи пайдо қилғали,  
Ул сўздян доим эрур бу важҳ уза тақиримиз.

Қаннод шакар сўзина машгул бўлмади даме,  
Сўзи била ширин лаби бўлғали шахду ширимиз.

Масжид била майхонанинг йўлида фарқи қайдадур,  
Эй навжавон, чун ишқ эрур бу йўлда кўҳандайримиз.

Чун не тиласа ҳақ бўлур оламнинг ичра бехато,  
Ҳеч билмадук бу йўлдаким, недур тақсиримиз.

Чавгон-и қудрат ҳукмида майдоннинг ичра гўйтак  
Айласа бошлар равон недур бизим тадбиримиз.

Ҳофиз жамоли мусҳафин офоқ-и анфусда кўрар,  
Чун оламу одам эрур оёту ҳам тафсиримиз.

— 237 —

Соқиде пир-и муғон токим бўлубдур пиримиз,  
Бода ичмакдин ўнгин йўқ фикру ҳам тадбиримиз.

Кетмагай бошдин ҳаво-йи бода, бўлсак хок ҳам,  
Чун азалда қилдилар бода била тахмиримиз.

Ўзлигимиз бирла бу майхонага биз келмадук,  
Келтурубтурур қазо-йи ҳақ била тақдиримиз.

Жон паришонҳолу мажнуну бас ошифта эрур,  
Турра-йи тарорини то айлади занжиримиз.

Хок-и тийра эрдуку жон бирла савдук покни,  
Мундин ўзга бормудур, айтунг, бу дам тавфиримиз.

Дор-и ишқ узра фано-йи ҳақ бўлуб топдук бақо,  
Кўргил эмди бенишонлиқ ичра дору гиримиз.

Юз туман минг бўлса ҳам бир кўрунг аҳлуллоҳни,  
Чун биримиздур юз мингу юз минг эрур ҳам биримиз.

Ақл бирла ишқни билмак эрур амр-и маҳол,  
Тифл-и абжадхон эрур бу йўлда ақл-и пиримиз.

Ҳофизо, равшан баён айладук асрорингниким,  
Мусҳаф-и ҳусниндин эрур ояту тафсиригимиз.

Раҳм айлагил бу бандай-и ожизга шоҳимиз,  
Сансан икки жаҳонда чу пушту паноҳимиз.

Гар сан иноятинг била чакмасанг ўзунга  
Маълум эрур жаҳонда бизим жангоҳимиз.

Айни иноятинг била қилсанг биза назар,  
Тутгай жаҳонни давлату хайлу сипоҳимиз.

Қилма бизим ёмонлигимизга нигоҳ, ким  
Лутфу иноятинг ённадур нигоҳимиз.

Об-и ҳаёт афв била юмасанг мудом,  
Ҳаргиз оқармагай эди руй-и сиёҳимиз.

Гар яхши, гар ямон санга жон бирла бандамиз,  
Бу рост даъво ичра эрур ҳақ гувоҳимиз.

Ҳофизни қул, тақи сани шоҳ айлади, оллоҳ,  
Фармон недур тегил биза сирр-и илоҳимиз.

423

Кўргузур бўлса юзини моҳ-и меҳрафрузимиз,  
Бўлғай эрди ул нишон толиъ-йи перузимиз.

Фарр-и давлат бор ул фаррух юзин кўрсам тамом,  
Кечгай эрди фараҳу фархунда доим рўзимиз.

Кечатак зулфи ниқобиндин биза кўрунса юз,  
Офтоб-и давлат ул дам бўлғай эрди рўзиймиз.

Булбул-и жон юзининг гулзоридин издар наво,  
Чун ўшанинг юзи эрур ийду ҳам наврўзимиз.

Соҳир-и Бобил бўлур шогирд жоду кўзина,  
Чун эрур устод ўшандин ушбу саҳар омузимиз.

Не балоким бор тегсун бери жонимға, вале  
Тегмасун жононаға бу оҳ-и оламсўзимиз.

Ҳофизо бўлғай мунаввар ҳужра юзи нуридин,  
Кеча кечмай бизга келса моҳ-и меҳрафрузимиз.

424

Ёр юзи аксидин нур олди жон-и покимиз,  
Рух таъсири била ёшар-и тийра хокимиз.

Ўзумиз тиккан узумдин олмангиз май қилғали,  
Ким қилур дард-и дилафзуи ушбу об-и токимиз.

Неча ким қийнадилар, қиймади ишқиндин қўнгул,  
Неча ким ёндурдилар, ёнмади бу бебокимиз.

Ишқнинг майдонида жавлон қила билсак эди,  
Кўп кишиларни хато тутқай эди фитрокимиз.

Чунки қилдуқ бир йўли йўлинда бошни хок-и роҳ,  
Баҳр-и жонда дурру гавҳардур хасу хошокимиз.

Бир эшигида боре бор топсак бир замон,  
Паст кўрунгай эди бу гунбад-и афлокимиз.

Фитна кимнинг юзига бўлдуғ темағ Хофизгаки  
Фитналар ҳар дам қилур ул дилбар-и чолокимиз.

425

Жафо қиличини гар жонга чакса қотилимиз,  
Қачон барабилур ул дамда сўрмоққа тилимиз.

Мақому манзилимизни сўра келур бўлса,  
Биқишт-и Адан ўлур ул дам мақому манзилимиз.

Кўнгулнинг эвина тушгали оташ-и ишқи,  
Мудом куйдурадур жонни оташ-и дилимиз.

Чароғ-и меҳр била моҳға не ҳожат эрур,  
Агар нигор келиб бўлса шамъ-и маҳфилимиз.

Эшиги ҳасратида бўлди кўз ёши сойил,  
Қачонга тегру бўлур ноумид сойилимиз.

Элига шона олиб зулфини тарар эрса,  
Кушод топқай эди беҳато бу мушкилимиз.

Камол Хофиз агар топса ушбу тавр ичра,  
Ғариб эмас чу назар қилди шох-и комилимиз.

426

Бўлгали ишқи дарду бало ҳамийишимиз,  
Ноз айлади бу хастаға ул нозанинимиз.

Ул ғамза ўқина кўнгулум бўлгали нишон,  
Қоши камони сақлади донм каминимиз.

Мастона ул қароқчи қаро кўзлари бало,  
Торож қилди ғамза била ақлу динимиз.

Юз турлу оҳ ҳар кечада чакди жон, вале  
Етмади бир қулоқина оҳ-и ҳазинимиз.

Бўлмади дард хаста кўнгулдин даме жудо,  
То дардининг шавқи била йўғрулди тийнимиз.

Бўлғай кушода юзумиза жаннат эшиги,  
Қилсақ нишон меҳрини муҳр-и жабинимиз.

Ҳофиз айтди рост ғазалларни қадитак,  
Туркий ғазал тилади эса турк-и чинимиз.

427

Назар айлаб юзина шаклу шамойил кўрунғиз,  
Сарви тол бўйна жон била мойил кўрунғиз.

Тарк-и таҳсил қилиб ишқни ҳосил айланг,  
Тақи андин сўнги сиз касб-и фазойил кўрунғиз.

Шоҳ...<sup>1</sup> нинг мадҳини тарк айлаб,  
Ишқ дарсинда босе ҳалл-и масойил кўрунғиз.

Еринг меҳрики жон лавҳида чун муҳр эрур,  
Андин ўзганики бор борини зойил кўрунғиз.

Хок-и раҳ бўлуб ўшул сарв-и равон йўлинда,  
Жон элин орзу бўйнига ҳамойил кўрунғиз.

Биру ҳам борлиқинга ўшанинг шак сизмас,  
Зот-и хуршидга зарротни қойил кўрунғиз.

Исм ила расм агар бўлмаса Ҳофиз кушдур,  
Ойнинг юзина ул абри қойил кўрунғиз.

428

Неча бўлғай жонима бедодинғиз,  
Оқибат бергай худойим додинғиз.

Қилди бунёд-и кўнгул мулкин хароб,  
Кўз кўра ул аҳд-и бебунёддинғиз.

Ишқғали хаста кўнгулнинг шаҳрини,  
Бўлмади ушбу хароб ободинғиз.

Гарчи ёд этмадинғиз ман бандани,  
Кетмади бир дам кўнгулдин ёдинғиз.

<sup>1</sup> Сўз ўчирилган.



Не ажаб, лаълинг тилаб жон берсаман,  
Ул эрур Ширину ман Фарҳодингиз.

Сарвларни боғда шод этмади,  
Ул ниҳол-и қад-и чун шамшодингиз.

Сарв қадингни каноримда кўруб,  
Ғамдин ўлмағайму ман озодингиз.

Хуснунгизга ниқнёд этсам, не тонг,  
Меҳр ила чун моҳ эрур мунқодингиз.

Бўлғали жон бирла Ҳофиз бандангиз,  
Ортди эшигингизда шодингиз.

429

Тиг-и тез ила қачонким тилар эрса хунрез,  
Ғамза бирла боқар ул кўзлари кофир манга тез.

Дард берур тақи кўзунг ёшин оқтурма тез,  
Ҳукм этар бандага ул шоҳки каждору мариз.

Банда-йи қадди бўлуб бўлди ниёз ила чу хок,  
Гарчи сарв-и чаман озод эруру ҳам навхез.

Лутф-и лаъл-и лабию белини ёд айларман,  
Қилойим теган аро маъно-йи нозик ангез.

Ўшанинг ёди лаб-и лаъли била сўзларидин,  
Сўзларим об-и ҳаёте кўрунур шаҳдомиз.

Барча доман иноётима қўл сунғайлар,  
Сар-и зулфиндин агар бўлса манга дастовез.

Заррасон толиб-и дийдор бўл эмди Ҳофиз,  
Чунким ул ёр кўрунди санга шамс-и Табриз.

430

Бермади бўсае менга ул лаъл-и қандрез,  
Чун туркман қўлинга киши бермади мавиз.

Қанд-и об-и лаълнини тилаю жонни берсаман,  
Маҳшарга тегру чаккаман овоз рез-рез.

Мани банди-йи мутибъ анга жон била экан,  
Неча қилур бу шоҳ-и замон ҳақима ситез.

Юз хун-и бегуноҳ қилур ул қаро кўзи,  
Ул дамки қаҳр ғамзасидин чақса тиг-и тез.

Бўстонлар ичра ҳар нечаким гашт айладим,  
Зулфи бикин бинафша кўрунмас анбарбез.

Гар шона қилса юзи уза зулфин ул нигор,  
Ошиқлар орасинда бўлур рўз-и рустахез.

Ҳофиз бу тун савнубдур анинг банд-и зулфина,  
Чун йўқтурур анга бу балодин сар-и гурез.

431

Тушкали зулфина анинг бўлди кўнгул қарорсиз,  
Кўз ёшидин нигор эрур юзум ўшул нигорсиз.

Ҳар не тариқаким келур бўлса кечар жаҳон ғами,  
Мушқил эрур кечурмаким мунису ғамгузорсиз.

Орзу қилғали анинг бўсу канорини кўнгул,  
Чашмасифат кўзум ёши баҳр эрур канорсиз.

Шавқ ўтиға ҳар нафас ёнғил ўш эмди, эй кўнгул,  
Бўлмади чун Халил иши ишқ йўлинда норсиз.

Юзини кўргали анинг жон чакар интизорким,  
Манзар-и хўбға назар хуш дагул интизорсиз.

Бормас эдим эшигина ҳар нафасе равон, вале  
Ўзи бикин мани қилибдур кўнгул ихтиёрсиз.

Ҳофиз жон берур эди, ёрни топса бир нафас,  
Оҳ чакиб кўрунгим ул жон чакар эмди ёрсиз.

432

Ошиқ-и хаста кўнглини кўз учидин қарарсиз,  
Хок-и роҳ ила дам-бадам қонини ҳам қорарсиз.

Топқай эрди қарор жон танининг ичинда бир нафас,  
Ул қаро зулфунгиз бики бўлмасангиз қарорсиз.

Ўз белингиз сифатини ҳам ўзингиз баён қилинг,  
Нозук маъноларда чун сўз била қил ёрарсиз.

Ҳар нечаким ёрар ул ғамза ўқи юрак, вале  
Лаъл-и лабинг сўзи била ул яраға ярарсиз.

Лаъл-и лабинг эрур манга марҳам-и жону ҳар нафас,  
Ҳолини билмаган киши так кишидин сўрарсиз.

Хаста кўнгул бўлур хароб ой юзунгни кўрмасам  
Ким, кўнглум вилоятин билган шаҳриёрсиз.

Бергаси бор кўрклулар ерга рух урсун эмдиким,  
Барча пивёдаву ўшул орада шаҳсуворсиз.

Мушк-и Хўтан бикин қаро зулфу кўзунгни кўргали,  
Чин бу улуснинг ичра ман билдимким топарсиз.

Ҳофиз-и дилшигастаннинг кўзи қамар тею равон,  
Сунбул-и тозани қамар устина хуш ёрарсиз.

433

Ёнар жоним фироқ ўти била ҳар дамда жононсиз,  
Анингтакким қафас ичра ёнар булбул гулистонсиз.

Кўзумнинг ёшидин ул ёш доим тозаву хушдур,  
Чу бўлмас тозаву хуш гулистон гуллари боронсиз.

Эшигинда юзин кўруб фиғон чаксам ғариб эрмас,  
Гулистонда чу гул кўрганда бўлмас булбул афғонсиз.

Нечаким гулистон каздим юзининг ҳасрати бирла,  
Кўрунмади манга бир тоза гул чок-и гирибонсиз.

Тамом ўхшағай эрди моҳ-и тобон юзина анинг,  
Бўла билса эди доим анингтак ҳусни нуқсонсиз.

Анинг савдо-йи ишқи бирла доим мубталодур жон,  
Киммаким тушди мундоғ дард, тушди ҳеч дармонсиз.

Висол-и ийдин издаю қилайим жонни ман қурбон,  
Дуо чун мустажоб ўлмас муҳиблар кешиде қонсиз.

Қаро зулфи ниқобини юзидан олмаса дилбар,  
Тушуб куфру залолатға қолурман шаксиз, имонсиз.

Хаёли тушмаса кўнглум эви вайрон бўлур, Ҳофиз,  
Бале, вайрон бўлур мулжу вилоят шоҳу султонсиз.

Умр кечдию манга бўлмас ўшул ёр ҳануз,  
Жавр этар ёр-и вафодор дилдор ҳануз.

Ёрлиқ йўлида жонимни фидо қилдим анга,  
Ёр бўлмас манга ул дилбар-и айёр ҳануз.

Ҳар замон ошиқ-и бечорани кўрганда қочар,  
Етса бўлур ўшанга оқуй-и тотор ҳануз.

Шеваю ноз била сайд этадур оламни,  
Кўз учидин боқиб ул наргис-и бемор ҳануз.

Мани озурда қилиб, ўзга била борғали,  
Борур хаста кўнглумда ул озор ҳануз.

Нор янглиғ янгоқи ўтга мани ёқғали,  
Издасанг ноз бу жонимда ўшул нор ҳануз.

Жон била ошиқ эди Ҳофиз ўшул жононга,  
Ким йўқ эрди бу жаҳондин тақи осор ҳануз.

Барча жононлар аро жонса ҳануз,  
Жондин ортуқроқ жононсан ҳануз.

Жумла соҳибҳусн юлдузга менгиз,  
Уртада сен моҳ-и тобонсан ҳануз.

Рост билдим сарвитақ қадинг кўруб  
Ким, маним дардимга дармонсан ҳануз.

Ошиқ-и асрорман тею ваъда қилиб,  
Қилған ул ваъдани ёлғонсан ҳануз.

Нақд-и олам қийматингдур етсаман,  
Нарх ортурғилким арзонсан ҳануз.

Тўтий-и табъим наво сандин топар,  
Эй шакарлаб, шакарстонсан ҳануз.

Банда бўлди жон била Ҳофиз санга  
Ким, ҳусн тахтида султонсан ҳануз.

Оз қил жавру жафо, эй шоҳимиз,  
Чун эурсан ҳолдин огоҳимиз.

Ойтак юзунгинг узра бехато,  
Оқибат чиқгай бу дуд-и оҳимиз.

Бўлса не бўлгай мунаввар бир кеча,  
Ой юзунг нуридин хиргоҳимиз.

Ушбу қулнинг бир муроди ул эрур  
Ким, сенинг туғунгда ўлса, шоҳимиз.

Садр-и жаннат ичра топгайман мақом,  
Остонинг бўлса манзилгоҳимиз.

Турра-йи таррорингизни кўргали,  
Дол эрур бу қомат-и дутоҳимиз.

Жонсану Ҳофиз савар жонтак сани,  
Мундин ўзга йўқтурур бериҳимиз.

Оз қил жавру жафо, эй ёримиз,  
Чун эурсан воқиф-и асроримиз.

Хоб-и ғафлатдин кўзунгни очмадинг  
Бир замон, эй давлат-и бедоримиз.

Неча қочгайсан бу ошиқни кўруб  
Бехато, эй оҳуй-и тоторимиз.

Йўқ турур хунрез кофир сан текин,  
Бор кофирлигинга иқроримиз.

Бор-и ишқингни чакарман жон била,  
Шукр-и бориким, йўқ ўзга боримиз.

Хору хоротак эрур олам, вале  
Ол юзунгдур гулу гулзоримиз.

Сандин ўзгани бу Ҳофиз савмади,  
Ушбу сўздур ҳосил-и гуфторимиз.

Тунла кўпуб ёқа қопуб ёримиз,  
Ҳақға тегил, боқ, не бўлур коримиз.

Кўрмай хуршид-и жамолин яқин,  
Гарм бўла билмас бозоримиз.

Ҳусну жамолига зиён тушмагай,  
Бўлса гулистон нафасе хоримиз.

Лойиқ анинг ҳусну жамолинга, ҳеч  
Бўлмади бу дийда-йи хунборимиз.

Ер эшигинда биза берса бор,  
Иўқ бўлуб бор бўлур боримиз.

Ел бики саҳрода баса елдурур,  
Ошиқин ул оҳу-йи тоторимиз.

Ҳофиздин издаманг орому сабр,  
Чун бу эрур шеваю рафторимиз.

Чиқмаса эмди маҳ-и тоборимиз,  
Оҳ била чиқғусидур жонимиз.

Булбул-и жон кетмас анинг кўйидин,  
Чун бу эрур боғу гулистонимиз.

Юзи била зулфи эрур дойимо,  
Боғ-и жаҳонда гулу райҳонимиз.

Тор оғзи бирла ўшанинг баса,  
Бор турур қисса-йи пинҳонимиз.

Жонни бериб ҳам топа билман висол,  
Ушбу эрур мушқулу осонимиз.

Ғамза-йи ғаммоз ила қоним тўкар,  
Ерда қачон қолғусидур қонимиз.

Ҳофизнинг жонин этибдур кабоб,  
Жумла-йи жаҳониндин бир ёнимиз.

Холу хатнинг донаву ҳам домимиз,  
Оғзу кўзунг пиставу бедомимиз.

Лола юзу сунбул-и зулфунг кўруб,  
Кечди баса хуш саҳару шомимиз.

Савгали ул турра-и шаб рангни,  
Иўқтурур бир нафас оромимиз.

Қилди қароқчи қаро кофир кўзунг,  
Ғамза била ғорат-и исломимиз.

Ишқ шароби била жом-и кўнгул,  
Тўлса бўлур яхши саранжомимиз.

Топмади кўнглум тилагини даме,  
Бўлғали ул лаъл-и лабинг комимиз.

Ҳофиз ўшул лаъл-и лабингни тилар,  
Кетмади ҳаргиз тамаъ-и жомимиз.

Неча қийғай жавр бирла жонимизга ёримиз,  
Ёр бўлмасму ҳануз ул дилбар-и айёримиз.

То анинг дарду ғами ором жонда айлади,  
Бўлмади бир лаҳза беғам сина-йи афгоримиз.

Талхлиқ бирла қачон кечкай эди умр-и азиз,  
Илгимизга тушса эрди жон-и ширинкоримиз.

Оҳ оташбоз Яъқуб-и ҳазинтак жон чакар,  
Гарм эрур ҳусни Юсуф бирла чун бозоримиз.

Жонни ўйнамоқ баса осон эрур ишқинда, лек  
Ул писанд этмас бу сўзни ушбудур душворимиз.

Зорню афғон чу, булбул, чаксаман эрмас айб,  
Юзи эрур чун гулу ашқидур гулзоримиз.

Асрасун бу Ҳофиз-и бечорани лутфи била,  
Олам-и маънодаги ул олам-и асроримиз.

Андоқки туғар ҳусн била моҳ-и шабафрӯз,  
Кўринса бу дилдор манга кеча бўлур рӯз.

Шаксиз бу замон бўлғай эди толиъ ўшул моҳ,  
Ёрий манга кўргузса эди толиъ-и перуз.

Қадр ахшомитакким қаро зулфи манга кўрнур,  
Илгимга тушар бўлса бўлур ийд ила наврӯз.

Жоним била ман ишқ ўтина ўртанадурман,  
Андоқки тушар шамъ ила парвона-йи жонсўз.

Бўлди жигарим пора бу дам рашк элиндин,  
Ул ғамза ўқи ўзгагаким бўлди жигардўз.

Чун мусҳаф-и юзи уза кўрунди хатт-и сабз,  
Ул важҳ била бўлди бу бечора ғамандўз.

Қилмас эди ул яхши бу Ҳофизга ёмонлиқ,  
Бўлмаса қошиндағи рақиблари бадомуз.

Ҳар неча ноз айласа ул сарвинозимиз,  
Бўлур муҳаббат ила зиёда ниёзимиз.

Раҳмат эшиги юзимиза қаршу очилур,  
Гар айласа назар биза ул чашмбозимиз.

Зулфи керакким илгимиза тушса бехато,  
Қадини чунким айлади умр дарозимиз.

Чанг-и балода ишқ ўтина уд-и жон ёқар,  
Чун хуш келур ҳамиша анга сўзу созимиз.

Кўз кўра жонимиз эриди лаълини тилаб,  
Раҳм этса не бўла биза ул жонгудозимиз.

Қон бўлмас эрди хаста жигар дард илгиндин,  
Гаҳ-гоҳ лутф қилса эди дилнавозимиз.

Маҳмуд бўла оқибат кор, Ҳофизо,  
Лутф ила теса бандани султон Аёзимиз.



Жонин фидо қилур сиза ушбу дуочингиз,  
Меҳри жамолингизни, оё шоҳим, очингиз.

Кўзум жамолингизни кўрар кунда бир, вале  
Ул кўрмаги била тўя олмас бу очингиз.

Кўрмай юзунгни хаста бўлуб иштиёқдин,  
Ошиқ ўлар соқигусидин боре очингиз.

Лаъл-и лабингни кўрган аро лаълдур тесам,  
Сиз сўз била жаҳонга гуҳарларни сочингиз.

Тушса бало камандина Ҳофиз, ғариб эмас,  
Дом-и бало эрур бўюнги узра сочингиз.

Лабидур тўти-йи шаккарпардоз,  
Зулфидур ҳинду-йи камандандоз.

Муқтасар бўлди оғзи бирла сўзум,  
Гарчи зулфитак эрди дуру дароз.

Нозни юз ниёз ила тиласам  
Ноз бир қилғали қилур юз ноз.

Банда эрди Аёзу шаҳ Маҳмуд,  
Банда Маҳмуд бўлди, шоҳ Аёз.

Лутф қилса манга ғариб эрмас,  
Ман ғарибу ўшул ғарибнавоз.

Ҳолу розимни ғам билур шаксиз,  
Йўқ манга ғамдин ўзга маҳрам-и роз.

Ишқнинг ўтина ёнар жоним,  
Шамънинг ишидур чу сўзу гудоз.

Чакса ман эшигинда оҳу фиғон,  
Ул жаҳонда эшиткасиз овоз.

Кеч бу Хоразмдин равон, Ҳофиз,  
Тилар эрсанг Ироқу ҳам Шероз.

Кўнглумни олан оху-йи ваҳший қочадур боз,  
Ҳар неча ниёз айласам, ул онча қилур ноз.

Жоним қуши гар чиқса танимнинг қафасиндин,  
Қилгай эди бори ўшанинг кўйинда парвоз.

Туфроқ ўшанинг қади ҳавосинда бўлайин,  
То раҳм қилиб чиқгай ўшул сарв-и сарафроз.

Ошиқ назари пок керакдур бу жаҳондин,  
Чун зоғ бикин савмади мурдорни шаҳбоз.

Уртуклу агар қолмаса ҳолим ажаб эрмас,  
Чун ишқ тақи мушк эрур ўзинна ғаммоз.

Юз тийр-и бало келди эса ёр ёниндин,  
Қайтармади ҳаргиз юзини ошиқ-и жонбоз.

Ҳофизни кўрунг ушбу замон турк тилинда,  
Гар кечди эса форсада ул Ҳофиз-и Шероз.

Сарвинозим нечаким қилса маним ҳаққима ноз,  
Кўргузурман ўшанинг нозина юз турлу ниёз.

Тарк-и шоҳид қилайим тер кўнглум рост, вале  
Мани ёндурди бу кўзумким, эрур шоҳидбоз.

Кўз ёши тушмагай эрди назаримдин ҳар дам,  
Ман ғамхора била бўлса эди маҳрам-и роз.

Заъф ҳолинда белни ёд қилиб чаксам оҳ,  
Ул жаҳондин сиз эшитгайсиз ўшул дам овоз.

Касди миқроз жафоси била бошимни, вале  
Шамътак бошдин ёнмоқ яна қилдим оғоз.

Кўзлари кирцук ила сайд қилур кўнглумни,  
Сайд чипчуқни нетак айласа панжа била боз.

Оғзи сўзи била сўз мухтасар эткил Ҳофиз,  
Қилмағил зулфи бикин ҳар нафасе қисса дароз.

Чангни чангинга олганда қилиб уд ила соз,  
Пардани рост қил, эй мутриб-и ушпоқнавоз.

Гар Сифоҳонда наво топмасанг, эй ёр-и бузруг,  
Қилғасан азм-и Ироқ айлаб оҳанг-и Ҳижоз.

Парда-йи ғайбада не боруни келтурасидур,  
Дам-бадам бошимиза бу фалак-и луъбатбоз.

Ишқ бўстонида товус-и малойик сансан,  
Олам-и улвийда қил боз ҳаво-йи парвоз.

Ошиқ-и содиқ эсанг хокраҳ-и жонон бўл,  
Ишқнинг йўлида қайда ярашур нозу ниёз.

Мушк издадики бўлса эски тупроқи,  
Вале жонон тиламас бўлса эшикда ғаммоз.

Танг кўрар ҳар киши Ҳофиз била ўзини, вале  
Сайд қилмоқда магаслар бўла билмас шаҳбоз.

Ҳар нечаки айласам жону кўнгулдин ниёз,  
Дам-бадам афзун қилур жонима жонона ноз.

Кўнглум ўшул ёрдин бир нафас кетмади,  
Орий, кўрулгани йўқ ишқ-и ҳақиқат мажоз.

Ҳуснина ошиқ агар бўлдум эса, не ажаб,  
Айлади Маҳмудни банда чу ҳусн-и Аёз.

Қоши хаёли агар бўлмаса меҳроб-и жон,  
Қайда бўлур топмаға завқу ҳузур-и намоз.

Қилғай эди банданинг ҳолина жонон назар,  
Бўлса эди кўзлари кәфир мискиннавоз.

Мани кўруб эҳтироз наг қилур ул нозанин,  
Хок-и раҳиндин киши қилмади чун эҳтироз.

Сирр-и даҳонингга гар етсам эди, Ҳофизо,  
Мажмуъ-и оламда ман бўлғай эрдим аҳл-и роз.

Гадосинга ўшул султон қилур ноз,  
Тан-и бежонга кўргил, жон қилур ноз.

Ниёзим раҳтини бозор-и гамда,  
Чу хок-и роҳ бас арзон қилур ноз.

Кўруб ҳолимини кофир раҳм айлар,  
Кўзи кофир манга чандон қилур ноз.

Енарман булбул-и ошуфта янглиғ,  
Қачонким ул гул-и хандон қилур ноз.

Ниёз айласа булбул гул юзига,  
Не ёндин ул гул-и бўстон қилур ноз.

Катон янглиғ бўлур юз пора сийна,  
Қачонким ул моҳ-и тобон қилур ноз.

Еқиб ишқ ўтнна Ҳофизни пайдо,  
Иноятини бас пинҳон қилур ноз.

Ман ниёз айласам қилур юз ноз,  
Хуш эрур чун арода нозу ниёз.

Зулфи илгимга гар тушар бўлса,  
Тонгай эрдим жаҳонда умр-и дароз.

Хаста кўнглумни авлағай эрди,  
Бўлса ул нозанин ғарибнавоз.

Бўй-и жон зулфидин келур донм,  
Орий, мушк-и тотор эрур гаммоз.

Доғ-и ҳижрондин айта билмасман,  
Қайда ўлган киши қилур овоз.

Бозтак жонни сайд қилғали,  
Бўлди анинг ёнинга кўзум боз.

Не ажаб, бўлса қул анга Ҳофиз,  
Шоҳ Маҳмуду бандадур чу Аёз.

Кўргузса нурин сабоҳи наврўз,  
Бўлғай манга ийд рўзи ул рўз.

Жонни анга ман нисор қилсам,  
Бўлғай бу нишон-и бахт-и перўз.

Бўстон-и афрўз кўзга яқмас,  
Гул юзи чу бўлди оламафрўз.

Ҳар лаҳза жигардин оҳ чакдим,  
Чун ишқ ўти эрур жигарсўз.

Бўлди юрагим ҳазор пора,  
То ғамзаси ўқи бўлди дилдўз.

Дарду ғамидин қачон қутулсун,  
Чун бўлди бу хаста жон ғамандўз.

Ҳофиз тиласанг юзини кўрмак,  
Чун шамъ назарда куйгил имрўз.

Қилган аро хиром бу сарв-и равонимиз,  
Бенхтиёр борур ўшул ёнга жонимиз.

Жону жаҳонни ҳар нафасе кўзга илмадук,  
Бўлғали жон-и жон биза жону жаҳонимиз.

Сайр айлади кўнгул бу яқини гумон аро,  
То бўлди сўзу оғзи яқини гумонимиз.

Сўзни мудом сўзлади ёр оғзидин кўнгул,  
Улдур жаҳоннинг ичра чу айш-и ниҳонимиз.

Жон комини топар эди оламда бехато,  
Шакар лаби сўзин теса ширин забонимиз.

Ул хонумонсиёҳ қаро кўзи жавр ила,  
Қилди хароб кўз кўра бу хонумонимиз.

Ул фитна қилғучи қаро кўз жонни олмайин,  
Бермади бир нафас биза Ҳофиз имонимиз.

Бу оҳим ул бут-и бераҳм, бевафоға етишмас,  
Гадо-йи сўхтадил ҳоли подшоға етишмас.

Не турлу тарбияте ишқнинг йўлидаким, алар.  
Ушул нигор элиндин жавр ила жафоға етишмас.

Бало-йи ишқдин, эй зоҳид-и фусурда ғам эрмас,  
Чу ман баломану ҳаргиз бало балоға етишмас.

Висол-и хонидин охир наволае не эрурим,  
Етишдим эмди бу хонимғаю гадоға етишмас.

Наво кўнгул талаб айлар ҳамиша юзи гулидин,  
Вале чу булбул-и маҳзун бикин навоға етишмас.

Ҳаво-йи ишқ ила парвоз доимо қиладурман,  
Танаъзуми чу жаҳон ичра бу ҳавоға етишмас.

Бақо-йи ишқ талаб айласанг фано бўл, Ҳофиз,  
Фано-йи маҳз чу бўлмаи киши бақоға етишмас.

Жон лутфда ҳаргиз лаб-и жононға етишмас,  
Тупроқ бале лаъл-и Бадахшонға етишмас.

Жон лаълيني сўрмоқлиқ учун сўрдию лекин  
Бўлмай Хизр ул чашма-йи ҳайвонға етишмас.

Жонона тедиким, сани ман ўлтурасиман,  
Не фойда ул аҳд ила паймонға етишмас.

Хуршидға заррот-и жаҳон етию лекин  
Недурки бу қул ҳазрат-и султонға етишмас.

Етмасам анинг юзини кўргали тонг эрмас,  
Ҳар зарра чу ҳуршид-и дурахшонға етишмас.

Чун ҳоли паришонман анинг зулфи элиндин,  
Ҳаргиз маним ишим сару сомонға етишмас.

Ҳофиз бу чаман ичра наво қилғучилар бор,  
Лекин бири ҳам булбул-и нолонға етишмас

Жононадин ўзга кўнглум жонини билмас,  
Ким мундоғ эмас куфр ила имонини билмас.

Ман бандалигин жон била тун-кун қиладурман,  
Ким бандалик айламаса султонини билмас.

Жондин кечайим терман анинг ишқи биланким,  
Жондин кеча билмай киши жонинини билмас.

Хуршид-и ҳақиқатга етишмага не имкон,  
Заррот-и жаҳоннинг киши чун сонини билмас.

Бу ишқ анинг бики бало-йи баҳр эрурким,  
Ҳеч кимса каноринию поёнини билмас.

Девона-йи ишқиким анинг кўйини топмас,  
Ул булбула ўхшарки гулистонини билмас.

Ҳофизким анинг лаъл-и лабиндин тиламас ком,  
Ул тўтий эрурким шакарстонини билмас.

Юзунги кўзум кўрмаса равшан бўла билмас,  
Сансиз кўнглум жаннату гулшан бўла билмас.

Бу сийна-йи сўзонда хаёлинг ажаб эрур,  
Чун ҳур-и жинон манзили гулхан бўла билмас.

Кофир қаро кўзунг кўнглум алдаю олди,  
Жодулар ўшанинг бики пурфан бўла билмас.

Гавҳар тишинга дурни қачон танг қилаймким,  
Гавҳар била танг дона-йи арзон бўла билмас.

Гул юзунг уза хол-и сиёҳинг ажаб эрмас,  
Бир донасиз, эй моҳ, чу хирман бўла билмас.

Кўз мардуми бар қайда топар қоматингиздин,  
Баҳрийлар учун сарв нишман бўла билмас.

Қайда тика билгайман ўшул оғзингга кўзни,  
Пайдо манга чун бир сар-и сўзон бўла билмас.

Ман қайда бўла билгайман, эй шоҳ, қошингда,  
Сан бўлган ўшул ҳолда чун ман бўла билмас.

Мискинлик ила хок-и раҳинг бўлди бу Ҳофиз,  
Илло, эшигингда анга маскан бўла билмас.

458

Қани ҳажриндин ўшанинги жигарреш эрмас,  
Хешу пайванддин ул дард ила беҳуш эрмас.

Бор дил-и реш баче олам ичинда, илло  
Ман дилхаста бикин ҳар киши дилреш эрмас.

Ҳол-баҳол манга ишқ ила хуш бўлсунким,  
Ошиқ-и сўхталар оқибатандеш эрмас.

Суврат-и фақру фанода топа билган ишқин,  
Шоҳдур маъно била ул киши, дарвеш эрмас.

Бўлғали ушбу камонабру ўқинга қурбон,  
Ишқ кешинда бу жон бўлди-ю бекеш эрмас.

Элга рў солмағил ўзунгни сафо суффасида  
Аниким, сан талаб айларсан, ўшул пеш эрмас.

Ҳофизо, ёр карак бўлса фано-йн ишқ ўл,  
Сўз бу эрур тақи бу сўзда каму беш эрмас.

459

Бир ақиқ ул лаб-и лаълинг била ҳамранг эмас,  
Чин-и зулфунг бики чин мамлакат-и занг эмас.

Лаб-и лаълинг била кўз ёшини якранг этдим,  
Ошиқ эрмас кишиким ишқда якранг эмас.

Тор оғзингга шакар тунгини ўхшатмасман,  
Тунг-и шаккар ўшанинг бирла чу ҳамтанг эмас.

Қош-и ёсинга ўшул кирпук ўқин қазламағил,  
Чун санинг бирла биз иккимиз аро жанг эмас.

Сангим бошима ишқинг йўлида ташласалар,  
Гул-и садбарг эрур бошим учун, санг эмас.



Ман тилаганда сани сан тилар эрсанг мани,  
Юз туман йиллиқ йўл орада фарсанг эмас.

Қайда Мансур бу йўлда бўла билгай Ҳофиз,  
Ишқ дориндин ўшул кишиким, ованг эмас.

460

Муҳаббати кўнгулу жонда чунки солди асос,  
Яратганимга қилайим ўш эмди шукру сипос.

Насим-и субҳ магар зулфидин кечиб келди,  
Ки гулистонда казар эмди анбарин анфос.

Жаҳон халойиқидин ваҳший охутак қочқай,  
Кўзи хаёли била жонга бўлса истинос.

Қадаҳ бикин ҳадақ-и кўз бўлур чу жом-и шароб,  
Лабини ёд этиб илгимгаким олурман кос.

Ғариб кўрма агар дом-и зулфина тушсам,  
Тушар манинг бики сайд анда бешумору қиёс.

Табибдин тиламан дард-и дил учун дору,  
Чу дард-и ишқ иложини билмади Жомос.

Дуо-йи шоҳ-и замон қил ниёз ила Ҳофиз,  
Чу шоҳ-и ишқ ўшулдур қошинда сан чу Аёс.

461

Солди кўнгулда сифат-и ишқ асос  
Қилман ўш эмди ўлумдин ҳарос.

Халқ аро кўрсам ўшани, не ажаб,  
Нур-и илоҳийни кўрар ҳақшунос.

Атласу иксунини кўза илмагай,  
Салтанат-и фақрда кийган палос.

Дамни ғанимат кўру дам ўғли бўл,  
Ким бу эрур шукр-и ҳақу ҳам сипос.

Ғар тиласанг Каъба-йи мақсудин  
Ишқ йўлинда қадамнинг яхши бос.

— 258 —

Рост била эгри қачон танг бўлур,  
Бўлмади танг ҳеч йипак бирла лос.

Жумла жаҳон сояю ишқ офтоб,  
Маъно эрур бир, вале кўн либос.

Узр-и гуноҳ қилмоқ эрур, бас гуноҳ,  
Чун ўшанинг раҳматидур беқиёс.

Бўлса бу Ҳофиз анга қул не ажаб,  
Банда-йи маҳмуд бўлубдур аёс.

462

То дард-и ишқи бўлди хаста кўнгулга мунис,  
Бўлмади айшу ишрат ёнинга ул муҳаввис.

Ақл ила ишқ ҳаргиз туз келмади бу йўлда,  
Ошиқ қошинда сиғмас чун зоҳид-и мувавис.

Парвонатак бу жонни ўтга равон ёқайим,  
Равшан юзи қачонким бўлса чароғ-и мажлис.

Лаъл-и хаёли қилса муфлис мани, тонг эрмас,  
Майхорани чун айлар бода мудом муфлис.

Устод жоду кўзи таълим-и ғамзасинга  
Шогирд бўлди жондин муфтию ҳам мударрис.

Лавҳ-и жаҳоннинг ичра чакмади қоши янглиғ,  
Нақш-и қазову қудрат то бўлдилар муҳандис.

Ҳофиз бикин жаҳонда машҳур бўлғай эрдим,  
Ед айласа бу қулни султон Абулфаворис.

463

Майдинки бу мажлисда тўлу жом кўрунмас,  
Мажлис ишида қатра саранжом кўрунмас.

Ком издаюр эрсанг чакакўр жомни ҳар дам,  
Чун жомсизин умрга хушқом кўрунмас.

Ҳар нечаки бўстону гулистонни казарман,  
Андоғ манга бир сарв-и гуландом кўрунмас.

Юзи била зулфи сўзин аврод қилибман,  
Ошиққа чу мундоғ саҳару шом кўрунмас.

Айём балосинға сигинурман ўшандин,  
Ул шўх бикин фитна чу айём кўрунмас.

Инъом-и лаб-и лаълин ўшанинг талаб айлаб,  
Жон етти тудоқимғаю инъом кўрунмас.

Кўз тутмағил, эй Ҳофиз, ўшандин шафқатни,  
Кофир кўзи давринда чу ислом кўрунмас.

464

Кўнглумни олан дилбар-и айёра кўрунмас,  
Сўзлари бало, кўзлари хунхора кўрунмас.

Ул лола-и сероб юзинга боқа билман,  
Ким лойиқ анинг юзина наззора кўрунмас.

Арбоб-и ҳусн маҳв бўлур юзини очса,  
Хуршид қошинда, бале, истора кўрунмас.

Раҳм айламади ҳолима ул шўх-и ситамгар,  
Пўлосифат кўнглина танг хора кўрунмас.

Фарёд ўшул ғамза-йи хунрез элиндин,  
Ким қоплар оқар дам-бадам, ёра кўрунмас.

Айб айлама гар сийна эрур оҳ элиндин чок,  
Ул хирқамудур ишқдаким пора кўрунмас.

Бечорасини издаса лутф айлагали дўст,  
Ҳофиз бики ушшоқ аро бечора кўрунмас.

465

Юзунг борида меҳр ила моҳтоб каракмас,  
Қошинг қошида тоқ ила меҳроб каракмас.

Ул юз била зулфунгни кўруб ошиқ-и содиқ,  
Гулни тиламас сунбул-и сероб каракмас.

Ширин лаб-и лаълинг сўза машғул бўлурда,  
Ошиқларингга қанд ила жулоб каракмас.

— 260 —

Қон ёш юзум узра борур жавринг элиндин,  
Мундин ўнгин ул сафҳа уза боб каракмас.

Ғарқ айлади кўз чашмаси дарё бики мани,  
Ғарқ эткучи мундоғ манга селоб каракмас.

Кўнглимни олиб солма назардин мани, эй дўст,  
Яхши тақн кўрклу киши қаллоб каракмас.

Ҳофиз эшигнгнинг итина берди иродат,  
Андникин анга шайх ила асҳоб каракмас.

466

Юзунг бикин кўрадурманким офтоб эрмас,  
Сачинг бикин тақи хушбўй мушкиноб эрмас.

Латофат ичра юзунгдур гулу гулоб тесам,  
Тақи кўрарман ўшандоғ гулу гулоб эрмас.

Шакар бикин тудоқингни сўруб билибдурман  
Ким, андайин киши асруткучи шароб эрмас.

Хароб-и ишқ кўруб таъна қилмасун зоҳид,  
Хароб эрур кишиким, ишқдин хароб эрмас.

Хатоси йўқ, бу сўзумни агар билур бўлсанг,  
Хатосизин мани ўлтурмағил савоб эрмас.

Шаробтак лаб-и лаълингнинг орзусида,  
Муҳаббат ўтина бағри кимунг каоб эрмас.

Савол-и бўса қилур Ҳофизо не сўзларсан  
Ким, ул саволга бу сўзларинг жавоб эрмас.

467

Қароре бир замон қошимда ул зебо нигор этмас,  
Маним умр-и азизимдур ўшул ёндин қарор этмас.

Кимунгким давлату иқболини ул пойдор айлар,  
Соғинмаким мақому манзилини пойдор этмас.

Ҳаво-йи ишқ бирла тозадур гулзор-и жон доим,  
Ҳаво-йи ишқ қилган ишни ҳаргиз навбаҳор этмас.

— 261 —

Даме ул сарв-и озодим чиқиб тинмас эшигинда,  
Кўзумнинг ёшидин токим эшигин лолазор этмас.

Кўзи турк сипоҳитак чакар кирпугидин ханжар,  
Ушул хунрез ханжар қилган ишни зулфиқор этмас.

Қилур оҳим асар ногаҳ тегарса санг-и хороға,  
Валекни ул жафочи шўхнинг кўнглинга кор этмас.

Қачон топғай жаҳон ичра бу Ҳофиз ихтиёрини,  
Ким анинг жони ул жонондин ўзга ихтиёр этмас.

468

Ниҳол-и сарв-и қаддингтак равон бўстонда жон кўрмас,  
Сани яхши кўрар жоннинг кўзи ҳаргиз ёмон кўрмас.

Мажоз эрмас ҳақиқатдур бу маъно олам ичра, ким  
Яқин юзунгни кўрганлар яқин бирла гумон кўрмас

Баён-и ишқ издаган китоб-и сабрни ўқимай,  
Бирор ҳарфинда ошиқнинг ҳазарон дoston кўрмас.

Жамолинг икки кўз нури бўлуб кўргузди оламини,  
Кўзи бўлмағай онингким жамолингни аён кўрмас.

Сарафроз-и жаҳон қайда бўла билсун эшигингда  
Кишиким, донмо ўзин чу хок-и остон кўрмас.

Юзунг кўрмоқ учун жонни равон қилмоқ тиларман ким,  
Санингтак шоҳни ҳар бир гадое ройгон кўрмас.

Бақо юзунга фоний бўлмағай ҳар киши Ҳофизтак  
Ким ўлмакни вафо йўлинда умр-и жовидон кўрмас.

469

Не ҳол эрурким ўшул шоҳ гадосини сўрмас,  
Балоға солғали ўз мубталосини сўрмас.

Бўлубтурур яна бегона ул жафочи санам  
Ким, эмди жонга қийиб ошносини сўрмас.

Мурод била борур ҳар тарафга ёр, вале  
Бирор-бирорда келиб бенавосини сўрмас.

Бало-йи ишқ кўнгул мулкни ёқар бўлса,  
Иноятим турур ул теб балосини сўрмас.

Таники бўлса жудо жонидин анинг бики ман  
Ва лек жавр этар ул жон жудосини сўрмас.

Фироқида кўнглум бирла кўз аро қондур,  
Вале кўнгул бида кўз можаросини сўрмас.

Баҳона бирлаким ўлтурди ёр Ҳофизни,  
Лабиндин ўзга бу ҳам хунбаҳосини сўрмас.

470

Лаб-и лаълинг мазасин чашма-йи ҳайвон бермас,  
Жони бўлмағай анингким, ўшанга жон бермас.

Ул сафойнки юзунг бирла хатинг берди манга,  
Чаману боғда ҳаргиз гулу райҳон бермас.

Эшигинг топған аро боғу гулистон тиламан,  
Ул фатҳни манга чун боғу гулистон бермас.

Хор ёнини тутуб жилва-йи ноз айлар гул,  
Вале ўзгага кўнгул булбул-и нолон бермас.

Юзунг очганда қачон моҳ юзинга боқайим,  
Нур ҳаргиз чун анингтак маҳ-и тобон бермас.

Не ажаб бўлғай, агар васлинга етмадим эса,  
Мўрчага чу худо мулк-и Сулаймон бермас.

Киргали Ҳофиз майдон-и маоний ичра,  
Беҳунарларга бу маъно бида майдон бермас.

471

Агар ул шоҳ бу дарвеш ила ҳамдам бўлмас,  
Ҳеч жоне кўнглум сиррина маҳрам бўлмас.

Алиф қаддим агар дол бўлубдур, не ажаб,  
Қани ул тоғки бор-и гамидин ҳам бўлмас.

Ғамза ўқи бида жонимда қилибдур ёра,  
Лаълидин ўзга ўшул ёрага марҳам бўлмас.

Келтур, эй ёр, мувофиқ манга жом-и майни  
Ким, жаҳон ичра киши жомсизин Жам бўлмас.

Қадғуси йўқ ман ўлгандин ўшул султоннинг,  
Чун ғариб ўлса, жаҳонда анга мотам бўлмас.

Уғранибдурман анинг қадғуси бирла доим,  
Бўлмаса қадғуси кўнглум хушу хуррам бўлмас.

Ҳофизо, кўз ёшини айн-и сафодин кўргил,  
Ким сафо бўлмаса ҳаргиз тақи замзам бўлмас.

472

Хуршид ой юзунг бики соҳибжамол эмас,  
Кўнгул олмоқ ичра тоқ-и қошнингтақ ҳилол эмас.

Кўп ол юзлу юзидаги ол ол эрур,  
Илло, санинг юзунгда ўшул ол ол эмас.

Зоҳид юзунгни кўрсаву кечмаса холдин,  
Бўлғай яқин кўнгулгаким, ул аҳл-и ҳол эмас.

Оҳим ўтининг учқунидиндур нишонас,  
Гул хирманининг устида ул дона хол эмас.

Гаҳ-гоҳ раҳм қил тақи кўнглумни овлаким,  
Ошиқға раҳм қилса нагон, эй жон, вубол эмас.

Бўлдум асир кўз кўра айнинг балосидин,  
Яъни бу ишга ул қаро зулфунгму дол эмас.

Қилтақ белнинг сифатини ман кимга айтайм,  
Арбоб-и ҳолнинг иши чун қийлу қол эмас.

Сап айб қилма васфинг эта лол бўлсаман,  
Ориф эмасдур улки, сифотингда лол эмас.

Ҳофиз камол издаю жондин кечиб турур,  
Ким жондин кечмаса соҳибкамол эмас.

473

Ман ўларман дарддин кўргилким, ул жон англамас,  
Ўз гадоси ҳолидин наг кирту султон англамас.

Зорилик қилдим бу тун ёрим эшигинда, вале  
Не қилайимким, ўшул шаҳ оҳу фиғон англамас.

Дард бирла андайим жон ошно бўлди кўрунг,  
Ким қилур бўлсам анинг дардинга дармон англамас.

Жон чакарман ҳажрдин, жононға билманким, недур,  
Бир назар бирла бу душворимни осон англамас.

Ман фано бўлгандин ул англамаса, эрмас ажаб,  
Чун қатон пора бўлурдин моҳ-и тобон англамас.

Тўлганиб тўрт ённи парвонатак ёндим, вале  
Жон ёнаридин ўшул шамъ-и шабистон англамас.

Оху вовайло тею Ҳофиз кечар жондин равон  
Ким, бу мискин ҳолидин ул номусулмон англамас.

474

Бас жавру жафо қилмоқинг, эй ёр, ярашмас,  
Қилма манга бас жаврки бисёр ярашмас.

Дардинг юрагимда бор экан ҳажр ила қийма,  
Чун решининг узра тақи озор ярашмас.

Ҳолимға маним айлама инкорким, эй дўст,  
Куйган кишилар ҳолина инкор ярашмас.

Кўрганда сени айтмадим ҳол-и кўнгулин,  
Чун маҳв бўлур ҳолда гуфтор ярашмас.

Сан бор экан агёр ярашмас назаримда,  
Бийно кишининг кўзида чун хор ярашмас.

Бир бўса тиларман лаб-и лаълингни манга бер,  
Махмурға май бермаса хумор ярашмас.

Ҳофиз кўрали жаннат-и аъло эшигингни,  
Издаса ёзи юзида гулзор ярашмас.

475

Гадо-йи ишқ ҳузуринда подшо сиғмас,  
Шаҳ-и замон қошида, орий, ҳар гадо сиғмас.

Агарчи ошиқий бадному ринд эрур, анда  
Ўзини яхши кўрар шайху порсо сиғмас.

Анинг бикин кўнглум ранжу дард ила тўлди  
Ким, анда ёд-и мудавоу ҳам шифо сиғмас.

Азоқи тупроқини онча кўзума чакдим  
Ким, анда андин ўнгин зарра тўтиё сиғмас.

Жафодин ўзга маним бирла ёр аро йўқдур,  
Магар маним била ёрим аро вафо сиғмас.

Сабаб недурки, берурлар тануқлиқ ўлумума,  
Маним била ўшанинг аро чун гуво сиғмас.

Муҳиб эсанг тема Ҳофиз бу йўлда чуну чиро  
Анинг муҳаббатида чуну ҳам чиро сиғмас.

476

Жафо қилур манга дилдорким, жафо қилмас,  
Ҳамиша ваъда қилур, ваъдага вафо қилмас.

Ушул масиҳнафаслик ҳабибдин сўрунгиз,  
Мариз-и ишқини кўрганда наг даво қилмас.

Не турфа, гар тилар эрса кўнгул мурод андин,  
Карам эяси гадоларни бенаво қилмас.

Гадо-йи ишқини кўрсанг, ҳақир кўрмаким,  
Гадо танаъумини ҳеч подшо қилмас.

Ҳабиб ноз қилиб гар қилур эса дашином,  
Кишиму бўлғай ўшулким, анга дуо қилмас.

Кўнгулга ғамза ўқини хатосиз отқанда,  
Айитди жону равонким, асл хато қилмас.

Басорат издама Ҳофиз ўшул кишидинким,  
Азоқи тупроқини кўзга тўтиё қилмас.

477

Жонни равон қилурман жонон қабул қилмас,  
Наг бандаси нисорин султон қабул қилмас.

Чавгон-и зулфи учун бошимни тўб қилибман,  
Бошга балони кўрким чавгон қабул қилмас.



Бу хаста жонга дарди андоғ пуроб турурким  
Дардин тилаю ҳаргиз дармон қабул қилмас.

Ҳижрон ўтинда кўйдумким, ваъда-йн висолин  
Гар рост темаса ҳам ялғон қабул қилмас.

Кўзин қаро қилибон ол қонни ерга тўкди,  
Кофирлиқини кўрким, тавон қабул қилмас.

Олтун юз узра қилдим кўздин дўкон-и гуҳар,  
Не фойда, ким ул дўст дўкон қабул қилмас.

Ҳофиз бу давр ичинда сўзунгни ким ўқиғай  
Ким, сўз гуҳар бўлурса даврон қабул қилмас.

478

Не ҳол эрур ким яна ул ёр кўрунмас,  
Ишва била жон олғучи дилдор кўрунмас.

Асрамайин ўз бандасина асри қиярким,  
Ул шоҳ-и замон маҳрам-и асрор кўрунмас.

Жон овлағали ул қарокўз бўлса равона,  
Танг тўш анга ҳеч оҳуй-и тотор кўрунмас.

Ман ишқи била ёр бўлубдурман анингтак  
Ким, олам ичинда манга ағёр кўрунмас.

Ошиқ бўла билмас кишиким, жонин аяса,  
Ушиқ кўзине сару дастор кўрунмас.

Бош ўйнамайин бош бўла билмак тўраси йўқ,  
Ошиқмудур улким боши бар дор кўрунмас.

Ошиқ анга кўп бор вале бори ичинда,  
Ҳофиз бики бечора дилафгор кўрунмас.

479

Ҳижрон ўтинга кўйдум бир дам нигор сўрмас,  
Чун ҳақ-и роҳ бўлдум ул шаҳсувор сўрмас.

Онсон равон қилурман жонин анга, валекин  
Мушкил будурки ёрин бир кеча ёр сўрмас.

Овора ҳарки бўлса жавр ҳабиб элиндин  
Ёру диёр билмас, хешу табор сўрмас.

Ким топса ёр эшигин Каъба қачон тиласун  
Ким, кўрса дўст юзин, ул долазор сўрмас.

Ул қатра восил эрур баҳр-и муҳит-и ишққа  
Ким, ғарқ-и дард бўлиб ҳаргиз канор сўрмас.

Шурб-и мудом қилган жом-и жаҳоннамодин,  
Асрук юрур ҳамиша дафъ-и хуммор сўрмас.

Ториқди эрса кўнглум бўлмас кушода ҳаргиз  
Чун хаста ҳолин анинг ул оғзи тор сўрмас.

Кўзум ҳаққи ўшанинг юзинда бор равшан,  
Қилмас адо бу ҳақни ул ҳақгузор сўрмас.

Булбул бикин фиғонлар Ҳофиз чекар, валекин  
Мағрур-и ҳусн бўлуб ул гулгузор сўрмас.

480

Қаю чимганга ким ул сарв-и равоним бормас,  
Гашт учун анда маним жону равоним бормас.

Бўлмаса ёр кўзум қошида кўз чашмасидин  
Селтак сонмаки ер юзина қоним бормас.

Қадду болоси бало бўлғали ул жононнинг  
Кўндин ўзга ерга оҳу фиғоним бормас.

Гашт учун чиқса ўшул сарв-и равоним ногаҳ,  
Бормудур йўл бошиким анда бу жбним бормас.

Йўқ бўлди оғзи фикрида кўнглум андоғ  
Ким, ани издагали ваҳму гумоним бормас.

Андин ўзгани саварман тею айта билмай,  
Ўзгани ёдини қилғали забоним бормас.

Бордию кечди маним умрум анинг ройи била,  
Вале бир ройим узра умр-и жавоним бормас.

Бенишон бўлсам анинг васлини издай, не ажаб,  
Ҳарам-и васлиға чун ному нишоним бормас

Оҳим ўтини кўруб келмас, Ҳофиз, манга дўст,  
Орий, дўзах қошина ҳур-и жиноним бормас.

То қилибман зулф-и завжирни тутқали ҳавас,  
Зулф-и анбар бори айлади мани мушкиннафас.

Турфа эрмасдур лаби устиндаги ул дона хол,  
Шаккар-и шириннинг узра чун қўнар доим мағас.

Мани тиларман ол юзи узра доим холини,  
Чун Ҳалилуллоҳ хонинда керак доим адас.

Гар анинг дардина селоб-и кўзум бўлса равон,  
Мунифаил бўлғай кўзум чашмасидин Нилу Арас.

Ер бирла гар қафас бўлса манга жаннат эрур,  
Ер агар бўлмаса эрур равза-йи ризвон қафас.

Кўргали дийдорини борганда фарёд айладим,  
Чун ярашур Каъбанинг йўлинда гулбоиғ-и жарас.

Не ажаб, жононани кўрганда фарёд айласам,  
Чун ўшандин ўзга йўқ, Ҳофиз, манга фарёдрас.

Юзингизни кўргали шармандадур ою қуёш,  
Ҳуснингизни савғали ҳам бандадур ою қуёш.

Ҳуснунигизга жон била то бандау ошиқ эрур,  
Ҳуси ила хандону ҳам то бандадур ою қуёш.

Ҳусни беандозангиздин орият нур олғали,  
Нур-и олам халқина бахшандадур ою қуёш.

Сайр этарда пой бўсинг даст бергали равон,  
Фарқ-и оламнинг уза пояндадур ою қуёш.

Остониғ тупроқини ўпкали ҳар субҳу шом,  
Тоға гултак бо лаб-и пурхандадур ою қуёш.

Чашма-йи ҳуснунигдин, эй жон, қатрае нўш эткали,  
Хизр янглиғ олам ичра зиндадур ою қуёш.

Қайдаким сиз бўлсангиз доим танг ўлса тонгда кўк,  
Ҳеч вақте чун уёқмас андадур ою қуёш.

Партав-и ҳуснунг эрурким кўк уза тобон юрур,  
Иўқ эса оламнинг ичра қандадур ою қуёш.

Каъба-йи кўйунг тавофин қилмоқ учун, эй санам,  
Доимо Ҳофиз бикин гардундадур ою қуёш.

483

То бўлибдур кўз ёшидин ҳуснининг гулзори ёш,  
Юзини равшан кўруб шармандадур ою қуёш.

Гар хиромон бўлса ул сарв-и равон чимган аро,  
Ишқпечовтак ўшанинг қаддина, эй жон, чулаш.

Бош борур бўлса онинг савдо-йи зулфиндин, не тонг  
Ким, анинг савдосидин бордур маним бағримда тош.

Ким ёмон кўз бирла боқса ул санамнинг юзина,  
Ҳазратиндин тош бўлуб, бўлсун ул бадбахт бош.

Иззату жоҳ издагали ул санамнинг ишқида  
Эшигингнинг итлари бирла бўлубдурман адаш.

Ман уруғ қардошдин бегона бўлдум бир йўли  
То бўлибтурур манга дарду ғами уруғ қаяш.

Тушди эрса кўнгулма жононанинг ёд-и лаоли,  
Хаста кўнгулмдин қиладур они эмди жон талош.

Кўрсаман тор оғзининг фикринда эмди дам-бадам,  
Танг бўлур ошиқ-и дилхастаға айшу маош.

Тор оғзин савганимни жумла олам билдилар,  
Не қилурман эмди, Ҳофиз, сирр-и пинҳон бўлди фош.

484

Бу олам ичинда манга ул ёр топулмас,  
Ғам бирла ўладурману ғамхор топулмас.

Нақд-и кўнгулу жонин назарға кетурубман  
Лекин бу матоимға харидор топулмас.

Кўзум уёғу бахт эрур уйқуда доим,  
Эй войким, ул давлат-и бедор топулмас.

— 270 —

Мушкил эрур оҳим элидин ҳол мангаким,  
Бўлди жигарим хун, тақи дилдор топулмас.

Не турфа агар бўлмаса бор анда мангаким  
Дарвешга султон қошида бор топулмас.

Ҳар нечаки кўнглумни қилур жавр ила озор,  
Бир заррача зоҳирда ул озор топулмас.

Бу хаста дилни сўрмади дилдор ва лекин  
Ҳофиз бики ошиқ анга бисёр топулмас.

485

Чакилибдур қалам-и сунъ билан ул кўзу қош  
Қим, анинг нақшина ҳайрон кўрунур юз наққош.

Тош ичинда кўрунур сийм ҳамиша, илло  
Бас ажаб, сиймбаре ичра эрур кўнгли тош.

Оҳим ўти кўнглинга асар эткай эрди,  
Бўла билса эди оҳимнинг ўти сангторош.

Бош борур бўлғай анинг қайғусидин охир кор  
Қим, анинг қайғусидин бўлди юрагимда тош.

Бўлмасун зарра ғуборе теб анинг йўлинда,  
Бўлди кўз мардуми саққо тақи яна кирпук фаррош.

Иғлатур абр-и баҳорий бики кўзларимни,  
Магар ул сарв-и равон кўз ёшидин бўлур ёш.

Муддаий ҳеч кўра билмади Ҳофиз сўзини,  
Тонг эмас кўрмаса ҳуршид юзини хаффош.

486

Ошиқ-и бечорасига ёр хушдур, ёр хуш,  
Жумла мавжудотдин оламда ул дилдор хуш.

Кўргузур эрдим анга ман ёрлиқ жоним била,  
Гар бўлур бўлса маним бирла ўшул айёр хуш.

Не ажабдур кўзлари кўнглум қушин сайд айласа,  
Чун келибдур туркларга доимо ошгор хуш.

Хуш эмасдур қайдаким бемор бўлса доимо,  
Не табибдиндур ўшанинг кўзлари бемор хуш.

Ишқисиз ҳаргиз кўнгулнинг хушлиқини кўрмадим,  
Донио бўлса кўнгул ишқ илгида афгор хуш.

Дирҳаму динорни дийдор учун тарк айладим,  
Дирҳаму динордин дийдор хуш, дийдор хуш.

Неки бёрдур борини ҳақ билгил, эй Ҳофиз, мудом,  
Чун кўрунубдур санга инкордин иқрор хуш.

487

Кипрукларининг ниши била бўлғали дил реш,  
Раҳм айламади ҳолима ул турк-и жафокеш.

Нўш-и лабъ-и лаълини тамаъ қилғали кўнглум,  
Тегмади даме нўш, вале тегди бәсе ниш.

Сайд этғали оҳуға ўқни отар эрса,  
Оҳу борур ул ўқина беҳуш равон пеш.

То ишқ манга хеш ила пайванд бўлубдур  
Барча била бегона бўлубман тақи бехеш.

Кўргузди рақиб одамийлартак ўзин, илло  
Кўрунмади яхши манга ул шум бадаиеш.

Жонона жамолин кўрәли ошиқ-и жонбоз,  
Жонинда эрур сабр каму меҳру вафо беш.

Бўлмади анинг бирла манга васл муяссар,  
Чун шоҳ-и жаҳондур тақи ман Ҳофиз-и дарвеш.

488

Жом-и лабидини бода нҷаб бўлғали беҳуш,  
Ишқ ўти била қон томар жонда қилур жўш.

Жонни киши ул дамда бараҳна кўра билгай,  
Чиқса тўнидин кўз кўра ул сарв-и қабопўш.

Гул кўрса юзин чок қилур ишқ ила жома,  
Дур оразининг лутфини англәса тутар гўш.

Гул жилва-йн ҳусн ичра қачон кўрунур эрса,  
Булбул не ажаб бўлмаса ул ҳолда хомуш.

— 272 —

Барги суману гулга нечаким назар этсам,  
Нозук кўрунур кўзума ул гўшу баногўш.

Нўш-и лабидин неш баче жонима тегди,  
Кирпуклари бўлгали анинг нешу лаби нўш.

Майхонада завқ ила май-и ноб ичибон,  
Ҳофиз бу жаҳон қадғусини қилди фаромуш.

489

Эй дўст, мани айлама бир йўли фаромуш,  
Жон ёдинг ила бўлмади бир лаҳза чу хомуш.

Аҳд этдинг эди сенга лутф айлагайман теб,  
Ул аҳд магар бўлди орамизда фаромуш.

Сандин топа билмади кўнгил бўсу каноре,  
Хуршид била зарра чу бўлмади ҳамоғуш.

Дур келди ким ул ориз ила бўлса маориз,  
Дурни хижил айлади ўшул лутф-и баногўш.

Лаъл ила равон борди гуҳар кўз кўра кўздни,  
То ҳуққа-йи лаълинг кўрунубдур манга дурнўш.

То акс-и лабинг бода-йи хумхонага тушди,  
Андин берн бода қиладур завқ била жўш.

Ҳофиз тилаю лаъл-и лабинг сўргали ҳар дам,  
Жони била жуллоб-и балоларни қилур нўш.

490

Кўз кўра кўргил бу дам ул дилбар-и бодафуруш,  
Ғамза бирла олди мандин сабру дину ақлу ҳуш.

Жон олур ул дона-йи холи юзин кўрган аро,  
Ўртади мени ўшул гандумнамой жавфуруш.

Не ажаб бўлғай, юзин кўрган аро чаксам фиғон,  
Булбул-и ошиқ чу гул юзин кўруб қилмас хамуш.

Ишваю ширин лаъли бирла кўзи шеваси,  
Айлади зуҳҳодни майхоналарда боданўш.

Турфа эрмас ёд этиб ширин лабин жўш айласам,  
Мастлар бода била айлади чун жўшу хуруш.

Дурр-и ғалтон кўргали лутф-и баногўшини анинг  
Жони бирла қул бўлиб бўлди равон халқабағўш.

Езуқимни авфу қилса ёр, эрмасдур ғариб,  
Ҳофизо, чун шоҳдур ул журмбаҳшлу айбўш.

491

Чу дур кўрди ўшул лутф-и баногўш  
Анга бўлди ғулом (ул) ҳалқа дарғўш.

Бараҳна суврат-и жон кўзга кўрнур,  
Тўниндин чиқса ул сарв-и қабобўш.

Шароб ўрнингга қоним ичди улким  
Лаб-и ширини эрур нўш бариўш.

Ажабдур зулф-и шабранги анинг, ким  
Моҳ-и тобон биландур дўш бардўш.

Қанорини топгаман, гар бўла билса  
Қачон хуршид ила зарра ҳамоғуш.

Анинг ёдин фаромуш айламасман,  
Агарчи қилди ул мани фаромуш.

Ушул ҳол ичраким дилдор сўзлар,  
Дам урма Ҳофизу бўл анда хомуш.

492

Токи лаъли шароби қилди жўш,  
Завқ ила бўлди ошиқи беҳуш.

Гул очилдию бўлди фасл-и баҳор,  
Эмди булбул қачон қилур хомуш.

Гулу райҳон чаманда бўлмади,  
Сунбул зулфитак анбарфуруш.

Гулу сунбул ўш эмди чимган аро  
Завқ этарлар иккиси дўш бадўш.

— 274 —



Хуш эди тун кеча ким асрук эдим,  
Ох, қайдадур эмди ул шаб-и дўш.

Юзининг узра зулфи турфа эмас,  
Моҳ-и тобон эрур сиеҳнийўш.

Ҳофизо, дур бикин бу сўзларни  
Эшитиб чун садаф, тут эмди гўш.

493

Бог-и ҳусн ичра бўйи сарв-и хиромон бўлмиш,  
Лолатак ол энги ҳам рашк-и гулистон бўлмиш.

Издар эрдим ани гулзор аро зор иглаб,  
Ногаҳон кўрдум ўшани гул-и хандон бўлмиш.

Жумла арбоб-и ҳусн бор сар-и кўйинда зор,  
Сар-и кўйи ўшанинг равза-йи ризвон бўлмиш.

Соғинур эрдим анинг ошиқимандурман теб,  
Ўзга ошиқлар анга эмди фаровон бўлмиш.

Манга ҳайрон бўлубон айлади бас наззора,  
Ҳар кишиким мани кўрди анга ҳайрон бўлмиш.

Раҳм қилмади маним ҳолима ул турк-и хито,  
Сиймтак сийнасида кўнгулу чу сандон бўлмиш.

Аймишлар анга ким ўзгани Ҳофиз савадур,  
Манга, кўргил, не бало бирла бу бўҳтон бўлмиш.

494

Бош ўйнамоқ карақдур ишқда бош,  
Бу йўлга лойиқ эрмас ҳар бир авбош.

Такаллуфдин ўзунгни тош тутсанг,  
Санга ҳамроз бўлгай тоғу ҳам тош.

Талаб йўлида мақсуд издар эрсанг,  
Ниёзу дард эрур яхши йўлдош.

Юзини бир кўра билгаймуман теб,  
Жаҳон ҳайрон юруйдур, эй қариндош.

Ниҳон ишқ ичра жоним неча куйгай,  
Бу маъно оҳ илгиндин бўлур фош.

Ғубор-и ғайр кўзда бўлмасун теб,  
Кўзум ичраки мардум бўлди фаррош.

Муҳаббатнинг ниҳолин жонда Ҳофиз  
Тутар дойим кўзи ёши била ёш.

495

Қудрат қиламин чун олди ваққош,  
Езди қаро кўз уза қаро қош.

Кўзсизга юзи қачон кўрунгай,  
Хуршидни кўрмади чу хаффош.

Кўзумда хаёл-и анбар сигмас,  
Чу мардум-и дийда бўлди фаррош.

Кўнглумники ишқ ўти ўртар,  
Кўз чашмасидин равон бўлур ёш.

Гар ганжи саодат издар эрсанг,  
Бўлғил бу йўл ичра ринду қаллош.

Бош ўйнаву покрав бўлакўр,  
Бошқармади чун бу йўлни авбош.

Ҳофиз, эшигини солмағайман,  
Гар ёгса бошимга дам-бадам тош.

496

Юзи гулдур тақи ишқи чу оташ,  
Халилосо ул оташ бирла ман хаш.

Тонг эрмас, ишқи бирла хуш кечирсам,  
Самандарга чу мафраш бўлди оташ.

Бошимдин чиқди жаннатнинг ҳавоси,  
Манга то бўлди ёр эшиги мафраш.

Эшигинда бу қон ёш игламоқдин,  
Дару деворлар бўлди мунаққаш.

Басе боғ ила бўстонлар казибман,  
Вале қадди бикин йўқ сарв-и саркаш.

Кўнгул зулфи паришонинки савди,  
Не ёндин бўлмасун ҳоли мушаваш.

Тиларман жон била лаълини дойим,  
Чу ошиқға каракдур бода-йи беғаш.

Қилибман жонни тиркаш ғамзасина,  
Чун ўқ учун тилади турк-и таркаш.

Қачон бўлғай эди девона Ҳофиз,  
Агар бўлмаса дилдори париваш.

497

Хуршид-и ҳусни дўстнинг ҳар заррада пайдо эмиш,  
Ҳар қатранинг асли тақи оламда ул дарё эмиш.

Ҳам аввалу, ҳам охиру, ҳам зоҳиру, ҳам ботин ул,  
Мажмуъ мавжудоту одам азҳар-и асмо эмиш.

Ишқ-и ҳақиқий ногаҳон сувратға келган орада,  
Оламнинг ичра оти гаҳ Мажнуну гаҳ Лайло эмиш.

Меърож-и маҳв ишқдаким қоба қавсайн ул эрур,  
Арш-и муалло теганинг манзил гаҳ-и адно эмиш.

Парвоз қилганлар билур жонон эшиги қадрина,  
Жонлар қушиға чун ўшул манзилғаҳу маъво эмиш.

Шаккар лабин жон бирла гар тесам манга айб айламанг,  
Шаккар лабиндин тўти-и жон чунки шакархо эмиш.

Ҳофиз, ўшул султонға сан банда бўла кўргил бу дам,  
Ким сиррининг асраина ҳақдин хитоб, «исра» эмиш.

498

Зулфу юзини кўрдум анинг моҳу сол эмиш,  
Хуршиддин юзи тақи соҳиб-и жамол эмиш.

Жоннинг қушиким учди кўнгул ошёнидин,  
Дом ила дона ул қаро зулф ила хол эмиш.

Кўнглум юзи сўзи била сўзини бошғарур,  
Сўз бошламоқ анинг била фархундафол эмиш.

Кўргузди юзи олинню кўнглум алдади,  
Охирда билдим олинниким, ул не ол эмиш.

Бас турфа ҳолате манга ишқ ичра берди даст,  
Оламда ишқ ҳолати бас турфа ҳол эмиш.

Ҳол издасанг равон чиқа кўр дарсгоҳдин,  
Чун дарсгоҳ ичинда ҳамин қийлу қол эмиш.

Жоду қаро кўзи сифати бирла сўзлаган,  
Ҳофизнинг ушбу сўзлари сеҳр-и ҳалол эмиш.

499

Роҳ-и жонбахш равон қилким эрур мажлис-и хос,  
Руҳ парвоз қилиб завқ ила бўлсун раммос.

Ом бу мажлис аро қайда топа билсун роҳ,  
Чун сиға билмади жон ўйнамайин маҳрам-и хос.

Ўз каноринда равон гавҳар-и васли топғай,  
Баҳр-и ишқинда қачон жон бўла билса гаввос.

Қайддин топғай эдинг хос-и халос, эй толиб,  
Бўлса кўнглинг бўйнинда бу каманд-и ихлос.

Ошиқи покни танг тутма рақиблар бирла,  
Зарр-и холис била чун танг бўлмади русос.

Сабр ким тоқ бўлиб, ҳажрга тоқат қилмас,  
Чиқса жони танидин бўлур бир йўли халос.

Заҳр-и ҳижронким ичиб жон чакадур бу Ҳофиз,  
Ёрининг васли кўрунур анга тарёқ-и хос.

500

Жон ўйнамоқ эрур манга дилдор учун фарз,  
Чун ошиқа жон чакмак эрур ёр учун фарз.

Кўз уйқу юзун кўрмади кўрсам юзини теб,  
Бедорлиқ эрур анга дийдор учун фарз.

Мани ёр била бор экан ёр эмасман,  
Тема ким эрур хосиду ағёр учун фарз.

Зулф ила тилар кўнглум ўшул ой юзини,  
Чун борчагадур шамъ шаб-и тор учун фарз.

Жоним тилаги улки лаб-и лаълини сўрса,  
Чун шарбат эрур ташна-йи хумор учун фарз.

Доим саг-и девонатак издарман ониким,  
Югурмак эрур оҳу-йи тотор учун фарз.

Ҳофиз не ажаб қилса юзун кўргали афғон,  
Булбулга эрур нола чу гулзор учун фарз.

501

Наққош-и ҳусн ёзғали ёқут узра хат,  
Авроқ-и гулга қилди хўтан мушкидин нуқат.

Гумроҳ бўлса хаста кўнгул зулфина тушуб,  
Эрмас ажаб, қоронғу кеча йўл бўлур ғалат.

Жайхунсифатки кўз ёши ҳажринда қон оқар,  
Қолгай таҳайюр ичра равон ани кўрса шат.

Ўхшар ғами замонаву ишкаста кўнглума,  
Паргор хати бирлан ўшул нуқта-йи васат.

Танг бўлмағай рақиб-и ҳаводор ишиқ ила,  
Шаҳбоз ишини қачон ишлар ҳавода бат.

Чунким ризо-йи ёр жафо қилмоқ ичрадур,  
Жавру жафоси қайда кўрунсун манга сахат.

Озодлик қачон тиласун хос бандаси,  
Ҳофиз азалда чун қулимман тею ёзди хат.

502

То чакди гул саҳифаси узра губор хат,  
Анбарни ўтға солди ўшул мушкбор хат.

Сурат-и нигор чакди қаламдин элин равон,  
То бўлди гулнинг устида сурат-и нигор хат.

Хуршид-и ҳусн узра қаронгу кечамудур  
Е тўлуи ойнинг узра эрур пардадор хат.

Паргор-и хатни чаккали хуршид даврина,  
Топди жаҳоннинг ичра баче кору бор хат.

Об-и ҳаёт чашмасида Хизр-и вақт эрур,  
Чун топди шаккарин лабидин эътибор хат.

Хаттин тилар ҳамиша кўнгул ёдгор учун,  
Оре, тилар ҳамиша, киши ёдгор хат.

Жон хатт-и лаъл-и ёрни издади, Ҳофизо,  
Гарчи жаҳонда бор бу дам бешумор хат.

503

Топа олмади кўнглум ёрдин хат,  
Ўшул айёр-и ширинкордин хат.

Кўзиндин топмади кўнглум муродин,  
Бале, йўқ кишига бемордин хат.

Кўнгул асрорина маҳрам экан дўст,  
Манга йўқ маҳрам-и асрордин хат.

Чакарман нола юзи ҳасратинда,  
Ҳаминдур булбула гулзордин хат.

Рақибиндин топа олман сәфое,  
Чу гул қошинда йўқдур хордин хат.

Юзин тутса тамом ул зулф-и шабранг,  
Магар топғайман ул дилдордин хат.

Қулоқда тутса дилбар сўзларимни,  
Топар Ҳофиз дурр-и шаҳвордин хат.

504

Ҳолимға топса ул бут-и айёр иттилоъ,  
Қилғай эди бу навҳаю зорини истимоъ.

Зоре қилурдин эшигида тинмағай эдим,  
Гар бўлмаса бу зорийлиқим мужиб-и судоъ.

Бор-и сафарни бағлади жонону бандадин,  
Бир йўли қилди сабру қарор эмди алвидоъ.

Кўнгул олмага кўзини қарортибдур ул санам,  
Зулфи тақи бу маънога айлабдур иттибоъ.

Кўз кўргали кўнгул ўшани жон била савуб,  
Қон бўлганидин орада тушди баче низоъ.

Кўнгулум ҳаминша топди сафо ой юзин кўруб,  
Андоким ойинага тушар меҳрдин шуъбоъ.

Ҳофизга жавр ҳар нечаки қилса розийдур,  
Ким бандадур мутиъу ўшул ҳоким мутоъ.

505

Ул ёр бор экан тиламан мажлис-и симоъ,  
Жоним тиласа ёр чу йўқдур манга низоъ.

То ғайб ботидин манга сўз келди дам-бадам,  
Не сўзким андин ўзга эрур, қилман истимоъ.

Бир гўшада қарор қилиб тоза маънолар,  
Гултак юзи хаёли била қилдим ихтироъ.

Хок-и раҳ-и ниёз бўлуб хор бўлғали,  
Топдим маъно мулкида юз турлу иртифоъ.

Ишқи йўлинда чунки кўрунмас матоъ-и жон,  
Қайда кўрунсун ушбу жаҳон кўзума матоъ.

Неким буюрса жону кўнгул бирла қилғаман,  
Чун банда-йи мутиъман, ул ҳоким-и мутоъ.

Ҳофиз, қачонки азм-и сафар айласа нигор,  
Қилғай ўшул замонда кўнгул бирла жон видоъ.

506

Хатт-и лаби ёрнинг қилғали жонимга доғ,  
Мушк-и насими била бўлди муаттар димоғ.

Лаби уза чиқғали сабза-йи зумрад бикин,  
Тути-йи шириннафас қилди шикор ушбу зог.

Оғзина кўнглум тушуб йўқ бўлубдур, вале  
Турксифат кўзидин қилса бўлур ҳам сўроғ.

Гашт-и чаман не керак бўлмаса бир гулрухе,  
Лола юзини кўруб тоза бўлур дарду доғ.

Маҳв бўлур юзининг қошида арбоб-и ҳусн,  
Меҳр-и дарахшон била қайда танг ўлсун чароғ.

Соқий юзиндин агар топсам эди бир фуруғ,  
Топғай эдим ул замон кулли жаҳондин қароғ.

Каъба-йи мақсудға етгай эдинг, Ҳофизо,  
Ҳимматинг оти агар бўлса бу йўлда яроғ.

507

Ер бўлмади манга бир нафас ул ёр, дариг,  
Ед ҳам қилмади бу хагани дилдор, дариг.

Юз ниёз ила анга жону равонини бердим,  
Вале жон нақдина бўлмади харидор, дариг.

Жон-и ширинни анинг оғзина исор этдим,  
Вале бир заррача йўқдур анга миқдор, дариг.

Гул рухсори манга қайда насиба бўлсун,  
Чун тутар ошиқ-и бечорасидин хор, дариг.

Бошим ўйнадим ўшул турра-йи таррор учун,  
Вале тушмас элима турра-йи таррор, дариг.

Иззат издаган ўшанинг эшигинда ошиқ,  
Жон-и раҳтак кўрунур кўзина бас хор, дариг.

Барчаға бор бу дилдор эшигинда бор,  
Вале бу Ҳофиз-и бечораға йўқ бор, дариг.

508

Жон чекаримдин эрур бир йўли жонон фориг,  
Не ажаб, бўлса гадосиндин султон фориг.

Не ажаб, жон чекаримдин лаби фориг бўлса,  
Кўҳқандин чун эрур лаъл-и Бадахшон фориг.



Боғу бўстон ғамидин булбул этар нола-йи зор,  
Вале булбулдин эрур боғу гулистон фориғ.

Ман паришон ўшанинг зулф-и элиндинман, лек  
Ушбу ҳолимдин эрур зулф-и паришон фориғ.

Қўзларим ёшида ғарқа бўлурумдин қочарам,  
Чунки қилмади кишиларни бу тўфон фориғ.

Мижмар-и сийнада жон удини ёндурди, вале  
Нечаким куйсам эрур мижмарагардон фориғ.

Не ажаб, шум рақибиндин агар фориғман,  
Дев элиндин чун эрур Ҳофиз-и қуръон фориғ.

509

Эй лола юзлу соғий келтургил шароб-и соф,  
То маҳв бўлсун орада юз турлу ихтилоф.

Ойтак юзунг сафосини кўруб шаробда,  
Ойна чакди юзга уёлмоқдин ғилоф.

Ҳар дам шароб-и соф чакар ринд завқ ила,  
Наг жон чакар бу зоҳид-и бечора аз газоф.

Ичди шароб завқу муҳаббат ҳабибдин  
Ким, чок қилди жуббасини ғунча то баноф.

Наргис ичиб шароб ниҳоний тонар эди,  
Махмур кўзларинг қошида қилди эътироф.

Мўр-и заиф гар ичар эрса шаробни,  
Майдонда шер-и нар била танг қилгай ул масоф.

Ҳофиз мудом ичгил ўш эмди шаробким,  
Ғам коҳ бўлур андин агар бўлса кўҳ-и Қоф.

510

Ёр лабидур манга жондин латиф,  
Сўзлари ҳам об-и равондин латиф.

Сўзламага йўқ маҳал оғзидин  
Ким, эрур ул сирр-и ниҳондин латиф.

Белида бор қийл-и гумону яқин,  
Барча яқин бирла гумондин латиф.

Солмағаман бошни адоқиғаким,  
Хаста бўлур бор-и гарондин латиф.

Латифда гул юзина ўхшар тею,  
Боқдим эса эрур ўшандин латиф.

Ноз қилур ҳар нафас ул сарвиноз,  
Чун кўрунур ноз жавондин латиф.

Ҳофиз-и бечорани қилган асир,  
Ёр эрур ҳур-и жинондин латиф.

511

Эй турк, ғамзанг ўқина жоним эрур ҳадаф,  
Боғли каманд-и зулфунга ушшоқ ҳар тараф.

Кофир кўзунг сипоҳи кўнгулларни синдирур,  
Чун тийғу ханжар ила чакибтурур икки саф.

Оғзининг бордур темасам йўқ тақи темаи,  
Чун бор ушбу сўзда бас аҳком мухталиф.

Умр-и азизсан тақи умрум бўла турур,  
Васлинг ҳавоси бирла фироқ илгида талаф.

Ором қилғил икки кўзум ичра бир замон  
Сан дурр-и қийматийга эрур кўзларим садаф.

Кўз мардуми кўзум йўлидин қонлар оқтирур,  
Нелар қилур ҳақима бу фарзанд-и нохалаф.

Сўз-и жигардин эмди равон кўзда бўлди ёш,  
Қайдаким ўт бўлса кўрунур хавосс-и таф.

Ишқинг сўзини фош этсам, ғариб эмас,  
Чун баҳр жўш қилса бўлур шаксиз анда каф.

Келсанг бу хаста Ҳофиз-и бечорани сўра,  
Айлар тулуъ толиғина ахтар-и шараф.

Санинг бикини қани оламда бир зариф-и латиф  
Ки, лутфина кўра бўлса латиф руҳ-и касиф.

Юзунг сафосини васф айламак не ҳожат эрур,  
Чун офтобни нури қилатурур таъриф.

Жаҳонда кўрклулар, эй жон, санинг била танг эмас,  
Чу зарралар бўла билмади меҳр бирла ҳариф.

Муқим ошиқи бечора кўнглида бўлсанг,  
Тегай эди анга малаку мулк-и мақом-и шариф.

Мушарраф этгай эдим барчани ато бирла,  
Карам қилиб қилур эрсанг бу бандога ташриф.

Иноят айламансанг эшигинг қачон очилур,  
Бу боб ичра туман турлу қилсаман тасниф.

Зарофатинг сифатин айта билмагай Ҳофиз,  
Чу неким айтур ўшандин сан, эй латиф-и зариф.

## 513

Холий эрмас бир замон бошдин боре савдо-йи ишқ,  
Оқибат қилғусидур бошга бало ғавго-йи ишқ.

Нўш айлар дурд-и дардини ўшанинг завқ ила,  
Толибким издар эрса жом-и жонафзо-йи ишқ.

Офтоб-и оламоротак зуҳур издар эсанг,  
Бўлмағил пайдову бўл ҳар дамда нопаидо-йи ишқ.

Бўлса ошиқ меҳр-и оламтобтак равшанзамир,  
Бе хато бўлғай жаҳоннинг ичра мулкоро-йи ишқ.

Ишқ-и боқий бирла фонийдин кеча билсанг тамом,  
Кўргасан ул ҳол ичинда қатра-йи дарё-йи ишқ.

Гар сарафроз-и жаҳон бўлмоқ тилар бўлсанг мудом,  
Жон била бўлғил бу йўлнинг ичра хок-и по-йи ишқ.

Ғайрни ғайрат била сургил кўнгулдин Ҳофиз,  
Гар тилар бўлсанг кўнгулни маскану маво-йи ишқ.

Ким тиласа бўлса равон ёр-и ишқ,  
Жонни равон қилсун исор-и ишқ.

Жону кўнгул кўзини бедор тут,  
Гар тиласанг давлат-и бедор-и ишқ.

Ишқдин ул жонда гаҳ бордур сафо,  
Зоҳир эрур юзида анвор-и ишқ.

Хор-и вужудингни агар ёқмасанг,  
Қайда кўрунгай санга гулзор-и ишқ.

Жавру жафо йўқтурур ишқда,  
Айни вафодур қаму озор-и ишқ.

Бўлмай тан хок-и раҳ-и ишқ-и пок,  
Бўлмади жон маҳрам-и асрор-и ишқ.

Покни гар издар эсанг хок бўл,  
Ушбу эрур, Ҳофиз, рафтор-и ишқ.

Уртанди оҳ ўтина жон ёрдин йироқ,  
Оламда тушмасун киши дилдордин йироқ.

Зорию ноладни, не ажаб, бўлмаса жудо,  
Ҳар булбулеки тушдиса гулзордин йироқ.

Недин элим висоли этакинга етмади,  
Гул домани чу бўлмади ул хордин йироқ.

Тўтий-и руҳ қутини издаб қачон тоғар,  
Эмдики тушди лаъл-и шаққарбордин йироқ.

Қон ёш игламоқ била ҳосил-и ғубор эгар,  
Кўз чунки тушди давлат-и дийдордин йироқ.

Кўзум мисолини сиза жононсиз айтайим:  
Эрур садаф бикни дурр-и шаҳвордин йироқ.

Жон дард бирла Ҳофиз агар берса, не ажаб,  
Чун жон табиби тушди бу бемордин йироқ.

Қани бу дамда жаҳоннинг ичинда ёр-и мувофиқ  
Ки, бўлса субҳсифат сўзлаган сўзи уза содиқ.

Кишики бўлса лаб-и дўст дардманд-и ҳаминша,  
Анинг давосина қайда ярар шаккар-и фойиқ.

Набот оғзина ўхшаш жаҳонда кўрмади жоним,  
Ки, бўлса зарра анинг бики сучи сўз била нотиқ.

Яратқали бу жаҳон халқини жаҳоннинг ичинда,  
Анинг бикин тақи бир жавҳаре яратмади холиқ.

Ниҳол қадду юзин кўргали кўзум ҳадиқинда  
Хижил кўрунди ёзилар юзинда жумла ҳадоийқ.

Каманд-и зулфи бикин қани бир бинафша-йи мушкни,  
Юзи-бикин тақи бўстонда йўқ барги шақойиқ.

Киши қилур ўшанинг белининг сифатини, Ҳофиз,  
Ки билса олам ичинда баса румузу дақойиқ.

То бўлдум ўшул ой юзина жон била ошиқ,  
Қилдим кўнглум бирла равон қатъ-и алойиқ.

Жоним била қулдурман ўшул шоҳ-и замонга,  
Лекни қила билмасман анга хидмат-и лойиқ.

Жонинг била гар ёри мувофиқ тилар эрсанг,  
Ақл ила мухалиф бўлу ишқ ила мувофиқ.

Мақсуд манга ёр эрур жумла жаҳондин,  
Узродин ўнгин чун тиламас жон била Вомиқ.

Гулзорда ток кўрдум анинг лола юзини,  
Қолмади манга боре сару барг-и шақойиқ.

Ким кўргани бор оғзи бикин писта-йи хандон,  
Ким тўтийсифат бўлса ўшул сёмиту нотиқ.

Гулзорда гул зор манингтак анга бўлди,  
Ол энглари кўргузди эса сеҳр-и ҳадоийқ.

Қайтармагаман юзни бу дилдор юзиндин,  
Гар манъ қилур бўлса манга жумла халойиқ.

Гар ошиқ-и содиқ тиласа ёр ўзига,  
Ҳофиз бики йўқдур анга бир ошиқ-и содиқ.

518

Ман сўзламан ўзгадин бўлғали анга ошиқ,  
Узро сўзидин ўзга чун сўзламади Вомиқ.

Ширин лабидин сўзум пайдо бўла бошласа,  
Ул сўзга қачон бўлсун шахд ила шакар фойиқ.

Заррот-и жаҳон онинг сўзига эрур машғул,  
Ҳам ўлугу ҳам тири, ҳам сомиту ҳам нотиқ.

Бу ишқ сўзин розиқ жонимга қилиб рўзий,  
Кўргузди халойиқга махлуқларин холиқ.

Навмид қачон бўлсун шикаста кўнгул андин,  
Ҳар нечаки мужримман, алтофина ман восиқ.

Лойиқ анга бўлмасман ҳар нечаким ман бўлсам,  
Ман бўлмасам ул дамда бўлурман анга лойиқ.

Хуршид-и сафони сиз Ҳофиз сўзидин изданг,  
Чун субҳсифат эрур сўзлари уза содиқ.

519

Юзи меҳрига жон бўлғали ошиқ,  
Муҳаббат сўзидур чун субҳ-и содиқ.

Қошинда топмасам йўл, не ажабдур,  
Гадо султонга чун бўлмади лойиқ.

Мусоҳиб бўлғали жон дарди бирла,  
Даме узр билмас ул ёр-и мувофиқ.

Мудом ул ёр бирла ёр бўлдум,  
Қилиб жон бирла ман қатъ-и алойиқ.

Басе нозук дақойиқ бор белинда  
Вале қилди камар ҳалл-и дақойиқ.

— 288 —

Ажабдурким, оғзиндин чиқар сўз,  
Чу кўрунмади ҳаргиз зарра нотик.

Оғзиндин сўз ўгратгали Ҳофиз,  
Кўнгул олмоқда андоқ бўлди сорниқ.

520

Қаю жонким бўлур жононга ошиқ,  
Қилур шаксиз равон қатъ-и алойиқ.

Мувофиқ бўлмади эрса санга ёр,  
Ўзунгни ёрға қилгил мувофиқ.

Кишиким ёр учун кечмаса жондин,  
Мунофиқдур, мунофиқдур, мунофиқ.

Сафодин дамини урғил субҳ янглиғ,  
Агар ишқ ичра бўлдуғ эрса содиқ.

Кўнгулни ғайрдин гар пок қилсанг,  
Бўлур эрди санга кашф-и ҳақойиқ.

Очилғон гул бикин хандон юругай,  
Анинг алтофина ким бўса восиқ.

Қачон Ҳофиз мунигтак сўзлар эрди,  
Бале бор анда бир тўтғий-и нотик.

521

Юзи берди жон гулистониға равнақ  
Ким, этдим бу жон жомасин гул бикин шақ.

Лаб-и лаълининг ёди бирла чакарман,  
Мудом эмди жом-и шароб-и мураввақ.

Харобот-и ишқ ичра бўлдум ўш эмди,  
Шароб-и муғоний била маҳв мутлақ.

Кетарсанг бу мовуманийни ўзунгдин,  
Кўрунгай санга ул замон маъно-йи ҳақ.

Агар оқил эрсанг бу сўзини эшиткил  
Ким, эшитмади ҳақ сўзин ҳеч аҳмақ.

Бу дам даво-йи ишқдин дам урурман,  
Чу даъво била бўлди маъно муҳаққақ.

Басе дурр-и маънони Ҳофиз тошибдур,  
Бу баҳр ичра солғали ўзини чу заврақ.

522

Хаёл-и ёр манга бўлди эмди ёру рафиқ,  
Анинг бикин қани оламда бир рафиқ-и шафиқ.

Кўнгул ҳамиша тилар ёр эшигида бўлсам,  
Чу жон била тилади хожа қуллиқин сиддиқ.

Мудом кўйи харобот ичиндадур ошиқ,  
Чу ҳеч боб била йўлдин озмас аҳл-и тариқ.

Кўзумнинг ойинасинга тудоқи акси тушиб,  
Қилиб турур ики кўзум ёшини чу ранг-и ақиқ.

Инамадим ўшанинг ваъдан висолинга,  
Маҳол-и ақлга чун ақл қилмади тасдиқ.

Оғзи борини ман сўзидан билибдурман,  
Нишон чу берди адамнинг жаҳонидин таҳқиқ.

Магар етишқоли қил бики белина ўшанинг,  
Етишди маъни-йи нозик била хаёл-и дақиқ.

Иноят-и назарин ёрдин топабилсам,  
Саодат-и азали бўлғай эрди анда рафиқ.

Ҳамиша кунж-и фароғатни ихтиёр этайим,  
Худой, Ҳофиз, агар берса балдага тавфиқ.

523

Ишқи била жон бердиму жононға хабар йўқ,  
Зор ўлди гадоси, тақи султонға хабар йўқ.

Булбул чакадур зор, басе нола валекин,  
Ул зорийлиқиндин гул-и хандонға хабар йўқ.

Яъқуб-и ҳазин кулба-йи аҳзонда чакар жон,  
Лекин бу замон Юсуф-и Канъонға хабар йўқ.



Парвона сифат ҳасрат ўтинга ёнаримдин  
Не фойда чун шамъ-и шабистонга хабар йўқ.

Қадин тилаю хоксифат бўлдум, илло  
Бу хокдин ул сарв-и хиромонга хабар йўқ.

Зулфи сўзи бирла кўнгулум ҳоли паришон,  
Бўлдию ўшул ҳур-и нарийсонга хабар йўқ.

Ҳофизга баче сўзладилар, ишқда илло  
Не сўзласалар ошиқ-и ҳайронга хабар йўқ.

524

Жононасизин ошиқ-и дилхастага жон йўқ,  
Чун кўринур онсиз кўзума жумла жаҳон йўқ.

Юз роз кўнгулда бору дилдор қошига  
Етганда кетар ҳолу бўлур анда забон йўқ.

Тедилар анинг оғзини бордур тею илло  
Сўз бор ҳамин оғзидину зарра даҳон йўқ.

Бўстонга бориб сарв-и сийҳиларни кўрубман,  
Бош чаккан ўшул қад бикин сарв-и равон йўқ.

Зоҳирда недин қилмас ўшул дўст мулоқот,  
Хуршид ила чун зарра аро ҳол-и ниҳон йўқ.

Бас бари балоларни чакибман бу жаҳонда,  
Лекин ғам-и ҳижрони бикин бор-и гарон йўқ.

Беному нишон бўлди анинг ишқиде Ҳофиз,  
Қатрага, бале баҳр-и муҳит ичра нишон йўқ.

525

Юзи янглиғ чаман ичра гул-и зебое йўқ,  
Ҳам қаро кўзларитак наргис-и раъное йўқ.

Нечаким боғу гулистон аросинда каздим,  
Қади зебосина танг сарв-и дилорое йўқ.

Сарв-и озодим эрур сояси бирла ҳамроҳ,  
Чун ўшул соядин ўзга анга ҳамтоие йўқ.

Гарчи парвоси анинг йўқ бу дилсўхтадин,  
Манга ул бор экан ўзга била парвое йўқ.

Кўрдум ул дона-йи холин юзининг устинда,  
Мулк-и Рум ичра анга ўхшаш каррое йўқ.

Бахр-и пургуҳар издар эсанг оламда,  
Пургуҳар чашма кўзум бики дарёе йўқ.

Ҳофизо, бўлғил анинг зулфи била савдойий,  
Савдолғ чунки мунигтак санга савдое йўқ.

526

Жафову жавр қилур ёру бир вафоси йўқ,  
Шифо-йи жондуру ман хастага давоси йўқ.

Вафо агар манга қилмади ёр турфа эмас,  
Азиз-и умр эруру умрнинг вафоси йўқ.

Балосидин ўшанинг шодмон бу сўз била ман  
Ки, ман бикин тақи оламда мубталоси йўқ.

Ҳаво-йи кўйиндин ўзгани издамас кўнглум,  
Чу мурғ-и жаннат эрур, ўзгага ҳавоси йўқ.

Хаданг-и ғамзаси кўнглумни ёра-ёра ёрур,  
Валекин халқ аро зоҳир анинг ёраси йўқ.

Боқаси ошиқ-и бечора ҳолина гаҳ-гаҳ  
Ким, ушбу ҳусннинг айёмининг бақоси йўқ.

Қияси ҳар нечаким боқсам ул жафочн санам,  
Жафову жаврининг анинг ҳадду қиёси йўқ.

Нечаки ишқи ўти ёқди, жонни ёқди манга,  
Чун андайни манга оламда хуш ёқаси йўқ.

Эшигининг итина дўст бўлса бу Ҳофиз,  
Ғариб кўрмагасиз, ўзга ошноси йўқ.

527

Ёре эрур ўшулким анга ҳеч ёр йўқ,  
Гулзор-и ҳусни ичра тақи зарра хор йўқ.

Оламда кўркли кўп эрур, илло кўрар эсам,  
Андоғ жаҳонда бир санам-и гулғузор йўқ.

Кўнглум кўзи қарар ўшул жон қарорини,  
Илло азиз умрга ҳаргиз қарор йўқ.

Ким кечса жонидин ўшанга эътибор бор,  
Сўз бирла ҳеч кимга эшигинда бор йўқ.

Оғзи анинг не қатра об-и ҳаёт эрур  
Ким, ҳеч баҳр онинг бики гавҳарнисор йўқ.

Ҳар неча хор эсам анга ман хок-и роҳдин,  
Ул раҳгузордин кўнглумда ғубор йўқ.

Зорий агар қилур эса Ҳофиз, ажаб эмас,  
Ким ул нигор элинда киши онча зор йўқ.

528

Кўрарман жон кўзи бирла анингтак кўркли жонон йўқ,  
Маним жонимға жавр эткучи андоғ ҳеч султон йўқ.

Азоқи тупроқин кўруб уялғаниндин ўш эмди,  
Бўлубдур халқ-и олам орасинда об-и ҳайвон йўқ.

Қила билман ўшул кофир қаро зулфи била савдо,  
Ким ойтак юзидин бошға кўрарман нур-и имон йўқ.

Агар парда жамолидин кетарса бир замон ул шаҳ,  
Жамолу ҳусни рашкидин бўлур хуршид-и тобон йўқ.

Нечаким жавр этар бўлса маним жонимға раҳм этмай,  
Севарман жону тан бирла бу сўзда зарра ёлгон йўқ.

Жаҳон баҳринда кўп каздим вале хуш шеърдин лойиқ,  
Ўшул султон қулоқинға кўрарман дурр-и ғалтон йўқ.

Казиб гул юзи ишқинда булбултак равон сайрар,  
Кўрарман ушбу даврон ичра Ҳофизтак ғазалхон йўқ.

Қадду юзунг таровати сарву суманда йўқ,  
Гавҳар тишинг латофати дурр-и Аданда йўқ.

Болтак лабингни сўрғали жон орзу била,  
Ширин лабинг ҳикоятини ўзга манда йўқ.

Тўтийни ман қачон тилинга нисбат этгаман,  
Бу сучи сўз чу тўтий-и шакаршиканда йўқ.

Зулфу юзунгни кўргали нолон эрур кўнгул,  
Алҳон-и ишқ-и гул қаю мург-и чаманда йўқ.

Меҳру вафо неча тиласанг манда бори бор,  
Жавру жафодин ўзгаси бир зарра санда йўқ.

Сансиз қарор қилмасаман, айб қилмаким,  
Орому сабр седин ўнгин жону танда йўқ.

Кўзунг била юзунг сифатини Ҳофиз айғали,  
Чин шеърни янгли туркий, Хитову Хўтанда йўқ.

Хирқани гарав қилғали майхонани изданг,  
Жам жоми бикни соғару наймонани изданг.

Эв йўлини барча янглибдурмиз ўш эмди,  
Раҳбини тилангизу раҳ-и хонани изданг.

Ул бутки қаму бутлар анга сажда қулурлар,  
Ул бутни талаб айлангу бутхонани изданг.

Вобаста-йи жонга назар айламади жонон,  
Жондин кечибон жон била жононани изданг.

Борди кўнгул ул турраси занжирини издай,  
Оқил эсангиз шифта-йи девонани изданг.

Барча анга чун ҳуш ила пайванд бўлубдур,  
Беҳуш бўлуб орада бегонани изданг.

Фарзин бисот ўлғон ўшул шоҳ қошинда,  
Бу тавр ила сиз Ҳофиз-и фарзонани изданг.

Мани ошифтаю мажнун қилур зулф-и паришонинг,  
Кўнгилни ҳам солур зиндонга ул чоҳ-и занахдонинг.

Улуклар жон топар доим зилол-и об-и ҳайвондин,  
Недин бе жон қилур мени зилол-и об-и ҳайвонинг.

Қаро зулфинг бяла Чин мушки қайда танг бўла билсун,  
Шикаст-и мушк-и Чин айлар чу зулф-и анбарафшонинг.

Гулистон бирла боғ ичра кула кириб юзунг очсаиғ,  
Солур ноз ичра турлу нор ул дам нор-и хандонинг.

Жамолинг гулистониндин қачон хушвақт бўлғайман,  
Жигарни гул бикин чун пора айлар хор-и мужгонинг.

Лаб-и лаълинг уза ул сабза-йн хаттингни кўргузсаиғ,  
Қилур ёқутни шарманда шаксиз хатт-и райшонинг.

Ажаб эрмас юзинг кўрган аро ҳайрону данг ўлсам,  
Чу юзингни кўруб Ҳофиз бўлубдур дангу ҳайронинг.

Қиё бсқини била олдинг кўнгулни мандин пок,  
Қаро қароқчи кўзунг кофире эрур бебок.

Кўнгулни олгучи бас шўху нозанинлар бор,  
Вале сенинг бики бир йўқ чусту ҳам чолок.

Мани шикор этиб ўлтурса нагон ҳам анда сол,  
Ки ҳайф бўлғай булганса<sup>1</sup> қонга ул фитрок.

Насим-и васлинг этар тоза гул бикин зинда,  
Бало-йн ҳажр қачон қилса ошиқингни ҳалок.

Кел, эй ҳабиб, маним дардима даво қилким,  
Фироқ заҳрани ичганга васл эрур тарёк.

Уёлмайин не чекар булбул эмди нола-йн зор.  
Ким, ўш муҳаббат ила қилди гул гирибон чок.

Гул-и вафо туғубон очилур мазоримдин,  
Қачонки бўлса бу Ҳофиз муҳаббатинг била хок.

<sup>1</sup> Қўлёзмада «тўлганса».

То равшан анинг юзина солдим назар-и пок,  
Кўрунмади бир лаҳза кўзумга маҳ-и афлок.

Нур-и юзи айлади кўзум нурини хийра,  
То хийра кўзум айламаса даъво-йи идрок.

Жаҳд айладиму бўлмади дилдор мусоҳиб,  
Ул пок эрур, қайда муносибдур анга хок.

Гар келса каноримга ўшул сарв-и равоним,  
Жон жуббасини гул бикини айлагай эдим чок.

Тарёк ўшансиз ичар эрсам бўлур ул захр,  
Заҳар ичсам элиндин бўлур ул захр чу тарёк.

Хок-и қадамим бўлғай эди шоҳ-и замона,  
Бошимга етишса эди ул банд ила фитрок.

Дилдорни гаҳ-гаҳ назаринда кўра билса,  
Бўлмағай эди Ҳофиз-и дилсўхта ғамнок.

Кетурғил эмди соқий бода-йи гулранг,  
Наво-йи най била чунки бор нола-йи чанг.

Нигор лутф қилиб келдию равон кечди,  
Чу умр эруру умр айламади ҳеч даранг.

Кушод топғай эди ғамнинг илгида кўнглум,  
Хаёл-и оғзи била бўлмаса жаҳон манга танг.

Қачонки ёд қилиб қаддини чакарман оҳ,  
Тикар бу жон-и хазинимга анда тийр-и хаданг,

Бу дуд-и оҳдин ул нозанин ҳазар қилсун,  
Чун оҳдин бўлур ойнанинг юзинда занг.

Фараҳ топарману завқу сафо бўлур ҳосил,  
Нигор ташласа ушбу балоли бошима санг.

Бошимни эшигидин Ҳофизо кетармас эдим,  
Эшиги итлари гар қилмаса маним била жанг.

Умртак кеткали қилиб оҳанг,  
Қилмади бир замон қошимда даранг.

Лолатак юзи рангини кўрсам,  
Кетар ушбу юзумдин ул дам ранг.

Холи бирла юзи бикин кўрклу,  
Кўрмадим олам ичра румию занг.

Ушбу оламким, эрур асри фароҳ,  
Оғзининг фикридин бўлур манга танг.

Шаккар анинг лабинга танг эрмас,  
Қанда танг бўлмоқ эрди шахду шаранг.

Гул-и садбаргдин келур хушроқ,  
Бошим учун нигор ташласа санг.

Нақд-и Мансур издасанг Ҳофиз,  
Ишқ дориндин эмди бўл ованг.

Фитна қилгучи қароқчи қаро кўз бошласа жанг,  
Кенг жаҳон оғзи бикин бўлур ўшул дам манга танг.

Оғзининг сиррини халқ орасида темасман,  
Чун масал бир турур халқ орасинда лабу санг.

Юзни қайтармағамаи ул қадду болосиндин,  
Ҳар замон келса маним юзума юз тийр-и хаданг.

Дам-бадам ой бикин юзи кўнглумга тушар,  
Чун кўрунмади ўшул ойнада гард ила занг.

Юзи бирла ўшанинг зулфи бикин кўрмадим,  
Неча ким кўрдум кўрклулар аро румию занг.

Жанг қилганда рақибларни енгар ошиқлар,  
Қайда танг бўлмоқ эди жангда рубоҳу паланг.

Ишқ элиндин қутула билмагасан, эй Ҳофиз,  
Чун бу баҳр ичра чакибдур сами ул ком-и наҳанг.

Бўлғали ошно-йи жон ишқинг,  
Еқиб ўртади хонумон ишқинг.

Ишқсиз йўқтурур манга жоне,  
Чун тан ичра эрур равон ишқинг.

Тикди қаддинг ниҳолини жонда,  
Алифе янгли боғбон ишқинг.

Хору хоро эрур жаҳон, лекин  
Жонгадур боғу гулистон ишқинг.

Не ажаб, ишқдин сафо топсам,  
Хорин қилди бўстон ишқинг.

Еткурур бу вужуд шаҳринга  
Дам-бадам корвон равон ишқинг.

Ҳофиз этмас баён-и ишқ, вале  
Ўз-ўзини қилур баён ишқинг.

То бўлубдур остонинг қибла-йи мулку малак,  
Шоҳ-и хубон сансану йўқдур бу сўзда ҳеч шак.

Сўрғали лаъл-и лабингни жон унутмади сани,  
Одамий эрмас ўшулким унутур ҳаққ-и намак.

Тутуб ул зулфунгни жон бердим лаб-и ширининга,  
Ушбу савдонинг ичинда суд қилдим як-баяк.

Не ажаб бўлғай санга жонимни исор айласам,  
Чун гадодин шоҳ-и оламға бўлур расми балак.

Кўргали қошингни гар кўз ичра боқсанг ногаҳон,  
Шаксиз ул ҳавз ичра кўрунғай равон шакл-и самак.

Мени йўл ичра солиб йўлдошсиз бординг, вале  
Бўлғасан дойим амонинг ичра оллоҳу маъак.

Сан малаксийрат ки, Ҳофиз бирла хуш борсанг эди,  
Бўлғай эрди беҳато ашъори тасбиҳ-и малак.



Бандадур юзунга моҳ-и афлок,  
Қадинга рост хилъат-и лавлок.

Ғорат эткучи мулки жонларни,  
Сан бикин кўрмадим бут-и чолок.

Кўзга илгил маники кўз тикмас  
Тею хўблар кўза айлар қошок.

Қанчуғангда елиб югурурман,  
То бошим бўлса баста-йи фитрок.

Гарчи хуноба бирла тар кўрунур,  
Ишқ йўлинда доманимдур пок.

Ҳар кишинингки жоня сан бўлсанг,  
Бўлмағай ул киши жаҳонда ҳалок.

Хоки пойни сурма қилгайлар,  
Бўлса Ҳофиз муҳаббатинг била хок.

Мани нгда тутар олма сақоқинг,  
Еқар жонимни ўтга нор-и янгоқинг.

Қароқига тушар кўз кўра жоним,  
Қароқчиликки бошлар кўз қароқинг.

Эшинингники мундоғ ястанибман,  
Бошимга оқибат етгай адоқинг.

Борурсан ҳар тарафга шоду хандон,  
Недин тушмас бу ёнга иттифоқинг.

Юзингни ўртар эрсанг ман ҳазиндин,  
Ҳамон дам жонни ўртар иштиёқинг.

Шароб-и нобтак қонимга қоняб,  
Бўлур уннотак ширин тудоқинг.

Висолингни тилаб Ҳофиз чакар жон,  
Қачонга тегру бўлгайса фироқинг.

Жаҳонни тутди, эй дилбар, жамолинг,  
Жамолинга кўрадур ҳам жалолинг.

Ҳамиша ошиқ учун равшан ўлғай,  
Жаҳоннинг ичра меҳр-и безаволинг.

Қошнинг нун эрур, оғзинг мим янглиғ,  
Сар-и зулфунг чу долу нуқта холинг.

Белинг фикрида бўлдум ман хаёлий,  
Тақи не қилғуси нозук хаёлинг.

Юз олинг бирла жонларни олурсан,  
Мунингтакким кўрунур юзда олинг.

Закот-и ҳуснингиздин лутф айлаб,  
Беринг бир бўса, мискин кўнглин олинг.

Кетурди сўзга жоннинг тўтийсини,  
Бу Ҳофиз янглиғ ул шакар мақолинг.

Хумор дафъини қилғали майл-и жом айланг,  
Шароб ёдини жон бирла сиз мудом айланг.

Шароб-и соф сафосини сиз тилар эсангиз,  
Шароб-и мажлисини сиз ала-д-давом айланг.

Агар тилар эсангиз чиқса ишқ ила номе,  
Бу ишқ йўлида сиз тарк-и нангу ном айланг.

Гадо-йи пир-и муғон айланг ўзунгизни тақи,  
Шаҳ-и замонани ихлос ила ғулом айланг.

Мақому мазаллат-и ишқ издар эрсангиз,  
Мудом кўй-и харобатда мақом айланг.

Ҳалол бода-йи завқу тарабини нўш қилиб,  
Неким ғаминдин ўнгин бор бори ҳаром айланг.

Юзини ёд қилиб жон била бу Ҳофизтак,  
Бир ойда боре бир шеърни тамом айланг.

Ишқи йўлида ошиқ-и ҳақбин бўла кўргил,  
Қон ёш ила лола бики рангин бўла кўргил.

Хок-и қадами ёр бўлуб ишқ йўлинда,  
Олам ичида тож-и сар-и салотин бўла кўргил.

Муншай-и азал хомасидин хат тилар эрсанг,  
Сардафтар-и авроқ-и раёҳин бўла кўргил.

Ул шоҳ бисотинда пиёда неча бўлдунг,  
Ҳиммат отини сургилу фарзин бўла кўргил.

Гар тўтсийсифат қанду шакар толиби бўлсанг,  
Шакар лабини қилгилу ширин бўла кўргил.

Омин-и малойик сенга дамсоз кўрунса,  
Қилганда дуо ҳосил-и омин бўла кўргил.

Худбинлик агарчи хуш эмас ишқда, Ҳофиз,  
Кечгил ўз ўзунгдин тақи худбин бўла кўргил.

Бу хок-и танингдин кечибон жон бўла кўргил,  
Жонни кўза илмагилу жонон бўла кўргил.

Бу фақру фано баҳрида кечиб ўз-ўзунгдин,  
Қул бики тирилгил, тақи султон бўла кўргил.

Ганж-и ғам ишқини кўнгул кувжида сақлаб,  
Зоҳир кўзи қошинда чу вайрон бўла кўргил.

Толиб ўшанинг дардина жонинг била бўлуб,  
Мажмуъ кўнгул дардина дармон бўла кўргил.

Юз қадғуву ҳасрат сенга юз келтурур эрса,  
Қадғурмагилу завқ ила шодон бўла кўргил.

Ушбу чаман ичра санга гар хор-и жафолар  
Тикса, очилиб гул бики хандон бўла кўргил.

Дамни тутадур чарх-и жафопеша валекин,  
Ҳофиз бикин эй мурғ-и хушалхон бўла кўргил.

Дилбар санга ёр эрур, сан ёр бўла кўргил,  
Ғафлат била маст ўлма, ҳушёр бўла кўргил.

Ул Исо-йи жон санди шарбатни аямас, лек  
Сан дард қилиб ҳосил, бемор бўла кўргил.

Бу хор-и вужудингни ишқи ўтина ўртаб,  
Ориф назаринда сан гулзор бўла кўргил.

Гар баҳр-и ҳақиқатни кўрмак тилаюр бўлсанг,  
Кўз чашмасидин доим дурбор бўла кўргил.

Бедорлара жонон дийдорини кўргузур,  
Дийдор талаб қилсанг, бедор бўла кўргил.

Безор сани кулли қилмас экан ўзингдин,  
Уш ҳоле сафо бирла безор бўла кўргил.

Ҳофиз тилаюр бўлсанг ҳақни бу замон зоҳир,  
Мансурсифат бўлуб бар дор бўла кўргил.

Булбул-и ишқ эсанг боғу гулистон тилагил,  
Ул гулистоннинг аро бир гул-и хандон тилагил.

Нозу неъмат била парварда неча қилдинг тан,  
Танни бир йўла назардин солибон, жон тилагил.

Жон табибидин агар дарду дармон тиласанг,  
Ишқ бирла хуш ўлуб, дардина дармон тилагил.

Очилайим теса экан боғ-и маоний ичра,  
Ҳар нафас гунча сифат чок-и гирибон тилагил.

Сўз ўшул ёр огзидин чу эшитмак тиласанг,  
Ошкор айламагил сирнию пинҳон тилагил.

Обруй издар эсанг ишқу муҳаббат йўлида  
Икки кўзининг садафиндин дурр-и галтон тилагил.

Жумлан душвор аё Ҳофиз ўзунг эрурсан,  
Кечгил ўзингдину борин хушу осон тилагил.

Булбул-и ишқ бўлуб баргу навое тилагил,  
Тангдил бўлмагилу баргу навое тилагил.

Ғусса бирла не тутарсан ўз-ўзунгни ғунча,  
Гулистон ичра фараҳбахш ҳавое тилагил.

Кўнгул ойинасини пок тутуб гайриндин,  
Юзининг партавидин нуру сафое тилагил.

Дард-и жонсўз бирла бир йўли ўзингни ёқиб,  
Марҳаме издагилу анда давое тилагил.

Кунж-и фақр ичра қачон ганже муроде топсанг,  
Тегмасун кўз тею ўзунга дуое тилагил.

Кон-и лутфу карам ул ёрни чунким билдинг,  
Сигиниб лутфина жон бирла атое тилагил.

Бушмагай Ҳофиз анинг ишқинда фоний бўлсанг,  
Дойимо ҳақдин анга умру бақое тилагил.

Булбул-и вақт эрсанг боғу гулистон сўргил,  
Қафас-и тани солиб, жон била жонон сўргил.

Тийра тупроқ бекни ўлмагилу қолмагил,  
Мурғ-и жон янгли учиб, равза-йи ризвон сўргил.

Ҳарам-и Каъбага эвда ўтуруб етмассан,  
Чўлга жон бирла кириб, роҳ-и биёбон сўргил.

Неча эй сифла гадо, дарбадару кўй-бақў,  
Бўлгасан эмди келиб, ҳазрат-и султон сўргил.

Лаб-и ширин тилаю жон била Фарҳод бекни  
Тоғни пора қилиб, лаъл-и Бадахшон сўргил.

Дардсиз бўлмади дардинга анинг ҳеч даво,  
Дардини ҳосил этиб, дард ила дармон сўргил.

Ҳофизо, гар Хизр-и вақт бўлайим тесанг,  
Толиб-и ҳол бўлуб чашма-йи ҳайвон сўргил.

На узбекском языке

**ХАФИЗ ХОРЕЗМИ**

**ДИВАН**

в 2 книгах

**КНИГА I**

ИЗДАТЕЛЬСТВО ЦК КП УЗБЕКИСТАНА  
ТАШКЕНТ — 1981

Нашриёт муҳаррири Т. Абдуллаев  
Рассом В. Г. Ганюшкин  
Фронтисписадаги портретни рассом В. И. Рейхет ишлаган.  
Техредактор Г. Г. Ломиворотова  
Корректор У. Мадаминова

Теришга берилди 13.11.80. Босишга рухсат этилди 30.07.81. Формат  
84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Қозғоз № 1. Гарнитура новая газетная. Юқори босма.  
Шартли босма листи 15,96+5 вкл. Нашриёти ҳисоб листи 12,48.  
Тиражи 60000. Заказ № 4535. Баҳоси 1 с. 30 т.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил  
Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси,  
26-уй.

